

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Кавсар Турдиева
Шухрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Фармон ТОШЕВ



*ЯХШИЛАРНИ ҚИЛ ҲАБИЪУ,
АМЛА ЁМОНДИН ХАЛОС*

Ишқ мани беихтиёр ишқивор этди, нетай,
Бедаво бир дардгаму ё дучор этди, нетай.

Тунда ойнинг жилвасидан хаёлим беадад,
Кундузи офтоб зиёсини шарор этди, нетай.

НАСР

Собир ЎНАР

ҲАЗАН АМАКИМНИ ЯИЛАСАМ...



Қайтган чоғидан бошлаб онасининг елкасида ҳам,
отасининг елкасида ҳам ўзини кўрадиган бўлди. Бу-
нинг нима эканини тушунмади. Аксига олиб, уларнинг
устидан тушай деса ҳам туша олмасди.

Жумадан бошқа кунлари ҳам масжидга қатнади. Бир
куни пешинга чиққанида ҳамманинг елкасида мол ва
одамлар ўтириб олганини аниқ ва тиниқ кўрди. Уялга-
нидан масжид ҳовлисига чиқиб, кесилган дарахт кунда-
ларидан ортмоқлаб елкасига боғлаб олди. Чунки ўзидан
бошқа ҳамманинг юки бор эди. Намоздан кейин имом
унинг ёнига келиб, бу иши яхши эмаслиги, бошқаларни
ибодатдан чалғитганини уқтирди.

НАЗМ

Жумагул СУВОНОВА

ДИЛ ҚУЁШИГА ОШИҚ, КУНДУЗГА ОШИНО



Қайси бир дарахтга санолар битдим,
Қайси бир тоғларни юрдим кўтариб.
Шу замин ишқини муборак этдим,
Шу замин меҳрини келдим ахтариб.
Қайси бир юракда оловлар ёқиб,
Қайси бир кўнгилни эта олдим шод.
Қайси бир юракка кириб, дод солиб,
Қайси бир дунёда, яшадим озод!

Дилором САЛОҲИЙ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

БИР МАҚНАЪ ПАФСИЛЮНИ

Улуғ шоирнинг худди шундай марҳамати Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога ҳам насиб этади. Бу ҳақда “Бобурнома”да унинг ўзи ёзади: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”. Ўша “тафриқа ва ғавғо”да Бобур Мирзога етиб келмаган Ҳазрат Мир ғазалларидан бири шу ғазал эмасмикин?



Шарифжон АҲМАД

НАСР

САРСОН ИЗЛАРДИ ҲИНИ-ҲИ

Кўзи тушди-ю, юраги ҳаприкиб ура бошлади, илло соҳибжамол бу қизга сокин юрак билан боқиш асло мумкин эмасди. Оёқларидан мадор кетиб, кўз олди қоронгилашаётганини сизди, у қизга яхшироқ разм солиш, ўртадаги масофани лоақал бирмунча бўлсин аритиш, унинг бутун нафис қиёфасидан таралаётган сезилмас тўлқинларни хис этиб ва ниҳоят унинг меҳварида айланмоқ учун ўша томон юрди. Қизнинг гўзаллигига тоқат қилиб бўлмас эди. Қаршисида мангу аримас, ақл бовар қилмас бошқа оламлардан ташриф буюрган хилқат тургандек бутун вужуди кўзга айланди.



Аброр ҒУЛОМОВ

АДАБИЁТ ВА ШАХС

*"ҲИКОЯ" ҲАҚИДА
ЗАМОНАВИЙ РЕКЛАМА*

Таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳамма асарлари билан танишиб чиқанман десам муболаға бўлади, аксарият ҳикояларини ўқиганман. Кичик тўплам ҳолида ва матбуотда алоҳида-алоҳида чоп этилган митти асарлари билан танишганман. Адиб жуда серқирра бадиий жанрнинг барчасида ўзини моҳирона синаб кўрган. Мен бугун Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳикоя”си ҳақида сўз юритмоқчиман. Аслида, устознинг асарлари “реклама”га муҳтож эмас, аммо мен негадир уни тарғиб-ташвиқ қилгим келди.





**Маъруф
ЖАЛИЛ**

Бир манзилга элтар йўлларнинг бари

Соғинч

Айланомай нимадир сўзга,
Эшитилар мазмундор саси.
Эгатлардан уфурар юзга
Иссиқ-иссиқ соғинч нафаси.

Томоғимга тиқилар недир,
Кўзларимда айланади ёш.
Шохи билан оҳиста елпир,
Кўчаларда толлар эгиб бош.

Хиёбонлар соғинч уфурар,
Ариқларда жилдирар соғинч.
Юрагимда соғинч ўкирар,
Мезон бўлиб ҳилпирар соғинч.

Мен бир орзу ортидан қувиб,
Кетган эдим бу ердан олис.
Энди ушбу далаларда мен
Соғинчимни кўраман ёлғиз.

Маъруф ЖАЛИЛ — (1936–2004). “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Мен сизни севардим”, “Раҳмат, одамлар”, “Сени ўйлаб”, “Нотаниш йўллар”, “Қўшиқ иштиёқи”, “Мен сув ичган дарёлар”, “Паризодим”, “Дарёни излар шамол”, “Бахтимга сен борсан” каби шеърий китоблари, “Бунёдкор қалб”, “Орол мадад сўрайди” очерк ва публицистик мақолалар тўпламлари чоп этилган.

Эсимга тушар

Эсимга тушар баъзан
Оқдарёнинг бўйлари,
Юлғун, ёввойи жийда
Ўсиб ётган ўтлоқлар.
Еру осмонни тутган
Кўк қушларнинг куйлари,
Сафар лўли кемаси
Тошқинда оққан чоқлар.

Гулдор кўйлак, иштонли
Болалигим қайдасан?
Қайдасиз гоҳи судраб,
Гоҳи учирган йиллар?
Юлғун, ёввойи жийда,
Ўтлоқ қаерга кетган?
Қани у тошқин дарё,
Қани сўлим соҳиллар?

Хайрият, хотира бор,
Ёшликда кўрганларинг,
Қалбинг хазинасини
Нурга тўлдириб турар.
Хайрият, хотира бор,
Ёшликда кўрганларинг,
Озор бериб бўлса ҳам
Бағрингда бирга юрар.

Ўспирин юрагингда
Соҳир бир ҳис уйғониб,
Не-не умид гуллари
Яшнаб кўнгил боғингда,
Тинимсиз айтар эдинг,
Такрор қилардинг ёниб,
Бошқа қўшиқ йўқ гўё:
“Энг гуллаган ёшлик чоғимдан”.

Чинорлар

Кўз тегмасин деган каби
Тақиб яшил туморлар.
Пайшанбанинг ўртасида
Турар мағрур чинорлар.

Кетар бўлсам отам янлиғ
Йўл бошида кузатиб,
Тўлиб-тошиб шивирлайди
Шохларини узатиб.

Олисларда умид бўлиб,
Кирар доим тушимга.
Доим уни нишон қилиб,
Мен қатнайман ишимга.

Менинг тутқин хаёлларим
Кенгликларга талпинса,
Ё қаноат гўшасида
Талпинишдан сал тинса.

Шу чинорлар эсга солар,
Матонатли элимни.
Шу чинорлар эсга солар,
Эсдан чиқмас тилимни.

Уфқлар кенгаяр

Уфқлар кенгаяр йўл ошган сари,
Теранроқ кўради оламни кўзлар.
Бир манзилга элтар йўлларнинг бари,
Умр йўлларида сўнар юлдузлар.

Беруний, Улуғбек юлдузи каби,
Порлоқ излар қолар элнинг қалбида.
Майхўр бўлса ҳамки, Хайём лақаби,
Хушдурур бефаҳм хушёр олдида.

Юлдузлар йўлларда сочилиб ётмас,
Юлдузлар орзуси яшар безавол.
Пушаймон тошлари оёққа ботмас,
Йўлларда адолат изласа хаёл.

Ҳар ким йўл очади ўз тақдирига,
Ҳар ким ўз бахтини излайди ёлғиз.
Умид ранг беради йўл тасвирига,
Нур ва соя бўлар кеча ва кундуз.

Рамзий довон ошиб, хаёл доимо,
Ҳамон йўл юради, излар зиёни.
Одамлар ҳаётга беради баҳо,
Йўллар занжирига ўраб дунёни.

Тилингда ишончу

Тилингда ишончу дилингда шубҳа
Юзингда табассум, ичингда алам.
Гапимни тугатай, оғзимга урма,
Битта сен эмассан, бу тахлит одам.

Бир манзилга элтар йўлларнинг бари

Нега тилинг қисик, ҳолинг паришон,
Биламан соянинг сабабкори бор.
Ҳақ бўлсанг, нимадан қиласан гумон,
Даф қилмоқ ўрнига чекасан озор?

Қўпориб бўлмайди тоғни қўл билан,
Кўзёш билан тошни эритиб бўлмас.
Чумоли тенг эмас, ахир, фил билан,
Нолиш билан ғамни аритиб бўлмас.

Ноҳақлик олдида довдирабсан кўп,
Хазон бўлай дебди, ироданг боғи.
Содиқ дўстинг борми, ҳузурига чоп,
Ундан ёқиб олгин умид чироғин.

Ҳайрон

Чорраҳада турибман ҳайрон,
Бошим қотиб, хаёлга ботиб.
Юрак тўла армон, пушаймон:
Гоҳ осмонга, гоҳ ерга боқиб.

Чорраҳада турибман ҳайрон,
Қайси йўлдан юришни билмай.
Гўё кутиб мўъжиза имкон,
Иккиланиб, таваккал қилмай.

Чорраҳада турибман ҳайрон,
Ошиб ярим умр довонин.
Ким айтади: топмоқлик осон,
Топилмаган йўлнинг давомин.

Шу чокқача тополмадингми:
Аниқ манзил, аниқ йўлингни.
Энди уни топмоғинг мушкул,
Ким тутарди энди қўлингни.

Ўтган йиллар, ўтди ғафлатда,
Энди улар қўлингдан тутмас.
Чорраҳада боқиб ҳайратда
Бош қашийсан, умр эса кутмас.

Чорраҳада турибсан ҳайрон,
Юрагингда пушаймон, афсус.
Атрофингда бепарво замон,
Сен толеи қулмаган ёлғиз.

Дарё

Лойқа сувли дарё оқар
Чайқалиб беғам,
Менинг яхлит ҳаётимни
Иккига бўлиб.
У қирғоқдан эшитилар
Таниш бир оҳанг,
Аммо, унинг мазмунини
Бўлмағай билиб.

Ўша оҳанг ором бериб
Қулоқларимга,
Юрагимга кўяр аста
Армон доғини.
Йўллар эса бош уради
Оёқларимга,
Эсга солиб ҳаётимнинг
Яхлит чоғини.

Йўлда

Бекор йўлга чиқмайди одам,
Дайдиб юрмас бекордан-бекор.
Ё бошимга тушган бирор ғам,
Ё кўнглимда бир қувончи бор.

Мен ҳам йўлда юрибман шошиб,
Кўринсамда кўнгли хотиржам.
Нотинч-нотинч манзиллар ошиб,
Эл дардига бўлай деб малҳам.

Кўп номидан сўз айтиб балки,
Яширарсан кирдикорингни?
Балки, ҳасад ё амал дарди
Олиб қўйган ихтиёрингни?

Кўргандирсан балки баъзилар
Шу йўл билан шуҳрат топганин?
Ундай бўлса, қўя қол жигар,
Излаганим бўлар чопганинг.

Ўзимга не кўрмасам раво,
Элга уни раво кўрмасман.
Ўз дардимга топмасдан даво,
Эл дардини ўйлаб юрмасман.

Элнинг ақли мендан кам эмас,
Ўзи билан нима керагин.
Шу тупроқда оламан нафас,
Тинглаб йўлда унинг юрагин.

"Икки дунёда ҳам битта Самарқанд"



Эркинжон
ТУРДИМОВ

Бундан ўттиз йил аввал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Хосият Бобомуродова шундай ёзган экан:

*Жаннат кўкартгани камдай тупроги,
Кўксига мукаррам бошларни олган.
Жонин берсалар ҳам ўзга юртларда,
Шоҳларнинг жасади шунда қўмилган.*

*Хизр назар солган, дуо кетган юрт,
Қўшиққа айланур ҳар азоб, ҳар гард.
Шу юрт деб яшасанг, ўлсанг арзийди,
Икки дунёда ҳам битта Самарқанд!*

Очиғи, гарчи шу замин фарзанди бўлсам-да, аввалига бу таърифу тавсифлардан анъанавий шоирона услуб намунаси сифатида таъсирланганман. Самарқанд вилояти ҳокими сифатида иш бошлагач эса бу кўҳна кент улуглигини янада чуқур англай бошладим. Айниқса, Зарафшон воҳаси, Мовароуннаҳр тарихини ўрганиш чоғида Самарқанднинг фақат ўзига хос, кўплардан яширин сир-синоати, асрлар давомида шаклланиб, бугунгача сақланиб қолган халқ анъана ва қадриятларида ўзим тасаввур қилгандан ҳам кўра кўпроқ маънолар борлиги гувоҳи бўлдим.

Тарихдан маълумки, дунё фотиҳи Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский)нинг бу гўзал воҳага келиб, “Самарқанд (у “Семизкент” деб атаган) мен тасаввур қилгандан каттароқ, гўзалроқ ва бойроқ маскан экан”, деб эътироф қилгани ва Самарқанд амирининг қизи Рухшонага ошиқ бўлгани, ёхуд X асрда Абу Тоҳирхўжанинг “Агар илм истасанг, Макка-ю Мадинага бор, агар бойлик истасанг, Ҳиндистонга йўл тут, мабодо иккаласини ҳам истасанг, Самарқандда

Эркинжон ТУРДИМОВ – Самарқанд вилояти ҳокими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. 1969 йилда туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТДИУ) тамомлаган.

қол” деган ажиб ҳикмати Самарқанд ўша вақтларданок Ер юзининг сайқали таърифига сазовор бўлган кент бўлганлигидан далолат беради.

Бу буюк тамаддунлар бешигига нисбатан халқаро ҳурматни 2019 йил майда Пекинда бўлиб ўтган Осиё цивилизациялараро мулоқотига оид конференцияда Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпиннинг “Дунёнинг кўп шаҳарларида бўлганман, лекин мени энг ҳайратга солгани Самарқанд бўлди”, деган эътирофидан ҳам англаш мумкин.

Кўриб турганингиздек, инсоният тараққиёти тарихининг энг қадим даврларидан буён бу шаҳарга дунёнинг турли бурчакларидан илм-маърифат истагида бўлганлар интилиб келган ва бу бежиз эмас, албатта.

Самарқанд буюк темурийлар салтанати томонидан амалга оширилган тарихий Иккинчи Ренессанс даврининг марказий ўчоқларидан бири саналган. Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари олимлар, Саққокий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби кўплаб мумтоз шоир ва мутафаккирларнинг сиёсий, илмий, адабий ва ижтимоий фаолияти ҳам айнан ана шу улуғ шаҳар билан боғлиқ. Халқимиз номини дунёга танитган бу алломаларнинг тарихи, таърифу тавсифларини эшитганимда ҳар гал томирларимда ўзгача ғурур, фахр туйғулари жўш уради. Улар бошлаб берган анъаналарнинг Ўзбекистон Учинчи Ренессансга қадам қўйган бугунги кунда ҳам бардавомлиги кўнглимизда юрт келажаги ишончли қўлларда эканлигидан мамнунлик ҳисларини уйғотади. Буюк ўтмишимиздан фахр, бугунги кунимиздан розилик, эртанги кунимизга ишонч бағишлайди.

Чунки Самарқанднинг ҳар бир қарич ери шонли ўтмишимизга гувоҳ. Таниқли манбашунос Комилхон Каттаев билан олиб борган ўзаро ҳамкорлигимиз давомида Мовароуннаҳр ҳудудида яшаган ва фаолият кўрсатган яна ўнлаб алломалар ҳақидаги маълумотлардан бохабар бўлдик. Натижада “Махдуми Аъзамийлар шахсий кутубхонасидаги қадимий нодир қўлёзма ҳужжатлар каталог”и нашр этилди. Ахир ўйлаб кўринг, бутун дунё бўйича Ислом динида Аъзам даражасига эришган уч нафар аллома: Имоми Аъзам, Ғавсул Аъзам, Махдуми Аъзам бўлса, бу буюк авлиёлардан бири Ғавсул Аъзамнинг қабри айнан Даҳбед қишлоғида, рамзий қабри Ургутнинг Ғўс қишлоғи эканлиги бугун дунёга маълум. Соҳибқирон Амир Темури саъй-ҳаракати билан Самарқандга кўчириб келтирилган Дониёр пайғамбар қабри ҳам бугун Афросиёб қалъаси ёнидан дунё аҳлига маънавият нуруни таратиб турибди.

Фақат бугина эмас, Буюк Ипак Йўли чорраҳасида жойлашган шаҳримизда асрлар мобайнида бутун дунё маданиятлари, маънавиятлари бир-бирига дуч келган, бир-биридан таъсирланган. Муҳими, Самарқанд барчасига гувоҳ бўлган.

Қолаверса, Ўзбекистонда қадим бахшичилик санъати асосини яратган, дoston жанрини юксак мартабага кўтарган тўртта оқин ҳам айнан шу замин фарзандларидир. Уларнинг оқсоқоли, муаллими Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли ҳамқишлоғим эканлиги билан эса фахрланаман.

Бугун оқин Эргаш Жуманбулбулнинг Кўрғон қишлоғидаги ёдгорлиги ва уй-музеи таъмирдан кейин гўзал қошага айланди. Вилоятимизда бахшичилик мактаби тикланыпти. Шунингдек, Фозил Йўлдош ўғли уй-музеи ҳам қайта қурилди ва бу табаррук оқин номи билан сайлгоҳ барпо этиляпти. Фозил Йўлдош юбилеи муносабати билан бахшилар танлови ўтказилади, икки жилдлик китоби чоп этиляпти. Насиб этса, Ислом шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир Шомурот ўғли уй-музейларида ҳам ана шундай хайрли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Дунё шеърини тарихида ўчмас из қолдирган шеърят султони Алишер

Навоийнинг айнан Самарқандда, аллома Фазлулло Абулайс Самарқандий қўлида икки йил таҳсил олгани ҳам бу қадимий кентнинг ўша даврда илм-фан маркази бўлганлигига гувоҳлик беради. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг улуғ устоз-шогирдлиги каби форс-тожик адабиёти асосчиларидан бири Абу Абдулло Рудакий, буюк тарихчимиз Абдураззоқ Самарқандий хусусида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Шу боис ҳозир шаҳардаги энг катта – темирйўл вокзали билан Сиёб бозорини боғловчи йўл Рудакий номи билан аталади ва кўча бошида аллома номи билан аталган майдонда шоирнинг бўйи барабар хайкали ўрнатилган.

Шунингдек, Самарқандда жадидлар сардори, миллат маърифати учун фидойи бўлган Махмудхўжа Бехбудий, Саидризо Ализода, Ҳожи Мўйин уй-музейлари ишлаб турибди. Илм-фанда ўзига хос мактаб яратган академиклар Воҳид Абдулло, Ботурхон Валихўжаев, Тошпўлат Ширинқуловлар хонадонига бориб, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлар уюштирилмоқда. Демокриманки, жамоатчилик билан бирга таниқли зиёлиларни кадрлаш орқали ёшларга илм олишга рағбат уйғотишга ҳаракат қиляпмиз.

Шу ўринда бир ҳақиқатни таъкидламоқ лозим. Бугунги кунда юртимизда аждоқларимиз фаолияти ва меросини ўрганишга бўлган кизиқиш сезиларли даражада кучайди. Давлатимиз раҳбари сазй-ҳаракати билан тарихимизнинг етарли ёритилмаган саҳифаларига ойдинлик киритилмоқда. Биз фақат Регистондаги Шердор ва Тиллакори мажмуалари ижодкори деб билган Баҳодир Ялангтўш бобомизнинг моҳир саркарда бўлганлиги, шаҳарнинг ободончилиги йўлидаги хизматлари учун халқ орасида “эл отаси” деб улуғлангани тўғрисида янги маълумотларга эга бўлдик. Шу боис Амир Темурдан кейин ўзбек номини дунёга танитган бу буюк аждоқимизни халққа танитиш бўйича сазй-ҳаракатлар бошланди. Олчин уруғидан бўлган ва Самарқанд ҳудудларида қарийб қирқ йил амирлик қилган Баҳодир Ялангтўш ҳақида тайлоқлик Саломат Маматқулова тарихий роман, журналист ва шоир Фармон Тошев драма ёзди. Мазкур драма вилоят театрида саҳналаштирилди ҳам. Эндиликда эса шу драма асосида Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳомийлигида таниқли режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов томонидан бадиий фильм суратга олинмоқда. Бундан ташқари, Регистон майдони бағрида кўним топган аждоқларимиз Шайбонийхон ва Ялангтўшдан кейин шаҳарни тиклашда фаолият кўрсатган Амир Шохмурод каби боболаримиз борки, улар ҳам тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан ўрин олган.

Энг қадим даврлардан буён илм-маърифат маркази бўлган Самарқанд бугунги кунда ҳам мамлакатимизнинг жаҳон андозаларига мослашган илм-фан, таълим соҳасидаги ислохотларида ҳам илғор. Вилоятда ўн бешга яқин олий ўқув юрти фаолият юритмоқда. Шу билан бирга талабаларимиз жаҳоннинг энг етакчи олий ўқув юртларида ҳам таҳсил олмоқда. Илмга интилувчи ёшлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Коллеж, лицей ва мономарказлар ҳисобидан эндиликда ҳар бир битирувчи учун касб эгаллаш ва ўқишни давом эттириш имконияти янада кенгайган. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “Беш ташаббус” дастури иқтидорли ёшлар билан ишлашда жуда қўл келяпти. Масалан, “Беш муҳим ташаббус олимпиадаси” тадбирлари доирасида ўтказилган “Ёш китобхон оила” танловида 1-ўринни Нарпай тумани Янги ариқ маҳалласида яшовчи Дилруҳ ва Сухроб Омонкуловлар оиласи эгаллаган бўлса, “Мушоира” танлови вилоят босқичида 14–19 ёшлилар ўртасида Каттақўрғон туманида яшовчи Гулноза Юсупова, 20–25 ёш тоифасида булунғурлик Санжар Тошбеков,

26–30 ёшдаги иштирокчилар орасида қўшработлик Ислом Бобокулов каби ёшлар ғолибликни қўлга киритди. Энди улар танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини ҳимоя қилади.

Вилоятимиз талабаларининг хориждаги етакчи олий ўқув юртларига таклиф қилинаётгани, халқаро олимпиадалар ғолиблари орасида ҳам самарқандлик ёшлар салмоқли ўрин эгаллаётгани, илм даргоҳларида ёш тадқиқотчиларнинг биотехнология, нанотехнология ва сунъий интеллект яратиш борасида қўлга киритаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “Беш ташаббус” дастурининг иқтидорли ёшлар билан ишлашда нақадар қўл келаётганлигидан далолат беради.

Менга доим таскин ва ғурур бердиган яна бир ҳолат борки, бу вилоятимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари лойиҳаларини ўзимизнинг архитекторлар яратаётгани билан боғлиқдир. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтидаги янги лойиҳалар тақдиротида доим ўзим ҳам иштирок этганим учун мазкур қурилишларда қўлланадиган хом-ашё ва материалларнинг ҳам катта қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётганини алоҳида қайд этишим лозим. Эндиликда биз хорижлик сайёҳларга Самарқанд қоғоз цехи ва ҳунармандлар растасини кўрсатиш баробарида уларни ана шу объектларга ҳам олиб бораёмиз.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Буюк Ипак Йўли” туристик маркази барпо этилиши, унинг очилишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши вилоят ижтимоий ҳаётидаги энг катта воқеалардан бири бўлди. Мазкур туристик марказ ҳудудида “Боқий шаҳар мажмуаси” яратилди. Унда қиркта ҳунармандлар устахонасида кулол, ёғоч ўймакор, мармар ўймакор, кошинкор, новвой ва бошқа қадим ҳунар эгалари жойлашади ва ўз маҳоратини намойиш қилади. Мажмуани барпо этиш ишларида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан энг сара усталар, нақшинкорлар, ганжкорлар меҳнат қилишди. Бу ердаги нафақат Самарқанд шаҳри, балки бошқа тарихий шаҳарлар обидаларининг ихчамлаштирилган шакли уларнинг қўҳна, асл ҳолатидан қолишмайди. Қурилиш жараёнида юзлаб устозодалар ўз устозларидан касб сирлари, маҳорат даражасини ўрганишди. Бу эса ёшларни унутилаёзган касбларга ўргатиш, устоз-шогирд анъаналарини янада ривожлантириш имконини берди.

Яна бир йирик маърифий мажмуамиз – бу Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасидир. Албатта, унинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган янги лойиҳасидаги ишлар жараёни билан кўпчилик таниш. Насиб этса Хартанг қишлоғи Ислом дини, Шарқ маданияти ва маърифатининг жуда катта ўчоғига айланади. Бу ерда динимиз тарихи, моҳияти, миллий кадриятлар салоҳиятини ўрганувчи, ўлкамиз, динимиз тарихига оид хориж кутубхоналарида мавжуд бўлган қўлёзмаларни ўзбекчалаштириш ва оммага етказиш ишлари олиб борилмоқда. Зеро, бундай савобли ишга дунёнинг энг нуфузли Ислом тарихчилари бош қўшаётгани бизни қувонтиради.

Яқинда гўзал шаҳримиз Самарқанд яна бир тарихий воқеа гувоҳи бўлди. 2022 йил 16 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммити ўтказилди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислом Республикаси

Бош вазири Шахбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этган ушбу саммит доирасида қирқдан зиёд концептуал ҳужжатлар имзолангани алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Айтиш жоиз, Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида 2001 йилнинг 15 июнида Шанхай шаҳрида ташкил этилган ШХТ бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган. Мазкур ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифаси давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Шу сабабли Самарқанд шаҳрида илк бор бундай кенг қўламдаги, миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутган йирик халқаро тадбирнинг муваффақиятли ўтказилгани, шубҳасиз, бутун вилоятимиз аҳлига чексиз фахр ва ифтихор бағишлади.

Айни пайтда Самарқанд шаҳри тўлиқ янгиланган инфратузилмага эга кўркем шаҳар сифатида ҳам барчанинг эътибор марказида. Ўтган қисқа муддат давомида бу шаҳарда бир қанча янги йўл ва кўприklar, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг Рудакий, Ибн Сино, Бўстонсарой, Афросиёб, Шоҳи Зинда, Садриддин Айний, Регистон, Панжикент, Фирдавсий, Даҳбед, Уста Умар Жўрақулов каби ўндан ортиқ кўчалари тўлиқ реконструкция қилинди. Улар атрофидаги турар-жой ва бошқа объектлар ҳам миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида янгидан бунёд этилди. Мазкур ўзгаришларнинг барчаси Самарқанд шаҳри ва вилоятимиз туристик салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Баъзан ишдан кейин оилам ва яқин ҳамфикрларим билан шаҳар ва унинг атрофидаги гўшаларни айланаман ва кундан-кунга ҳавасимни тортаётган кўп қаватли замонавий иншоотлар, файзли боғлар, гўзал хиёбонларга қараб қалбим ғурурга тўлади. Худди ана шу жойларда мен каби юзлаб, минглаб фуқароларнинг биргаликда сайр қилишлари, суҳбат қуришлари менга вилоятдошларимнинг ўзлари яратаётган гўзалликдан, латофатдан завқу шавқ олаётганини билдириб туради. Ахир айтинг-чи, ҳар қандай раҳбар учун ҳам бундан ортиқ бахт, дил таскини борми?

Энг асосийси, ҳар бир кунимиз албатта, бирор янгилик олиб келмоқда. Буларнинг барчаси – ишлаб чиқаришда бўладими, илмдами, ижод ёки таълимда – вилоятимизнинг жўшқин ҳаётидан дарак бериб турибди. Бу эса халқимизнинг эртанги кунидан кўнгли тўқлиги, ишончи мустаҳкамлигини кўрсатади.



**Фармон
ТОШЕВ**

Яхшиларни қил ҳабибу, айла ёмондин халос

* * *

Кимки нафсидан тийилди сурди даврон оқибат,
Кимки нафсига ғуломдир бўлди вайрон оқибат.

Кимга осон еткан эрди мансабу шуҳрат нетонг,
Кўпга бормай, худди шундай кетди осон оқибат.

Айласа исроф агарда бита неъматни, билинг,
Нежаб, шу неъматига зору нолон оқибат.

Бесамар ўтса мабода бекадр он, лаҳзалар,
Умри охирда ҳабиби бўлғуси армон оқибат.

Иштиёку завку шавқи ҳам қарори бўлмаса,
Мушқулига топмагайдир чора, имкон оқибат.

Ҳар кишида пир-устоз ҳамда шогирд бўлмаса,
Гояти гумроҳлигинин лолу ҳайрон оқибат.

Фармоно, бўлгил мудом сен Худо фармонида,
Билъакс, ўлгай кўнгилда тоза виждон оқибат.

Фармон ТОШЕВ – “Меҳнат шуҳрати”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган. 1954 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Адибнинг “Қарнабчўл кўшиғи”, “Онанг тирик, болам”, “Мен ёмғирли кунда келаман”, “Қарнаботи армони”, “Журналистнинг нони қаттиқ”, “Отамнинг сабоқлари”, “Умрининг ўртаси”, “Ўзимдек яшаини истайман”, “Бедаво кўнгил”, “Сўз айтмоқ саодати”, “Соғинч”, “Аёллар нима дейди?” ҳажвий шеърлар; “Омонат”, “Кўнгил билан суҳбат”, “Тафаккур манзаралари” китоблари нашр этилган.

* * *

Тин олур, ором олур аслида инсон ухласа,
Ғанимга бир имкон гар юртга посбон ухласа.
Лекин қиёмат қойим, одам қадри йўқолур,
Мабодо кўнглимизда меҳру виждон ухласа.

* * *

Эй Худо, этгил мени сен аҳли нодондин халос,
Яхшиларни қил ҳабибу, айла ёмондин халос.

Айласанг майли вужудим ширин жондин жудо,
Айлама қалбимни ишқдин, моҳитобондин халос.

Розиман, олгин лавозим, мартабамни бир йўла,
Этмасанг басдур мени шавқу иймондин халос.

Мен бино этмакдаман бахт қасрини авлодима,
Тўғри йўл кўрсат, ишим айла нуқсондин халос.

Менга ўргатгил садоқат ҳам вафо сир-сехрини,
Айлагил киндин, кибрдин, қасду ёлғондин халос.

Фармоно қилғай шукрни берганинг – умри учун,
Айлагил мавриди келганда уни жондин халос.

* * *

Соя пайдо бўлмағай деворсиз",¹
Ҳеч ҳаловат келмағай бедорсиз.

Тошга ўхшар севгиси йўқса юрак,
Не кўнгил у, бўлса гар дилдорсиз?

Гарчи кўп соҳиби иқболлар, вале,
Кўрмадим бу дунёни мен зорсиз.

Элга кучдир ҳиммати бисёрлар,
Айлағай ҳайрон улусни орсиз.

Ғиштини ўйлаб кўйинг деворга,
Ким бино қургай ахир меъморсиз?

Жон фидолар хур Ватан обрўсидир,
Қоялар бўлмайдиган қоя сор²сиз.

¹ Нодирабегим сатри.

² Сор – бургут

Тарбиятда ҳар маҳал ибрат керак,
Қайси ишбитган тугал саркорсиз?

Иштиёкинг бор экан, эй Фармоно,
Ўтмасин умринг сира ашъорсиз.

* * *

Нафси ўпқонларга бу даврон камлик қилур,
Тоқати йўқларга бир ошён камлик қилур.

Сигмаганда гоҳида бир вужудга дарду ғам,
Ер тугул, поёни йўқ осмон камлик қилур.

Узмагинг осон эмасдур ота-она қарзини,
Етмагай бита умр, юз жон камлик қилур.

Ҳурматинг кетса агар қиз-ўғилнинголдида,
Асрасин Ҳақнингўзи, афғон камлик қилур.

Эл-улус бўлмас экан ҳамжихат, дўсту ҳабиб,
Тургани сарҳаддаги посбон камлик қилур.

Кимки нафси ҳирсида ўлдирар виждонини,
Куйдирур тақдирини, армон камлик қилур.

Ғайрати борлар ҳамиша уддалар рўзоғорини,
Аҳли лоқайдларга туртки, фармон камлик қилур.

Фармоно шоирмисан, сен Ватан мадҳини эт,
Қанча ёзсанг шеър, ғазал, дoston камлик қилур.

* * *

Гар совуқ эрса ҳаёл дилда ҳам ёз бўлмагай,
Бўлмаса гар наслида, асло шоввоз бўлмагай.

Отда юрганларга қанча хуштавозе айлама,
Буқадар ҳиммат уларга асло эъзоз бўлмагай.

Қанча қилма сен кабутар ёки қушга эътибор,
Лек улар булбул каби дилга ҳамроз бўлмагай.

Ҳар кишига илму ақли куч била парвоз берар,
Қўш қаноти бўлмаганда кўкка парвоз бўлмагай.

Ул муҳаббатки кўнгилга оташин солмас экан,
Ваъдалар ҳамда қасам ҳеч қачон роз бўлмагай

Ўз уйинг девору қаддин дид билан бунёд эт,
Гар қусурли, тилла ҳам мос пардоз бўлмагай.

Барча касбда кунт билан усталик даркор эрур,
Зўр илон овловчи ҳам уста морбоз бўлмагай.

Фармоно, ҳар байтингга маънили сўз танлагил,
Билъакс, битганларинг девону баёз бўлмагай.

* * *

Ишқ мани беихтиёр ишқивор этди, нетай,
Бедаво бир дардгаму ё дучор этди, нетай.

Тунда ойнинг жилвасидан хаёлим беадад,
Кундузи офтоб зиёсини шарор этди, нетай.

Бор вужудимга қуюлди у ширин туйғу, вале,
Бор қароримни висоли беқарор этди, нетай.

Тушда ҳатто кўрганимда қамар сиймосини,
Менку дунёни унутдим, улки бор этди, нетай.

Андалибдек нола этсам ишқ боғи ичра мен,
Дилда боримни улусга ошкор этди, нетай.

Шавк, дардидан юрак о, доимо афтодахол,
Гоҳ дийдорига тўйдим ёки зор этди, нетай.

Улмуҳаббат лаззати юз шукр, бўлди насиб,
Севгининг сиймосида Ҳақни бор этди, нетай.

Ишқ қадрин Фармоно, англади алалокибат,
Шул сабабдан мулкани ихтиёр этди, нетай.

* * *

Инсонки, эътиқоднинг суннатига арзимас,
Демак у ўз халқининг ҳурматига арзимас.

Қанча гўзал бўлса ҳам ўзга юрт қошонаси,
Уйдаги кўрпачангнинг бир қатига арзимас.

Бошингни силасада гоҳо яхши кимсалар,
Ота-онанинг меҳри-ҳимматига арзимас.

Эъозласада доим қавм-қариндош, таниш,
Волида учун фарзанд хизматига арзимас.

Дунёнинг нотинчлиги, низоси ва ташвиши,
Оиланинг бир кунлик ғурбатига арзимас.

Пул йўқотган кишининг илтижоси, озори,
Қадри йўқнинг Худога ҳасратига арзимас.

Дўсту кадрдонларнинг суҳбати, маслаҳати,
Устознинг берган бита ибратига арзимас.

Фармон, бузма кўнгилни ғаним ғийбатларидан,
Улар ҳаётнинг завқли зийнатиға арзимас.

Маснавий

Дедим: – Замонаға не феъл ярашар?
Деди: – Интилганға замон қарашар.

Дедим: – Ҳозир сокин ё шитоб керак?
Деди: – Иккисин ҳам мавриди бўлак.

Дедим: – Жонға тегар гоҳо эзмалар,
Деди: – Асранасан узоқ юрсанг гар.

Дедим: – Керагидан ортиқчаси кўп,
Деди: – Нокеракда ортиқчадир чўп.

Дедим: – Дўстни синаш оғирроқ экан.
Деди: – Дўстни билар қарз олиб кўрган.

Дедим: – Кўпол касға не дейин жавоб?
Деди: – Ундан қочмоқ энг катта савоб.

Дедим: – Гоҳ яшашдан бўламан безор,
Деди: – Ёмон хаёл – инсонға ағёр.

Дедим: – Нега бунча кулфатларим кўп?
Деди: – Садоқатсиз улфатларинг кўп.

Дедим: – Бисёр жуда мақтовчи жўра,
Деди: – Манфаатсиз мақтамас сира.

Дедим: – Совғаларнинг қиммати не ул?
Деди: – Сўрамокдир доимо кўнгул.

Дедим: – Не кадрли айтгил фанода?
Деди: – Ёлғон сўздан қайтгил фанода.

Дедим: – Яшамоқдан не мурод ҳосил?
Деди: – Ёмонликни қилмагил, ғофил!

Дедим: – Жамиятда оқил бўлғай ким?
Деди: – Эртасини аён кўргай ким.

Дедим: – Барча менға айласин ҳавас.
Деди: – Сен Худони унутмасанг бас!

Ҳазан амакимни уйласам...

Икки ҳикоя



Собир ЎНАР

(“Отамзамон ҳангомалари” тукумидан)

Ўнар чолнинг ўртанча ўғли. Бир умр қишлоқдаги мактабда география ва ботаника фанидан дарс берди. Ниҳоятда жиддий қиёфали, бир қараганда жаҳлдор. Аммо анчайин босиқ ва мулоҳазали одам эди. Тошкентдаги Низомий номидаги пединститутни битирган. Отам кўпинча укасига оталик қилгани, ўқитгани ва уйлантиргани, бир гал йигирмата кўй сўйиб мактаб директори қилиб қўйганини гапирган.

Ўнар бобомдан қолган чорбоғ бўлинганда бир туп эртаги окпишар ва бир тупгина кичик қантақ ўрик бизнинг ихтиёримизда, негадир қолган дарахтларнинг ҳаммаси Ҳазан акамники эди. То пишгунча кўриқланмайдиган ўрик ва узумларни Ҳазан акам ва қизларига тайинлаб, биз ёзда Кўнақишлоқдаги чайлага кўчиб чиқардик. Узум ҳосили қандайлиги эсимда йўғу, бироқ окпишар ўригимиз ниҳоятда серҳосил эди. Кўнақишлоқдан уйга ўт ташиш учун тушиб келганимизда челақ-челақ зордолиларни хуржунга солиб олиб ортиб кетардик. Чайлада бизга мева деган бир ҳавасак, сабаби, у ерга экилган ниҳоллар ҳали ҳосилга кирмаган эди. Меваси пишган окўрикни акам ёки мен бошига чиқиб, шохларини тепиб ерга туширар, сўнг териб олардик. Шу окўрик ҳозир ҳам бор чиқар. Орадан икки-уч кун ўтиб келганимизда ўрик шохлари қоқилган, меваси жуда сийраклаб қолган бўларди. Нега барчанинг ўриги бор, ҳаммаси шохида турса-ю бизники камайиб қолганига ҳайрон бўлардик.

Ҳар замонда қишлоққа келиб, куруқ қайтиб кетиш алам қиларди. Узум пишиғида ҳам шундай алағдалик бошланарди. Сабаби оқ ва кўк кишмишга ранг кириши билан узум ҳосили камайиб қолганини кўрардик. Биз бунга эътибор бермасликка ва бировга айтмасликка тиришардик. Отам ҳам, онам ҳам бундан ғашланар, ким қилганини билатуриб, бировга бир нарса деёлмасдик. Ёз пайтлари онамнинг онаси зорланиб қолар, бир одамнинг устидан обдон ўшак сураар эди... Катта онам доим бизни мухтож санар, келганида катта тоғамнинг ҳаётидан че-

Собир ЎНАР – (1964 – 2022). “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини, Президент Академиясини тамомлаган. Адибнинг “Орзуга тўла қишлоқ”, “Овлоқ адирлар бағрида”, “Чашма”, “Чамбилбелнинг ойдаласи”, “Бибисора”, “Фаришта”, “Олдинда ёнган маёқ”, “Қунсулунинг сирли хатлари” номли китоблари чоп этилган. У турк адиби Б.Юлдузнинг “Қарбалло фожияси” қиссаси, қорақалпоқ адиби Х.Тоғжумуродовнинг “Ов ҳангомалари” ҳикоялар китобини ўзбекчалаштирган.

лак-челак зардоли, олма, шафтоли, гирдоли, беҳи ёки эртапишар чилги (чиллаки) оламантўйди узумларидан олиб келарди.

Амакимнинг анчайин ҳаёти катта, у ерга ёзги чайла, яъни даҳлизсиз уй ҳам қуриб, гарчи уйи яқин бўлсаям ёзда кўчиб чиқарди. Ўнар отамнинг дарахтларидан ташқари, ўша вақтда энди удум бўлган Мичурин – ҳозирги семиринка олмалар экар, олмалари зўр ҳосил берар, ботаник бўлгани боисми, олмаларни баҳорда кесиб, новдаларини янгилаб, пайвандлаб турар, олмалар келаси йил янада баракали бўлар, қишда турадиган бўлгани учун яшиқларга жойлаб, нарх кўтарилганда Жўш ёки Жумабозорга элиб сотар эди.

Амаким жуда меҳнаткаш эди.

Мактабда зўр ўқитувчи, бунинг устига яхши боғбон эди. Чарчаганидан бўлса керак, ётганда жуда қаттиқ хуррак отарди.

Айниқса, ёз чоғлари ўзи эккан дарахтлари остида, иссиқ кунда темир каравот устида дам олишни яхши кўрарди.

Пастки чорбоғда Ўнар отамнинг, тепа чайлада ўзининг эккан олмалари тапиллаб ерга тушарди.

У вақтларда туршак текин эди. Бозорга олиб чиқсанг, сариқ чақага ҳам олмасди. Шунинг учун биз тенги болалар камзулининг икки киссасини тўлдириб туршак сўриб юрарди.

Шу арзон-гаров нарсасига шунчаликми, бировни айбдор қилиш зарилми, дерсиз. Тўғри бу гапингиз. Туршак экан, умр ўтаяпти-ку. Ҳаётнинг ғанимат онлари. Замон тўқчилик бўлса. Бугун одам йўқчиликдан эмас, тўқчиликдан қийналаяпти. Суробга келмаётган касалликларни айтаман-да.

Бир одамнинг касаллигини даволаш учун бир аптека дори етмайди, хўп деяверинг.

Айтиб эдим чоғи, Кўнақишлоқ Сулаймон, яъни Ўнар чолнинг отасидан қолган жой. Нотекис жой. Бир-биридан айри учта булоқ бор. Тепадагининг суви оз. Экинга етмайди. Пастдагисининг суви кўпу, экин экадиган жойи оз. Шу туфайли Омон акам билан кичик ерни бўлиб олганмиз. Маккажўхори, яна майда-чуйда экинлар, масалан, эгатлар четига бодринг, ошқовоқ экамиз. Чайла томонга тўрт қатор памидор, уй ортидаги омочлаб экин қилинадиган жойга тарвуз, қовун, ҳандалак экамиз. Отам белкуракда ер ўйиб девор-тўсиқ билан ўраган жойга картошка билан сабзи экиларди. Картошканинг тепасига етмиш туп тоқ экилган. Ҳосилга кирган. Ризамат ота нави ҳам бор. Аммо бу даштда жайра кўп экан. Қоронғи тушганда узум оралаб, пишганини еб, шип-шийдон қилиб кетарди. Жайраларининг дастидан бирор марта тўйиб узум еганимизни эслаёлмайман. Зулмонотага кўчганимизда отам тоқларни катта илдизи билан кўчириб олиб янги жойга ўтказди.

Ҳазан акам пишиқ экан. Шу жойда ҳам тирикчилик қилди. Яйловчадаги катта булоқ ёнидан ҳовуз ясаб Кўнақишлоққа оқизамиз. Сув икки-уч соатда оқиб тугайди. Кейин ҳовуз тўлиши учун пойи-пиёда икки қақирим йўл босиб ҳовуз тикинини беркитиш учун тагин жўнаймиз. Ҳовуз икки кунда тўлади. Ҳазан акам, учинчи одам шу сувга шерик. Беда-ку бир дунё хашак бўлмас, бироқ атрофда бошқа ўт-хашак кўп. Омон акам ҳам, бизлар ҳам бир қишлоққа етиб, ортиб қоладиган ўтқиқ қишлоққа ташиб тушамиз.

Қиш беғам ўтади.

Ҳазан акам ҳам улушини олади.

Одамга хазин ва некбин кайфият берувчи узун йиллар.

Мен нарёғи эллик йиллик тарихга айланган дамларни эслаяпман. Бу тарих менинг болалик ва ўсмирлик давримни ёритиб туради.

Не бахтки, биз уруш кўрмаган авлодмиз. Оталар “босмачи”, “инқилобчи” бўлган замонлардан берида яшадик. Зулмларнинг асоратини кўрсак ҳам, бизнинг шуурларимизни бошқа – шўро мафкураси буткул эгаллаган бўлса-да, тинч ва фаровон яшадик.

Гап бу ерда жамият учун “фойдали” инсонлар ҳақида эмас, аини шу замонда ўз аравасини тортиб, бировга оғирлигини солмай бегидир яшаб ўтган авлоду аждодларим, контортар туғишганларим ҳақида.

Мана, бошқа замонлар келди.

Боболаримнинг тушига ҳам кирмаган замонлар.

Энди у давр одамларидан ким бору ким йўк.

Эсланганларнинг кўпи кетган одамлар.

Аксарияти ҳолу ҳаётлигида ҳалоллик истаб, ҳалол топиб, еб-ичган ғаройиб одамлар.

Мен бу ёқда туриб уларни баҳолашим ортиқча.

Ҳар бири ардоқланишга, меҳр кўришга арзирлик эди.

Боболарим, оталарим суяк суриб ўтган Ер.

Қанчалик азиз...

ЮК

Султон ғаройиб тушлар кўрар эди. Мисол, кўпинча дадасининг ва ойисининг елкасига кимдир миниб олганини кўрар, бу гал яланг оёқли икки одам икковининг елкасида ўтирганини кўриб, бирданига бу мен эмасманми, деб юборди. У энди тук боса бошлаган оёқларни таниган эди. Уйғониб кетди. Бироқ уйғонса ҳам, шу ҳолат кўз ўнгида тураверди. Гарчи ота-онаси базми жамшиддан тунда кеч қайтган эса-да, эрта туриб бомдод намозини бири даҳлизда, бири меҳмонхонада ихлос билан ўқимоқда эди. Иккита Султон икки елкага маҳкам ўрнашиб, қўллари билан икковининг ҳам ияклари остидан қисиб бўғиб олган эди. Султон онасининг эғнида бувисидан қолган узун этакли яшил кўйлақдан таралган бир мунис бўйни туйди. Бир энтикди, аини пайтда бу ҳид бувимнинг оқ чорси рўмолидандир деб ҳам ўйлади, йўк, ойиси сочини ўтқир ҳидли ажабтовур шампунда ювган, шу боис рўмолнинг ҳиди у билан қоришиб кетган эди.

Бувиси уни айрича яхши кўрарди. Эмишки, дадаси туғилганида ярим ойни, бу невара туғилганида бутун ойни туш кўрган эмиш. Дадаси боласининг бўш-баёвлигидан нолиб, баъзан аччиқланиб танбеҳ бера бошлаганида бувиси ўғлини тўхтатар, бу боланинг ҳали келгусида катта мартаба эгаси бўлишини куюниб уқтира бошлар, шунда ота тек турмай: ҳа, кўриб турибмиз, мактабни тузук-қурук ёлчителиб ўқимаяпти-ку; бундайлигимда мен олтин медаль оламан деб ҳаракат қилар эдим, бу эса ғирт саводсиз бўлиб ўсяпти-ку; эртага зўр одам бўлиши учун ҳозир ўқимайдими, тентак десанг – тентак эмас, соғ десанг – соғ эмас; тавба, ҳали кўп қуйдиради бизни, дерди.

Отаси шундай кез ўғлини уриб юборгудай хезланар, аммо қари бувиси уни бағрига олиб атай эркалатаверганини кўриб шаштидан тушар, бир илинж истаб нари кетар, кампир неварасининг бармоқларини ушлаб, узунлигини қара бунинг, бармоғи узун бола бахтли бўлади, ҳали қараб тур, бу тойчоғим йигит бўлиб етишса, ҳамманг ҳузур-ҳаловатини кўрасан, унда мен бу дунёда бўлмайман-да, дерди.

Ота ўйлаб қолардики, ростдан ҳам, узун бармоқ эгаси бахтли бўлармикан, деб. Ўзининг дағал қўлларига қараб мен бахтсизманми, агар бахтсиз бўлсам, шу эсар ўғил сабаб, дерди қатъий. Султоннинг икки опаси бахтини топиб кетди. Илгари улар ҳам укасини эркалаттгиси келаверарди. Ойиси гоҳо унинг бошини силаб, елкаларини уқалар, отасининг кўзи тушиб қолса, чақалоқми бу, эмизақол, устундай бўлиб, онасининг тиззасида ётишини қара, дерди тутатиб. Чўчиб уйғонгандай туриб, ташқарига чиқиб, узоқ юрар, бир маҳаллар қайтиб келиб, ўрнида ухлаб қоларди. Агар шу ҳол рўй бермаса, яъни ойиси уни силаб-сийпаб ўтирганда отаси келиб қолмаса, онасининг тиззасида ювош мушукдай донг қотарди.

Отаси унга деб уй қурар, манаман маркали машина олар, дўстларидан кам бўлмасин деб оҳорли, зўр кийимлар харид қилар, ойиси шаҳарнинг маликасиман, деган қизларнинг остонасини супуриб юарди.

Ёлғиз ўғил бўлса, бундай ўмгагини кўтариб, яхши одам бўлишга ошиқмас, ўйлангани ўйланган, бирор нарсага бел боғлаб ҳаракат қилмас эди. Уйқудан туриб ҳам яна қарахт, уйқусираб юриши отага сира ботмас, шундай вақтлари тўйиб ичиб олиб, юрагида борини тўкиб-сочар, ҳимояга отланган онасини ҳам аяб ўтирмасди. Ҳаммаёқ босилгач, ойиси эрининг фиғону ҳасратлари таъсирида бўлса керак, “Қачон одам бўласан ахир?” дерди йиғламсираб.

– Ойи, ҳали зўр бўламан, кўрасиз, – дерди ўғил. Бу охирги ваъда эмас эди. Одам ўзгарса ваъдаларсиз, шундай, бир ички ҳулосага келиб интилиш бошланади, тамом. У эса шунча гапдан кейин ҳам хонасига кириб, жуда тинч, ҳеч нарса бўлмагандай пишиллаб ухлаб қолар, яна зўр ишни қотиргандай чошгоҳгача ёстикдан бош кўтармас, ойиси уйғотса туриб юз-қўлини чайиб, дастурхондаги ҳар нарсадан чўкиб пала-партиш, тўйиб овқатланар, кейин хонасига кириб, бир рус файласуфининг китобини юзига қўйиб, тагин уйқуга кетарди. Унинг уйқуси кўп ва пала-партиш, тўйиб овқатланиши ақли расо одамнинг иши эмас, деб кўрқиб кетарди ойиси. Орзу-ниятлари бирин-кетин чиппакка чиқаётганидан кўнгли тўлиб ҳўнграб йиғлаб юборарди. Ўғил бу қуюнишлар ўзи учун эканини сезар, ҳис қилар, одам бўлиш, яхши одам бўлиш ҳақида ҳаёл сулар, бироқ атрофидаги одамлар билан тил топишиш нақадар оғир кўринар, ўйининг учига етолмай, тагин тўшакка чўзиларди...

Уйқудан туриб яна ойисига онт ичарди.

Турмушдаги бундай бирхиллик унинг ўзига ҳам ёқмасди, албатта. Аммо шу бирхилликни йўқотиш, янгича яшай бошлаш учун на журъати, на кучи бор эди.

Бувиси ҳам намоз ўқиганда устига катта оқ булут кўланка солиб турарди. Чамаси, булут вазнсиз кўрингани билан ўта залворли, қари ва озғин кампирни букчайтириб қўяр, саждадан қаъдага турганида бу яққол сезилар, “Самиъаллоҳу лиман ҳамидах” каломини йиғлаб-инграб, базўр айтар эди.

Неварасидан бу ҳақда эшитганида, буви гапнинг маъносини тушунмаган, ишқилиб, бир нарса елкамга оғирлигини ташлаб туради, деб қўяқолган ва ўйлаб қарасам, бола чоғимдаям шу юк бор эди, ҳеч қутулмадим, балки ўлгунча қутулмасман, деб уф тортган эди. Буви кучдан қолиб қойимни эплаёлмай, ўтирган кўйи юз рақъат нафл намози ўқиган кезлари ҳам шу оқ булут уни сира тарк этмас, қизиғи шундаки, булут фақат Султоннинг кўзига кўринарди, холос. У ҳам булут бувисининг елкасига ўтириб олардими, тегиб турардими, тегмасмиди, шунисини билмасди. Бувиси ниҳоятда қийналиб қад ростлаётганида булутни устидан тушириб ташлашни ё ҳайдаб юборишни хоҳлаб қоларди. Лекин бировнинг ибодатига ҳалакит бериш мумкин эмаслигини яхши англади.

Дадаси қўшнисининг ҳароба ярим ерини катта пулга сотиб олиб, яна бунинг эвазига қолган ярмига уй қуриб бериб, ярмини ўзиникига қўшиб иморат солиб, унинг бир қисмини онаси учун яхшилаб таъмирлаб, атай, гарчи газ ва иссиқ полда уй исиб турса-да, ўтини кишда чарсиллаб шуъла сочиб ёнадиган печ қуриб, қибласига меҳроб ясатиб ва кўркам патгилам жойнамоз тўшаб берганида, момо тамом қариган, намоз ўқиш асноси мук тушиб ухлаб қолаверар эди. Узун кунларнинг бирида ўғли қўй сўйиб одам чорлади, маъракада муфтий ва домла-имомлар ҳам бор эди, зиёфат чоғи чўққи соқол бир мўйсафид онахонга каттагина ўроғлиқ қоғозни очиб ўқиди, унда Ҳабибуллоҳ исмли араб талабаси онахонни ҳажи бадал қилдиргани, бунинг тасдиғи учун Саудия подшосининг муҳри урилган қоғознинг тепасига ҳажни адо этган йигитнинг фотосурати туширилган, онахоннинг исми ва отасининг номи қизил арабча ҳарфлар билан битилган эди. Бир мис кўзада зам-зам суви, бир талай тасбеҳ, тахлам-тахлам жойнамоз, яна Қуръоннинг ниҳоятда бежирим қилиб чоп этилган нусхалари тухфа қилинди. Кампир каломуллоҳнинг бирини

олиб тавоф қилар экан, куриб қолган кўзларига ёш қуйилиб келди, ўпкаси тўлиб, негадир “Раҳмат, эшон бобожон, босган қадамингизга гул битсин”, деб йиғлади.

Атрофда қариндошлар, қизлари ва неваралари тўпланган эди. Неваралар гул тутар, қизлари эса қимматбаҳо рўмол ва кимхоб либослар кийдиришар эди. Момо шу уйда бир ой яшади, тўғрироғи, бир ой кўрпа-тўшак қилиб ётди-ю, сўнг омонатини топширди.

Султон яна бир ой шу ерда оқ булут айланиб учиб юрганини кўрди, сўнг у ҳам қайгадир ғойиб бўлди.

Йилдай узун киш кечаларида Султон уйкуси қочиб бувисига аталган уйни айланар, меҳрибон юзли момони кўз олдига келтирар, меҳроб ёнига келиб жойна-мозга чўқар, аммо намозни билмагани учун ётиб-ётиб ухлаб қолаверар эди.

Уйдан чиққанида папка елкалаган ўртоқлари мактаб сари ошиқиб бораётганини кўрар, у ҳам ойисининг қистови билан сумкасини кўтариб йўлга отланар, аммо оёғига тош осилгандай зўр-базўр борар ҳамда кўшга кўшилган ҳўкиздай ҳориб қайтиб келарди.

Шу йўлнинг бошида жоме масжиди бор эди. Жума кунлари кўчанинг оёқ томонидан уч-тўрт, баъзан тўда-тўда намозхонлар ибодатга шошиб қолишади. Султон уларга кўшилиб масжидга борди. Дарвозада бир сержант тўхтатиб, исм-шарифи, манзили, отаси, ўқийдиган мактабини сўраб-суриштирди. Султон кўрқиб кетди. Маҳалласидаги оқсоқол Аҳмаджон домла унга раҳми келдими, мелисага рўбарў бўлиб, болани ҳимоя қила бошлади. Нима деди, нима қўйди, ишқилиб, сержант уни ичкарига киритди. Эл қатори таҳоратхонага ўтди, ундан чиқиб одамлар сафига кўшилди. Мияси ёришди. Ибодат чоғида ҳар бир одамнинг елкасида биттадан юк кўрди. Ажабланди. Бироқ нимагадир худди аввалдан ўқиб юргандек тагин тўрт ракат суннат намози ўқиди.

Қайтган чоғидан бошлаб онасининг елкасида ҳам, отасининг елкасида ҳам ўзини кўрадиган бўлди. Бунинг нима эканини тушунмади. Аксига олиб, уларнинг устидан тушай деса ҳам туша олмасди.

Жумадан бошқа кунлари ҳам масжидга катнади. Бир куни пешинга чиққанида ҳамманинг елкасида мол ва одамлар ўтириб олганини аниқ ва тиниқ кўрди. Уялганидан масжид ҳовлисида чиқиб, кесилган дарахт кундаларидан ортмоқлаб елкасига боғлаб олди. Чунки ўзидан бошқа ҳамманинг юки бор эди. Намоздан кейин имом унинг ёнига келиб, бу иши яхши эмаслиги, бошқаларни ибодатдан чалғитганини уқтирди.

– Ҳаммаларингизда юк бор-ку, нега энди менда бўлмасин, орим кўзиганидан шундай қилдим, – деди Султон.

– Имом ҳайрон бўлди. Секин чеккага ўтказиб сўради:

– Хўш, менинг елкамда ҳам юк борми?

– Бир кўчқор ўтирибди.

– Йўғ-э, қанақа кўчқор?

– Қизғиш қора кўчқор.

Имомнинг кўзлари олайиб кетди. Сўнг ўзига келиб:

– Тўғри айтасиз, ука, шу кўчқор меники, Қурбон ҳайитига сўймоқчиман, намоз вақти ҳайитгача ўлиб-нетиб қолмасмикан, бир ўзи қозикда маърагани маъраган деб ўйлаган эдим... Абдусаттор сўфида нима кўрдингиз?

– Лой.

– Лой? Ҳа, дарвоқе, камбағал, томини ёпаман деб лўмбозга ҳашарчи чақирган, намоздан қайтгунимча лойнинг нами қочиб қолмасмикан, деб алағда бўлган чиқар.

– Жалол домлада-чи?

– Машина. “Нексия”.

– Тўғри, ўғли иккови тўплаган пул машинага етмаяпти.

Султон отаси ва онасига юк бўлиб юрганини балоғатга етган куни тушунди,

ўша куниёқ елкасига олача хуржунни ташлаб, падари бузрукворидан дуои фотиҳа сўради. Ота дуо берди, она эртақдаги сингари мўлтиллаб кўзёши қилиб қолди. Интернет орқали уйғур дўстлар орттирган эди. Улар ваъда қилинган газламаларни Самарқанддаги Тошматнинг саройи омборига туширишлари керак, Султон бориб молларга эга чиқиши, уч кун ичида Самарқанд, Ургут, Челақдаги улгуржи харидорларга тарқатиб, бир ҳафтадаёқ пулини йиғиб бериб юбориши зарур. Ҳар шаҳарнинг ўғриси ҳам, тўғриси ҳам бор, Самарқанд ўғрилари Султонга ола қарашди. У уйғур жўралари билан самарқандча паловхонтўрани соб қилиб, хуфтон маҳали хонаи хобига киргач, ёмон ниятдилар уйкуда босмоқчи бўлишди. Қарасалар, каравотда бир бошсиз одам ётибди. Чироқ ёкиб қарадилар ҳамки – шу аҳвол, бироқ хуррак эшитилади. Не бўлганда ҳам мурданинг товони бўйнимизга тушиб қолмасин, дея пусиб аста чиқиб кетишди. Эртаси куни қарашса, кечаги “жасад” газламаларни бозорга юкламоқда. Қайтиб келишини кутдилар. Кечагидай тунаш мақсадида яна пойлашди.

Не кўз билан кўрсинларки, бу гал яримта гавда жонсиз бўлиб ётибди. Ё, астафидуллоҳ, ё фалак, бу не сир, бу не синоат! Кўрқа-писа ортага қайтдилар.

Эрталаб Султон Ургут бозорига икки мошина газлама ортади. Қароқчиларнинг кўзи чиқиб кетади. Бунча молнинг пулини ҳисоблаб кўриб тахта бўлиб қотиб қоладилар. Кеча ўсал бўлдик, бугун не бўлса ҳам ишонмаймиз, таппа босиб пулиниям, молиниям тортиб оламиз деб келишадилар.

Кечкурун саройда балиқхўрлик бўлади. Меҳмонлар Зарафшоннинг майдақилтиқ ширмоҳиси бу қадар мазали эканини айтиб, мактаб-мактаб ейишади. Хуфтонни адо этиб, тагин ухлайдилар. Султон кечаги хобхонага кириб ғойиб бўлади. Ғойиб бўлганини қароқчилар ўз кўзлари билан кўришади. Ёстиғи, ўринкўрпасини ҳам ушлаб кўрадилар: йўқ, бус-бутун одам йўқ! Қиличи синиб, қалқони тешилган ғаюрлар эртаси яна пойлашади, бир иш чиқишига кўзлари етмагач, охири шопмўйлов, тақирбош сардор кабоххўрлик қилаётган савдогарлар олдига келиб, Султонни имлайди. Ўзининг ўғри эканини тан олиб, уни сўроққа тутати.

– Биринчи куни чарчаган эдим, хуфтондан сўнг “Оят ал-курсий”ни бир марта ўқиб эдим, шунга бошсиз кўринган бўлсам керак, иккинчи куни ҳам чарчоқ босиб, ётишда оятларни икки марта қайтарган эдим, яримини яширибди, кеча эса уч марта ўқиганман. Демак, уч марта ўқилса, бутун гавдани яшираркан-да, қойилман. Мазмуни оддий: “Эй мўминлар, на олди-сотди, на ошна-оғайнигарчилик ва на оқлов бўладиган кун келишидан илгари ҳаёти дунёда сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфоқ-эхсон қилинглари! Кофир бўлган кимсаларгина зулм қилувчилардир. Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай Тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир...”. Шунини ўқийман, холос.

– Тан бердим, ошна, – деди тақирбош қўлини узатиб, – лекин, ўлай агар, ҳеч балони тушунмадим.

– Зулм қилувчи бўлманг, унда сизни ҳеч ким оқламайди. Оятда шу нарса айтилади.

Сардорнинг ҳафсаласи пир бўлди. Ҳимоясиз бу чурвақаларнинг пул топиб, бойиб ётиши барибир унинг ғашини келтирди.

Султон уйига қайтиб, отасига икки кундан сўнг Урумчига кетиши, учта “Фура” мошина гаплашиб қўйганини айтди.

Отаси аввал ишонмади, кейин кўрқди, ўғлининг режаларини тинглагач, зийрак тортиб:

– Энди бошоғинг пишибди, болам, – деди ва тескари қаради.

– Ойи, мен елкаларингиздан тушдим, елкангизда оқ булут юрибди.

Онаси бу гапни эшитиб, шу менинг боламми ё бошқами, деб ҳайрон қаради.

Онасининг ҳам, отасининг ҳам ўпкаси тўлди.

Султон бошқа одамга айланган эди.

Сариёғ

Икки ҳикоя



**Хуршид
НУРУЛЛАЕВ**

- Сигирнинг қисир қолгани чаток бўлди-да!
- Ўзим олиб борайми? – зорланганди аёл эрига.
- Қилмаганинг фақат шу иш қолганди-да, ўзи – деганди эри қулиб.

Шу гаплардан кейин ҳам сигир жонивор бир ҳафтача илтижолӣ бўқирди. Устачилик билан кун кўрадиган эр ва ниҳоят вақт топиб, сигирини етаклаганча олиб боргачгина, ўлгурнинг уни ўчди. Аммо муддат ўтиб кетган экан – қисир бўлди сигир. Рўзғор сутсиз қолди.

Албатта, бир қилтириқ сигирнинг берадиган ярим челақ сутсиз ҳеч ким очидан-ку ўлмайди. Аммо шу сутдан чиққан сариёғ жуда бўлакча-да – таъми тилга ёпишарди. Айниқса қанд касаллиги бор опаси ҳар гал шу сигирнинг қаймоғини айтиб, бирам мактайдики, бундан синглизис хижолат чекиб, ҳатто бироз уялади ҳам. Нима бўлганда ҳам опасининг алқаши унга жуда ёқар, беихтиёр энтикиб кетарди. Шундай паллалар орзиқиб, беихтиёр болалиги, доим ё онаси, ё опасининг ортидан эргашиб юрганлари ёдига тушади. Бир ой деганда, эрталаб қўшни аёл боласи орқали сариёғ жўнатибди. Севинди. Болага бериладиган пулдан ортирганини олиб чиққанди, қўшни хафа бўлди. “Оқликда ҳамсоянинг ҳаққи бор, ўргулай”, деди оғрингандек бўлиб. Ҳовлисига қайтиб, болаларни эртароқ мактабга жўнатди. Гўдагини бешиқдан ечиб, шаҳарга отланди. Бекатда қатор турган нонфурушлардан иккита нон олмоқчи бўлди-ю, лекин қиммат бўлса ҳам, ширинликни танлади. Яна қайтиб нонларга тикиларкан, барибир иккиланди. Қайтишида пули етмай қолишидан чўчиб, фикри ўзгарди.

Қайрағочдан ясалган баҳайбат чорпояда ўтирган опаси, шу жойидан турмаган қўйи, уни енгил кучаркан, кўзида ёш ҳалқаланди. Кейин киприкларидан томиб, салқиган ёноқларига ёйилган ёшни қуритмоқчи бўлгандек, қўлида тутган бежирим елпиғичини юзига яқинлаштириб, узоқ айлантирди.

– Ўзингни ҳам ўйласанг-чи, – деди опа синглизисининг гўдагига бепарво тикилиб.

– Бошқа туғма.

Аёл уялиб, кўзини ерга тикди.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ – 1959 йилда туғилган. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаган. "Муҳаббат мулки", "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир" каби бир қатор шеърӣ ва насрий китоблар муаллифи.

– Сариёғ олиб келдингми? Яхши қилибсан.

Опаси дастурхон четига қўйилган сеткадан кўриниб турган банкани олиб, оғзини очди, бармоғини ботириб, сариёғдан озроқ ялади.

– Мазаси бошқачами? – қизарган семиз юзини буриштирди опа. – Сигиринг қарибдими, дейман.

Кейин салафан халтачадаги ширинликларга норози тикилди.

– Нима қилардинг, бунақа нарсаларга пул сарфлаб? Ундан кўра иккитагина кишлоқнинг бугдой нонидан обкелмайсанми...

Сингил нон олмаганига пушаймон бўлди. Опаси назарга илмаган ширинликнинг пулига камида ўнта нон берарди. Кейин дастурхонга тикилган кўзини ҳовлига қаратди. Ҳовли тўрида янги солинган бинода усталар ишларди. Янги дарвозахона ҳам қурилибди. Унинг ичида устига мато тортилган машина.

– Поччанг яна битта машина олган, – изоҳ берди опаси синглисининг нигоҳи машинага қаратилганини пайқаб. – Мерсми-персми, бир бало. Кўкидан элликта экан. Ҳовлида машина қўядиган жой йўқ. Яна олганига қуяйми?

Сингил ҳар гал кириб келадиган аввалги дарвозахонада яна икки машина турганига энди эътибор қилди. Қизиқ, боя пайқамабди.

– Поччангнинг ҳам мазаси йўқ... – Опасининг гапидан яна нигоҳини дастурхонга бурди. – Қон босими ҳеч тушмайди. Соғлиқ бўлмаса бу молу давлат бекор экан. Сизларга ҳавасим келади. Ҳеч нарсани ўйламайсизлар.

Қўлидаги боласи безовта бўлавергач, сингил кетишга изн сўради. Опаси ўғли ўқишдан келса, ўзи олиб бориб қўйишини шунчаки кўнгли учун айтган бўлса-да, манзиратдан суюнди. Бекатда автобус кутиб тураркан, балки сигири сутга кирса, унинг сариёғини албатта опасига олиб келишини ўйлади. Сигир сутга киргунга қадар эса бедаво дард опасини бу дунёдан олиб кетишини ҳали билмасди.

ҲАВАС

Бекорчиликдан безовталанган эр ўзини қаерга уришни билмай, ёши олтмишларга бориб қолганига қарамай, юзига ҳали кексалик гарди юкиб улгурмаган хотинининг боядан буён тиззаси устида қандайдир латта-путталарни айлантириб ўтирганига беихтиёр қараб-қараб қўярди. Сиртдан унга нисбатан тамоман бепарво кўринган хотини эса, ёз кириши билан супага қўйиладиган чорпояда ўтирганча, невараларнинг кирдан чиққан кийимларини бир-бир кўздан кечирди. Кейин уларнинг йиртилган, тугмаси тушганларини ажратиб, қайбирини ямаб-яскаб, қайбирига тугма қадайдди. Бу пайтда эрининг ошхона томонга йўналиб-қайтгани, бир неча бор уйга кириб-чиққанини, ҳар ўтганда ўзига қараб-қараб қўйганини ҳам сезди, лекин ишдан бошини кўтармади. Эрига осон эмаслигини билади. Уч ой бўлди пенсияга чиққанига. Ўшандан буён ҳаловатини йўқотган.

– Кун бўйи уйда ўтириб зерикмайсанми, хотин?

Эри чорпояга келиб ўтиргандан сўнг ўзига эътибор бермаган хотинига эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, лекин тилидан шу гап учди.

– Илгари куни билан уйда нима қиласан, деб тергардингиз. Ана энди аҳволимга тушуниб етасиз.

Хотинидан бошқача жавобни кутган эр, агар илгариги даври бўлса, ҳовли тўридаги ўз хонасига кетган бўларди. Энди у ерда қамоқхонага тушгандек сезади ўзини.

Хотин эрининг аҳволини тушунади. Узоқ йиллар заводда ишлаб ўша ерга ўрганиб қолган. Пенсия ёшига етганидан сўнг ҳам беш йил ишлаб берди. Гап

қилишмаса яна ишлаш нияти бор эди, орқаворатдан айтилган пичинг ва кесатиклар қулоғига етиб, ишни йиғиштирди. Базўр бир ой чидади, кейин ўзини шошилиб хулоса чиқариб, бекор ишдан кетганига айблаб юрди.

– Китоб ўқинг, – деди хотини унинг зерикашдан азоб чекаётганини билгандек.

– Туни билан ўқиб чиқдим, – узоқ ётган бемордек зорланди эр.

Хотин яна қўлига неварасининг қўйлагини олди. Эри томон ўгирилиб, ҳовлини кўздан кечирди. Экинлар ҳали сувга келмаган. Помидорни кеча бир сатил қилиб териб чиққан. Бойимжон, булғор қалампирини узишга икки-уч кун бор. Жўяклар бегона ўтдан тозаланган. Йўқ, бугунча ҳовлида бажариладиган иш қолмабди. Энди нима қилсайкин?

– Қизингиз руҳшуносга борсинлар, асабни тинчлантиришга ёрдам беради, деди.

– Жинни боради руҳшуносга. Ҳали ақлдан озганим йўқ, – асабийлашди эр.

Хотин қўлидаги тикишни ёнига қўйди. Эр сезд, нимадир демоқчи у яна.

– Чет элларда соғлом одамлар ҳам руҳшуносга боришаркан. Қизингиз китобда ўқибди.

Эри ҳовлидан кўз узмаган бўлса-да, хотинининг гапини диққат билан эшитаётгани маълум эди.

– Масалан, сиз қўшнимиз Нормалимни ёмон кўрасиз, тўғрими? – яна гап қўшди аёли.

– Ким айтди ёмон кўради деб?

– Ҳеч ким айтган эмас. Лекин уни ёқтирмаслигингизни ҳамма билади-ку.

– Нима демоқчисан, резинкадек чўзмай, мақсадга ўт.

– Қизингизнинг айтишича, уни ёмон кўришингизнинг сабаби аслида Нормалимда эмас, ўзингизда экан.

Эр кўзини ҳовлидан узиб, хотинига қаради. Жаҳлини кўзғатаётган гапнинг давомини эшитмаса бўлмасди. Ахир қўшнисини ёмон кўришига ўзининг ҳеч қандай алоқаси йўқлиги кундек равшан-ку.

– Мана масалан, – давом этди хотини, – олдин айтинг-чи, нима учун уни ёмон кўрасиз?

Хотинининг жавоб кутгандек, ундан кўзини узмай тургани эрга ёкмади. Лекин ҳозир одати бўйича жеркиб ташласа, хотини яна мум тишлаб қолишидан қўрқиб, кўнглидагини яширмади.

– Билмайман, лекин ўшанинг нимасидир ёкмайди.

– Қизингизнинг айтишича, қўшнимизни ҳамма ҳурмат қилиши гашингизни келтирар экан...

– Нима деб алжираяпсан, онаси? – чидолмади эр. – Қизингнинг ўзини руҳшуносга кўрсатиш керак.

Эр ўрнидан туриб, ҳовли тўридаги хонасига ўтди. Эшикдан кириши билан деворга осилган телевизорга тушган нигоҳини дарҳол ундан олиб қочди. Негадир шу дардисарга тоқати йўқ. Кеч бўлди дегунча ўғли-ю келини, невараларигача соатлаб шу матоҳга ёпишиб олишади. Шу бемаза сериалдан бошқа нарса йўқдек дунёда! Китоб жавонига ҳам беҳафсала тикилди.

Қўшни? Ўзи оддий ўқитувчи. Нимасини ҳурмат қилади қишлоқ аҳли, тушунмайди. Ўша Нормалимнинг ўғлининг оиласи бўлмади-ку? Тўйнинг эртасигаёқ келинни отасиникига қўйиб келишганди. Шунга қарамай қишлоқда бирор оилавий келишмовчилик бўлса, можарони ҳал этишга маҳалла фаоллари ўша қўшнисини олиб кетишади. Нега уни эмас, тушунмайди. Ахир тўқисликда унинг оиласи намунали эмасми? Одамларга ҳам хайронсан, ўзидан нимаси ортиқ унинг?

Аслида қўшниси нафақат унга, бу ерларга ҳам бегона. Замонлар ўзгариб, уй-жой қуриш учун эҳтиёжманд аҳолига давлат томонидан ер ажратилганда биринчи

бор у билан юз кўришган. Ўшанда заводда ишларди. Ёш бўлишига қарамай бош муҳандис этиб тайинлашган, маоши яхши, моддий жиҳатдан қийинчилиги йўқ эди. Ота ҳовлисида укалари билан тургани учун, таомилга кўра, оиласи билан алоҳида яшаш вақти келганди. Меъмор жўрасидан бўлажак уй қурилиши лойиҳасини олиб, ажратилган ерга уста солди. Ҳар куни вақт топиб, улар ҳолидан хабар оларди. Ўзи тенги қўшни йигит эса, бир кўришганда мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашини айтганди, ҳашар билан уйини тиклашга овора бўлса-да, унга ёрдамлашган отаси, ака-укаларини кўриб, дам олиш кунлари оғайнилари келганда одам саноғига етмай қолгани, уларнинг кўтаринки кайфиятда иморат тиклаётганидан ҳаваси келгани рост. Ўшанда уйга бориб отасига, укаларига иддао ҳам қилганди.

– Пулдан камчилик йўқми, бўлди-да, – деганди отаси. – Биласан-ку, кун бўйи ишдаман. Баланс топшириш керак, бир-икки ой энди дам олиш куни ҳам йўқ.

Укаларининг боргани эса зарар бўлди – усталарни гапга солиб, уларни ишдан қолдиришди.

Шу воқеаларга ҳам қирқ йил бўлибди. Қирқ йиллик қўшни. Нега уни ёқтирмайди? Ёмонлик қилмаган бўлса, ҳамма уни ҳурмат қилса, камтарин, камгап. Наҳотки, бу ҳасаддан? Астафидулло, ўзинг асра ёмон ниятлардан, нега, нимасига ҳасад қиламан унинг, оддий муаллим бўлса?

Эрталаб туриб, томорқа оралади. Яшнаб турганига ҳаваси келиб, бодрингларнинг иккитасини узиб олди. Бир жуфт булғор қалампири ва учта помидор ҳам терганди, қафтлари тўлди. Идиш олмаганига пушаймон қилиб, эгатдан чиқди. Ошхона томон одимларкан, кечадан буён ҳаёлини ҳеч тарк этмаётган қўшнисини йўқлаш фикри қатъийлашди. У ҳам пенсияда, вақтини қандай ўтказаётган экан?

Қўшнисининг мактабга кетганини эшитиб, ҳайрон бўлди. Ҳозир таътил вақти бўлса, қизиқ?

Супада, валиш остидага чорпояда ёнбошлаб ўтирганди, дарвоза томондан “Қўшни!” деган овоз келди. Нормалим экан. Ошхонадан бошини чиқарган хотинига қўл имоси билан ўзи чиқишини англатаркан, ўрнидан илдам қўзғалиб, ташқарига йўналди.

– Ассалому алайкум, йўқлаган экансиз, қўшни?

Бу гал қўшнисининг самимий муомаласи негадир жиғига тегмади. Салом бериб, уни ичкарига таклиф этди.

– Бошқа сафар. Маҳаллага қақаришибди.

Ҳақиқатан, қўшнисининг кўринишидан шошилиш ҳолатида эканлиги сезилиб турарди.

– Ҳеч гап йўқ, – деди у хижолатдан тили тутилиб. – Шундай бир сўрай деб...

– Раҳмат! – узрли оҳангда мулозамат қилди қўшниси. – Мактабга боргандим. Директор ишга чиқишимни сўраяпти. Ҳеч бўлмаса кунига икки соат. Эракк ўқитувчилар керак дейди. Рози бўлдим.

– Яхши-да, зерикмайсиз.

Қўшнисини кузатиб, чорпояга қайтди. Кўрпачадаги лўла болишга ёнбошлаб, кўриниши кўзни яшнатадиган томарқага тикилди.

– Ким келди?

Бошини ўгириб, қўлида чойнак-пиёла тутган хотинига қаради.

– Ҳеч ким.

Хотини индамади. Лекин эрининг нигоҳида ҳозиргина дарвоза ёнида турган қўшниси гавдалангани, умрида биринчи бор унга ҳавас қилганини пайқамади.

Орзу-ҳавас

Қатра



**Тоғаймурод
ШОМУРОДОВ**

Рашид билан Нигинанинг розиликлари олингач, тўй тараддуди бошланиб кетди. Айниқса, Асалат аянинг қувончи еру кўкка сиғмасди. Ниҳоят ўғли кўнглига ёққан қизни топганидан Акбар ака ҳам хурсанд. Қудалар ҳам тагли-туглигина чиқиб қолишди. Келин бўлмишнинг отаси кичкина бўлса ҳам хусусий фирма эгаси, ўғиллари ҳам нуфузли лавозимларда ишлашар экан. Хуллас, совчилик расм-русумлари адо этилиб, қиз томондан йигит тараф юбориши лозим бўлган қалин пули, сарпо-сурполар, мебелу жиҳозлар рўйхати тақдим этилгач, Акбар ака танишбилишлардан қарз-ҳавола қилиб, тайёргарликка киришиб кетди. Тўйни ҳарқанча ихчамгина қилиб ўтказмоқчи бўлса-да, ортиқча дахмазалари кўп экан. Асалат ая келинга атаб неча йиллардан буён сандиқда асраб келаётган кимхобу шойи атласларини қайта кўздан кечириб, жўнатиш учун бўхчага тугди.

Тайёргарлик тугагач, бир тана, бир бўрдоки қўй, унаштириш тўйи учун зарур бир қоп гуруч, шунга яраша сабзи-ёғ, уч юзта нон, ўн қути ҳар хил ширинлик, хуллас, келиннинг отаси, онаси, амма-ю холаларига бош-оёқ сарпо жойланган битта кичик, иккита катта сандиқ юк машинасига ортилиб, қиз томонга жўнатилиди.

Бўғзигача қарзга ботган Акбар ака “Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин” дея дарди ичида сир бой бермади: “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, деди. Миниб юрган машинасини, ҳеч иложи бўлмаса, яқинда ўғли олган икки хонали уйни сотади. Янги келин-куёв бағрида яшаб туришар... Хаёлидан кечган бу фикрлардан кўнгли бироз таскин топган бўлса-да, ҳаловати йўқолди. Қон босими тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди.

– Айб ўзимизда, – деди Асалат ая унинг ярасига туз сепиб, – қудалар тўй солишаётганда, аҳволимизни тушунтириб, келишиб олмадик. Бунча пул кетишини ўйламасдан, келин топилганига хурсанд бўлиб, хўп дея қолдик. Ҳали катта тўй олдимизда. Унга ҳам 60–70 миллиондан кам пул кетмайди, дейишяпти, келин туширганлар.

Акбар аканинг юраги сиқилиб кетди. Дўпписини олиб, тиззасига уриб, чанги-

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ – “Дўстлик” ордени соҳиби, таржимон ва публицист. 1945 йилда туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтини (ҳозирги ЎзФин.СамДУ) тамомлаган. “Жоннинг ҳузур”, “Хотинидан қўрқмайдиган одам”, “Замин фарзанди”, “Осмон қулаган кун” каби китоблари нашр этилган.

ни қоккан бўлди-да, “уф” тортиб, чиқиб кетди. Кун бўйи ишда ҳам ичига чирок ёкса ёришмай юрди. Негадир кўнгли ғаш, қандайдир айб иш қилган кишидек ўзини кўйрга жой тополмади. Ғишт қолипдан кўчди, энди куюнгани бефойда. Чекингга тушса чекчайма, дейишади. Қизини узатмоқчи бўлган қуданинг ўрнида мен ҳам шундай қилган бўлардим-ку, ахир бу ташвишлар урф-одатга айланган бўлса, нима қилсин?

Шу хаёлларда эзилиб ўтирганида телефон жириглади. Асалат ая экан.

– Ҳа, нима гап? – сўради Акбар ака кўнгли аллақандай нохушликни сезиб.

– Қудалар...

– Нима, қудалар? Тушунтириб гапирсанг-чи?

– Қудаларга биз жўнатган нарсалар ёқмабди... келинга юборган матоларим ҳам, – деди Асалат ая овози титраб. – Олиб кетинглар, биз сизлар билан бозорга бориб, чет элникидан ўзимиз танлаймиз, пулини тўласанглар бас, дейишяпти.

– Бўпти, қуда билан ўзим гаплашаман, – Акбар ака гўшакни қўйиб, бироз ўйланиб қолди. Кейин бир қарорга келди, шекилли, қудасига қўнғироқ қилди.

– Мен аҳволингизни тушунаман, – деди қудаси юмшоқ супургилик билан, – гап мебелда ҳам, либосда ҳам эмас, ёшлар бахтли яшашса – муҳими шу. Бироқ онаси тушунмаяпти-да! Энди қуда... ҳамманинг орзу-ҳаваси бор...

– Ҳм... шунақами? – Акбар аканинг қони бошига тепди, – унда ҳеч қанақа тўй ҳам бўлмайди.

...Орадан уч йил ўтди. Рашид шаҳарга тушганида овқатланиш учун ошхонага кирди. Хўрандалар гавжум эди. Бўш жой топиб, бориб ўтирди.

– Кечирасиз, нима буюрасиз? – официантканинг овози таниш туюлди. Рашид бошини кўтариб унга қаради. Бу Нигина эди.

– Нигина?

– Ҳа, менман.

– Сиз, сиз... бу ерда нима қияпсиз?

– Ишляпман.

Рашид Нигина билан унаштиришлари бекор қилинган, уни қайтиб кўрмаган, шаҳарга бадавлат хонадонга келин бўлиб тушганини эшитган эди. Ошхонада ишлаётганини кўриб, хайрон бўлди.

– Ўзингиз-чи? – сўради Нигина. – Ўзингиз яхшимисиз?

– Шукр, нолимайман. Қишлоқда мактабда дарс бeryпман, уйландим, хотиним тикувчи. Ўғилчамиз бор...

– Менинг эса турмушим бўлмади, – хўрсинди Нигина. – Ота-онам бадавлат хонадон экан, бахтли бўласан, еганинг олдингда, емаганинг ортингда, деб мажбурлаб узатишганди. Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Эрим гиёҳванд экан. Ажрашдим. Ҳозир мана сўққабошман, ижарада туриб, ошхонада ишляпман. Бахтиқаролигим учун ота-онамни ҳам айбламайман. Улар бахтли бўлишимни орзу қилишган. Аммо бахтни бойликда, аллақандай матоларда деб ўйлашгани ҳаётимни барбод қилди.

Акбар Нигина билан хайрлашиб, ошхонадан чиқар экан, турли қарама-қарши фикрлар хаёлида тугён урарди. Тўғри, ҳозир хотини билан аҳил-иноқ яшаяпти. Нигинани севганчалик севолмаса-да, ўрталарида ўзаро ҳурмат, меҳр бор. Лекин ўшанда севгиси учун қаттиқ турмаганлиги, бунга ўзида журъат тополмаганлиги учун кўксининг аллақарида оғриқ туйди.

Тақдир қўлидаги мен бир шошқол тош



Воҳид ЛУҚМОН

* * *

О, юзтубан ётган биродар –
Дунёларга орқа ўгириб.
Ҳар нафаси жонга баробар,
Ҳар жонидан минг бор ўргилиб –
Ҳар лаҳзанинг ҳисобин олган,
Ҳар лаҳзани қилган тавоблар.
Ҳар лаҳзадан бир умид қолган,
Ҳар лаҳзада минглаб савоблар –
Кўз ўзгидан ўтган мисли зар
О, юзтубан ётган биродар.
Агар бундан омон чиқсам бас
Одамдайин яшайман, Танграм,
Оламдайин яшайман, Танграм.
Кўзларида заррача кир йўқ
Боламдайин яшайман, Танграм.
О, юзтубан ётган, биродар,
Кўзёшларинг томади чак-чак.
Бўғзингга ҳаволар қадалар.
О, юзтубан ётган, биродар,
Соғайганинг бўлсин муборак,
Унутилмаса бас ваъдалар!

Воҳид ЛУҚМОН – 1974 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. "Муҳжда", "Изтироб фасли" каби шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

* * *

Неки бепул бўлса бекадр.
Неки арзон демакки, бешон.
Сотилади тап-тақир адир,
Пулланади бир парча нишон.

Нархи бордир керакли тошнинг
Текин нарса товонсиздир – тул.
Бир чақага олмай қуёшни,
Халажойга тўлайдилар пул.

Шафақ бепул – қадрсиз, демак,
Ойга менгзаб алдарлар ёрни.
Сотилади бир тишлам емак,
Сотадилар ҳовучлаб орни.

Шамол текин, бепулдир еллар,
Арзонбаҳо гуллар ифори.
Бекадрдир ўтётган йиллар,
Бекадрдир қушлар изҳори.

Шеър бекадр, шоирлик шонмас,
Лек баҳоси баланд навонинг.
Сотилади, деса ишонмас –
Нархи чиқарилган ҳавонинг.

* * *

Менинг кўзёшларим қайга қуйилди,
Сингдими Сирдарё каби қумтошга?
Минг игна санчдилар – қоним суюлди,
Томирларим тўлди кўзёшга.

Овозим қаерга йўқолди, қани –
Бир бора инграшга етмайди кучим?
Хаста товушларим ўзимга ғаним,
"Ота" деган додга тўладир ичим.

Тўладим энг оғир бадал ҳаётга,
Бўғзимда турган вақт унсиз шоширди.
Менинг нафасмини қайтарган Зотга,
Отам нафасини топширди.

* * *

Нухдек минг йил яшаб англаганим – шу:
Аллоҳнинг ҳар ҳукми – бир одил қадам.
Қалам тинган, сиёҳ қуриган мангу.
Азизим, бемаврид туғилмас одам.

Шаксиз Яратганнинг шоҳ битигисан,
Ҳижрон саҳросида қум кечгансан-ку.
Азизим, эргашиб ишқ карвониға,
Сирли қудуқлардан сув ичгансан-ку.

Дорбозмиз – кўзимиз танғиб боғланган,
Яшаймиз оқ-қора арқон устида.
Осмонга умидвор боқамиз – мубҳам,
Вақт илон ўйнатар дорнинг остида.

Савол суворийси келар бостириб,
Жавоб табассумда – дунёга тенгсан.
Юрака бир исм қўйдим ёздириб –
Эҳтимол сенсан...

Ўй

Сен ҳақда ўйлайман, қучиб ўйлайман,
Исмингни айтишдан чўчиб ўйлайман.
Изсиз ўтаётган вақтга шерикман,
Сен ҳақда ўйлайман, демак, тирикман.

Ўйламоқ ҳаддидан кўпроқ ўйлайман,
Ўйламай, дейману бироқ ўйлайман.
Ўргимчак тўридан тўкилган ўй бу
Ғарқ пишган шотутдай тўкилган ўй бу.

Ўйлайман, ўзимдан кечиб ўйлайман,
“Бас”, дея қасамлар ичиб ўйлайман.
Қаъдада қадалиб қоларман гоҳи,
Саждада исминг ёд оларман гоҳи.

Яна сен, бу ўйга сўзим ўтмайди,
Бу ўй муздайми, ё бу ўй ўтдайми?
Ўйсиз умрим сотдим – арзон айтилди,
Ўйлайман – Хуфтонга азон айтилди.

Ишонма

Сен менга ишонма, ишонма менга,
Бу ишқда не ҳикмат бўлиши мумкин?
Сен менга ишонма, менга ишонма,
Юрагинг зардобга тўлиши мумкин.

Мен юз йил байроқдай эъзозлаб юрган,
Муҳаббат нима у – оддий бир мато.
Юз йилки кўксимда гул дея урган,
Юрак парча гўшт-ку – қилмасми хато?!

Гўдак хаёлидек ҳаввойи ўйлар,
Менга таскин берса, қилма эътибор.
Сени чўчитмасин ёввойи ўйлар,
У бир ўй – на сўнгак ва на эти бор.

Тилимда тасбеҳдек исминг такрордир –
Лекин сен ишонма, тасбеҳ – оддий тош.
Менинг ожизлигим изоҳи бордир –
Булутнинг ортида чорасиз куёш.

Сенга элитгучи йўлларни ёндир,
Ўт қўй кўприкларга – қорайсин қирғоқ.
Эҳтимол, севгисиз яшаш осондир,
Балки муҳаббатсиз яшаш яхшироқ?

Қўллариңга интиқ гулдек курисин,
Қайрилиб қарама, қўлларим ёлғон.
Ялинсин, ёлворсин, итдек улисин,
Аммо сен ишонма, тилларим ёлғон.

Тушларимда кўрдим, десам энтиқиб,
Тушга нелар кирмас, де ҳиссиз, совуқ.
Чорласам нар қушдай қалбга ин тикиб,
Бу инмас, – деб айтгин, – ёлғон чирмовуқ.

Ҳар бир сувратингни кўзимга суртиб,
Ишонма асрасам асрий битикдай.
Суратларимни соч майдалаб, йиртиб,
Сўнг топта суворий кийган этикдай.

Кўзимда йилтилар сўнгги томчи ёш,
Бу ёлғон томчидан кўнглинг тўлмайди.
Тақдир қўлидаги мен бир шошқол тош,
Ҳақсан, менга ҳеч ишониб бўлмайди.

Биламан...

Мен тушлар кўраман рангин ва рангин,
Боладек ишониб, кўниб боримга.
Димоғимга келар бир ис – фаранги,
Оёғим бўйсунар ихтиёримга.

Мен ўйлар сураман форс сурмасидек,
Соғинчни тушовдан ечаман тойдай.
Хаёлим буралар лас бурмасидек,
Кечаси уйқумга кечасан сойдай.

Мен умид қилурман, ноумид – шайтон,
Ечилар сукунат симин чигали.
Амрингга шай турар қайдадир шайдонг,
Гулга ошуфталар бордир чин ҳали.

Мен тилга кирурман, сўзлайман равон,
Жайхрий айтажакман хасбу ҳолимни.
Мен Аюб эмасман ахир, Художон,
Афв эт бесабрни – мендек золимни.

Мен тушлар кўраман ранган ва рангин,
Мен умид қилурман, ноумид – шайтон.
Мен ўйлар сураман форс сурмасидек,
Мен тилга кирурман, сўзлайман равон.

Мен дуо қилурман – шаксиз мустажоб,
Сўра деган Зотдан сўрайман, зотан.
Ўтмоқда қисқа тун, ўтар қисқа хоб,
Тонг отса, тақдирга беражаксан тан.

Муқаррар қайтурсан, аниқ қайтурсан,
Сўнгги ишонч каби Нух кемасида.
Мен минг йил тилаган сўзни айтурсан,
Қайтурсан тилагим танг келмасдан.

Мен аниқ биламан, эригай музлар,
Юзимга урилар фаранги нафас.
Биламан бир куни келасан излаб,
Ўшанда бор бўлсам бу дунёда бас.

* * *

Гоҳ тарсо қизига ошуфта бўлган,
Шайх Санъон мисоли чекадирман оҳ.
Менинг юрагимда бир юрак ўлган,
Бир юрак тирилган – алҳамдулиллоҳ!

* * *

Яна ўша ғам,
Яна ўша оғрик.
Яна номаълумлик,

мавҳумлик – мубҳам.
Биласан борлигим – борингга боғлиқ,
Лек сен индамайсан,
Жимсан, азизам.

* * *

Шотутлар шовуллайди –
Танасига қон томган.
Момом офтобасидан,
Томирига жон томган.

Шалаббо шамоллардан,
Баргларига юққан гард.
Остига тўкилгани,
Шоқувонч эмас – шодард.

Йилларнинг йилдирими,
Адл қаддин дол этар.
Шотут офтоба тутган,
Момомга ўхшаб кетар.

Шотут ҳам момом каби
Ўттиз йилнинг беваси.
У ҳам момомдек ёлғиз –
Баргидан қўп меваси.

Беш йил аввал кеч кузак,
Беш чоким сўкилганди.
Момом сўнгги япроқдек
Тупроққа тўкилганди...

Қирқ йилки дуо қилар,
Момом дуоси – ирмоқ.
“Ўғилларинг ўтов қил,
Қизларингни қил қишлоқ”.

Самарқандга соғинган,
Сордек бўзлаб учаман.
Гоҳо бориб момомни,
Гоҳ шотутни кучаман.

Бири тушимда йўқлар,
Бирин дуо дастида.
Ер устида бир момом,
Бир момом ер остида.

Сени севмай туриб ўлдирма, ё Раб

Худойим, тушимда ўқидим сано,
Кўзёшга юз чайиб, қилдим таҳорат.
Бир қавм эъозлади – раҳмати фано,
Мендайин осийга бу несаховат?!

Бу туш таъбирида не ҳикмат, Эгам,
Ахир қалбим моғор, ақлим хароб-ку?
Сенинг йўриғинга бошимни эгмам,
Нозанинлар ҳамдам, дўстим шароб-ку?!

Ахир бир махлуқман худбин, худпараст,
Ҳавойи ҳаётим бошин силайман.
Бир бор чўзмай туриб ўзгаларга даст,
Ўзгадан садоқат, севги тилайман.

Улоқиб юрибман – оёқларим кир,
Баъзан ёмон, баъзан хўброқман, Танграм.
Гуноҳкор бандангман кечиргин, кечир,
Пойингда бир чимдим тупроқман, Танграм!

Кетишим келганим каби аёндир,
Уйғониб, йиғладим ортимга қараб.
Ишқинг оловида азобла – ёндир,
Сени севмайтуриб ўлдирма, ё Раб!

Хавф

Ҳамма ўзи билан ўзи оввора,
Биров билан бировнинг иши йўқ.
Гўёки бутун бошли сайёрада
Ҳолинг не, деб сўрайдиган киши йўқ.

Автолар ўтади шошиб, тутакиб,
Оломон йўлларда селдайин оқар.
Ҳансирар вақт – нафас олар ютакиб,
Дақиқа сония ортидан боқар.

Шаҳарга зеб берган кечаги ёмғир,
Оламни тўлдирган илоҳий ифор.
Одамлар мурчадек югурар зир-зир,
Қалбларни тарк этган ҳайрат, эътибор.

Қиёфалар жиддий, чимирилган қошлар,
Тиллар тугилгандек одимлашар жим.

Кексайиб қолгандек гўёки ёшлар,
Фақат рекламалар қилар табассум.

Метрода шарақлар фақат пўлат из,
Секин шивирлашар фойдадан, нафдан.
Ҳар битта бекатда жонсарак бир қиз
Огоҳлантиради қандайдир хавфдан.

Хавфки, ёғ босади кўзимизни нақ,
Хавфки, тоза туйғуларга солар чанг.
Севги эвазига сўрайдилар ҳақ,
Хавфки, қалбимизни боса бошлар занг.

Мен кимман, маломат қилгани асли
Биттаси ман ўша миллионнинг – бири.
Ёлғон гапирмоқлик, хушомад – касбим,
Кўксимда кўпчийди юрагим кири.

Шошаман, кимдандир керак ўзишим,
Баъзан югурганим бесамар кетмас.
Баъзида қалбимга қамоқ ўзишим,
Атрофга боқишга ҳафсалам етмас.

Ўша оломоннинг бир заррасиман,
Бир оқумидим бор илоҳий афвдан.
Қалбда ёруғлик бор бир заррасимон –
Огоҳлантиргувчи қандайдир хавфдан.

Айланади замин дард чекиб



Тошпўлат
ЎРХУН

Куз манзараси

Илғанг, очун тилсимларини,
Ой-куёшга ҳамоҳанг дунё.
Юлдузларнинг исмларини,
Иншо этар қалбларга зиё.
Тек турмайди курраи жаҳон,
Айланади замин дард чекиб.
Ой ўқсийди, фироқда ҳамон,
Куёш яйрар ерга нур экиб.
Гапиради йиғлаб булут гоҳ,
Шамол сўзлар ҳаддидан ошиб.
Саботини кўрсатади тоғ,
Ҳайратдамиз, англаб, бош қашиб...
Ҳар чечакнинг ранги-рўйида,
Такрори йўқ шаклу шамойил.
Қуш сайроғи, гуллар бўйидан,
Ҳавас ортар ҳаётга мойил.
Офтобими, ё сахий дала,
Кафтида сув тутган ўзбекнинг,
Йўқлигидан лафзида таъна,
Баракаси ёғилар кўкнинг.
Шивирларда – имо-ишора,
Набототнинг лаҳжаси дуркун.
Табиат ҳам топар ранг, чора,
Юртга меҳмон куз фасли бугун.

Тошпўлат ЎРХУН – 1964 йилда тузилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Мужда”, “Кечиккан жавзо” каби шеърӣ китоблари, “Бир куни мухбирлар...” “Қаламни қадрлаб...” “Таниш чехралар” каби эссе, очерк ва интервьюлари ҳамда “Умр зийнати”, “Қаҳрамонлар мангу яшайди” номли бадиӣй-публицистик китоблари чоп этилган.

Сўзлашкар

Кўнглимнинг кўнглига қарамай қўйдим,
Қулоқ ҳам тутмадим, хохиш, майлига.
Тансиқ туйғуларни туманга йўйдим,
Қалбимга ҳадиклар чиқишди эга.

Кўнглимнинг кўнглига қармай қўйдим,
Тана-томирларим, музлади кўксим?
Куйсам дилдан эмас, тилимдан куйдим,
Шунданми, ўксийди ҳафсалам сим-сим.

Йил ўтди, саргашта улфатлар қани,
Ҳаёт шу! – деган ўй-сухбатлар қани?
Ғарам-ғарам сомон, шип-шийдам дала –
Қушларга сочдимми, дону ғаллани?

Икир-чикирларга андармон, тобе
Ҳаваснинг ҳойига очибман қучоқ.
Забтига олибди ғафлатнинг хоби,
Шеър ёзмай яшамоқ оғир экан, воҳ.

Сер солиб қалбимга тафтим, ҳаддимни,
Изтироб, хузурлар, ишқ тотин туйдим.
Эрка исталақларим, муҳаббатимни,
Хаёлот қўйнига яшириб қўйдим.

Тошдан учкун чиқар, гоҳи шеър сизиб,
Мен нега бажармай тириклик бурчим?!
Илоҳий муждадан сўзлашкар тузиб
Куну тун ўзимга қиламан ҳужум!

Жазирама кунларда

Офтоб, бирам кўкка ўрладинг,
Аршдан ерга отдингми найза?
Оловланди сувда нурларинг,
Қовжиради, гиёҳу майса.

Қушлар тиниб қолди негадир,
Отилгандай ўрмонда бир ўқ.
Сукунатдан қулоқ битадир,
Болаларнинг қийкириғи йўқ.

Дала-даштда кўпчиди тупрок,
Шоҳқўчалар торайди чатнаб.
Дарахт хомуш, бемажол япроқ,
Чумчук донлар соялар ҳатлаб.

Оташ ичра осмону замин,
Тошлар қизиб, қумлар ҳансирар.
Оширай деб туси-ю таъмин,
Тарвуз янтоқлардан нам сўрар.

Бир ҳафтаки, қизийди манглай,
Ниқоб ҳам бор-ортиқча матоҳ.
Нафас қайтиб, ёпишиб танглай,
Киши ҳолин қиладир чаток.

Бозор арзон бўлди, негадир,
Эрта пишди, қовун ҳам гилос.
Бўй таратди полиз эгати,
Ҳандаклаклар ёрилди бехос.

Офтоб, бирам кўкка ўрладинг,
Аршдан ерга отдингми найза?
Ёхуд кўнгилларни нурладинг,
Ё истманг чикди бир пайса?!

Февраль

Қиш сўнггида осмон кўнғиртоб,
Шамол ўртар дил хуморини.
Қайдан келдинг, эй, совуқ шитоб,
Чертиб қолди, дарахт торини?!
Кўз очирмас, ҳислар тўзони,
Гул-чечаклар ўксир далада.
Хут ҳамласи – ҳаёт мезони,
Бу ҳам қишга доир яллада.
Ўкинмагин, бири кам февраль,
Умрим қолди – дея санокли.
Шеърга эш бўл, ғазалга эврил,
Шоир туғиб бўлдинг ардокли.
Тушга кирар сумалак-қандил,
Кўнгил, энди адирларга чоп.
Сенинг учун битиб қўйгандир,
Баҳор майсалардан кўк китоб!
...Оқ фаслнинг ойдин чоғида,
Йўллар қўлмак, қор ҳам саргашта.
Одамларнинг кўз, дудоғига
Наврўз сўзи қўнмоқда аста.

Тутпишиқ

Бокка кириб, суюнди баҳор,
Қўшқанотлар сархуш, савдойи.

Гул ва гилос, тут тўккан дурга
Тўла, юртнинг яшил саройи.

Меҳмон кутар ҳар куни сўри,
Болга ботиб чопар ҳашарот:
“Мана хўрак, ҳосилнинг зўри,
Ташиб олсанг, шу ҳам маҳорат”.

Қумсайди тан “янгилик”, “кўк”ни,
Баҳра олмоқ инсонга ҳам хос.
Отманг ошна, нафс деган ўкни,
Боғ сайридан муддао – дилроз.

Эврилиш

Новдаларда куртак очди кўз,
Қанча гуллар кетди тўкилиб...
Бироқ боғнинг бағри бут, тўкис.
Қуёш яйрар, шохга кўк илиб.

Етиб ҳосил кўтарар чоғлар,
Бўй таратар юртга дала-туз.
Дер, мевадан букилгн шохлар: –
Отам боғбон, онажоним куз.



**Жумагул
СУВОНОВА**

Дил қуёшга ошиқ, кундузга ошно

Ҳаётга

Қайси бир дарахтга санолар битдим,
Қайси бир тоғларни юрдим кўтариб.
Шу замин ишқини муборақ этдим,
Шу замин меҳрини келдим ахтариб.
Қайси бир юракда оловлар ёқиб,
Қайси бир кўнгилни эта олдим шод.
Қайси бир юракка кириб, дод солиб,
Қайси бир дунёда, яшадим озод!
Қайси бир кўнгилнинг тўсиб авжини,
Қайси бир кун учун қуйладим баёт.
Қайси бир денгизнинг ичиб мавжини,
Дардларини ютиб, йиғладим ҳаёт!..
Энди қувонч танқис, энди дард бисёр,
Бу ёруғ оламни тургандек тутиб.
Зулмат салтанатин хусумати бор,
Ёп-ёруғ кунларни бормоқда ютиб.
Дил қуёшга ошиқ, кундузга ошно,
Қитъа кўшқин қучиб, қоқилган қанот.
Нурафшон самодан юқориларда,

Жумагул СУВОНОВА – 1961 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Бинафша” “Эсдалик гулдастаси”, “Тиллақош”, “Йиғлаётган оҳу”, “Мен сизмаган дунё”, “Оловли фасл”, “Одамқуш қўшиғи”, “Тупроқ иси”, “Жонимдаги из”, “Музаффар ёғдулар”, “Тараннум”, “Дардим менинг – қувончим менинг”, “Шамол йўли” номли шеърый ҳамда “Умр қарвони”, “Қирмиз қизнинг қиссаси”, “Дарбадар” номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Самарқанднома” номли тарихий биографик достон муаллифи.

Сенга нима бор? – деб, сўрайверманг дод!
Келдим, бу дунёнинг машқидан кечиб,
Усиз, савлат тўкиб юргандек гўё.
Аслида, ҳеч қандай келишувим йўқ,
Аслида, мени ҳеч севмайди дунё!..
Қайси бир ҳисларнинг қўлидан тутиб,
Қайси бир ҳисларга ён бериб, бироз.
Ерлашиб боряпман, самоларимга
Девона руҳимни этиб сарафроз!..
Қайси бир дарахтга санолар битдим,
Қайси бир тоғларни юрдим кўтариб...
Мен ким учун оташ тафтини ютдим,
Мен ким учун келдим, ҳаёт ахтариб!?..

* * *

“Ажойиб кунларнинг бирида...”

Шавкат РАҲМОН

Ажойиб кунларнинг бирида...
Тонг отар,
Дунё ҳам ўзгарар.
Адолат истаган юраклар,
Байроғин тутати ўзгалар.
Ажойиб кунларнинг бирида,
Сўзимиз қувончга чўмилиб.
Олти ён фақат гул сочади.
Яшаймиз гулларга қўмилиб.
Бугун бахт, қувончни ўғирлаб,
Турганлар ер кўрмай кураги.
Эртага Тангрининг олдида,
Бошини ҳам қилиб туради.
Ёмонлик, хиёнат, фаҳшларни,
Урчитиб қўлининг кирида.
Юрган ҳам дунёни тарк этар,
Ажойиб кунларнинг бирида.
Сиз-чи, сиз,
Эй тоза юраклар?!
Куёшни, самони севгувчи.
Заминни кўксини сийпалаб,
Тупрокни волидам дегувчи.
Бир бора қалбингиз яйратиб,
Бир бора либосга бериб зеб!
Дунёда беғубор яшамок,
Дунёнинг бекадр аҳди деб.
Жар солиб, тарқатинг элатга,
Ҳалоллик, поклик деб борликни –
Ажойиб кунларни яратинг,

Елкада опичиб, оғриқни.
Бир ҳаёт, бир шараф, ном қолсин,
Мусаффо кенгликка босиб лаб.
Минг йилдан кейин ҳам кўринсин,
Биз тутган байроқлар, хилпираб!
Ажойиб кунларнинг бирида,
Борайлик, биз бахтга ҳақли, деб.
Яшайлик, дунёга ҳайқириб,
Яшайлик, биз жуда бахтли, деб!..

* * *

Мени ўлди десангиз майли,
Гапларимни ҳазилга йўйманг.
Чорлаётган, ҳайқираётган,
Сўзларимни ўлдириб қўйманг!
Мени ўлди десангиз майли,
Нигоҳимни тўлдириб қўйманг.
Сизга меҳр ўстираётган
Юрагимни ўлдириб қўйманг!
Майли дилдан суғуриб ташланг,
Истеҳзоли қулишдан тўйманг.
Сизга томон чопган қўнглимни,
Йўлин тошга тўлдириб қўйманг!
Доим одил бўлсин фикрингиз,
Қўнглингизни қўтаринг, ҳушланг –
Мени эмас, китобимнимас,
Адолатни қўлидан ушланг!
Мен шу ҳисни изидан юрдим,
Уни мангу айладим маёқ.
Энди чўкиб ноҳақликка тиз,
Кўзим юмиб яшайман қандоқ?
Сиз кетдингиз тубанлаб, пастлаб,
Мен ҳам кўкда бўлмадим юлдуз.
Йиғлаб ўтди шодон баҳорлар,
Йиғлаб ўтди кўксимдаги куз.
Юрак ютиб, бўм-бўш ҳавода,
Ўлмадим ҳам яшамадим ҳам
Ичу ташим яраларига,
Фақат сўзни айладим малҳам.
Менинг каби кўксини тилиб,
Дардларини аритиб башар.
Рост сўзлардан қувват олару,
Ёлғонлардан тўкилиб яшар.
Мени ўлди десангиз майли,
Лек, гапларим ҳазилга йўйманг.
Адолат!.. – деб, ҳайқираётган,
Юрагимни ўлдириб қўйманг!..

* * *

Минг йил бўлди, музга дўниб яшаяпман,
Изғиринлар қисирлайди бу жонимда.
Атрофдаги тирикликни чирмаб, қўмиб,
Бир қароқчи айланар тўрт томонимда.
Минг йилликлар неча бўлди, унутганман,
Тарк этгандек, саналару кунларни мен.
Шу қароқчи кўзин тиккан вужудимни
Сургаламай, силкиламай олақол сен.
Майли ёндир, эриб кетай муз тоғидек,
Ахир менинг борлиғим шу жазога тенг.
Сенинг дардинг билан музга айлангандим,
Сенинг дардинг билан мангу ёнайин мен!..
Минг йил бўлди, музга дўниб яшаяпман...

Оғрик...

Унутилмас экан, оғриқлар,
Баъзан кўнгил кетаркан тўлиб.
Ўтираман гоҳо нам тортган,
Олтмиш йиллик девордек, бўлиб.
Мункиллаган ҳаловатимдан,
Путур кетар, кетади қувват.
Мен ҳеч нима тиклай олмадим,
Сиз ҳокимдан тикланг, иморат!
Деманг!.. Шўрхок ва нам тупроқ бу,
Ҳақ ҳукми деб, овоза бўлдим.
Кўзёшимга чўмилайвериб.
Булоқ каби топ-тоза бўлдим.
Салтанатлар солиб, тик чиқай,
Бир олам бахт чўлғаган чоққа.
Мен ҳам ахир ҳақлиман, ҳечса –
Бир кулбадек, қад кўтармоққа!..
Унутилмас экан, оғриқлар...

Ном беришар...

Мендан кейин менга бир инъом беришар,
Балки унвон, балки шараф-шон беришар.
Ўнг тарафдан назар ташлаб ишларимга,
Ўнг қўл билан ҳурмату икром беришар.

Гулқайчилар қирқа олмас шоҳу баргим,
Ижодимга эврилиб, сўнг ён беришар.
Энг яхшиси, ортимдан тош отишолмас,
Энг ёмони, “марҳум” деган ном беришар.

* * *

Ичкарида сўнгсиз уруш,
Жангу жадал авжида.
Ҳақиқат ва ёлгон турар,
Дўсту душман тарзида.
Ташқарида омон-омон,
Ҳақ ва ноҳақ баробар.
Ёмонликлар бўй чўзади,
Ердан самога қадар.
Ичкарида қози одил,
Ўғри, қотил қолмади.
Битта-битта кесди қўлин,
Битта-битта боғлади.
Ташқарида ҳануз етим –
Есир ҳаққи кесилар.
Меҳр истаб, қанча-қанча
Кемтик диллар эзилар.
Ичкарида курашади,
Бир забардаст пахлавон.
У руҳингиз қудратидир,
У қиличдир, ал-омон!
Ташқарида қикир-қикир,
Замин инсон пойида.
Ҳамма нарса давомлидир,
Ҳамма нарса жойида.
Разолатни отиб, осиб,
Ўлдирганлар ўлмасин,
Дилда уруш бўлса бўлсин,
Элда уруш бўлмасин!..

Хазонрез боғларнинг тинди шивир...



Зухра БЕГИМ

* * *

Ифорин таратган гуллар бағрида
Мунаввар тонг билан бирга уйғондим.
Сочимни силади майин шаббода,
Менга кулиб боққан бахтдан қувондим.

Субҳидам қуйлади хушнаво булбул,
Қуёшни эркалаб, қаршилади боғ.
Қалбимга ҳаяжон, туйғулар солди,
Бошимни қўймоққа кўксин тутган тоғ.

Нигоҳим беғубор самога қадаб,
Ўзимни қуш каби ҳис қилдим енгил.
Оташин ишқ ичра севилдим, севдим,
Муҳаббат завқидан шодланди кўнгил.

Нақадар фусункор бу олам кўрки,
Юрак тўлғоғидан тўкилар баёт.
Ўйчан юзларимга қўнган табассум,
Ҳар тонг ҳадя этар умидбахш ҳаёт.

Зухра БЕГИМ – 1975 йилда туғилган. Самарқанд давлат университети-нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Оқибат" номли насрий, "Умид баҳори", "Севгимга битилган номалар", "Кўклам нафаси", "Кўнгил фасли", "Юрагимга айланар Ватан", "Бир қучоқ оташ", "Ишқ достони", болалар учун "Болаларга бахшида олам", "Юртимиз ниҳоллари", "Нима яхши дунёда?" шеърӣ китоблари чоп этилган. Шеърлари турк, тожик, инглиз ва ҳинд тиллари-га таржима қилинган.

* * *

Қишнинг ҳавосида қорнинг иси бор,
Баҳорнинг ёсуман гулига ўхшаш.
Азизим, қўкка боқ, қор, ёғмоқда қор!
Сокинлик лаҳзаси нақадар дилкаш...

Иккимиз учрашган боғни кезаман,
Само сутга тўлган булутни соғар.
Севгидан уйғонган бахтни сезаман,
Осмондан бир олам муҳаббат ёғар.

Марварид шодаси борлиқни оқлаб,
Заминга бош қўйиб қилар тавалло.
Ташрифи суюқдир, ҳар йил сўроқлаб,
Ризқу барокатлар келтирса илло.

Мусаффо кенгликка қўлингни узат,
Юрак ишқ дардини ҳис этсин такрор.
Меҳр қўзи билан атрофни қузат,
Оҳиста шивирлаб, қор ёғмоқда, қор!..

* * *

Мен ишкнинг қулиман, юраги олов,
Титроғи танига сиғмаган исён.
Ичимда нимадир ёнади лов-лов,
Руҳимда учқуни уради туғён.

Оҳ десам ёмғирдай тўкилади дард,
Юракка айланиб депсинади шеър.
Шамол тўзон қилса, қўндирмоқ чун гард,
Қаърига тортгайдир қасоскорим – Ер.

Мен ишкнинг парчаси, вужудим олов,
Томиримда жўш урган қоним тўла ишқ.
Бу ўтни ҳеч қачон сўндиролмас ёв,
Сўзим ишқ, умрим ишқ, жоним тўла ишқ.

* * *

Хазонрез боғларнинг тинди шивири...
Дарахтлар ечиниб уйқуга кетди.
Юракка юкланди армон тасвири,
Ноласи паришон хаёлга элтди.

Майсалар жонига қасд қилди қиров,
Яшил япроқларни етди бошига.
Дилнинг оҳ-зорини эшитмас биров,
Дарё тўлиб тошди қайғу ёшига.

Қинидан қўзғалди қишнинг қиличи,
Онамсиз оҳори тўкилди уйнинг.
Отамсиз зах тортар даҳлизнинг ичи,
Уларсиз файзи йўқ байрам, на тўйнинг.

Ўзига тортмаскан мухташам уй ҳам
Гар тирик бўлмаса ота-ю она.
Олдин бир ҳовлида бўлар эдик жам,
Бугун тарқалишиб бўлдик бегона.

Отам кетган боғда қушлар сайрамас,
Ҳеч қачон сандалга солинмайди чўғ.
Энди болаликдай кўнгил яйрамас,
Эгасиз ҳовлининг таровати йўқ.

Бошдаги саноқсиз сочларим мисол,
Оқликка бурканиб, ёғаверар қор.
Дил доим дунёнинг ишларидан лол,
Қиёматга қолди соғинчли дийдор.

Хазонрез боғларнинг тинди шивири...

* * *

Бемаврид йўқолди боғларнинг кўрки,
Кузак сезонида сезилди жабри.
Осмонни ғуборга тўлдирди шамол,
Тупроққа туташди ёмғирнинг қабри.

Аждардек тебраниб, тўлғанди тўзон,
Дарахтлар юзига захрини сочди.
Шудрингнинг ўрнини эгаллади муз,
Куз эса пушаймон, кўзларин очди...

Яланғоч новдалар турар дилдираб,
Не ҳолга тушганин билолмай ҳайрон.
Олдин мевасини олишди тортиб,
Кейин бор будини қилишди вайрон.

Замин либосини ечиб олган куз,
Ўйламай бошига келтирди ташвиш.
Хайрият, поклади бутун борлиқни,
Оппоқ пари билан қаршилаган қиш...

Устоз

Сиз чексиз осмонсиз, меҳрингиз куёш,
Биз нурдан куч олиб улғайган ниҳол.
Умрингиз кўзгуси сабр ва бардош,
Буюк келажакка қўйилган тимсол.

Тафаккур илмининг илк ибтидоси,
Муаззам кунларга элтгувчи қанот.
Эғнида савобнинг кимхоб ридоси,
Таскинлар бергувчи ягона нажот.

Қалбингиз гўёки тонги шабнамдай,
Беғубор туйғунинг унсиз оҳанги.
Кўнгилнинг уйини ёритган шамдай,
Тафтида тобланиб тозарган ранги.

Сиз борки, маърифат, диёнат, иймон,
Ошуфта дилларни этгай сарафроз.
Дунёнинг зийнати, табаррук инсон
Ўзингиз бўласиз, ҳазрати устоз!

Бугунги Самарқанд

Самарқанднинг тарихи узун
Асрларга туташиб кетган.
Гоҳи шодлик, гоҳида маҳзун
Овозаси оламга етган.

Унда илм илдизин ёйган
Улуғбекнинг пинҳон доди бор.
Бешигида ўсиб улғайган
Исломининг ўчмас ёди бор.

Маънавият уруғин эккан,
Буюклардан мерос макон бу.
Навоийнинг қадами теккан,
Пойи қутлуғ, назмий жаҳон бу.

Бахшилари дўмбира чертган,
Эргаш Жуманбулбул сингари.
Фозил Юлдош, Назару Пўлкан,
Султон, Тилло чечанлар бари.

Темурбекнинг адолат йўли –
Авлодларнинг шижоатида.
Эзгуликка узалган қўли
Бу ҳаётнинг синоатида.

Ҳур Самарқанд – осуда, озод,
Маърифатнинг бешигидир бу.
Бугун шаҳар, қишлоқлар обод,
Мангуликнинг эшигидир бу.

Қад ростлайди "Самарқанд СИТИ"
"Қорасув"да улкан бинолар.
Нурободдан чикқан иссиқ сув,
Танингиздан дардингиз олар.

Йўл олсангиз Регистон томон
Ўз-ўзидан уйғонар ҳавас.
Кеча-кундуз нур сочар осмон,
Тоғдан елар топ-тоза нафас.

Яна қанча бунёдкор ишлар,
Бўй кўрсатар "Санъат саройи"
Бор бўлсин-а, яхши ташвишлар,
"Муз саройи" – шаҳар чиройи.

Амир Темур қурдирган минор,
Гумбазлари кўкдан боқади.
Аму билан Сирга дахлдор,
"Зарафшон"и тўлиб оқади.

Ошиқ қалбнинг аҳди бор бунда
Муҳаббатнинг ошёни гўзал.
Бибихоним бахти бор бунда
Дилдан янграр куй, қўшиқ, ғазал.

Самарқанднинг инсонлари хуш,
Ширинсухан, сахий меҳрибон.
Меҳнат билан кечиарар турмуш,
Дастурхонин безар ширмой нон.

Донғи кетган етти иқлимга,
Қалб битиги – зарҳал Самарқанд.
Юрт меҳрини солар дилимга,
Ер юзига сайқал Самарқанд.

Бир мактуб тафсилоти



Дилором САЛОҲИЙ

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган
144-ғазал шундай бошланади:

*Жоним ороми учун қосидки жонондин келур,
Гўё¹ жонпарвар насиме оби ҳайвондир келур.*

*Нома қосид илгидин, қосид ҳабибим оллидин,
Муждаи жон елдину ел моҳи Канъондин келур.*

*Ваъдаи васлики жонондин келур ҳижрон куни,
Тиндурур кўнглимни сўз янглиғким, ул жондин келур.*

*Гавҳаредекдурки, чиқмиш хомасининг нўгидин,
Нома узра шодлиғ ашкимки, мужгондин келур.*

*Шодлиғдин жон нисор этсам, не тонгким, бу хабар
Ҳам кўнгулдин, филмасал, ҳам кўнглум олгондин келур.*

¹ Шоирнинг XX жилдлик МАТида бу сўз “гўйиё” тарзида берилган (3 жилд, 132-б). Мисра шу тарзда ўқилса, вазнда сакталик юз беради. Аруз фанининг етук назарийчиси бўлмиш Навоий ўз ғазалларида бундай ҳолатга мутлақо йўл қўймаган. Бу хато ё хаттотлар эътиборсизлиги ёки транслитерация жараёнида содир бўлган. “Гўё” сўзидаги иккинчи “йо” ҳижоси ҳам аслида узун бўлгани ҳолда, қисқа ўқишига маҳкум, вазн шуни талаб қилади. Чунки, Бобур айтганидек, туркий тил аруз вазнларига ҳар доим ҳам мукамал тушавермайди.

Дилором САЛОҲИЙ – филология фанлари доктори, профессор. 1959 йилда туғилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг (ҳозирги ЎзФин.СамДУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Олиманинг “Бадое ул-бидоя” малоҳати”, “Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари”, “Хуррият ҳарорати” номли монографиялари, “Навоий назмиёти” номли ўқув қўлланмаси босилган, юздан ортиқ илмий мақолалари республика ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

*Ваҳки, мазмунидур аҳли дард саргардонлиги,
Ҳар бало мактубиким, бу чархи гардондин келур.*

*Деб эмуш номамга қилмайдур Навоий жон нисор,
Анда жон бўлса қачон бу навъ иш андин келур.*

Бу ғазалда хабарчи келтирган мактуб туфайли севимли дўстини соғинган лирик қаҳрамоннинг қалбида тугён урган қувонч ҳиссиётлари бадиий акс эттирилади. Ғазал хабарчидан келган мактуб ҳақида ўқувчига дарак бериш билан бошланади: “Қосид томонидан менинг жонимга ором бағишлаш учун етказилган нома шундай бир жонбахш шаббодаки, унда тириклик сувининг бўйи бор. Нома-ку менга хабарчининг қўлидан, хабарчи эса севганим ёнидан келди”. Ана шу мисра мазмунидан ғазал лирик қаҳрамоннинг дўсти – ҳабибидан олган мактуб муносабати билан ёзилганлигини мушоҳада қиламиз. Чунки, хат юборган кимса “маҳбуба” эмас, “ҳабиб” дейилмоқда. Бу ўрта аср лирик шеърини услуби бўлиб, маъшуқадан ўзгага нисбатан ҳам муболағавий ва гўзал истилоҳлар қўлланилиши унинг бадиий хусусиятларидан биридир.

Яна “Нома ўзи билан хушбўй бир насим олиб келдики, гўё бу насим Канъон осмонидаги Ойдан хабар бермоқда”, дейилмоқда.

Эътибор қилинса, аини шу фикрларни ифодалашда муаллиф ёнма-ён қўйиш (параллелизм), яширин ўхшатиш (ташбеҳи пўшида) ва талмеҳ санъатларини тасвир воситасига айлантиради. Чунки, Моҳи Канъон истилоҳи остида шоир Ҳазрати Яъқуб ва Ҳазрати Юсуф (алайҳиссалом) қиссаси воқеаларига ишора қилмоқда. Қисса мазмунига кўра, йўқолиб кетган севимли ўғлининг ҳажрида ғам чекавериб, кўзлари кўр бўлиб қолган пайғамбарга боласининг ҳаётлиги дараги етказилиши муносабати билан чексиз шодлик, қувонч ҳадя этилади. “Канъон осмонидаги моҳ” дейилганда эса Юсуф алайҳиссаломнинг кўрган тушлари назарда тутилади. Лирик қаҳрамон ўзининг севимли дўстини юсуфсифатли – ғоятда гўзал, дўсти ва Юсуф алайҳиссаломни эса “осмондаги ойдек гўзал”, деб таърифламоқда. Бу гапда яна Юсуф (а.с.) подшоҳ бўлган мамлакат – Миср ва унинг отаси макон тутган ер – Канъон орасидаги узоқ масофага ҳам ишора этилмоқда. Демак, агар ғазал шоирнинг ҳаётини таассуротлари асосида ёзилган бўлса, бу – Машҳад ва Ҳирот, Ҳирот ва Машҳад, Самарқанд ва Ҳирот, Астробод ва Ҳирот ораллигидаги узоқ масофадан келган номага ишора этади.

Навбатдаги байтда ёр томонидан васл ваъда қилиб юборилган мактуб хижрон азобида ўртанаётган ошиққа жон бағишловчи жарангдор сўз сифатида баҳоланади. Лирик қаҳрамон наздида мазкур хатни ёзаётганда унинг ҳабиби қаламининг учидан томаётган ҳар томчи сиёҳ – гавҳардир. Лекин, оддий гавҳар томчиси эмас. Хатни ўқиётганда ошиқ киприкларидан томган шодлик ёшларига ўхшаган гавҳардир.

Кейинги байтда номада қандайдир хабар бўлганлигини мушоҳада этамиз. Шоир “Бу хабар менинг кўнглимдан ва кўнгил олганимдан келди”, демоқдаки, демак, шоир кўнглида шу хабарни тугиб, кутиб юрган ва у ниҳоят унинг кўнгли тўридаги дўстидан келди.

Навбатдаги мисраларда ҳабиб юборган мактуб мазмуни аҳли дард кишиларининг номақбул жамиятда чекаётган азоблари баёнидан иборат эканлиги айтилади. “Аҳли дард”, яъни жамиятнинг асл фарзандлари бошига тушган дарду

балолар чархи гардондан эканлиги қайд қилиниб, ёрнинг мактубига жиддий ижтимоий-сиёсий либос кийдирилади. “Аҳли дард саргардонлиги” иборасига эътибор қилсак, улуғ шоир ҳабибининг ватанда ёки ундан узокда, яъни ғурбатда саргардон юрганини тафаккур қилиш мумкин.

Ғазал мактаъси ҳам ўзининг миллий руҳи билан халқимизга хос сўз ўйини (аския) услубидан яхши фойдаланилганлиги жиҳатидан диққатни тортади. Байтнинг мазмунига кўра мактуб эгаси “Менинг номамга Навоий жонини нисор қилмайди”, деган мазмунда қочирим қилади. Бу қочиримга эса муаллиф: “Кошкийди, менда жон бўлса, йўқ жонни қандай қилиб хатингизга нисор этай”, деган жавоб қайтаради. Чунки, у хижрон азобларини торта-торта аллақачон жонсиз танага айланиб қолган эди. Байтда “Анда жон” иборасини ийҳом қилиб, шоир “Ёрим Андижонда бўлса (ёки андижонлик бўлса), шунча йўлга жонни нисор қилиб юбориш қандай қўлимдан келсин”, деган мазмунни ҳам баён этади. Ана шу охириги мисра мазмунидан буюк Навоий бу ғазални Самарқанддан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзодан келган мактуб муносабати билан ёзмадимикин экан, Бобур Мирзони гўзал ва ёш подшоҳ Юсуф алайҳиссаломга, ўзини эса сеvimли ўғлини кутаётган Яъқуб алайҳиссаломга ўхшатмадими экан, деган мулоҳазалар юзага келади. Тарихий манбалардан маълумки, улуғ шоир ўз даврининг иқтидор ва истеъдод соҳибларига нисбатан ниҳоят даражада эътиборли бўлган, уларни тарбиялаш, қўллаб-қувватлашда ғайрат ва ҳиммат кўрсатган. Айниқса, бадий ижод соҳасида иқтидорли бўлган темурий шахзодаларни жуда кадрлаган, ижодий ишларга рағбатлантирган. У “Хамса” дostonларида Бадиуззамон Мирзога, Шохғариб Мирзога насиҳатлар қилади. Ёш Ҳисор ҳукмдори, Бобурнинг амакасининг ўғли Султон Масъуд Мирзога мактуб ва дуолар битилган рубойлар йўллайди, бу ҳақда “Муншаот”дан жой олган 102-мактуб гувоҳлик беради.

Улуғ шоирнинг худди шундай марҳамати Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога ҳам насиб этади. Бу ҳақда “Бобурнома”да унинг ўзи ёзади: “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”. Ўша “тафриқа ва ғавғо”да Бобур Мирзога етиб келмаган Ҳазрат Мир ғазалларидан бири шу ғазал эмасмикин?

Навоий ғазали охириги мисрасидаги “Анда жон” ибораси уйғотган мулоҳазаларни Бобур Мирзо девонидан жой олган ва охириги мисрасида худди шундай “анда жонидур” ибораси қўлланилган бир ғазал ҳам қувватлагандек тасаввур уйғотади:

*Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий, шароби нобким – ишрат замонидур.*

*Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин аргувонийдур.*

*Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш рангу гуллардин,
Магарким сунъинг наққошига ранг имтиҳонидур.*

*Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим богининг сарви равонидур.*

*Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, андажонидур.*

Мақтадаги “Не ерда бўлсанг, эй гул” ибораси ғазал бағишланган шахс муаллиф ёнида эмас, балки ундан узоқроқда бўлганлигини англатади. “Ғарибингга тараҳҳум айлагилким, андажонидур” мисрасида ҳам мактуб Самарқанддан йўлланганлиги, шавкатли бобосининг пойтахти бўлса ҳам, ёш подшоҳ ҳали ўзини ғариб, мусофир ҳис этиб, жони узоқлардаги ёри билан бирга эканлигини, ийҳом санъатини назарда тутсак, ўзи асли “андижоний” – андижонлик эканлигини баён этмаяптими экан? Бобур Мирзонинг Ҳазрат Навоийга “битиб йиборган туркий байт” и кейинчалик шу бадий баркамол, бетакрор ғазал тарзида юзага келмадими экан? Ҳазрат ҳам ёш хукмдорнинг “андажоний” иборасига пайрав қилиб юқоридаги ғазалларини битмадими эканлар? Албатта, қарийб олти асрлик тарих қаърига йўлланган бу саволларга жавоб топиш душвор. Аммо, нима бўлганда ҳам икки беназир ижодкорнинг бу икки ғазали бир-бирини тақозо этиши, тўлдириши ҳақиқатга яқин.

Навоий ғазалида “жон” ва “кўнгул” сўзларининг бир неча бор такрорланишидан иборат санъатлар ҳам мавжудки, булар шеър бадий мукамаллигини таъминлашга хизмат қилган.



*Минг йил ўқисаму,
мендан "Ҳимани билдинг" деб сўрасамлар,
"Ҳаддими билдим" дейман.*

Жалолиддин Румий



Саҳнада Навоий образи



Хуршид
СЕРОБОВ

Драмада тарихий шахс образини бадий талқин қилиш бирмунча мураккаблик туғдиради. Чунки у оддий қаҳрамондан кўра масъулиятли образ ҳисобланади.

Ўтган аср давомида ўзбек адабиётида ҳам Алишер Навоий маънавий портретини яратишга жиддий уринишларни кўришимиз мумкин. Навоий сиймоси хусусида адабиётнинг учала турида ҳам, турли даражадаги асарлар яратилди. Ўтган асрнинг 30-йилларида Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек “Навоий” номли поэма ёзди. Ушбу асар кейинчалик Ойбекнинг Навоий ҳаётига бағишланган йирик насрий асарларига “хамиртуруш” вазифасини ўтади. Булар: “Алишернинг болалиги” қиссаси ҳамда “Навоий” романидир. Ойбек бу романда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, Алишер Навоий образини яратади. Шунингдек, бутун умри давомида тарихий асарлар ижод қилган ёзувчи Миркарим Осим Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзловчи “Астробод”, “Алишер Навоий ва Дарвешали”, “Бадарға”, “Навоийнинг хислатлари”, “Улуғбек ва Навоий” каби ҳикоялар ёзади. Кейинчалик Алишер Навоийнинг болалиги ҳақида “Зулмат ичра нур” номли қиссани яратади. Миркарим Осимнинг ҳикоялари тарихий манбалар асосида ёзилган ва бадийлаштирилган асарлардир. Миркарим Осим Алишер Навоийнинг болалиги манзараларини бадий йўсинда акс эттириш орқали улуг ижодкорнинг маънавий-руҳий қувватининг илдизини топишга ҳаракат қилади ва буни ўқувчига тақдим этади. Ёзувчи Омон Мухтор ўтган аср охирида “Ишқ аҳли” номли роман ёзиб, бу асарда Навоий сиймосини архитектор йигит нигоҳи орқали бадий талқин қилади.

Замонавий ўзбек драматургиясида Навоий образи масаласи насрий ва шеърий асарларда гавдаланган Навоий ҳақидаги тасаввурларимизни қайсидир маънода давом эттиради ва тўлдиради. Уйғун ҳамда Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” беш парда, ўн кўринишли драмаси, Муҳаммад Алининг “Навоий ва

Хуршид СЕРОБОВ – 1995 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини тамомлаган. “Ўша мен эдим”, “Фақат у қолди” номли шеърий китоблари, “Усмон Носир” номли илмий рисоласи чоп этилган.

Бойқаро” беш парда, ўн кўринишли тарихий драмаси, Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” икки парда, ўн икки ҳолатдан иборат тарихий драмаси, Комил Авазнинг “Шоҳ бўлди ишқ ичинда” беш кўринишли мусиқий драмаси, Восит Саъдулланинг “Хуросон юлдузи” драматик поэмаси, Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” бир парда, саккиз кўринишли драмаси, “Алишербек ва Ҳусайн” ёш томошабинлар учун етти кўринишли тарихий пьесасида Алишер Навоий образини гавдалантиришда турли талқинлар бўлиб хизмат қилади.

Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасида Навоий ўша даврдаги ижтимоий гуруҳлар ўртасида кечадиган зиддиятлар фонида тасвирланади. Асарда унинг шоирлик қиёфасидан кўра кўпроқ давлат арбоби сифатидаги кўлами гавдалантирилган. Драма ҳам шеърӣ, ҳам насрий усулда ёзилган бўлиб, шеърӣ ифодалари ниҳоятда гўзал ва раvon.

***Навоий.** Кўзимнинг нури кел, тоза гулим, кел!
Кўнгул боғида сайроқ булбулим, кел.*

***Гули.** Кўриб гулзор ичида сизни ёлғиз
Сўроқсиз, индамай, мен беҳаё қиз,*

*Кечиргайсиз, келишга журъат этдим.
Навоий. Кўнгил армони, кел! Мақсадга етдим...¹*

Маълумки, драмада образ ва характер бу персонажнинг қайтарилмас қиёфаси ҳисобланади. “Алишер Навоий” драмасида характер тўла очиқ берилган персонажлар кўп. Шу жиҳатдан драманинг асосий ютуқларидан бири характерлар билан боғлиқ. Драмада Навоийнинг нисбатан мукаммал маънавий портретини кўрамыз.

Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” драмасига асос қилиб олинган воқеа Бадиуззамоннинг ўз отаси бўлмиш Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқарога исёни, Навоийнинг фарзанд ва отаси ўртасида юзага келган конфликтни оқилона бартараф этгани ҳусусидадир. Маълумки, драматик асарлар сахнага мўлжаллаб ёзилади. Бунда биринчи эътиборда турадиган жиҳат унинг сахнада қандай ўйналиши масаласидир. Демак, ижодкор сахна имкониятидан чиқиб кетишга ҳақли эмас: фантазиялар локацияга мослаштирилиши шарт. Чунки драма санъати экран санъати эмас. Томошабин кўз олдида ўйналади, ҳолат кинодаги кадрлар каби секундлар ичида алмаша олмайди. Бунга сахнанинг имконияти йўқ ва драматургия қонун-қоидалари ҳам шу жиҳатни ҳамшиша эътибор марказида ушлайди. Драма Навоий ва Нозаниннинг суҳбати, Навоийнинг, “Ё Парвардигор! Менинг қавмимга ва барчага дунёда тинч-осойишта, бахт-саодатли яшашни буюргин...” деган илтижо билан тугалланади. Драмада Навоий тарихий шахс сифатида тарихий ҳақиқатлар негизида бадий талқин қилинган ва Навоийнинг тадбирли, мулоҳазакор ва ўта дипломат инсон эканини кўрсатиш бош мақсад қилиб олинган. Асарда драматургия қонун-қоидалари инкор этилмайди, лекин тўла амал ҳам қилинмайди.

“Амир Алишернинг дарди” драмасида севги чизиғига эътибор қаратсак, муаллиф Навоийнинг ғазаллари кайфиятидан келиб чиқиб, эҳтимол, ёр образини

¹ Уйғун, Иззат Султон. “Алишер Навоий”. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

киритади. Иззат Султон ва Уйғун “Алишер Навоий” драмасида Навоийнинг севгилиси сифатида Гули тўқима образидан фойдаланган бўлса, Омон Мухтор бу тўқима образга Нозанин деб ном беради. Муаллиф бу қаҳрамоннинг реал шахс эканига ўқувчини ишонтирмоқчи бўлади. Нозанин тилидан айтилган “Мен соя эмасмен. Жонли вужудмен! Сиз мени доим соя деб билдингиз”, сўзлари фикримизни далиллайди. Нозанин бу гапни гўёки Навоийга айта туриб, ўқувчини ишонишга чорлайди. Диалогнинг давомида ўқувчини шубҳадан фориғ қилиш учун ҳаракат кучаяди. Нозанин Навоийга қарата, “Сиз мени бошда Гули деб танидингиз. Кейин, бора-бора ғазалларингизда номаълум бир гўзалга, Нозанинга айландим. Бу мен учун шараф. Бахт!” деб мурожаат қилади ва уни бошқа ёзмасликка ундайди. Навоий эса, “Илож йўқ. Бу менинг ҳаётим мазмуни... Дунёда шу қадар олис йўл, олис масофа кечдимки! Айрилиқ, саргардонлик, ночорлик, ғариблик... Аммо маҳзун НАВОДан умидбахш НАВОга етиб келиш мени НАВОИЙга айлантирди!”² дея иқроор бўлади. Муаллиф Навоийнинг ошиқ сифатини шу йўл билан акс эттирмоқчи бўлади.

Иқбол Мирзониинг “Самарқанд сайқали” номли бир парда, саккиз кўринишли драмасида 1465–1469 йилларда Самарқандда бўлиб ўтадиган воқеалар тасвирланади. Асарнинг асосий мақсади Навоийнинг Самарқандда ўтган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиш бўлгани учун Самарқанд ўзаро диалогларда қайта-қайта эслаб турилади. Аҳмад Ҳожибек “Самарқандни Самарқанд қилган Самарқандийларнинг ақлу закоти”, дея ўз шахрдан ғурур туйишини яширмайди. Навоий Аҳмад Ҳожибек билан суҳбатдан сўнг Фазлуллоҳ Абу Лайс Самарқандий билан учрашади. Самарқанд ҳокимининг кўнглига шубҳа оралатишга уринган Соҳиб Сиддиқнинг дастлабки уриниши самара бермайди. Муаллиф шу вазиятда саспенсдан унумли фойдаланган. Соҳиб Сиддиқ кейинги уринишни амалга оширгунча ўқувчида кизиқиш пайдо бўлади. Кейинги фитна қандай бўлишини кутади. Гарчи драма Алишербекнинг Самарқандга илк ташрифидан бошланса-да, уни энг аввал Мўйсафид, кейин эса ёш шоир Мирзобек таниб қолиши ўқувчида бироз шубҳа уйғотади. Алишербекнинг, “Ҳа, бу жон ташвиши, мол ташвишимас... Хуросон элида қиёмат кўпди... Қайдадир хузурбахш боди саболар? Қайдадир ипакдек сирғалган насим? Қайдадир райҳонбўй хуш шаббодалар? Ёр сочин чулғатган эпкинарлар қайда? Тупроқ хидин сочган кўклам еллари... Ашъор, абётларда қолдилар фақат...” дея айтган сўзларидан кейин Навоий ўз ижодидан бир байт келтиради ва шу байтни Мўйсафид давом эттириб уни таниб қолади. Бу драманинг прологига юз беради. Муаллиф шундан кейин конфликтни пайдо қилади: Ҳиротдан юборилган махсус жосус Соҳиб Сиддиқ Навоийнинг ҳаётига хавф туғдирувчи антигонист сифатида намоён бўлади. У шу даражада юқори антигонистик кайфиятида бўладики, сипоҳга қарата, “Шубҳа-иштибоҳ йўқ садоқатинга, Бир лаҳза ҳам кўздан қочирма уни! Билгилки, асосий душманимиз шу! Ва зарур бўлганда...” дея қўлини томоғига юргизиб, бошни олишга ишора қилади. Соҳиб Сиддиқ Навоий билан асосий конфликтни ҳосил қилиб, драманинг кизиқарлилик хусусиятини оширишга хизмат қилган. Драмани Навоий томонидан айтилган “Ватан юракдадир мангулик қадар, Юрак қайда бўлса, шундадир Ватан”, хитоби яқунлаб беради. Умуман олганда “Самарқанд ҳаёли” тарихий драмаси Навоийнинг Самарқандда ўтган ҳаёти ҳақида ихчам, тушунарли ва муҳим тасаввур бера олади.

Муҳаммад Алининг “Навоий ва Бойқаро” тарихий драмаси бевосита Ҳусайн

2 Омон Мухтор. “Амир Алишернинг дарди”. “Ёшлик” журнали, 2-сон, 2011 йил.

Бойқаро ва Алишер Навоийнинг мамлакат сиёсий-иҷтимоий ҳаётидаги ўзига хос “тандем”ини кўрсатиб беради. Омон Мухторнинг “Амир Алишернинг дарди” тарихий драмасида ҳам Бадиуззамоннинг отаси Ҳусайн Бойқарога қарши исёни ва бу низони Алишер Навоийнинг ниҳоятда донолик билан бартараф қилгани кўрсатилган. Тарихчи Хондамир ва Камолiddин Беҳзоднинг узун диалоги иккала характерни ҳам очишга эмас, кўпроқ Навоий ва Бойқаро дўстлигини бироз бўрттириб улуғлашга ўхшайди.

“Беҳзод. Бахтимизким, шу шаҳарда туғилдик бизлар, Улуғ тупроқ фарзандим деб бизни азизлар.

“Хондамир. Олимлари рисоалар битар у ҳақда, Шоирлари назм инишо этар у ҳақда. Бастакори шарафига яратар куйлар, Хонандаси ошиб-тошиб қўшиқлар куйлар! Шундай подшо бизда бўлсин, деб ўзга халқлар, Орзу қилса. ҳавас қилса, тамоман ҳақлар!”³

Ушбу узундан-узоқ монологларда (гарчи бу ерда диалог бўлса ҳам, ўқувчида икки нутқни бир киши гапираётган каби таассурот қолдиради) ортиқча пафос, безаклилик ва шиорбозлик кўзга кўринади. Дастлабки сахнадан томошабинни бу каби шиор сўзлар билан бездириб қўйиш эҳтимоли бор. Сўзлар шеърӣй усулда ёзилган бўлса ҳам ўқувчига таъсир ўтказадиган сўзлар дейишимиз мушкул, қолаверса, драматик таранглик илк сахнадан бошланиши лозим эди. Ўқувчи бу гапларни Хондамир ва Камолiddин Беҳзод айтаётганига шубҳа қилади. Муаллиф фаровон юрт ҳақидаги кўтаринки руҳдаги алков гаплардан кейин шоҳ ва шоир – икки дўст Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқарони улуғлашга киришади. Ҳусайн Бойқаро Навоийга нисбат берар экан, “Шоир эрур сўз мулкининг кишваристони”, дейди. Ҳусайн Бойқаронинг эътирофидан сўнг, воқеа бошқача тус ола бошлайди. Бойқаро Навоий билан “ўртасида можаро борлигини” таъкидлайди. Навоий бу можаронинг не эканини билмасдан, ҳайрон бўлади. Шу ерда муаллиф саспенсни юзага келтиради. Уни кучайтириш лозим бўлган пайтда икки дўст яна бир-бирига ҳурматини баён қила бошлайди.

*“Бойқаро. Мен – Хуросон шаҳанишоҳи, темурийзода,
Кўл кўксимда, кўнглимдагин айлай ифода:
Кўндан орзум: ўзларини пир деб атасам,
Муридингиз бўлайин, деб айласам қасам...”⁴*

Драмалардаги Навоий образини гавдалантириш жараёни насрнинг имкониятидан кўра бироз чекланганини айтиш тўғрироқ бўлади. Маълумки, икки турдаги (наср ва драматургия) қаҳрамон ҳам адабиётнинг умумий коидалари ва талабларидан келиб чиқиб яратилади. Шу сабабдан ҳам уларга кўпгина умумийлик хос. Ҳар икки адабий қаҳрамоннинг образлар деб аталиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳол эса драмадаги персонажни эпос ва лирика қаҳрамонидан бутунлай бошқача, бадиий воситалардан фойдаланмай яратилган, деб фараз қилиш ҳам жуда зарарли оқибатларга олиб бориши мумкин.

Драматургдан бадиий асар яратиш талаб қилинар экан, у адабий асарнинг талабларига тўлиқ жавоб бериши, катта мазмунни, чуқур ғояни, пухта характерларни бера олиши шарт этиб қўйилади. Шундагина воқелик драмада

3 Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журна́ли, 6-сон, 2016.

4 Муҳаммад Али. “Навоий ва Бойқаро”. “Жаҳон адабиёти” журна́ли, 6-сон, 2016.

ўзининг муносиб ифодасини топган бўлади. Драмада макон ва замон тасвири ҳам бошқа турлардан фарқ қилади. “Пьеса узоқ вақтни, бир қанча даврни қамраб олиш имкониятига эга бўлмай, балки, тасвирланган воқеа қисқа вақт, ҳаттоки кўп ҳолларда бир неча кунда, ҳатто бир кунда ёки бир неча соатда бўлиб ўтади”.⁵ Муаллиф воқелик содир бўлган табиатни, манзараларни кенг ифодалай олмайди, кўпи билан 4–5 хил кўринишни кўрсатиш билан кифояланади.

Тарихий драма тарихий ҳақиқатдан узоқлашмаган ҳолатда драматургия қонун-қоидалари асосида яратилган бўлса, мукамал саҳна асари деб ҳисоблаш мумкин. Аксар ҳолларда драматургия мезонлари четда қолиб, Навоий сиймосини улуғлаштириш, ҳар бир детални ушбу мақсадга бўйсундириш ҳолатлари учрайди. Бадий асарни кўтариб турадиган бирламчи жиҳатлардан бири бу табиийлик, яъни ясамаликдан холилик эканини унутмаслик лозим. Ўзбек адабиётида тарихий образлар кўпинча камчилик ва нуқсондан холи сифатида тасвирланади. Муаллиф асарда ўз қаҳрамонини тўлалигича ҳимояга олиб, қаҳрамонига хато қилишга имкон бермайди. Натижада хатолардан холи “супер қаҳрамон” пайдо бўлади. У барча тўсиқларни енгиб ўтади, юксак заковат ва чуқур мушоҳада эгаси эканига ўқувчини ишонтиради, атрофдаги персонажлар бош қаҳрамоннинг нуфузини ўқувчига эслатиб туриш учун “қурбон қилинади”. Образли қилиб айтганда, бир хил қолипга солинган жараён кечади.

Ўзбек драматургиясида Навоий ҳаётининг турли босқичлари қамраб олинган саҳна асарлари мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари кўрсатиб берадиган, Навоийнинг умри сўнггида қандай изтироблар ташвишга солгани, нимадан кўнгли тўлгану, нимадан хафа бўлгани, армонлари ва хоказолар ҳақида кўрсатиб берадиган трагедия яратилмаган. Навоий образи акс эттирилган барча асарлар жанр хусусиятларига кўра асосан драма жанрига мансуб. Комедия ёки трагедия жанрларида ҳали Навоий шахси акс эттирилмаган. Масалан, Ҳазрат Навоийнинг нозик юморга, кинояга мойиллигини тарихий комедия сифатида кўрсатиш орқали Навоий шахсининг янги бир бадий талқинини кўришимиз мумкин бўлади.

Навоий образини ёритаётганда унинг маънавий устозлари ва сафдошлари – Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад ва Абдурахмон Жомий каби зотларнинг образини ҳам яратиш мақсадга мувофиқдир. Айни шу мавзуда киносценарийлар, драмалар ёзиш бугунги кун ижодкорлари олдида турган вазифалардан бири деб биламиз. Шундагина ушбу асарлар асосида экранлаштирилса, қўйилган мақсад ўзини оқлаган бўлади. Ҳар бир ижодкор маълум бир тарихий шахс ҳақида асар ёзса, бу билан у ўз талқинини тақдим этаётганини унутмаслик лозим.

5 Лайош Эгри. Искусство драматургии. Творческая интерпретация человеческих мотивов. Москва, 1999, ст. 67.



Барно БЎРОНОВА

Бадий асарда эл тилининг қудрати

Маълумки, ўзбек ва жаҳон адабиётида адабиёт аҳли томонидан эътироф қилинган асарлар, албатта, ўзининг воқеалар ривожига сирли ва қутилмаган такрорланмас жиҳати, тил ва услубдаги самимий ва илиқ туйғуларга бойлиги билан китоб ўқувчини ўзига бевосита тортади, сўз қудратини яна бир бора ҳис қилдиради. Айни маънода Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” қиссаси ҳеч муболағасиз умумхалқ ва адабий тил уйғунлигидан иборат бадийяти билан ўқувчини ўзига жалб қилади. Аслини олганда, бугун кўпгина ўқирманлар учун бирдек манзур бўлган “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Ўтмишдан эртақлар”, “Болалик”, “Шум бола”, “Отамдан қолган далалар”, “Юлдузлар мангу ёнади” каби насрий асарларни кузатганимизда уларда шевага хос сўзлардан қаҳрамоннинг айнан қайси ҳудуд вакили эканлигини китобхонга янаям аниқроқ изоҳлаш мақсадида, персонаж нутқининг ўзига хослигини, ўз-ўзини таъкидлаш мақсадида ишлатилгани аён бўлади.

Бироқ бугунги адабий жараёнда “Тилимизнинг табиийлигини, оғир-босик залворини”¹, тилимиз хазинасини кашф қилиб ёзилган Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” қиссасини ўқир экансиз (нафақат “Энашамол”, “Энайўл”, “Отамозор”, “Энабулоқ”, “Отаҳаёт”, “Отачироқ”да ҳам), диалектал вариантга хос сўзларнинг асар тили билан ниҳоятда уйғунлигини, ҳатто ўша сўзнинг шевага хос сўз эканлигини сезмай қоласиз. Асар сюжетида гўёки улар бетакрор жозибadorлик юклайди. Адиб ижодида қадим туркий лаҳжаларнинг муштарак жиҳатлари ҳамда шеваларнинг Оғаҳий, Алишер Навоий, Махтумқули асарлари билан ҳамоҳанглиги сезилади. Зеро, “Қорақалпоғистоннинг Миздоментидан тортиб Сурхондарёнинг Сангардагигача, Тошкентнинг Қоронғутўқайдан то Андижоннинг Тошоҳуригача бўлган қадим қишлоқлар тилини салкам ўттиз йилга яқин тадқиқ қилган, Самарқанд давлат университетида улуғ устозлар – Ботирхон

1 Баҳодир Қобул “Отачироқ”. Битиклар / Тошкент: “Машҳур-пресс” нашриёти, 2021, 5-б.

Барно БЎРОНОВА – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1984 йилда туғилган. Қорақалпоқ давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг республика ва халқаро илмий нашрларда 40 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари нашр этилган.

Валихўжаев, Раҳматулла Қўнғуров қўлида тарбия кўрган, шарқ тилларини, қадим туркий, форсий тилларни ўрганган”² забардаст адиб, табиийки, асарлари билан ёш авлодни ўзликни севишга, уни ҳурмат қилишга, тилимизда мавжуд сўзларнинг маъно-моҳиятини теран билишга ундайди. Шу боис ўқирман халқона ташбеҳу, сифатлашларнинг ҳаётий ифодасини амалда кўради, ундаги маъно образ, фикр услуб билан нақадар уйғунлашганини ҳис қилади. Масалан:

1. Мисқолнинг сигири туғибди. **Келагайи** яхши экан. **Палласидан** олиб қўйдим³. (255.)

2. **Баламни** Самарқандга бировга қўшиб бўлсаям юборинг. **Ичкикиб** қолмасин. (254.)

3. Ерни **мустар** қилманглар, ҳеч бўлмаса **катман** уриб қўйинг. (260.)

4. Энди бир стакан газ сув ичиб бўлгандимки, будка орқасидан оғзи **қўна** калишдай тарвайиб ўзимизнинг жухуд кўринди. (263.)

5. ...Одамларга билдириш учун галстугимни таққандим, опачам бўйнимдан юлиб қўлимга бердилар:

– Бугунча энди мударрислик қилмай туринг, Мирзойи, – деб **кенадилар**. Индамай турганимдан жаҳли чиқиб, бақириб кетди:

– Жойига қўй деяман, сариқ **ошқади**. Энди бир ками бозор куниям галстук тақининг қолувди. Юрарканманда энди сан билан бўйинда бўйинбоғ, кетда **шолвор** билан Самарқандда қўл ушлашиб. (257.)

6. **Қўйинди** тугаши билан, автобус ойнасидан чап томондаги пастликда икки қўлини осмонга чўзганча тўкилиб бораётган қадимий катта иморатнинг қолдиқлари кўзимга ёпишиб қолди. (259.)

7. – Сен билан бугун энангни тилида гаплашаман. Кейинги сафар бошқа тилда бўлади. **Кўкайингда йўқ**, дилингга солинмаган иш тўғрисида гапириш одамни эшакликка яқинлаштиради, деган **бурунғилар** китобида... (275.)

“Жони бор элнинг жонли тилида” ёзишни мақсад қилган Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” асарида бундай халқона жумлаларнинг сон-санови йўқдек. Юқоридаги мисоллардаги *келагайи (эндигина кўзи ёриган сизир сути), ичкикиб (руҳан қийналиш), мустар (куттириш) қўна (эски), кенадилар (койимок) ошқади (ошқовок), қўйинди (қабристон) кўкай (қалб, дил)* каби Самарқанд шеvasига хос сўзлар асар бадиий тили билан шу қадар уйғунлашганки, ўқувчига бир қарашда нотанишдек сўзлар асардаги воқеалар тафсилотида боғлиқ тарзда ўз-ўзидан маъноси ойдинлашади. Ёзувчи қадим туркий тилнинг нозик томонларидан унумли фойдаланибгина қолмасдан, шева тилини ўрни келганда адабий ва бадиий тилга айлантиришга муваффақ бўлган. Асарнинг бошидаёқ ёзувчи ўқувчи эътирозига, нега асар бошдан-оёқ халқона тилда деган саволига жавоб беради: **“Китобдагига ўхшатиб ёзаман десам, бориям эсимдан чиқиб кетади. Кўкайда бўлак, ёзиғда бўлак бўляпти. Кейин китоб тилида ёзсам, қишлоқ одамлари ўқиса ҳаллозилик қилибди, ичидан тўқибди, ёлгон ёзибди деб қулишади”**.

Айни маънода академик Бахтиёр Назаров “Энайўл”га ёзган сўзбошида бадиий асарда халқ тилининг жилоси ҳақида шундай дейди: “Умуман бадиий асарни асар қиладиган нарса кўп. Ўнлаб компонентлари бор. Лекин биринчиси, бадиий

2 Нигора Шофайзиева “Ота ҳурмат қилинган жойда давлат бўлади...” “Адабиёт зиёси” газетаси, 2022. 2.07. / №21. 4-б. (Ёзувчи Баҳодир Қобул билан суҳбат)

3 Баҳодир Қобул “Энайўл”. Қисса ва ҳикоялар/ Тошкент: “Машхур-пресс” нашриёти, 2018, 255-б. (ИЗОХ: Мақоладаги кейинги мисоллар ҳам айнан шу манбадан олингани учун биз кейинги ўринларда фақат саҳифанинг ўзини кўрсатиб ўтишни маъқул деб билдик.)

асарни асар қиладиган нарса бу – бадиий тил. Ҳатто бадиий тил деганимиз ҳам ўнта ёзувчининг асарини ўқисангиз бир-биридан фарқ қилмайди. Бадиий асарга қанчалик зоя берманг, сюжет линияси ишланг, агарда асар тили, муаллифнинг ҳақиқий тили бўлмаса сийқаси чиққан тилда яхши асар яратиб бўлмайди”⁴.

Дарҳақиқат, аксиома тарзида айтилган ушбу фикрлар “Энашамол”даги нафақат шевага хос сўзлар, балки ўзига хос ибора ва мақолларда ҳам ўз аксини топган. Зеро, ёзувчи халқнинг шу қадар доно “теша тегмаган” ўзбекона ибора ва мақолларини қаҳрамон нутқида қўллаганки, уларда гўёки, миллат қалби, хиссиёти, ўзлиги, урф-одатлари жамулжам бўлади. Қуйида улардан баъзиларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

1. Тўққиз ой кўтарганга эмас, ердан кўтарганга ўхшайман (255-б.) Ушбу мақол асарда Эна тилидан неварасини эркалаш учун айтилган бўлиб, унда набира ва буви ўртасидаги меҳр-оқибат, момонинг набирасини ёшлигидан ўзи боққанлиги, унинг момолик муҳаббати акс этади.

2. Тиз билан ўйнашсаям, тил билан ўйнашмайдилар. (275-б.)

3. Ҳақ гандан ҳақдан хабарсизлар кўрқадилар. (275-б.)

4. Марднинг овқатига номарднинг кўзи тушмасин. (276-б.)

5. Эна жамни билиш фарз, ота жамни билиш қарз. (274-б.)

Мазкур мақоллар эса Эна тилидан қишлоққа талабаларни амалиётга олиб келган шаҳарлик домлага нисбатан айтилган. Талабаларга фақат юзакигина билим бераётган, буйруқларни бажаришга муте бўлиб қолган, бир қолипга тушиб ундан чиқа олмаётган олимнинг юзига, унинг қалбига оддийгина момо гўё ана шундай ҳикматлари ила кимлигини англатиш учун кўзгу тутати. Момо “олий маълумотли” домлага кескин, халқчил фикрлари ила ёш авлодга фақат назарий билимларни кўр-кўрона ёдлатиш эмас, аввало, уларга ўзлигини, миллий қадриятларини англатган ҳолда таълим бериш, ўтмишни англаб, бугуннинг дарди, келажакка ишонч ва мақсад ила одимлайдиган мард, шижоатли, ақли етук авлодни тарбиялаш лозимлигини ўқтиради, ўрни келганда танбеҳ беради.

6. Ишни ўқдайи – ишни ўқи, ўқдай иш, ўқ иш – ўқиш. (289-б.) Аллелетерация (товушлар оҳангдошлиги)нинг бетакрор намунаси бўлган ушбу мақол ҳам Эна

4 Бахтиёр Назаров “Ўзликни англашнинг сўздаги наволари” сўзбоши, юқорида кўрсатилган манба, 6-б.

Самарқанд ҳақида қўшиқ

– Мен энди Самарқанднинг расмини чизаман! Менга энди рангли қаламларни кераги йўқ. Мен Самарқанднинг расмини Кампирдеволнинг уводаси чиққан кесаклари билан ҳам чиза оламан. Истасам Ойқорнинг расм дафтар варазига ўхшаган қорларига, истасам Тайпоқ сойдаласига, кўнглимга ёқса Қоровултепа сув омборининг бетига, истасам осмонни бир четига, йўқ, қоқ ўртасига чизиб қўйишим мумкин. Менга алам қилган. Менга кўп нарса алам қилган. Ва бу расмлар энг чиройли расмлар бўлади. Айниқса, қўллари осмонга чўзилиб, қайта тикланишига мустару илҳақ бўлган, қайта тиклайдиган эгасини тўрт кўзи билан кутаётган Темур жоми масжиди расмини чизаман. Биринчи бўлиб Энамга кўрсатаман. Эна, мана Самарқанд, дейман. Эна, мен Самарқандни сизга ўхшатардим, дейман. Сизгаёму ўхшаб кетаркан-у, бироқ кўрганда, отидан одам ҳуркадиган прокурор ҳам, қорнининг дўмпоқлиги эгиз кўзилайдиган келинчақларникига ўхшайдиган, мошинидан тушиб келиб салом берадиган мелисаларнинг каттасиям, райком ҳам оғзига қараб, нима дер эканлар, деб турадиган соқоллари оптоқ Мулла Оқмирза бобога ўхшар экан, дейман. Йўқ, бундай десам хафа бўладилар. Ярми сизга, ярми Оқмирза бобога ўхшар экан, дейман. Ҳа, шундай дейман.

“Энашамол”дан парча

тилидан айтилган бўлиб, набирасини доимо илм олишга, ўқиб-ўрганишга даъват этади. Момонинг ушбу даъвати ила ўспирин бола тенгдошларидан энг олдинга чиқиб кетади. Ҳатто ўзи 3-синф бўлишига қарамай 5-синф дарсликларини ҳам ёд олади.

Аслида асарда бундай оригинал паремиологик бирликларни жуда кўплаб рўйхат қилиш мумкин. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти Эна тилидан айтилади. Нега? Асар ниҳоясидаги ушбу фикрлар орқали саволга жавоб топгандек бўламиз: *“Самарқанд шамоли, йўқ, Энамнинг шамоли дориётганини билдириб, еру кўкни тўзон қоплади. Самарқандни кўрганимдан, топганимдан сал ўтмай йўқотган нарсамни айтишга тилим бормади. Энамнинг овози тикиб берган чопончаларининг ўнгирига осилиб қолган”*. Демак, Эна тимсолида ёзувчи Ватан, она юртга муҳаббат, садоқат туйғуларини акс эттирмоқда. Эна тимсолида халқ, умуман Туркдан тўраган халқлар донолиги, уларнинг яшаш тарзидаги соддалик, мардановарлик кўринади. Умуман, адабиётимизда “Энашамол”, “Энайўл”, “Отаҳаёт”, “Энабулоқ”, “Отайўл” “Отачироқ” каби халқнинг “жонли тилида” ёзилган асарларнинг яратилиши бугун кўпчилик учун унут бўлаётган ўзбек тилининг бойлиги, унинг нечоғлик улкан хазина эканлигини ҳис қилишимиз, халқимиз бисотида кўпчиликка номаълум бўлган ҳикматли сўз ва иборалар, мақоллар, тилимиз жилоси ила фахрланишимизга яна бир асос бўла олади. Эна тимсолида гўёки узок йиллар давомидаги давр тазйиқи остида ҳам ўз иймонини сақлаб қола билган, ўзлигини унутмаган инсонларнинг ҳаёт тарзини, жамият мезонларини халқнинг бугунги тилида содда ва ўта мушоҳадали тарзда ифодалаш таҳсинга лойиқ. Зеро, “Миллат – адабиётда, тилида тирик қолсагина миллат. Миллат руҳи уйғоклиги, қаторда борлиги фақат ва фақат миллий руҳдаги адабиёт билан ўлчанади”⁵.

Таъкидлаш жоизки, бугун илм оламида изланиш олиб бораётган тилшунос ва адабиётшунос тадқиқотчиларимиз учун Баҳодир Қобул асарлари тилини, ундаги мажоз ва ташбеҳларни ўрганиш фанда яна янги бир қирралар яратилиши учун, хусусан, ўзбек адабий тилининг этимологияси, тил тарихи, адабий жараёндаги эврилишлар, бадий асарда ёзувчи услубининг бетакрор жиҳатларини тадқиқ қилишда илмий-амалий ҳамда назарий манба бўла олади.

5 Баҳодир Қобул “Отачироқ”. Битиклар / Тошкент: “Машхур-пресс”нашриёти, 2021, 3-6

РЕЗЮМЕ

Аннотация: Ушбу мақолада ёзувчи Баҳодир Қобулнинг “Энашамол” асаридаги халқона ибора ва мақоллар, шева тилининг асар тили билан уйғунлиги, ўзбек тилининг бойлиги, унинг нечоғлик улкан хазина эканлиги, жонли халқ тили, халқимиз бисотида кўпчиликка маълум бўлмаган пурҳикмат сўз ва иборалар, мақоллар, таҳлил қилинади.

Аннотация: В этом статье анализируются популярные фразы и пословицы в повести “Энашамол” писателя Баходира Кабула, гармония диалекта с языком произведения, мудрые слова и фразы, пословицы которые неизвестные нашему народу.

Annotation: The article analyzes popular phrases and proverbs in the novel “Enashamol” by the writer Bahodir Kabul, the harmony of the dialect with the language of the work, wise words and phrases, proverbs unknown to our people



**Шаҳноза
НАЗАРОВА**

Бармоқ вазнининг қайта жонланиши

XX асрнинг 20–30 йилларидаги мураккаб, зиддиятли, носоғлом адабий муҳитда янги шеърятнинг назарий асослари қандай бўлади, деган савол кўндаланг турар эди. “Миллий шеър” қандай бўлиши керак, деган саволга Фитрат тўлақонли жавоб берди ва ўз рисоаларида унинг моделини яратди.

Янгиланган мазмун дастлаб эски шаклларда ўзини намоён қилди. Мадраса таълимини кўрган, аруз доирасида поэтик мушоҳада юритган, қофия илмини ўзлаштирган шоирлар янги тушунчаларни арузда ифода этдилар. Вазнлар алмашинуви биридан иккичисига табиий ўтиб борди. Аруздан тўла воз кечиш эвазига бармоқ ва сарбастга ўтиб борилмади. Аруз ўз ичида сифат ўзгаришларига учради, бунда мазмунда илгарилаб кетиш, дунё адабиёти таъсирларига берилиш каби муҳим ташки омиллар ҳам мавжуд, албатта. Давр шеъриятидаги вазн, қофия, ритмга оид мураккабликлар арузга хос қатъий тартибнинг бузилиши; шеърга халқ куйи ва халқ кўшиқлари матнининг асос қилиб олинishi билан юзага келди.

Аруздан бармоққа ўтиб борилар экан, халқ куйлари, ашулаларига табиий тарзда мурожаат қилинади. Шоирлар янги ифода, янги шакл излар экан, уларнинг онг хотирасида сақланиб ётган куйлар табиий тарзда уйғонади. Бу ижоди жараёнлар Фитратнинг “Ҳар миллатнинг, ҳар замоннинг, ҳар шоирнинг ўз услуби бўлиши зарур”, деган талабидан келиб чиқади. Чўлпоннинг “Уйқу” ғазали “Бормайман деди” халқ куйига, “Рақамлик севги” ғазали “Найларам” халқ куйига, “Чиммат кўшиғи” ғазали “Ўзганча” халқ куйига, “Қадоқчи кўшиғи” – “Ушалди хумморим” халқ куйига, “Галдир” ғазали “Галдир” халқ куйига соzланган бўлиб, уларда ҳам аруз ва миллий куй уйғунлиги кузатилади. Бунда куйга асосан вазн танланади, яъни қайси вазн танланишини куйнинг табиати белгилаб беради.

Шаҳноза НАЗАРОВА – филология фанлар бўйича фалсафа фанлар доктори. 1987 йилда туғилган. ЎзМУ ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Мувозанат”, “Оҳанг” шеърлар тўплалари, “Огаҳий ижодига янги-ча бир назар”, “Хаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида”, “Танқид ва қадимият” “Танқид ва қадимият” номли монографиялари чоп этилган.

Мен ду-тор бир // лан ту-ғиш-ган // кўҳ-на бир де // во-на-ман,

Ул ту-ғиш-қо // ним би-лан бир // ўт-да до-им // ё-на-ман.

–V– / –V– / –V– / –V–

фоилотун

фоилотун

фоилотун

фоилун

Яъни рамали мусаммани маҳзуф баҳрида. Энди “Галдир” халқ кўшиғидан парча келтирайлик. Халқ кўшиқларда ҳар бир тўртлик нисбий тугалликка эга. Шу жиҳатдан тўрт мисрадан иборат банд ғазалдаги бир байтга тенг келади:

Беқасам тўнлар кийиб, 7

Бунча мени куйдирасиз. 8

Ҳар замонда бир қараб, 7

Во беажал ўлдирасиз. 8

Бандни байт кўринишига келтирамиз ва вазнини текшириб кўрамиз:

Бе-қа-сам тўн // лар ки-йиб бун // ча ме-ни куй // ди-ра-сиз

Ҳар за-мон-да // бир қа-раб во // бе-а-жал ўл // ди-ра-сиз.

–V– / –V– / –V– / –V–

фоилотун

фоилотун

фоилотун

фоилун

Банд байтга тенглаштирилганда, унинг рамал баҳрига тушиши маълум бўлади. Демак, куй ва вазн тарихан мураккаб уйғунлик ҳосил қилган. Халқ куйлари оҳанги таъсирида бўлса арузнинг енгил, ўйноқи баҳрларига мурожаат кучаяди, бора-бора бармоқ вазнига ўтиб борилади. Янги ўзбек шеърятининг муҳим хусусиятларидан бири ҳам шу.

Аруздан бармоққа ўтишда, аввало, оҳанг ва ритм йўналиши ўзгарган, аммо бу талаб бирламчи белги бўлиб қолаверган. Бармоқ вазнидаги халқ кўшиқларининг аҳамияти шундаки, бу давр ижодкорлари бармоқда ёзилган шеърларни кўшиқ дея қабул қилганлар, овозда куйлаб туриб шеър ёзганлар. Бу ўринда Собир Абдулланнинг таржимаи ҳоли жараёни тасаввур қилишимиз учун бир манба бўла олади. Собир Абдулла опаси Саодатнинг Ногирон таҳаллуси билан ғазаллар ёзгани, опасининг ёзганларини хижжалаб ўқиб юрганини ҳикоя қилади: “Ногирон дostonга ўхшаш узун бир шеърда золим, нодон, қиморбоз эрдан жабрланган жувоннинг айтган алласи орқали ўзининг оҳ-ноласини берган эди. Мен буни сақлаб 1953 йилда “Муқимий” номли музикали драмада бахтсиз шоира Офарин кўшиғи ўрнида фойдаландим”, дейди. С.Абдулла бармоққа ўтишда опасидан эшитган халқ кўшиқлари матнига, хотирасида қолган оҳангларга таянади. Яна бир жиҳат борки, бармоққа ўтишда халқ ашулаларининг исталганига эмас, арузга, хусусан, рамал, ражаз каби ўйноқи, енгил баҳрларга якин бўлганларига мурожаат қилинган, демак, санок эмас, оҳанг бирламчи қўрилган. Собир Абдулла хотираларида яна бир муҳим нукта бор. Муаллиф Ҳамза билан учрашганда, Ҳамза унинг шеърларини саёзлиги, пуч сатрлари учун хом-хатала, дея танқид қилади, ташвиқий кўшиқлар қаторида ишқий кўшиқлар ҳам ёзишга ундайди ва дейди: “Чунки саводсиз ва чаласавод кишилар ҳам бор. Улар ҳали газета ўқишдан,

шеър мағзини чакишдан маҳрум. Яхши қўшиқни эса саводсиз кишилар ҳам “ўқий олади”. Ҳамза ўқиладиган қўшиқлар деганда, аруз мураккабликларидан холи, бармоқда ёзилган тизмаларни назарда тутати. Ҳамзанинг ўзи ҳам “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”да худди шундай йўл тутган: “Қулоқ “нота”лари ила эшитилуб келмиш миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун баъзи қабих шеърлар ўрнига миллий шеърлар тартиб беруб ҳамма оҳанг ва куйларимизни топуб бир неча бўлимда нашр этмак ниятидамиз”¹. Ҳамза аруздан беҳабарлигидан эмас, “Қора элимиз тушунувига ўнғай бўлсин учун” бармоққа тушувчи халқ ашулаларидан фойдаланди. Гарчи бу жараёнда ўзбек тили табиатига яқинлашиш, ташвиқий шеърлар яратиш кўзланса-да, халқ ашулалари таъсирида шоирнинг индивидуал услуби ва тили аниқ наёмоён бўлмайди, у тақлид таъсирида қолади. Ҳамза бундай йўқотишни ҳам жуда яхши тушунган ва тушунтириб берган: “Шоядким, кам-кам авом оғзидаги авсол шеърлар етиб бора-бора адабиётга ўтиб кетса”.

“Хуррият” газетасида босилган кўплаб маршлар ҳам фикрларимизни тасдиқлайди. Газетанинг 1917 йил 15 июль 24-сонида Фахриддин Рожийнинг “Хуррият марши” босилган.

*Шамиш остида жаннат, эшикларида ризвон
Аломон, аломон, ё бин алонсон аломон.*

*Кўнгилда эрди мизмар ҳурриятнинг аъмоли,
Асоратда ётарди қулф ўлуб аҳоли,
Ҳамд Аллоҳ, эшитдик илҳақ нидои олий,
Аломон, аломон, ё бин алонсон аломон.
Туркистонли Туронли Темурнишон аломон!..*

Марш ритм ва маромга асосланган мусиқий жанр саналади. Ҳарбий маршлар унинг бир тури бўлиб, биз келтирган намуна ҳам шу турга мансуб. Бизда улар XX асрнинг бошларида турк маршлари таъсирида пайдо бўлган. Юқорида баён этганимиздек, халқ қўшиқларида соф ва асос ритмни нақорат беради. Қўшиқдан парча келтирамиз:

*Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига,
Ҳиди келса маст бўлайлик ҳандалакнинг бўйига,
Ал-омон, ё раббано, қандай замон бўлди дариғ².*

Бу қўшиқ 1875 йил Оқпошшо Марғилонга юриш қилганда, маҳаллий аҳоли томонидан айtilган ўта қайғули қўшиқ эканлиги маълум. Баъзи тарихий манбаларга кўра қўрбошиларнинг аскарӣй йигитлари ҳам шу қўшиқни куйлаб юришган, улар рус қирғини ва хорликни, унинг аламини унутмаслик, ўзларидаги қасос оловини гурлатиш учун куйлаганлар. Эҳтимол, у “Темур”, “Турон”, “Турк кучи”, “Бобирхон”, “Қойихон” каби ҳарб усулида ташкил қилиган тўдалар учун

1 Ниёзий Ҳ.Ҳ. МАТ. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1980. – Б.50–79.

2 Зафарӣй Ғ. Асарлар. – Тошкент: Info capital group, 2018. – Б.222.

яратилгандир. “Хуррият”нинг 1917 йил 4-август 28-сонида Ф.Рожийнинг яна бир шеъри босилган. Шеърга фахрия дея сарлавҳа қўйилган бўлса-да, у ҳам юриш марши оҳангида. Шеър “эй абдул Ватан” – “Ватан қуллари” жанговар ҳайқириғи билан якунланади:

*Олтойдан чиқган турк ўғлидурмиз,
Дунёга ёйилгон ой туғлидирмиз.
Гоҳ ўлса ғариба тўп-тўғри юруб,
Юриш этар минг Шарққа югуриб.
Ҳинд Чинидан Болтиқ баҳрига,
Баҳри Болтиқдан Уби наҳрига.
Дам олмасдан ҳеч чопиб юрайдик,
Тоғ ва чўлларни гизлаб кўрайдик.
Аввал не, асирдек на ҳолда қолдик,
На ўлмалимизким чўлда қолдик.
Хормай чолишинг, озод ўларсиз
Келар замонда ўйнаб қуларсиз.
Мактабдур сизга бир саъд акбар
Мундан топарсиз душманга зафар.
Яшасун мактаб миллат молидан,
Эшит бу сўзни эй абдул Ватан!*

Шеърда айрим сакталиклар бўлса-да, у 10 ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган.

Шундай шеърлардан яна бири Андижонлик Тешабойга тегишли бўлиб, “Хуррият” газетасининг 1918 йил 12 январь 66-сонида босилган. “Онанг жавоби” сарлавҳали ушбу шеър Фитратнинг “Юрт қайғуси” туркумлигига кирувчи “Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?” шеърига жавоб тарзида ёзилган. Шеърга муаллиф томонидан қуйидагича изоҳ берилган: “62-сон “Хуррият”да А.Фитрат афандининг “Турк боласи тилидан” онаси Туркистонга қилинган хитобига онанинг жавоби”. Шеър нақорат билан бошланади:

*Ўғлим бўлсанг тур уйгон, оч кўзингни, оч!
Соқломоқчи бўлсанг мени қонларингни соч!*

*Ёт қўлида онанг ётсун – бу қандай виждон?
Ўз онангни қутқазмоқга қани сенда жон?
Ёв олдинда тўқар учун қани олтун қон?
Ёв қувгани қани сенда босарлик тўфон?..*

Шеър шу тартибда давом этувчи олти банддан иборат, ҳар бир банддан сўнг нақарот такрорланади. Шеърда Фитрат қўллаган вазн сақланмаган, 8+5 турукланишдаги 13 ҳижога қурилган. Оҳанг *хон марши куйига* созланган бўлиб, бунда ритм, маром хон минган от туёғининг зарби ва қадам босишига асосланади. Туркистон Мухторияти кучларининг жанговар шайлигини ошириш учун яратилган шеърда халқона вазн ва халқ куйи бирлаштирилган. Туйғуннинг “Турк

боласи” шеъри ҳам аини йўналишда бўлиб, у ҳам ҳарбий маршлар минбари бўлган “Хуррият” газетасининг 1918 йил 19 февраль 72-сонида чоп этилган. Аини ўша кундан Туркистон Мухторити қонга ботирилган, қирғин бошланган эди. Бундан англашиладики, Фитрат ва “Хуррият” жамоаси тарихий жараёнларни катта сиёсий билим ва аниқлик билан кузатиб турган, эҳтимол, воқеалар занжирини олдиндан кўра олган, ҳар қачон жанговар шай туришга, ҳушёрликка даъват этган. Шеър 6 хижоли бармоқ вазнида:

*Уйқу чоғи битди
Турк арслони, уйғон.
Ёв босди ерингни
Турон эли, отлан.
Гумбурлади тўплар,
Тур, сен-да ёроқлан...*

Садриддин Айнийдан ўқиймиз: “Фитрат шеърляти ҳақида яна шуни айтиш керак: шоир ўзбек адиблари ичида биринчилардан бўлиб фольклор шаклларида ёзди. Бу минг йилча давр ичида аруздан бошқа шаклни билмаган ёзма шеърлятимиз соҳасида новаторлик эди”³. “Ўзбеклар ва ўзбек адабиёти” тадқиқотида бўлса: “Ҳижо вазни ва тўртликлардан қурилмиш чоғдош ўзбек шеърининг бошланмасинда рус адабиётининг еткиси чўх оздир... Абдурауф Фитрат 1918 йилинда қурмиш ўлдуғи “Чиғатой гурунги” одли ёзарлар бирлигининг қаткиси буюк ўлмишдир”, дейилади⁴. Бу ўринда бармоқнинг фольклор ритмига таянган ҳолатда қайта кучга кириши бош ҳодиса саналади. 1917 йилгача яратилган халқ қўшиқлари оҳангидаги шеърларда аруз таъсири кучли, 20-йиллардан эътиборан бармоқ янги ўзбек шеърлятида устувор тизимга айланган. Шу ўринда Фитратнинг илк бармоқда ёзилган айрим шеърларини кўриб ўтайлик. Унинг “Нечун сезмагансен?!” сарлавҳали шеъри “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 13 июль 133-сонида босилган бўлиб, “Чиғатой гурунги” дастури доирасида эълон қилинган. Шеър илк марта жорий ёзувда берилмоқда. Аммо бир узримиз борки, айнан ушбу газета сифати паст қоғозда чиқарилган, қўлимиздаги нусхада шеърдаги баъзи ҳарфлар ўчган.

<i>Учроғоч сенга // булутдек ўқурдим,</i>	5+6	а
<i>Изингдан тушуб // қуюндек югурдим,</i>	5+6	а
<i>Озгина // турмадинг!</i>	3+3	б

<i>Бир онда қолғоч // қуёшдек юзингдан,</i>	5+6	а
<i>Телмуриб қолдим, ўртаниб кул ўлдим,</i>	5+6	б
<i>Қайрилиб // боқмадинг!</i>	3+3	с

<i>Ўтурдим туташ // сен учун ўйладим,</i>	5+6	а
---	-----	---

3 Айний С. Бухоро инқилоби тарихи. – Душанбе. – Адиб, 1988. – С.47.

4 Темур Хўжа ўғли. Чоғдош турк адабиётлари // Ўзбеклар ва ўзбек адабиёти. – Измир, 1988. – Б.55.

Сен учун йиглаб // қўшуқлар сўйладим,	5+6	а
Хулкарим // билдингми?	3+3	б

Тупроқлар каби // йигладим йўлингда,	5+6	а
Бўкурдим, этдинг // согингда-сўлингда,	5+6	а
...м // сездингми?!	3+3	б

Қуёш сингари // боруб келганингда,	5+6	а
Юзингга боқгоч // бетим сўлмадимми?	5+6	б
Гул каби қулиб // ҳолим сўргонингда,	5+6	а
Қип-қизил ёшдан // кўзим тўлмадимми?	5+6	б
Нечун // билмагансен?!	2+4	с
Нечун // сезмагансен?!	2+4	с

Бутун мисралар 11, ярим мисралар 6 бўғинда. Ярим мисрлар билан халқ қўшиқларига хос нақарот ўрни тўлдирилган. Қофияланишда ҳам, аслида, тўртликлар учун анъанавий бўлган *а а б а*, *а а б б*, *а б а б* тартибидан фойдаланилган. Яъни тўрт мисра икки бандга ажратилган. Нақарот олиб турилса:

Учрогоч сенга // булутдек ўкурдим,	5+6	а
Изингдан тушуб // қуюндек югурдим	5+6	а
Бир онда қолгоч // қуёшдек юзингдан,	5+6	б
Телмуриб қолдим, ўртаниб кул ўлдим.	5+6	а

Ўтурдим тутаиш // сен учун ўйладим,	5+6	а
Сен учун йиглаб // қўшуқлар сўйладим	5+6	а
Тупроқлар каби // йигладим йўлингда,	5+6	б
Бўкурдим, этдинг // согингда-сўлингда.	5+6	б

ҳолат тикланади. Охирги бандда тўртлик шакл ўзгаришсиз сақланган. Кўринадики, бармоққа хос вазн ва қофияланиш тизимидан фойдаланилган, халқ қўшиқларига хос ярим мисралик нақарот тизимида ҳам амал қилинган. Арузда байт бирламчи, бу анъанавийлик Фитратнинг тўртлик шаклни қўш мисраларга ажратганида кўринади. Аруз кейинги жараёнларда – бармоқ структурасини шакллантиришда ҳам барибир иштирок этган, кўп ўринларда унинг таъсири сақланиб қолган. Фитратнинг “Ким деяй сени?” шеъри ҳам бармоқ вазнида бўлиб, 5+5 туроқ тўла сақланган ва муסיкийликка эришилган.

Оппогим, худой // асрагай сени,
Кўз балосудан // сақлагай сени.
Сен жаҳоннинг энг // нозанинисен
Қайгуларга ҳеч // солмагай сени.

Оҳангдорликни юзага келтирган яна бир муҳим омил – эркалаш сўзларини кетма-кет санаш орқали яратилган услубдир: *қип-қизил гулим, ёп-ёруғ ойим;*

гулми сен қўзим, жонми сен қўзим каби. Бундай ички қофияланиш шеърнинг муסיкийлигин оширган.

Янги ўзбек шеърятининг тимсоли – Чўлпон ижоди ҳам мумтоз адабиёт ва эл адабиётини чуқур ўзлаштириш эвазига юзага чиққан. Чўлпон аруз, бармоқ, эркин шеър системаларидан фойдалар экан, мумтоз адабиёт элементлари ва фольклор оҳанглари бирлаштириб юборади. “Уйқу”, “Табиатга” шеърларидаги ритмик уйғунлашув жараёнини таҳлилларда кўрдик. Чўлпон, шу билан бирга, бармоққа ўтишда халқ қўшиқлари матнидан ижодий фойдаланади. Унинг “Қиз қўшиғи” шеъри шундай намуналардан саналади:

Ўксуз // қўнғил қуши	2+4	6	а
Тушди // қафасга.	2+3	5	б
Сира // етолмайдир	2+4	6	с
Эркин // нафасга.	2+3	5	б
<i>Қора кунлар тушди меним бошимга.</i>			
Сиқиқ // қафасларда	2+4	6	а
Яйрар // олмайман.	2+3	5	б
Жаннат // боғлар бор-ку	2+4	6	с
Сайрай // олмайман.	2+3	5	б
<i>Оғир кунлар тушди меним бошимга...</i>			

Шеър 8 банддан иборат бўлиб, кейинги бандларда ҳам 6 ва 5 бўғинли мисралар кетма-кетлиги қатъий сақланган, қофия тизими *а б а б* шаклига келган. Ҳар бир банд сўнгида халқ қўшиғи матнидан ижодий фойдаланилади ва бу нақорат ўрнида келади. Чўлпоннинг ўзи қуйидагича изоҳ беради: “Қора сочим ўсуб” деган халқ қўшиғининг “Андижонча”, “Искобилча”ларига ҳам “Адолчахон” деган куйига тўғри келади⁵. “Қора сочим ўсиб қошимга тушди, Не савдолар менинг бошимга тушди” мисралари ўзбек халқ қўшиқлари тизимида сайёр мисралар саналади. “Наманганнинг олмаси” қўшиғида сўнги бандда келса, “Тановар”да биринчи бандда кўриниш беради⁵. Вазн ва қофия тизимини қиёслаш учун “Тановар”дан парча келтирамиз:

<i>Қора сочим ўсиб // қошимга тушди, ёр-ёр-о</i>	6+5	а
<i>Не савдолар менинг // бошимга тушди, ёр-ёр-о,</i>	6+5	а
<i>Сенинг ишқинг менга // қайдан ёпишди, ёр-ёр-о,</i>	6+5	а
<i>Танамдан ўт чиқиб // бағрим тутошди, ёр-ёр-о,</i>	6+5	а
<i>Ўзинг ошно, дилинг // бегоналарда, ё-р-ёр-о.</i>	6+5	б

Халқ қўшиғидаги 11 хижоли вазн сақланган, фақат уни Чўлпон икки мисрада беради.

Чўлпоннинг “Кўклам қўшиқлари” туркумидан жой олган “Бойчечак”, “Кўклам ёмғири”, “Кўкламдан хабар” каби шеърларида ҳам халқ қўшиқларига хос вазн, банд ва қофия тизими кузатилади. Чўлпон бу шеърларга “Мактаб болалари учун

5 Ўзбек халқ қўшиқлари (сайланма). / Ш.Турдимов, Ш.Назарова. – Тошкент: Фан, 2020. – Б.41– 42, 125.

ёзилган”, дея изох берар экан, халқ қўшиқларидан ижодий фойдаланган ҳолатда бармоқнинг энг қисқа, ўйноқи шакллари танлайди. 5, 7 бўғли шеърлар *а а б, а б а б* тарзида энгил қофияланади ва ёдлаб олишда ҳам қийинчилик туғдирмайди:

Бойчечакнинг боласи

Очди юзини.

Сувга чиққан холаси

Кўрди қизини!..

Фитрат ва Чўлпонни том маънода янги замон шеърияти намоёндалари дея кўрсатишимизга сабаб, аввало, мазмун янгилиги, сўнг шаклда (вазн, қофия, поэтик синтаксис) шеърни яхлит системага айлантиролганидир. “Ўзбек ёш шоирлари” тўплами бўлса бармоқнинг жорийланиши ва бир бутун тизим сифатида намоён бўлишида энг муҳим босқич бўлди. 1922 йилгача ҳам бармоқда ёзилган шеърлар эълон қилинганди, аммо яхлит бир манзара, алоҳида бир нашр ҳали яратилмаган эди.

Илк босқичда миллатни уйғотиш йўлидаги мурожаат ва чакириқлар устувор мавқега чиқди, шеъриятда жўровозлик, ўхшаш услуб, ўхшаш ифода етакчилик қилди. Матбуотда “миллий шеър” деган умумий сарлавҳа пайдо бўлди. Баён ва шикоятга қурилган, анъанавий вазн ҳамда услубни инкор этмайдиган, миллат ва маърифат ҳақидаги умумий мавзуга дахлдор бу шеърият, аввало, ғояда янгиликка интилди, вазн ва шаклда бўлса номукамал эди. Тарғиботчига айланган шеърият чакириқларга куч берар, поэтик жиҳатдан оксар, оригиналликдан узоқлашаётган, умумий ифода оқимиға тушиб қолганди. Шу ҳолатда Фитрат, Чўлпон яратган шеърлар ўзбек шеъриятини бир хилликдан қутқарди ва янги шеъриятга асос солди. “Миллий шеър” энди адабий тил қонуниятларини яратар, вазнни ислоҳ этар, рамзий-фалсафий мазмун билан тўйинган ҳолатда услубий янгиликка, ифода таранглигига интилар, кескин риторик сўроқлар ва хитоблар билан ловуллаб турарди. У ҳам Шаркча, ҳам Ғарбча, айни вақтда миллий ҳодиса эди. Миллий шеър – муайян жанр эмас, янги ўзбек шеъриятидаги алоҳида тур сифатида майдонга келди ва жадид адабиёти ичидаги алоҳида адабий ҳаракат даражасида етилди.

Умуман, жадид шеърияти шакл нуқтаи назаридан, хусусан, вазн, ритм, жанрлар янгиланиши жиҳатидан ўтмиш адабиёти, эл адабиётини чуқур ўқиб-ўзлаштириш билан юзага чиқди ва айни вақтда мутлақо янги ҳодиса эди.



**Муҳиддин
АБДУСАМАД**

Орамиз икки кўз аролиғича

* * *

Она, юриб-юриб оёғим толди,
Она, йиғлаб-йиғлаб тинди кўзларим.
Юрагимнинг кўрки, дилимнинг кўрки
Қояларга тегиб синди сўзларим.

Она, соғинганда кучоқлаб ётдим
Аллангнинг бетакрор товушларини.
Кўкка учиб ҳатто топа олмадим
Эртагингдан учган оққушларингни.

Гўё чўпчагингдан чўпчиб чиққан-у,
Учта томонимда учта айри йўл.
Бири юрагимни, бири шодлигим,
Бири ёшлигимни олган ғайри йўл.

“Борса келмас” йўлда кетди ёшлигим,
“Борса гумон” йўлда юрагим тентир.
“Борса келар” йўлда юрган шодлигим,
Онажон, гар билсанг у фақат сендир.

Онажон, эртақлар ичра улғайдим,
Қўрқаман аждаҳо учраб қолишин.
Ахир мен баҳодир эмасман, она,
Енгиб бўлармиди уни олишиб?!

Ҳар қадамда макр униб, гуллайди,
Меҳрми – тоғларда ўсадиган гул.
Кенжа баҳодирин келишин кутиб,
Маликалар ҳануз яшаётир тул...

Муҳиддин АБДУСАМАД – 1982 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетини тамомлаган. “Онажон”, “У”, “Учаётган киприклар”, “Парвозга шай дарахт” шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

Она, онажоним, она, онажон,
Лабим босиб йиғлай этакларингга.
Битта мен ишондим, набираларинг
Энди ишонтирма этакларингга.

Бахтиёрлик

Шу тўрт девор хона – менинг ватаним,
Ташқарида не бор бари муҳожир.
Кеча усти юпун чиқиб кетган бахт
Келиб эшигимни қокди. Мен очдим.

Ховлиққанча ўзин тўрга отди бахт,
Тура олмай қолди битта жойда тек.
Бахт бечора жуда бахтиёр эди,
Худди ватанига қайтган одамдек.

* * *

ва яна тиллосин йўқотиб осмон
ва яна шаррослаб йиғласа ёмғир
ва яна муҳаббат бўлиб саргардон
ва яна жизиллаб тинмаса бағир

ва яна намиққан жикқа тушларим
ва яна ивиган кўзнинг сурати
ва яна илкингни илкис ушладим
ва яна ўпмоққа етмас журъатим

ва яна...

* * *

Эҳтимол бир куни ёзарман, ҳозир
ёзганим кўнглимни ҳеч тўлдирмайди.
Мени тўғри тушун, мадҳ этмаганим –
сени севмаслигимни билдирмайди.

Баҳор

Қорлар эриб,
Совуқлар кетиб,
Вужудин тарк этиб
қарахтлик,
Ўзини бир бошқача тутиб,
Тили чиқиб қолди
дарахтнинг.

* * *

чумолилар наздида
сен ҳам битта дарахтсан
янтоқ

менинг қўлим кўкка етмайди

бирок
менинг қўлим етган жой
чумоли наздида осмондир
билсанг

менинг қўлим кўкка етмайди
Янтоқ

* * *

Тошлар ёғаяпти,
ёшлар оқаяпти...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Кипригимга қўниб турган қор –
қайиради дилимни,
айиради дилимни...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Чўнтагим йиртиғидай
сўкилади умр,
тўкилади умр
чўнтагим йиртиғидан....
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

Кўзимда ўт олар ўтинчим –
сен ҳам,
мен ҳам ўткинчи...
...юрагимга ғилоф тикиб бер...

* * *

Сенинг юзларингга
Термилган сайин
Тойиб кетаверар
Нигоҳим.

Кипригингга осилиб турибман
Ё ҳаёт, ё мамот.

Юзларингга термилган сайин
Ўзимни бахтиёр сезаман.

Бирок,
Мени кўрқитади
Гул юзингдаги
Сукланиб қараган нигоҳлар чиқиб...

* * *

Дилдан туйиб яшай десам,
у дунёнинг шавқини,
Сира тинчлик бермайди
бу дунёнинг шовқини.

* * *

Қизим Ойнурага

Томоғингга тикилса Бахт
Сув ичиб юбор
Кўз ёшингни ича кўрма
Шошилганингдан
Зеро кўз ёш шўр бўлади
Чанқатар яна

Чизгилар

I

Бу одамнинг
турган-битгани сув
Истаган идишингга солиб
Хоҳлаган шаклга
солишинг мумкин

II

Бу одамнинг
турган-битгани сув
Баъзида қовоғидан қор ёғар
Баъзан
Томчилаб-томчилаб
тўкилар

Сочмалар

учиб кетмоқчи бўлади дарахт
япроқларин қанот деб ўйлаб
чангалини ботириб ерга

* * *

Эртакдаги калава мисол
менга йўл кўрсатиб борар йўл.
Кетаяпман йўлнинг измида.

* * *

Болаликни эслар онимда
битта юлдуз кўзини қисди
худди эски кадрдонимдай

* * *

қовушган киприклар овози
бузар жимликни

* * *

нигоҳим – нигоҳинг тўқнашди
юмма кўзингни юмма
зулмат қопламасин дунёни

* * *

Киприк қоқмай
кутаяпман
Эшик қоқиб
келишингни

* * *

юрагим кўзларинг қаролиғича
орамиз икки кўз аролиғича
қачон учратамиз бир-биримизни

* * *

Сен кетдинг.
Зерикарли ҳаётда
баттар зерикдим.

* * *

Катта бўлаяпман шекилли,
Тобора кўзимга
тор кўриняпти дунё...

* * *

Ҳафсаламни пир қилдингиз!
Мен пирсиз қолиб
Мурид тушдим умидсизликка.

* * *

Ниманидир асраш учун
асраб юрибман
тишимнинг ковагини.

Кунлар фалсафаси

Кеча

Кеча – кеча.
ғира-шира қоронғиликда
элас-элас кўринади умр...

Бугун

Кеча бугун эрта эди,
Эрта бугун кеча бўлади...

Эрта

Эрта – эртақ.
Эртақдаги “К” – келар ё келмас...

Умрим дарддан тизилган шода



**Ифтихор
ХОНХЎЖАЕВ**

Атиргул

Сени севар эдим
ва сенга ҳар тонг
Оппоқ атиргуллар келтирар эдим.
Остонангга қўйиб кетар эдим, сўнг
Кўзингга хаёлан мўлтирар эдим.

Нахот кўк боғбони кўрсатди қаҳр,
Нахот севгим фасли поёнга етди.
Ухламас эдим-ку тунлари ахир,
Айт, ахир ким сени ўғирлаб кетди?!

Куз гули

...га

Уйғонади дунё ҳар баҳор,
Ҳар кўкламнинг бордир ўз гули.
Мени маъзур тутсин гар баҳор
Кўзларимга ёкса куз гули.

Умрим дарддан тизилган шода,
Жим тингладим кўксим нолишин.
Эрта ўлар-кетар дунёда
Билмагандим севиб қолишим.

Гоҳ шамолдай учқур, беэга,
Гоҳ тун каби сокин ва жимсан.
Хаёлимдан кетмайсан нега,
Айтгин ахир, мен учун кимсан?

Ифтихор ХОНХЎЖАЕВ – 1991 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институтини тамомлаган. “Ўйгоқ юрак”, “Ҳаёт куйи” номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

Менга атаб шеър ёз, дегандинг,
Шеърда ёлгон боса олмайман.
Севдим дейиш ўлим билан тенг,
Севмайман деб ёза олмайман.

Бир куни тонг бошқача отар
Ва қўлингдан тутади кимдир.
Менинг эса бор бўйим хатар,
Балки, бу энг сўнгги шеъримдир.

Менга атаб шеър ёз дегандинг!

Видо

Поезднинг охирги вағонидаман,
Охирги вағоннинг энг охирида.
Мен ёлғиз кетяпман ёлғизлар билан,
Билмайман сен ҳозир қайси бирида?
Бу йўлларда ким бахт, ким армон топар,
Товоним куйдирар ҳаёт чўғлари.
Юрак уришини эслатиб чопар
Темир ғилдиракнинг тақа-туқлари.
Кетиб кетолмайман, қолиб қолмайман,
Термиламан поезд ойнасидан жим.
Кўз олдимда турар, эслаёлмайман,
Ортимдан қўл силкиб чопган бола ким?
Ким у сен ҳақингда ҳаёллар суриб
Оқшомлар ҳилолга термилиб ётган?
Ким у қулоч ёза уфққа юз буриб
Сахарларни исминг билан уйғотган?
Мен-ку эслолмайман, сен эслайсанми
Унинг севги тўла пок кўзларини?
Мажнунтол остида ичган қасами
Ҳамда титраб айтган дил сўзларини?
Эслайсанми унинг мафтун нигоҳин,
Қулгичингга боқиб қувонарди у.
Юрак қатларига кўмиб дил оҳин
Сени дунёлардан қизғанарди у.
Ёдингдами кўкси оловга тўлиб,
Суйкалмасин дея бирор дайди ит,
Ёмғирлар остида шалаббо бўлиб
Кўчангни итлардан қўриган йигит?
Уни алдаганинг ёдингда борми,
Ёдингдами ошиқ кўксин тилганинг?
Номусни ер қилиб, ер қилиб орни,
Ўзингни итларга кўз-кўз қилганинг?
Мен эса барини эсдан чиқардим,
Унутдим жон олар нигоҳларингни.
Унутдим... бўғзимга қадалди дардим,
Унутдим бевафо дудоқларингни.
Фақат бир нарсага қуярман бу кун,
Севилдим, севиндим, сотилдим, тўйдим.

Ва охир сен дея беозор, беун,
Беғубор болани йўқотиб қўйдим.
Мен уни сендан кўп яхши кўрардим,
Босган ҳар қадами ор эди унинг.
Гарчи турса ҳамки кулибгина, жим,
Юрак оғриқлари бор эди унинг.
Кўзлари пок эди, сўзи пок эди
Ва покиза эди хаёллари ҳам.
Нопокларга боқиб кўкси чок эди,
Покиза бир севги кутганди сендан.
Энди у оққўнгил болакай эмас,
Борган сари тугаб битаяпти у.
Ҳеч кимга қарамай, ҳеч нарса демай
Охирги вагонда кетаяпти у.
Поезднинг охирги вағонидаман,
Охирги вагоннинг энг охирида.
Мен ёлғиз кетяпман юрагим билан,
Билмайман сен ҳозир қайси бирида.
Билмайман қайларда айларсан хиром,
Балки, энг олдинги вагондадирсан.
Балки, хирсга ботган киборлар аро
Ортга йўл тополмай армондадирсан.
Менга эса энди ётсан батамом,
Шунчаки кўнглимни бузгувчи ёдсан.
Жонқушим, парвоз эт дил тортган томон,
Севгимдан озодсан, ишқдан озодсан.
Не бўлса ҳам раҳмат ҳаммаси учун,
Мен яқинлашяпман манзилим сари.
Юрак уришидек тўхтайди бир кун
Темир ғилдиракнинг тақа-туқлари.
Хайр, пок туйғулар, ложувард ҳислар,
Шамолдек елмоқда бу пўлат саман.
Бир куни ҳеч кимга бермасдан хабар,
Ҳеч ким йўқ бекатда тушиб қоламан.



**Азамат
ТАВБОЕВ**

Тонгдаги ҳисларинг ёзилар тошга

XXII асрда

Биз ёки болалар
Баланд-баланд уйларнинг устига чиқиб
Коинотни қилмаймиз писанд.
Асфальт йўллар
Балки уланади
Сайёраларга
Телефонлар суҳбат қилар
Ўзга сайёраликлар билан.
Пул ҳақда шунча кўп ўйланарки,
Фаришталар ҳам
Бу ҳақда етказар Парвардигорга.
Асабларимиз
Қўшиқчилар микрофонидай
Кучайтириб берар
Ҳар бир товушни.
Ишга боришмас одамлар,
Ўзи излаб келар уйларига иш.
Куйлақларимиз ёқаларида
Замонавий камера юрар.
Ҳаммаси шунчалик ўзгарадики,
Биз муқаддас билган тўйғулар
Археологик ашёлар каби
Музейларга осиб қўйинглар.

Азамат ТАВБОЕВ – 1971 йилда таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари даврий матбуотларда эълон қилинган. "Янги Пайариқ" номли китоби чоп этилган.

Тонгги булутлар

Ҳеч қачон кўрмаган тушинг эмас бу,
Одатий кунларнинг тонги ишонсанг.
Яшашга, ҳаётга оддий ҳавас бу,
Ҳаммаси ўзингда агар тушунсанг.

Майли, ухлайверсин китоблар четда,
Безовта қилмасин воқеалари,
Ҳали истеъдодлар кўп чиқар юртдан,
Ёзишар бу эзгу ишларни улар.

Аммо тонг ҳавоси негадир бошқа,
Тананг жунжиктирар тонгги саболар.
Тонгдаги ҳисларинг ёзилар тошга,
Ўзин қучли дея ақл ҳаволар.

Бир қишлоқдан келар қарнай овози,
Сени қизиктирар ҳаёлдай булут.
Эркаланиб кўкда этмоқда парвоз,
Чиройин мақтар бир аёлдай булут.

Тўйлар, шаҳар, бари эсдан чиқади,
Рассом бўлсанг эди муҳрлар эдинг.
Гўёки кўнгилнинг сарлавҳасидай
Сузишар, самонинг чуққисида энг.

Булутлар ҳаётнинг эгаларидир,
Ҳаёлдан баланддир тонгда сузганда.
Бир чиройи бўлиб. Ўзбекистоннинг
Руҳимни ёритар кўкни кезганда.

Видо

Кўнгил осмонида лайлақлар учар,
Кўчанг ҳам қариди сени кўрмасдан.
Ҳислар ўпирилар, кўчкилар кўчар,
Сўқмоқ йўл эсидан оғар юрмасанг.

Қирлар савдойига ўхшаб толмоқда,
Узумзорлар етим қолган боладир.
Хиёбонлар афсус куйин чалмоқда,
Бекатлар алвидо недир, биладир.

Нега ўхшамади менинг тақдирим,
Сен яшаган уйлар сўлиб бормоқда?!
Тўполон севгилар сен, менинг сирим,
Тақдиринг юрагим ёрмоқда.

Севгимиз йўлақлар каби эскирди,
Шаҳар бормоқдадир ёввойилашиб.
Менчи, оқсоқол бу осмонга боқиб,
Ой ва сен ҳақингда айтаман қўшиқ.



**Орифжон
КОМИЛ**

Ой чиққанда салом йўллагин

* * *

Ҳеч ким эдик,
эсла, бир пайтлар,
на ўзни танирдик ва на дунёни.
Бизларни оламга танитди Худо
ва бир кун танидик биз ҳам Худони.

Мийсоқ шамоллари эсарди майин,
руҳимиз туғилмоқ фурсатин кутди.
Ёшимиз улғайиб боргани сайин,
бу жон мийсоқдаги аҳдни унутди...

Ўнга қарамадик,
сўлга боқмадик,
қўзимиз боғлади олам зийнати.
Кимларга ёқдигу кимга ёқмадик,
шу экан-да, – дедик, – одам тийнати...

Рухунат қўйнидан бир садо келиб
фаромуш кунларни ёдга солганда,
мийсоқ шамолидай оҳиста елиб,
тебраниб йиғладик,
ёлғиз қолганда...

Орифжон КОМИЛ – 1985 йилда туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясини тамомлаган. “Хаёл рақси” номли шеърый тўплами нашр этилган.

Аслида ҳеч киммиз,
умр йўлида,
бир кун хастамизу бир кун солиммиз.
Худони таниб ҳам кўп гуноҳ қилдик,
энди на гумроҳу на-да олиммиз!

* * *

Қай манзилга келдик савдойи руҳим,
тоғлари қулайди,
кудуклар ўсар.
Юсуф зиндонида ётар вужудим,
йўлимни тўрт ёндан шамоллар тўсар.

Тинмай югураман эркимни излаб,
тиканлар санчилган товоним оғрир.
Теграмни ўрайди ёввойи ҳислар,
бунда мен телбаман,
қолганлар соғдир.

Бир лаҳза тўхтамас соат кафгири,
бир кундай ўтади бир ҳафта, бир ой.
Ёнғоқдай чақилар оламнинг сири,
кўнгил сирларига топилмас бўш жой.

Тескари юрмоқда илм ва амал,
билган билганига риоя қилмас.
Кимдир Миррих сари кўз тиккан маҳал,
кимдир бармоқларин саноғин билмас.

Очлар бир ёндаю,
тўқлар бир ёнда,
разолат бўй чўзар кун ўтган сайин.
Кеча Одам тушиб келган жаҳонда
бугун қаҳ-қаҳ отар шайтони лайин.

Бунда гуноҳ обрў,
савоб масхара,
йўлсизлар менсимас ҳақиқат йўлин.
Мушкулли дамларда тескари қараб
оға инисига узатмас қўлин.

Қай манзилга келдик савдойи руҳим,
дарахтлар осмондан ер сори ўсар.
Заминга боғланган банди вужудим,
югурсам йўлимни тириклик тўсар.

* * *

Кутиб олгин очик юз билан
агар бир кун ёнингга қайтсам.
Дуо қилгин,
умрлар тилаб,
қайтмайман деб узрлар айтсам.

Манов пулга тоқат сотиб ол,
сабр олгин яна бир сиқим.
Ёмғир ёғса озроқ йиғлаб ол,
кўзёшингни кўрмасин ҳеч ким.

Соғинчингни ичинга ютиб
биз биргамиз дея ўйлагин.
Ой ботганда қайтишим кутиб,
Ой чиққанда салом йўлагин.

Эҳтиёт қил ўзингни токи
келгунича энг ёруғ кунлар.
Мен қайтаман,
қайтмайман балки...
Хайрли тонг!
Хайрли тунлар!

* * *

Хоҳласам, ҳозироқ кетишим мумкин,
бир умр қолишим мумкин, хоҳласанг.
Ҳамма гуноҳингдан кечишим мумкин,
ёмғирдай тўкилиб юм-юм йиғласанг.

Хоҳласанг, ёнингга ўша сен суйган
форсий кўшиқларни бирга айтаман.
Хоҳласам, кўксимда оташдай куйган
юрагим амрига боқмай қайтаман.

Ҳафта кунларини бахтшанба атаб,
бахт сари элтишим мумкин, истасанг.
Ёки қуёш ботган уфқларга қараб
қуёшдай ботишим мумкин, истасам.

Миррихдай олисда бўлсанг ҳам агар,
хоҳласам, лаҳзада етишим мумкин...
Кўнглинг узоқласа мендан бир қадар
хоҳласанг, ҳозироқ кетишим мумкин.

* * *

Эшик қоқмай кириб келди куз,
ҳар сўкмоққа бошини урди.
Бир бўёқчи кечаю кундуз
япроқларга мойбўёқ сурди.

Хиёбонлар бағрида кезар
жонибдаги жонон шамоллар.
Ўзларини гиламдай сезар
пойимдаги алвон хазонлар.

Олис ёққа учган арғамчи
турна эмас, ҳисларим эди.
Мен хаёлга босаман қамчи,
хаёлимни шеърларим еди.

Салқинлади юракда тафтим,
ҳеч етмадим ўйлаб ўйимга.
Тақдиримдан сўйлагил кафтим,
етарманми ваҳдат тўйимга.

Бир сўз излаб боряпман қариб,
тополмадим у сўзни ҳануз.
Кутилмаган меҳмондай ғариб,
эшик қоқмай кириб келди куз...

* * *

Кўзларим,
бу мағрур нигоҳим
кибрга таяниб тургандек...
Ё Худо, паноҳ бер, агарда
тавбамга таяниб турмасам.

Қайтмасам,
нокаслик йўлидан,
ғафлатда ухласам милён йил,
Ё Худо, паноҳ бер, агарда
бир лаҳза ҳақ йўлда юрмасам.

Тик тутган бошимни чангаллаб,
дунё деб яшасам муттасил,
Ё Худо, паноҳ бер, агарда
бошимни саждага қўймасам.

Савобни текинга рад қилиб,
гуноҳга сарфласам молимни,
Ё Худо, паноҳ бер, агарда
ҳар куни бир савоб қилмасам.
Маҳшару ҳисобни эсламай,
унутиб юборсам ўлимни,
Ё Худо, паноҳ бер, агарда
ўлмасдан аввалроқ ўлмасам.



**Мавлуда
РЎЗИЕВА**

Бўйлари бўй чўзган само Самарқанд

Самарқанд

Бўйлари бўй чўзган само Самарқанд,
Қуёш боши уза зиё Самарқанд.

Осмон ўпар тоғли Ургутларинг бор,
Қояда қорлари зебо Самарқанд.

Кўҳна тарихингга жоним тасаддуқ,
Бўлдинг машҳур эллар аро Самарқанд,

Барча сулувлардан ўзингсан сулув,
Бергансан ўзингга оро, Самарқанд.

Кишмиш узумларинг жоннинг ҳузури,
Қалбима тоти жо бажо Самарқанд.

Олис ўлкалардан келиб сайрона,
Берар чиройингга баҳо, Самарқанд.

Сени ардоқлагай Мавлуда кизинг,
Мадҳингга тиллари бурро, Самарқанд.

Йўқдир

Манам Нодираи даврон, вале нодирлигим йўқдир,
Увайсий соҳир устозим, менинг соҳирлигим йўқдир.

Мавлуда РЎЗИЕВА – 1967 йилда туғилган. "Бир севги қисмати", "Онамни қайтаринг юлдузлар", "Сўздан тониб бўлмас", "Қўш ирмоқлар", "Тушдаги учрашув", "Ой қулган кеча" каби шеърий ва насрий китоблари чоп этилган.

Малика эрдиму аммо яшаб олтин қафас ичра,
Найлайки бу сарой ичра, маним кодирлиғим йўқдир.

Замона ғурбатидан дод деб ўтди аҳли доно,
Бошига келган офатга, паноҳ – чодирлиғим йўқдир.

Бобурий наслидинман деб, ғурур этсам ажабдурки,
Наҳот, бахти қаролиғда менинг Бобурлиғим йўқдир.

Қалам тегизмадим қошга Амирийдан ҳаё айлаб,
Турфа хил кас аросинда пари-ю ҳурлиғим йўқдир.

Бу олам зулмат эрканким, қуёш, ойлар абр ичра,
Зулумот қўйнидан чиқмоқ учун бир ёрлиғим йўқдир.

Мавлуда, ҳасратим айтдим, сенга ёр бўлсин иқболинг,
Санам Нодираи даврон, санга қаҳҳорлиғим йўқдир.

Наврўз ғазали

(Сирожиддин Саййид ғазалига мухаммас)

Дўстлар, кечар умримиз, ҳар лаҳза-ю он янги,
Осмонимиз мусаффо, юлдузи ғужғон янги.
Маржон билан безанган дарахтзор, бўстон янги,
Наврўз ила кенг олам, бу кавни макон янги,
Сойларда ажиб тугён, сувларда баён янги.

Баробарми дарёйи Сайхун бирла Нил ранги,
Олисдан хуш кўрингай тоғу кир, маҳфил ранги.
Кўринса бўлур эрди гоҳ-гоҳи мазгил ранги,
Ҳар ерда жаранг бергай гул рангию дил ранги,
Бир лола ифорида бу кўҳна жаҳон янги.

Завқ ила табиатни қучмоққа очсак қулоч,
Гулзорда гул ишқида сайраб турса сандувоч,
Наврўзой кезиб юрса Самарқанду кўҳна Чоч,
Соҳилда қулол янглиғ лой танласа қалдирғоч,
Мусича билан саъва сайр этса қаён янги.

Умр ўтар, гоҳ келур бир лаҳзага тенглик ой,
Гоҳи тору гоҳида бир асрга кенглик ой.
Гоҳо бўронли, еллик, гоҳ ёмғирли селлик ой,
Эврилса агар рўзгор эллик йилу эллик ой,
Эллик била эл янги, қирқ йилда қозон янги.

Азобу ингрокларда эскирди менинг кўнглим,
Тиканли янтоқларда эскирди менинг кўнглим.
Булутли офоқларда эскирди менинг кўнглим,

Ҳижрону фироқларда эскирди менинг кўнглим,
Келгил, менга дил бергил, эй қоши камон янги.

Жоним билан асрагум ул сирру ниҳонингни,
Шод кўрай, кўрсатмагил дийдаи гирёнингни.
Суғорсам меҳрим ила боғ ила бўстонингни,
Гул баргига теккизсанг лаб бирла забонингни,
Гул барги бўлур хандон, лаб бирла забон янги.

Келар бўлсанг, кўйингда жонимни эҳсон айлай,
Ўзимни бир ғарибу сени шоҳжаҳон айлай.
Йўлларингга сув сепаб, салқин-у имкон айлай,
Кўз бирла қароғингни жонимда ниҳон айлай,
Менга янги жон, сенга бу тахти равон янги.

Хазон бўлгайгайки боғлар, сув бўлмаса баякбор,
Ё бўлмаса боғларга босмаса қадам дилдор.
Хазонрезги боғларга, айтинг, боғбон не даркор?
Қадрига ет, эй боғбон, ҳар ғунчаниким, такрор
Бу боғ ила бу бўстон бўлгай қачон янги?

Не-не ҳиёбонларда бўлдим юриб таманно,
Баъзан эшитдим таъна, баъзан эса тасанно.
Қайнадим, тошдим вале умрим ўтди пурмаъно,
Тошқинсану шошқинсан умрим каби, эй дарё,
Эсиз, мен эскирдим, сен эрса ҳамон янги.

Мавлуда, ғазал битсанг, сенга ким халал бергай?
Тегрангдаги дўстларинг илҳому жадвал бергай.
Туганмас истеъдодни тақдири азал бергай,
Айём маҳал бергай, минг панду масал бергай,
Минг шеър ғазал бергай бу давру замон янги.



**Лола
ЖЎРАЕВА**

Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг

* * *

Кўйиб юбор, кетай сендан йироқларга,
Яшаш мушкул кишанланган юрак билан.
Хаста жисмим солаверар қийноқларга,
Ҳар тун ёдинг ажал отли малак билан.

Кўйиб юбор... мен барибир кетолмайман,
Қароқларинг тузоғидан ўтолмайман.
Кўнглим билан бошлаб қўйган ишқ ўйнида
Мен хамиша мағлуб бўлдим, ютолмайман.

Кўйиб юбор, менга торлик қилар очун,
Менга сендек, сенга мендек жазо нечун?
Сенсизликда ё яшаш, ё ўлиш учун
Кўйиб юбор, қўйиб юбор, қўйиб юбор...

Ўзлик

Менинг онам ой бўлса керак
Ундан кўчган юзимдаги доғ.
Отам эса қуёш ҳойнаҳой
Шу сабабдан кўксим тўла чўғ.

Менинг онам осмоними дейман
Балки шундан хаёлотим кенг.
Отам замин чиқар эҳтимол
Жоним қаттиқ, тош бўлолмас тенг.

Лола ЖЎРАЕВА – 1987 йилда туғилган. Қариш педагогика коллежини томонлаган. "Бир йўл бўлса...", "Ишқ манзили" номли шеърий китоблари чоп этилган.

Йўқ, йўқ, онам сув бўлса керак
Шундан мудом кўзларимда ёш
Отам олов бўлса ажабмас
Қовоқ уйсам кимса бермас дош.

Менинг сўзим қум мисол тарқоқ
Икки кўзим – абадиятдир.
Менин онам – ШЕЪРИЯТ асли,
Отам эса – АДАБИЁТдир.

* * *

Агарда сен кетсанг,
Ишон, мен ортингдан
йиғламайман ҳеч.
Ва сен ҳам йиғлама,
тўкилар оринг.

Сенсиз кулолмайман,
Йиғлолмагандай,
Сен ҳам худди шундай.
Кулсанг,
юзларингни ювади зоринг.

Кел, яшаймиз
кўниб барига,
бир дунёнинг икки қутбида.
Биронта шеър, биронта парча
ўқимасдан севги ҳақида.

Тун ва кундан яшайверамиз
Ўн, йигарма балки ўттиз йил!
(Кўпроғига етмайди кучим.)
Сенсиз қирқ йил яшашдан кўра
Осонроқдир мен учун – ўлим!

Агар қайтсанг
(Эҳтимолда бу)
Кўчмай кутгум эски манзилдан.
Ўлмай туриб юзлатса етар,
Ўтинчим шу менинг тақдирдан.

Йиғламайман,
Йиғлама сен ҳам,
йиғлар бўлсак тўкилади ор.
Кулолмаслик эса Азизим,
Азал-абад пешонада бор!

* * *

Ўпканг тўлиб кетса, йиғлагинг келса,
Ор устунлик қилса, йиғлай олмасанг,
Бўғзингга тикилса тошдай бир нарса,
Ютинсанг, ўтмаса:
Укубат!!!

Бошингга ёғилса тўрт ёндан ташвиш,
Суянсанг, устунлар бир-бир қуласа,
"Ўтиб кетади", деб юпатишса-ю,
Ўтмай ўтиб кетса:
Мусибат!!!

Яшагинг келаркан қайда бўлса ҳам,
Кимдир сен ҳақингда қайғуриб турса,
Ўлгинг келганида яшай олсангу
Яшагинг келганда ажал чақирса
Бу – кулфат!!!

Нолинма бир бурда нонинг йўқ бўлса,
Кунинг ўтмай қолмас жонинг соғ бўлса,
Подшоҳ бўлсанг-у юртинг йўқ бўлса:
Ҳалокат!
Ҳалокат!
Ҳалокат!

Соғинсангиз

Соғинсангиз...
Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг,
Эриб кетай тафтингиздан, кучиб яшанг.
Бир он бахтни ҳис этайин, сўнгра, майли,
Кечиб яшанг, мен телбадан кечиб яшанг.

Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг,
Бўлай соқий, ишқ майини ичиб яшанг,
Юрагимда дарддан қолган, ишқдан қолган
Ечиб яшанг, тугунларни ечиб яшанг.

Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг,
Бахт ифорин ҳар томонга сочиб яшанг,
Ишқ ғанимат, вақт ғанимат, жон омонат,
Қочиб яшанг, ҳижронлардан қочиб яшанг...

Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг!!!

Тун. Ёнади умиднинг шами

Умидимни уздим кунлардан,
Тун. Ёнади умиднинг шами.
Тушларингга кираяпманми
Тушларимга кирганинг каби?

Унутдингми? (мумкин эмас бу),
Ёки ҳамон хотирангдами
Сўрамасдан олганинг ўша
Ногаҳоний ўпичнинг таъми?

Беролмадим ўзгасига жой,
Тўлмади ҳеч кўнгилнинг ками.
Айт-чи, сенинг кўксинг узра ҳам
Одамсевар юрак биттами?!

Кипригимдан сизиб чиқади,
Соғинчимнинг тиниқ шабнами.
Гарчи қаро бўлса ҳам бағри
Тунда ёнар умиднинг шами.

Киролмадим юрагингга мен,
Бўлолмадим унинг маҳрами.
Соғинганда кўргани борсам
Тушларингдан ҳайдамайсанми?!

Тун.
Ёнади умиднинг шами...



Шарифжон
АХМАД

Сарсон изларди ўзини-ўзи*

Қисса



Олим Отахон хотирасига

Саратоннинг қоқ ўртаси бўлишига қарамай, уззукун тиним билмай ёққан дўл-ёмғирлару дов-дарахтларнинг шохларини синдириб, бир зумда ҳаммаёкни кунпаякун қилиб юборган тентак шамоллар бугун негадир дафъатан тиниб қолган, худди оташкесимдан сўнг замбарак садолари-ю милтиқлар олатасири ҳам тўхтагач, энди ҳар икки рақиб томон жанг майдонидан ўликларини йиғиштириб олишга фурсат топганидек, шаҳар маъмурлари ҳам тозалаш ишларини бошлаб юборишганди. Жароҳат олган аскарлар каби юзтубан қулаган пажмурда дарахтларнинг аввал майиб шохлари, сўнг эса танаси ҳам кесилиб, шу ернинг ўзида саранжомланаётган, бир маромда ҳаракатланаётган фаррош машиналар эса кўчаларни ялаб-юлқаб, тозалаш билан овора эди.

** Il cherche lui-même, il épuise en lui tous les poisons, pour n'en garder que les quintessences. ...Car il arrive à l'inconnu! Puisqu'il a cultivé son âme, déjà riche, plus qu'aucun! Qu'il crève dans son bondissement par les choses inouïes et innombrables: viendront d'autres horribles travailleurs; ils commenceront par les horizons où l'autre s'est affaissé!", Arthur Rimbaud, Lettre du Voyant, à Paul Demeny, 15 mai 1871.*

“Моҳиятларни англаш ишида неки заққум бор – барини татиб кўрарак, у ҳамон ўзини излаётир. Ва замон келарки, тилсимлари бисёр синоатларни ҳам англаб етажакдир, илло, аслида ҳам кўркам қалбини муттасил парваришлаш унинг чекига тушмиш эди. Юксакларга парвоз қилар экан, бемисл синоатлар завқидан, майли, завол топсин, аммо изидан келаётган ўзга ворислар у ялов тиккан ўша уфқлардан фитрат сафарларига бардам отланажаклар...” Артур Рембо, “Башиоратгўй битиклари”, Поль Денемига, 1871 йил, 15 май.

Шарифжон АХМАД – 1969 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Бир тушининг эврилишлари” номли китоби, Хорхе Луис Борхес, Хулио Кортасар, Андрей Платонов, Жуброн Халил Жуброн ижодидан таржималари чоп этилган.

Ҳарбий лазарет фаолияти айна авжида, деб ўйлади у, остона ҳатлаб ташқарига чиқар экан. Аслида ҳам ёзнинг қоқ ўртасида ҳавои жаҳоннинг кутилмаганда бундай айнаиб бериши одамларни шошириб қўйган, аввал тиниқ осмоннинг ҳув олис бурчида кўринган бир тутам булут тобора ёйилганча, соат ўтмай, бутун уфқни эгаллаб олгани ҳам ташвиш уйғотмаганди. Одамларни доғда қолдириб, энди шаҳарнинг қоқ устида тўпланиб олган тим қора булутлар оралаб кескир яшин тиглари ерга санчила бошлаганда эса кеч бўлганди. Юракларга ибтидий ғулу солиб чақинлар ортидан янграган қалдиروقлар кўча ва хиёбонларда кезаётган одамларни бир зумда тиркиратиб юборди. Бўлиқ кўксини самовий шамшир тиглари пароканда қилаётган булутлардан дўлу ёмғирлар шиддат билан шаҳар устига ёпирилар, жунбушга келган бу телба қудрат неки бўлса, барини уриб-синдириб, яқсону пайҳон этишга астойдил бел боғлагандек эди. Ҳеч кутилмаганда бошланган тўфон бир неча кун ўтиб, худди шундай – дафъатан тинчигунига қадар одамлар ушбу тенгсиз вазоҳатни уйларига қамалиб олганча, пусиб кузатишга маҳкум эдилар.

Мана энди, неча кунлик талотўплар ортада қолиб, бошқа бандалар қатори кўчага отланар экан, шу дамда қаёққа йўл солишини, ўзини нима билан андармон қилишини билмас, наинки булар, балки ўзининг ҳеч бир иштирокисиз, ихтиёридан ташқари бир одми одат тарзида нафас олаётганидан, атрофда ҳукм сураётган мана бу ташқи олам изнисиз унинг (ташқи бу оламнинг) ҳар бир манзарасини истаса-истамаса кузатишга маҳкум эканидан сиқилар, устига-устак, ҳаёлида ғужғон ўйнаётган, аммо ҳали тайинли бир фикр шаклини ололмаётган пароканда бу ўйлардан мақсаду мурод не эканлигини ҳеч англамас, аслида эса мана шу англамаслигини тушунишга ҳам қурби етмас эди.

Уни ўз бағрига олган бу шаҳар ўз ҳолича яшада давом этар, мана шу давомийлик ичра ўзгаришларга дучор бўлаётгандай кўринса ҳам, бўрону тўфонлар етказган талафотларга ҳам қарамасдан, аслида кеча ва аввалги кунлар қандай бўлса, бу шаҳар барибир ўзгаришларсиз – ўз ҳолича қолаётган эди. Фақатгина кундалиқ ташвишлар етовида кезинаётган одамлару турли русумли автолар, йўл четида саф тортган дарахтларга дам-бадам гуррос қўнаётган қушлар галаси сароб каби ҳаёлий бу тирикликка ҳаракат ва фаолият бағишлаб тургандек эди, холос.

Шаҳарни довул асоратларидан тозалаш билан ҳамон машғул хизматчиларни кузатиб, буталари баравж ўсган аллақандай боққа келиб қолганини сезмади. Унгача ҳам неча замонлар бадалида юрилавериб, ўт-ўланлари босилавериб, сўқмоққа айланган оралиқдан юриб, бир ялангликка чиқди. Ялангликда эса хориган йўловчилар йўлини пойлаганча ёлғиз курси бағрини очиб турарди. Курсига чўқди. Вақт чошгоҳга яқинлашган, қоқ тиккага келган қуёш тафти дарахтлардан ҳоли бу ялангликни забтига олганди. Довулли кунлар бўйи кулбасида қамалиб ётаверганидан зах босган танасига энди бу иссиқлик хуш ёқа бошлади. (Бу жойнинг яна бир афзаллиги одамлар нигоҳидан панада эканида эди, илло ўнгу сўлга муттасил автолар ўтиб турган йўлдан баландроқда жойлашган ва қалин буталар билан ихоталанган бу ялангликдан ўзинг атрофни бемалол, беҳавотир кузатишинг мумкин, айна пайтда йўл ёқасида кезинаётган одамлар эса сени илғай олишмасди.)

Тирикликка умид билан умидсизгина ва базўр бош кўтариб, (аммо барибир муқим фикр шаклини ололмасдан) шу оннинг ўзидаёқ тафаккурининг овлоқ

туйнукларида чўкиб ўлаётган ожиз учкунларнинг қайта безовта қилишини истамаганидан, буталар оша назар ташлаб, хув анави чорраҳага бемақсад, бемаъно тикилиб қолди. Аммо бу ерда нима қилиб ўтирибди? Автойўлга бақамти йўлакдан шошилмай бораётган анави одамлар нимани истайди? Бир-бирининг пинжига суқилган аёл билан эркак. Эркакка кулги ҳадя этаётган бу аёлнинг табассуми қанчалар самимий аслида? Агар чин табассум бўлса, нега унда сохта қилиб кўрсатмоқчи бўляпти? Ё бу ноз-карашма-ю ишвалар бир вақтнинг ўзида бирваракайига ишга солинаётганидан шунақа сохта туюладими? Улар нималар ҳақида сўзлашаётган экан? Умуман, нималарнидир сўзлаш, хаёлда кечаётган нарсаларни сўзлар шаклига солиб, ҳаволарни беҳуда тўлқинлантириш шунчалар муҳимми? Сўзланаётган сўзлардан аслида маъно борми ва сўзларни сўзлаш бу сўзларнинг асил маъноларига беомон путур етказмасми? Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, агар тафаккур заррабинида синчиклаб кўрилса, сўзлаётганимиз шу қадар беҳисоб сўзларнинг бирортасида гўёки улар ташиётган маънолардан бирор нишона борми аслида? Сўзларни тафаккур этиш учун сарф этилаётган барча ушбу чиранишларни исроф этиш ўрнига, одамларнинг барча истак, эҳтирослари, зарурат мақсадларини бира тўла ва тўла-тўқис ифода эта олаяжак биргина сўзнинг ўзи кифоя эмасми, масалан, биргина “уй” ва ё “кулба”? “Уй” ва ё “кулба” дейилиши ҳамон оила-ю бола-бақра, ота-онангу элу-юртинг, бу элу-юрт одамларининг барча истак-интилишлари, азоб ва укубатлари, кулфат ва ғамларидан бино этилган тариху келажаги, юксалиш ва инқироз манзаралари, инсоний фожиалару бир-бирининг пинжига суқилган кўйи ўз муҳаббат гўшалари томон бораётган худди анави жуфтлик каби барча инсонларнинг майл ва эҳтирослари яхлит тизим бўлиб бирлашмасми? Нега кеча ва ундан аввалги кунлари ёмғиру довул ҳеч тинмади, бугун эса – сукунат?

Моҳиятларини унинг ўзи ҳам англамаётган бу саволлардан боши ғовлаб кетди. Оёғи остига тикилди, офтоб тафтини соғинган ҳашаротлар ғимирлаган кўйи бир нималар билан машғул. Бута шохига қанотчалари қуёш нурларида товланаётган ниначи келиб қўнди. Икки кўзи қабариқ гуманоидларникига ўхшаш бошини ўнгу сўлга дам-бадам буриб, охири хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, қанотларини бўш қўйганича, тек қотиб қолди. Ниначини тутиб, яқиндан томоша қилгиси келди. Пусиб, аста бутага яқинлашди, ниначи хатарни илғаб, учиб кетди. Ортидан кузатиб турди, ниначи тепада чивинларнинг ғужғон булутига ўзини урди, чапдаст экан – оғзида ўлжа билан энди нариги бута шохига келиб қўнди. Тамадди қилишини берироқдан кузатиб турди. Сўнг яна эҳтиёт бўлиб яқинлашди, ниначи овқат билан андармон бўлгани учун бу сафар уни осонгина тутиб олди. Саросимада қолган ниначи оғзидаги чивин қолдикларини тушириб юборди. Қанотларини қўйиб юбормасдан, диққат билан кузатди – болалигида қишлоққа тутатиб кетган пахта даласи устидан пастлаб учганча сассиқ дори сепадиган “кукурузник” самолётнинг худди ўзгинаси – майда томирлар билан қопланган икки жуфт шаффоф қанотча, думи томон ингичкалашиб борган фюзеляж танаси-ю ўлжасини тутишга мослашган тукли оёқлари. Энг муҳими, ҳаракатчан бошида қабариб кўринаётган кўзлар. Бир сўз билан, ўлжа овлашга мукамал ихтисослашган митти йиртқич. Бошқа болалар билан бирга ниначилар устида ўтказган тажрибалари эсига тушди. Тўрттала қанотини бир хил калталиқда

чилпиб киркди-да, энди учиб кўр-чи, дегандек осмонга улоқтирди. Бандиликдан бўшалган бўлса ҳам, ниначи учигга уриниб ҳам кўрмади, сал нарироққа бориб кулади. Қилган ишидан ўзи уялиб кетди, бориб ниначини қўлига олди ва бутанинг баландроқ шохига ушлатиб қўйди. Балки бошқа шериклари кўриб қолса, ярадор биродарига ўзлари билганча ёрдам кўрсатишар? Ниначига қилган зулмидан пушаймон бўлгани аниқ эди, шу сабаб бу ерда бошқа ўтиролмади. Ўрнидан туриб, ялангликни, ундан кейин бу боғни ҳам тарк этди.

Хаёлу фикрлари пароканда ҳолатида эндиам қай томонга боришини билолмай каловланиб турди, сўнг йўлнинг нариги муюлишида кўринган трамвай бекатига қараб юрди. Қай томонга эканининг асло фарқи йўқ, фақат қаергадир кетса ва қачондир ўша қаергадир етиб борса, яна ҳам тўғрироғи эса — ҳеч қачон ҳеч ерга етиб бормаса бўлгани эди! Қулоғига кўпдан таниш қўнғироқларини жаранглатиб, бекатга трамвай келиб тўхтади. Нечанчи рақамли эканини ўйлаб ўтирмасдан, супадан кўтарилиб, энг сўнгги бекатга чипта олди. Нафсиламбри, негалигини аниқ айтолмайди, балки автобуслардаги одатдаги тирбандликдан кўра бу ерда ўриндиқлар кўпинча бемалол бўлгани учунми ва ё аллақандай рухий сокинлик бағишлаши туфайлими, у ҳамиша трамвайларда юришни маъқул кўрарди. Метрода юришдан эса Худо асрасин, то манзилга етиб олгунча, қўнглингни ноқулай бир ғашлик тинч қўймайди. Метрода ҳамма асабийлашади, аммо ҳар ким бу ҳолатини бошқаларга сездирмасликка интилади ва интилгани сайин ички зўриқиш ҳам ошиб боради, кўзлар тасодифан вагон ойнаси аксида бошқа кўзлар билан тўқнашгач эса, бу зўриқиш қанчалар ноҳуш экани шундоқ билиниб қолади. Шу ноҳушликка дучор бўлмаслик учун, бошқа бировнинг кўзларига кўзлари тушмаслиги учун йўловчилар ўзларини нималар биландир банд қилиб кўрсатишади, ана, бири газета ўқиш билан машғул, бошқа биров эса кўзларини чирт юмганча, ўзини ухлаётганга солади, агар диққат билан қаралса, юмук қабоқлари ичидаги кўзлари дам-бадам ўйноқлашидан аслида уйғоқ экани ва бекатини ўтказиб юбормаслик илинжида қулоқлари ҳам сергак эканини билиб олиш қийин эмас. Шундоқ ҳам ёлғиз одамларнинг ер остида яна бўрттирилган ёлғизлиги. Манзилга етиб, еростидан ниҳоят шаҳарнинг кучоқ очган бағрига чиққач, назарида, ҳар бир одам ўзини бениҳоя бахтиёр ҳис этишига ҳеч шубҳа қилмасди.

Аксига олиб, трамвай одатдагидан кўра бугун тирбанд, ҳамма ўриндиқлар боқишлари сипо-ю сурбет чехралар билан банд эди. Бир аёлнинг кўлидаги чақалоқ тинмай биғиллар, оёқлар остидаги темир ғилдирақларнинг рельс бўйлаб ҳаракатидан пайдо бўлаётган муттасил “тарақа-турук”и ичкарини ўз забтига олганди. Тутқичларга осилган озғину хўппа семиз гавдалар трамвай ҳаракатига монанд бир маромда чайқалиб борарди. Ажабо, бу ерда ҳам ўзини ноқулай сеза бошлади. Ҳолироқ жой топиш учун вагон охири томон узр сўраганча сурилиб бораркан, бу ердагилар фақат айнан уларга тегишли хос ёлғизликларини безовта қилаётгандек унга хўмрайиб назар ташлашар, норози оҳангда бир нималар деб пўнғиллаганча, юзларини намоишкорона терс ўгириб олишарди. Ёнидан ўтаётганида биттаси ҳатто, киши билмас қилиб, тирсаги билан бикинига чунонам ниқтадики, нафас олиши қийинлашиб, юзлари бўғриқиб кетди. Ҳамдардлик излаб, атрофга олазарак бўлиб қаради, гўрдами, ҳамма ўзини гўлликка солиб

олган, ушбу бедодликка аниқ гувоҳ бўлган анави семиз жувон эса, ўриндикқа ёйилиб олганича, бундан мамнунлигини ҳатто яширишни ҳам истамасди. Хўрлиги келиб, ниҳоят вагон охирига етиб борди. Қулоқлари остида темир ғилдирақлар шовқини, чақалоқнинг биғиллаши ҳамон тинай демасди.

Ҳозиргина трамвайнинг, наздида, бутун вагондагиларига калака бўлганидан ўзини қаттиқ хўрланган ҳис қилар, кўнглидаги бу ўнғайсизликни аритиш учун трамвай ойнасидан муттасил ўтиб бораётган шаҳар манзараларига тикилишдан бошқа арзирли машғулот топа олмасди – ишқилиб, масхараомуз нигоҳларга дуч келмаса бўлгани эди. Ташқарида эса одамлар неча кунлик ёғингарчиликдан сўнг, ниҳоят, ўз ҳукмига кирган куёш тафтида кезинишар, табиат хуружининг йўл четларида қолган сўнгги нишонлари ҳам бартараф этилаётган эди. Трамвай ойнасидан ташқарига қараб боришнинг метродан афзаллиги ҳам шунда – токи ташқарида ҳали кундуз ҳукмрон экан, ойна тубларида бошқалар нигоҳи билан тўкнаш келмайсан.

Ташқари куёш нурларидан бениҳоя чароғон эди, ёруғликка узоқ вақт тикилаверганидан кўзлари толиқди. Бу орада эса атрофида нотаниш бошқа чехралар пайдо бўлганига эътибор қилди, афтидан, ўзи билан овора бўлиб, бир неча бекат ортда қолгани ва унинг бояги ҳолатига гувоҳ бўлганларнинг кўплари ана шу бекатларда тушиб кетганини сезмай қолганди. Бундан бениҳоя мамнун бўлди, ўзини қарийб бахтиёр сеза бошлади. Дадиллашиб, атрофдаги янги қиёфаларга разм солди. Ана, шопмўйловли бобой, ҳойнаҳой бозорга йўл олган чиқар. Унинг ёнида шаҳарлик пўримларга хос бўлмаган соддагина йигит ва қизалоқ, аҳён-аҳёнда бир-бирларига ўғринча қараб қўйишади, нигоҳлари учрашганда эса иккисининг ҳам ёноқлари дув қизариб кетгандек бўлади; афтидан қишлоқдан келган биринчи курс талабалари, ҳатто бир гуруҳда ўқишса ҳам керак, ҳечкиси йўқ, ҳозирча шунақа уялинқираб турганларинг ҳам дуруст, бир-икки йил ўтсин, қарабсанки, пихини ёриб, сурбетлашган шаҳарлик олифталарга айланасан-қоласанлар. Вагон ичидагиларни қизиқсиниб кузатишда давом этаркан, бирдан бошқалар назаридан йироқда, энг сўнгги ўриндикда ўтирган қизга кўзи тушди.

Кўзи тушди-ю, юраги ҳаприкиб ура бошлади, илло соҳибжамол бу қизга сокин юрак билан боқиш асло мумкин эмасди. Оёқларидан мадор кетиб, кўз олди қоронғилашаётганини сизди, у қизга яхшироқ разм солиш, ўртадаги масофани лоақал бирмунча бўлсин аритиш, унинг бутун нафис қиёфасидан таралаётган сезилмас тўлқинларни ҳис этиб ва ниҳоят унинг меҳварида айланмоқ учун ўша томон юрди. Қизнинг гўзаллигига тоқат қилиб бўлмас эди. Қаршисида мангу аримас, ақл бовар қилмас бошқа оламлардан ташриф буюрган хилқат тургандек бутун вужуди кўзга айланди. Шу бугунга қадар, шу тобга қадар нени билган, нени англаган бўлса бари – барча масрур қувончлари, жамики қайгули андухлари – барчаси бир тугун бўлиб бирлашди-ю, вужудини зир титратиб, портлаб кетгандек бўлди. Назарида, бу оламда неки бор бўлса, уларнинг бари шу қизда мужассам, бу оламдаги барча манзиллар биргина унда сўнгги истак бўлиб бирлашаётган эди. Ана, тушларида неча бор кўрган синоатли ёбон ва таваллуд юртига қайта элтажак кеманинг парку елканлари сокин елларда ҳилпираб, бу ёбонда лангар ташлаши ёхуд узоқ айрилиқдан сўнг ниҳоят етиб боргани кадрдон қишлоқда эса волида-ю падари, бобо ва момолари кўзларида ёш билан қучоқ очиб қарши

олишлари ва яна кўплаб шу каби ўтмиш тасвирларининг адоқ билмас шажаралари. Қизга суқланиб тикиларкан, атрофдагилар нигоҳи унинг маъбудий тимсолини булғашини истамай, ҳатто юзларини сийпалаётган куёш нурларидан ҳам қизгана бошлаганди. Унинг бемисл малоҳати вужуду шуурининг то сўнгги зарраларига қадар ишғол этиб, бутун борлиғида чидамсиз оғриқ уйғотганди. Тенгсиз гўзаллик нашъасидан пайдо қийноқлар азоби.

Бутун иродасини йиғиб, ниҳоят қизга бир нима дегиси келди.

– Салом, яхшимисиз...

Қиз назокат ила бошини кўтариб, салом соҳибига қаради: тубсиз тубларидан ажиб нурлар таратаётган тим қора кўзлар гавҳари!

– Салом.

– Китоб ўқияпсизми?

– Ҳа.

– Яхши китоб. “Тўртинчи қаватдаги...”

– Кўзларингиз ўткир экан, – билинар-билинмас табассум.

– Кўзларимдан ҳозирча нолимайман, – қиздан навбатдаги табассум ҳадяси. –

Аслида, бу китобни шу кунларда ўзим ҳам хатм қилиб туширдим, шунга...

Қиз жилмайбгина:

– Табъи назмингиз нозик кўринади, мавлонога ёққандир, ахир?

– Эпиграфида Рембодан шундоқ олиб ёзиб қўйилганидек, ўзини сарсонун саргардон излаётган бир шизофреник дарвеш ҳақида.

– Жа унчаликмас-ов, – эътироз билдирди қиз ўпкаланиб, – менимча, неча замонлардан бери ҳаётига ҳеч бир янгилик йўламаётган ва шу сабаб ҳам тушкунлик, умидсизлик ботқоғига ботиб бораётган кимсанинг ўзи учун ўзи умидворлик яратишга интилишлари, десак сал тўғрироқ бўлар...

– “Ҳаётда ҳеч нарса ўзидан-ўзи содир бўлмайди: беамр тикан кирмайди, деганлари бежиз эмас – рўй берган ҳар қандай ҳодисанинг сабаби мавжуд – бироқ кеч кузнинг замҳарир кунларидан бирида тасодифан учраб, ҳаёлингни алғов-далғов қилиб юборган нарсанинг сабабини сен ҳеч қачон топа олмайсан: қолаверса, бунга ҳатто қизиқиб ҳам кўрмайсан...”

– Эҳ-ҳе, ҳали ҳикояни ёддан биламан денг, вожаба!

– “Нима қилиш керак? – дея ўз-ўзингдан норози бўлардинг ва секин-аста аллақандай умидсизлик юрагингга чўкиб бораётганини сезардинг. – Худди ҳаётимда бир нима юз берадигандек доим ниманидир кутиб юраман... Нима қилиш керак?”

– Ана бўлмаса!

– “Сен кўримсизгина бино томон юриб ва худди шундай кўримсиз йўлақдан ўтиб, чапга буриласан. Йўл ўртасида калта-култа шохларини узатишга чоғланган кўйи қотиб қолган дарахт ёнидан ўтаётиб хўрсинасан. Дунёда ҳосиятсиз нарсалар кўп: ҳосиятсиз кунлар, ҳосиятсиз тушлар, ҳатто ҳосиятсиз тасодифлар... Сен ирим-сиримларга ишонмаганинг учун бу ҳосиятсиздек дарахтга бошқа кўз билан қарардинг”.

– Салгина сабр қилинг, – деди қиз, – менга ҳам навбат беринг ахир! – шундай дея қиз ҳам, қўлидаги китобни ёпиб, ҳикоянинг давомини ёдаки айта бошлади:

– “Шамол энди рўпарадан эсарди, сен чиқишдан кўра тушиш ноқулай бўлган зина тарафга юрасан. Зина тепасига етганда теварак-атрофни алланечук шовур-шувур тутиб бораётгандай туюлади; сен пастга туша бошлайсан – қуйирок тушганинг сари шовкин кучайиб боради. Сўнгги поғонага оёқ қўйганингда дастлаб бошинг узра денгиз тўлкинлари гувиллагандек бўлади, илкис бош кўтариб, учиб бораётган қушлар галасига кўзинг тушганда эса ҳазин садолар янграб кетади”.

Буни ҳеч кутмаганди, ўзининг назмий таровати билан, синоатли туйғуларининг эҳтиросли изҳорлари билан ҳаёлини ўғрилаган бу ҳикояни ўзидан бошқа яна кимдир шу қадар ҳис эта олишини, ҳис этибгина қолмасдан, ҳикоянинг яширин оҳанглари ҳам баралла намоён эта олишини асло кутмаган эди. Қиз эса сокин ва ширали талаффузда давом этарди:

– “Худди мана шу қушлар жуда кўп нарсалар ҳақида сени огоҳ қилиши мумкиндек ва ҳаётинг кўнғироқчаларини чалиб юборишга қодирдек уларга дафъатан талпинасан. Бироқ, қарасанг қушлар йўқ, улар узоқда қора доғлардек қип-қизил шафаққа сингиб боради. Сен мунгайиб улар ортидан термиласан, назарингда яна бошқа қушлар тўдаси учиб ўтаётгандек, ҳеч қаерга жилмай, кўзинг толгунча қараб тураверасан. Бехосдан бир нарсага кўзинг тушади-ю, юрагинг ҳаприкиб ҳаммасига тушунасан”.

Тилсимлари бисёр синоатга беҳос дуч келган каби унинг ҳам юраги ҳаприқа бошлади. Қизгинанинг лабларидан учаётган ҳазин каломлар ҳеч бир қаршиликсиз тўғридан-тўғри юрагидан жой олаётган, барчасини очиқ-ойдин изҳор этишни ўзига эп кўрмаган ёзувчи сокин бу сатрлар аро яширмиш ғаройиб эҳтиросларнинг ноён тимсоллари баайни қизнинг талаффузида асил моҳиятларини кўрсатиб, ечилиб борарди.

Ўзининг масрур кайфиятини бошқалар билан баҳам кўриш истагида атрофидагиларга бокди. Трамвай вағони ичидагилар бу икков ўртасида кечаётган айтишувга ҳайрат ичида шоҳид бўлишлари керак эди, назарида. Аммо не ажабки, ҳеч ким уларга қайрилиб ҳам қараб қўймас, ҳамма ўз машғулоти билан андармон, кимдир газета ўқиган, яна биров эса трамвайга монанд чайқалиб, пинакка кетганди. Бошқалар учун уларнинг иккиси ҳам мавжуд эмасдек эди гўё.

Қизнинг эса бошқалар билан иши йўқ, гўёки ўйинни бошлаб берган бу йигитни ўзининг қуроли билан батамом яксон этишга қасд қилган каби ёдаки мутолада давом этарди:

– “Бу ҳозиргина тепасидан сайёҳ қушлар учиб ўтган иморатнинг тўртинчи қаватидаги дераза эди, ундан аста-секин куюклашётган қоронғилик қўйнига ипакдек майин шуъла тараларди. Бамисли нотинч денгизда адашиб – улоқиб юрган ва кунлардан бир кун нур сочаётган маёқни кўрган денгизчилар илкис қувончдан ўзларини йўқотиб қўймай, дастлаб жилвагар маёқнинг нажотбахш рафторига мафтун бўлгандек сен ҳам бир неча сония тўртинчи қаватдаги сарғиш деразага ҳайрат билан тикилиб қоласан. Дераза чиндан ҳам маёққа ўхшарди: у имлар ёхуд чорлар ва бу дераза шаклидаги ёруғлик манбаи оҳанрабодек домига тортарди. Сен беихтиёр “Қушлардан хотира бу” дея ҳаёл қиласан: дарвоқе, деразадан ёғилаётган кизғиш шуъла билан қушлар овозида муайян умумийлик бор эди – икковининг замирида ҳам унсиз фарёд кучли, иккови ҳам деярли бир хил таъсир этарди”.

– Ҳа, худди шундай, – деди йигит, – тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза рутубатли бу ҳаётдан сўнгги умидларини ҳам узиб, умидсизлик ботқоғига ботиб бораётган телбасифат ҳикоя қаҳрамони учун дафъатан юзага қалқиб чиққан бир маёқ каби эди. Маёқки, унинг замирида қаҳрамоннинг ўзигагина мансуб барча эҳтирос ва майллар, қалбининг энг тубларига бошқалар кўзидан нари тутиш илинжида ўзи қачонлардир улоқтирган, энди шу тобда унинг ўзи ҳам ҳайбатига ортиқ дош бера олмас ўзининг зимистон ўйлари яширин эди.

– Бечора қаҳрамонни намуноча ҳақорат қилмасангиз, ҳали шизофреникдан олиб, ҳали телбага соляпсиз-а! – деди қиз норозиланиб. – Агар билсангиз, ҳикоя сиз айтаётган талқинлардан мутлақо йироқ. Бу ҳикоя савқи табиий билан бир нафаснинг ўзида ёзилган ўта ноёб асарлардан бири. Ҳа, қоғозга тушириш учун сарфланган вақтни истисно қилсак, ҳикоя чиндан ҳам бир нафаснинг ўзида битилган. Ундаги ҳар бир сўз ва ҳолатлар тасвири шу қадар ўз ўрнига муҳрланганки, сўзларнинг бирортасини ўзгартириш мутлақо ақлга сиғмайди. Нафис туйғуларни шунақа сеҳрли шаклларга жойлаб тараннум этиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келмайди. Ҳа, бу тимсолий ҳикоя, ҳа, унда эҳтиросу йўқотишлар ғуссалари ҳам бор. Етарлича зукко ўқувчи гап нима ҳақида эканини тахминан сезиб, англаб ҳам туради. Лекин, энг муҳими, бу ҳикояни ҳеч ким токи сўнггига қадар тўла тушунтириб бера олмайди. Керак бўлса, ҳатто муаллифнинг ўзи ҳам бунга ожиз.

“Сен йўлканинг адоғига боргач, яна бош кўтариб қарайсан. Энди деразани бафуржа томоша қилса бўлади, чунки сен унинг нақ рўпарасидасан. Назарингда дераза ҳамон кимнидир чақирар, кимнидир ўзидан огоҳ қиларди: нимадандир умидворга ўхшарди. Сен дафъатан мана шу илтижони пайқаб қолганинг учун зум ўтмай у илтижонинг қизғиш бармоқлари вужудингга ёпишиб, юрагингни пайпаслаётганини сезиб сесканиб кетасан. Ҳа, у юрагингни изламоқда эди! Беихтиёр энтикасан”.

Қиз ҳикоя ҳақида сўзлар экан, унинг ҳазин, шу билан бирга эътирозларга ўрин қолдирмас оҳанглари уни тамом ўзига мафтун этган, у сўзлаётган фикрларга заррача бўлсин эътироз билдиришни истамасди.

“...Бора-бора бу сарғиш дераза фикру хаёлингни ўғирлаб қўйди. Сен ҳатто баъзи кунлари тезроқ қоронғи тушса-ю тезроқ ўша дераза олдида борсам, дея кутадиган бўлдинг. Гоҳо ишхонангда деразадан серкатнов кўчага қараб ўтирган пайтларда бирдан кўз олдингга сарғиш дераза келар, юрагинг орзиқиб кетарди. Сарғиш дераза бамисоли маҳбубанг эди, маҳбуба бўлганда ҳам юлдуздек чарақлаган, зорикқан кўзларида, ҳорғин ва ўйчан қарашлари, зариф табассумида интизорлик, илтижо ва алоҳида меҳр жилваланган маҳбуба!”

Алмисоқдан қолган трамвай вағони адоғида тасодифан учрашиб қолган бу икковлон ўртасида, бошқа йўловчиларнинг зигирча қизиқиши-ю аралашувисиз адабий муҳораба давом этаркан, йигит айнан шу ҳикояга дохил кўпдан бери ўйлаб юрган фикрини ўртага ташлади:

– Биласизми, – деди у қизга қараб, – мулоҳазаларингизга менда зигирча ҳам эътироз йўқ. Умидсизлик ичра бир умид ваъдаси билан якун топган ушбу ҳикоянинг мутлақо бошқа шаклини, эҳтимолки, муаллифнинг ўзи бунга тиш-тирноғи билан қаршилиқ билдириш эҳтимоли тайин бўлган бошқа шаклини

ёзишни таклиф этган бўлардим. Навбатдаги бу ҳикоя сиз билан биз кўнгил қўйган ушбусининг мантикий давоми бўлиши ҳам, айти пайтда эса ўз ҳаёти билан яшаб, ўз сюжет чизиқларида мустақил давом этажак алоҳида ҳикоя бўлиши ҳам мумкин. Ҳикоя ичра ҳикоя эмас, балки ҳикоядан таваллуд топган мувозий ҳикоя.

– Сизни шунчаки бир китобхон мухлис десам, қаламкашликдан тузуккина хабарингиз борга ўхшайсиз-ку. Унда, агар сир бўлмаса, ўша сиз айтётган ҳикоя қандай бўларкин?

– Бу шундай ҳикоя бўладики, аслият қаҳрамонининг оромини бузиб, унинг бутун ҳаёлини ўғирлаган тўртинчи қаватдаги ўша сарғиш дераза ичкарасига қадам қўямиз ва ана ўша ичкарида йиллар давомида қамалиб олганча энди ташқарини кузатамиз. Аслият қаҳрамони наздидаги бу гўша синоатларини қадам бақадам еча борарканмиз, тўрт девор ичида яшашга маҳкум этилган бандининг руҳий фожиаларига, унинг истак ва майлларига шерик бўламиз.

– Топилмангиз чакки эмас, аммо бунинг хотимаси қандай бўлади? Ишқилиб қаҳрамонларни ўлдириб юбормассиз?

– Ҳикоясини бошлар экан, аслият муаллифи ҳам бу асарига пировардида қай тусдаги хотималар раво кўрилишини аввалдан билмагани каби, мен ҳам олдиндан бир нарса деёлмайман. Аммо, билганим шуки, бу ҳикоя инсоннинг руҳий оламидаги эврилишларни тадқиқ этиш, ибтидодан бошланган жумбоқли саволларга (майли, самарасиз бўлсин) жавоб излашга доир навбатдаги уриниш бўлади. Унинг муҳитларида мана бу рутубатли ва дилгир оламнинг бефайз манзаралари эмас, билъакс, новоқеъ воқеликнинг, бошқа бир оламнинг ҳали кўплар билмаган, кўникилмаган манзаралари эҳтирос ва муҳаббат билан муқаррар этилажак. Унда адабий ақидаларнинг зўраки ва муттасил тақрорларига батамом барҳам берилиб, бўлак манзилгоҳларга элтувчи янги сўқмоқлар изланади. Энг муҳими эса бу янглиғ асар мутолааси адоқсиз ҳузур инъом этиши назарда тутилажакдир.

– Бу ҳикояни мен ҳам ҳузурланиб ўқишни жудаям истардим...

Қиз йигитнинг бутун ҳаёлларини ўғирлаб, у учун, фақат унинг учун битмоқчи бўлгани ўша асар завқини ҳам пароканда этиб, кейинги бекатда тушиб қолди. Изидан қараб қоларкан, қиз ортига қайрилмади ва... қўл ҳам силтамади. Улар қайтиб кўришмади.

Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза эса бу гал бутун жозибасини намоён этиб ёп-ёруғ, кундуздан-да ёруғ порларди. “Назарингда у ҳорғин эмас, сокин эди. Сен энсиз йўлканнинг адоғига бориб, қўл силкийсан ва бир изтироб вужудингни секин қамраб ола бошлайди-ю, унсиз, елкаларинг силкиниб-силкиниб, худди узок айрилиқдан сўнг фарзандини кўрган она кўйига тушасан...”

* * *

Аммо яна бир таассуф шунда эдики, саратоннинг қоқ ўртасида беҳосдан қутурган довулли кунлардан сўнг энди тин олиб, ўзига кела бошлаган шаҳарда, эски трамвай вағони адоғида иккимиз ўртамызда кечган ушбу суҳбат чин эдими ва ё рўё, малоҳатингдан кўз олдим қоронғилашиб, ҳар иккимиз суйган ҳикоядан иккимиз-да басма-бас сатрлар ўқирканмиз, сокин табассум ҳадя этишларинг чин эдими ва ё хаста тафаккурим фаразларими – буларни энди билолмасман. Ҳар не

бўлганда ҳам, ўшанда шопмўйлов бобойнинг овозидан ўзимга келдим:

– Ҳов йигитча, тушадиларми, ё..?

– Ҳа, амаки, тушаман, – трамвайда дарбадар кезишга бошқа ҳожат қолмаганди.

Аллақайси бекатда тушиб қолдим, шу ернинг ўзида ўриндикқа ўтириб, папирос тутатдим. Бўлиб ўтган ва ё бўлмаган, чинакам ва ё ҳаёлий суҳбатни қайта ҳаёлдан ўтказдим. Алланималарни ўйлаб, бир нарсаларни тафаккур қилдим. Ибтидодан интиҳога томон ва ёки билъакс – келмишдан кечмишга томон сизиб ўтаётган бу мангулик аро сарсон бизларни, бизларнинг барча майл ва истакларимизни омонликда сақлаб бўларми... Ҳаёлимдан эса яна ғаройиб мана бу сатрлар кечарди:

/ Ҳар кечнинг кечари кундир, / Ҳар куннинг кечари кеч. / Ҳар кечнинг келмиши кундир, / Ҳар куннинг кечмиши кеч... /

1992 йил

* * *

2017 йилга тааллуқли постскриптум:

Бир замонлар қоғозга туширилиб, ижарама-ижара юришлардан иборат кейинги маиший талотўплар оқибатида бадар кетган ушбу ҳикоя мана энди, орадан чорак аср ўтиб, қайта қўлга киритилар экан, ташқи олам билан ичкисининг ўртасида мурса излаш машаққатларидан сўзланган саҳифаларга андак пардоз бериш билангина чекландик. Шунингдек, Тошшаҳар бағрини тилиб, аллақай томон йўналган эски трамвагон ичида “кечган” ҳаёлий суҳбат асносида билдирилган, бир ҳикоядан бошқа муқобил асар яратиш ғояси ўша мунозарадан қўп ўтмай амалга оширилгани ва “Тим қора шаҳар ривоятлари” номли туркумимизга киритилганини ҳам маълум қиламан.

Лаббай, хўжайин...

Қисса



Ҳабиб
СИДДИҚ

Мана бугун унча катта бўлмаган корхонамизнинг хўжалик бўлими мудир лавозимига тайинландим. Ким ошкора, ким пинҳона юмшоқ оромкурсини орзу қиладиган ҳозирги замонда бизга ҳам битта курси тегди. Каттами, кичикми раҳбарликнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Шундай бўлгач, энди ўзимни кўрсатишим керак, деб ўйлай бошладим.

Миямда ялт этган ташаббусни, ҳар эҳтимолга қарши, келишиб қўйиш учун бошлиқнинг муовини хонасига кирдим. У киши таклифимни маъкулладилар. Лекин, нимагадир, қўшни хона томонга ишора қилди. Хоналаридан чиқиб қўшни эшикка разм солсам, “Бошлиқнинг биринчи ўринбосари” деб ёзиб қўйилибди. Тушундим. Демак, масалани бу киши билан ҳам келишиш керак экан-да. Эшикни аста чертиб, рухсат бўлгач, ичкарига кирдим. Карахт одамдай маъносиз боқиб турган биринчи муовиннинг юзи гапимни эшитгач, сал ёришди. Таклифим маъкул тушди. Маслаҳат пишди. Бироқ энди чиқмоқчи бўлганимда бош бармоғи билан юқори томонга ишора қилди.

Тушундим. Дарров иккинчи қаватга кўтарилиб “Қабулхона” деган ёзувли эшикни очиб аста кирдиму бўш курсига чўқдим. Навбатим келгач, саломни қуюқ қилиб ҳузурларига кирдим. Таклифимни, уни муовинлар билан келишганимизни бир-бир баён қилгандим, бошлиқ юзимга ҳайрон бўлгандай боқиб, бошини ликиллашиб, эшитилар-эшитилмас, “Маъкул”, деб қўйди. Қўлимни кўксимда таъзим қилиб, қўшқаватли эшикдан, кейин қабулхонадан чиқдим. Зиналардан югургандай бўлиб пастга тушдим.

Шу заҳоти фаррош холани топиб, маъмурий бино кириш эшиги олдидаги оёқ кийим артиладиган латтани шошилишч алмаштириш кераклигини уқтирарканман, бош бармоғимни тепага қилиб, топшириқ юқоридан бўлганлигига ишора қилдим.

Ҳабиб СИДДИҚ – “Шуҳрат” медали соҳиби. Андижон пахтачилик (ҳозирги қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар) институтини битирган. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент. “Қар қулоққа танбур”, “Ким ошди савдоси”, “Тўқайга ўт тушса”, “Бедаво дарднинг давоси”, “Инглизча туш”, “Чирोगи ёниқ хонадон”, “Ўрага сичқон тушиди...” “Нимкоса”, “И смех, и грех” каби китоблари чоп этилган.

Фаррош хола гапимни тугатишим билан “пиқ” этиб кулди, сўнгра ёши ва гавдасига нисбатан кутилмаган эпчиллик билан икки дақиқадаёқ эшик олдидаги латтани алмаштириб қўйди. Кейин яна юзимга қараб қўли билан янги тўшалган эски матога ишора қилиб, “Ўсасан, болам”, ва пешонасининг терини артиб, бошқа юмушларига кетди.

Мана бир ишни қойил қилдим. Рухланиб кетдим. Кондиционерли салқин хонага кириб, юмшоқ диванга ястандим-да, масъулиятли раҳбарлик лавозимидаги илк қадамим муваффақиятли амалга ошгани ҳақида ўй сура бошладим. Нафасимни чуқур олиб, зарб билан чиқардим-да, “Туф-туф, кўз тегмасин”, деб қўйдим.

* * *

Аслида-ку раҳбарлик бизга ота касб деса ҳам бўлади. Отам шахримиздаги энг катта қабристонлардан бирида гўрковлардан. Бутун шаҳар ўликларининг нарх-навосини... Э, йўғ-э, кадр-қимматини баҳолаб, ётадиган жойини кўрсатиш у кишининг қўлида.

Шунинг учун, шахримизнинг катта-кичик одамлари орасида отамнинг обрўси баланд. Шуларни кўриб юрганим боис ҳам раҳбар бўлиш иштиёқи кўнглимда пайдо бўлгандир.

Шунақа, раҳбарлик қонимизда бор. Бироқ ҳозирги даврда раҳбарликни тартиб, томоийллари сал бошқачароқ, ўзига хосроқ, деб кулогимизга шивирлаётган оғайничалишлар ҳам бор: субординация дейдими?.. Тепадагининг қош-қовоғига қара, дейдими... Бунақа гапларнинг жа-а тагига етиб тушунмасам ҳам, ҳар қалай, эҳтиёт бўлган яхши-да, деб қўяман.

Отам ҳам ҳар хил одамлар билан муомала қилиб баъзида сал ноқулайроқ аҳволга тушиб ҳам қолади. Вазиятга қараб баъзида ўзим ҳам аралашишимга тўғри келади.

– Ие, қабристонда ҳам ер сотиладими? – деб талмовсиради биттаси яқинда.

– Ҳа, нима кипти?.. Айримлар 4-5 йил ўтирадиган ёки ўтирмайдиган хона-ю курсини фалон минг долларга сотиб олаётган замонда... Қиёматгача бемалол ётадиган жой учун уч-тўрт танга сарф қилса, бир жойи камайиб қоладими?..

Дарров гўрсўхтанинг овози ўчди. Кўзларини катта-катта очиб менга боқди.

– Бир жиҳатдан тўғри, – деди у, – бу ёғини ўйламаган эканман.

– Ўйлаш керак! – ўдағайладим мен.

Бошини ликкиллашиб, мулойимгина бўлиб келган томонига кетди.

Ўзича ҳақ-хуқуқ талаб қилаётган ана шу нусхани бир дўк билан овозини ўчиргач, ўзим ҳам раҳбарлик салоҳиятим чакана эмаслигига ишониб қолдим ва ўзимга ўзим, “Отни камчила, азамат,!” деб қўйдим.

* * *

Ишхонамиз дарвозаси ёнгинасида тижорат дўкони очган собиқ меҳнат ўқитувчимиз Мансур кўсадан бир дона сигарет олдим-да, шу ердаги гугурт билан туташтириб, чуқур тортиб, юқорига қараб пуфладим. Қилигим собиқ муаллимимга нашъа қилди, шекилли, ёнбошига бурилиброқ жилмайди.

– Савлатингни қара, – деди кейин тик боқиб. – От хуркийди-я!.. Яна доналаб сигарет оласан. Кутиси билан олсанг бўлмайдими?..

– Оламан яқинда, кўрасиз, – дедим мақтанганнамо. – Янги ишга ўтдим.

– Қанақа ишга? – қизикди у.

Айтдим. Ўзига яраша масъулияти борлигини тушунтирган бўлдим.

– Ҳеҳ, – деди собиқ муаллимим беўхшовроқ лаб буриб. – Каттаконлик ҳам муаммо бўптими?.. Пастдагиларга дўқ уриб, юқоридагиларга таъзим қилишни билсанг бўлди-да, хўкиз.

Ие?.. Нима дейди бу?.. Аввалига сал ранжигандай бўлдим. Кейин, эҳтимол, бу янги лавозимга ўтганимга рағбатми, эркалашми, тарзида айтилгандир, деб ўйланиб қолдим. Чунки, шу устозимиз ўқувчилик йилларимиз айтган гапини бажармаган синфдошларимизга нуқул, “Э-э, бузоғей!” деб қўярди. Унинг сўкиши ҳам, эркалатиши ҳам шу эди. Ҳалиям ўша феъли ўзгармабди-да.

* * *

Хўжайиннинг суҳбатига кирган куним ҳеч эсимдан чиқмайди. Салом-алиқдан кейин хужжатларим билан танишиб чиққанлигини, муовинлар номзодимни маъқуллаганликлари, яхши умид билан масъулиятли ишни топшираётганлигини таъкидлаб, бир-икки саволига жавоб олгач, огоҳлантиришга ўтди:

– Хушёр, оёқ-қўли чаққон йигитларни ёқтираман. Лаллаймасдан астойдил ишлашинг керак.

– Хўп бўлади.

– Бўлмаса анави омбор мудирининг ҳолига тушиб қолишинг ҳеч гап эмас.

Омбор мудирининг ишдан бўшаганидан-ку хабарим бор, аммо бунинг сабабидан беҳабар эдим.

– Мен унга айтдим, – деб давом этди хўжайин, – манави эгнимдаги костюм сал уриниброқ қолди, янгилаш керак, деб. “Албатта янгилаш керак”, дейди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, яна шама қилиб кўрдим. “Катта-кичикнинг олдида устимга обрўлироқ нарса илиб юрмасам бўлмас”, дедим. Ҳар қалай каттами, кичикми “бошлиқ” деган номим бор. “Ҳозир зўрлари чиққан”, дейди галварс. Лекин ўзини ўзи билмайди.

Яна эслатишга тўғри келди: “Қуда-анда дегандай гаплар бор. Сал номимизга яраша кийинмасак бўлмас. Янгилаш керак деб айтувдим-ку!” “Аллақачон янгилашингиз керак эди”, дейди.

Аввалги ишхонамдаги ходимларимни ярим оғиз гап, йўғ-э ишорамдан пайқайдиган қилиб қўйган эдим. Сенларни эса ҳали анча тарбиялаш керакка ўхшайди. Гапни уқишсанг-ку, яхши-я, бўлмаса...

Сенлардақа пайтимда оёғимдан ўт чақнарди. Хўжайиннинг истагини хаёлига келгандаёқ билардим. Енгидан кириб, ёқасидан чиқардим. Сенлар-чи?.. Қачон қарасанг анқов боладай лаллайиб оғзингни очиб ўтиришасан.

Ана биттаси, яна аммамни бузоғидай гўлайиб тураверди. Ҳамма нарсага балодай ақли етади. Лекин ўзини атайлаб сал анқовроқ қилиб кўрсатадими, дейман. Бўлмаса икки ҳафтадан бери эшакнинг қулоғига танбур чертапманми?!

– Машинаям анча уриниброқ қолди, – дедим яна бир гал бир даста хужжатларни олиб хузуригизга кирганида, – бензинни кўп сарфлаб қўйяпти. “Бензин камроқ кетсин десангиз “Тико” дуруст”, дейди. Э, маслаҳатингдан ўргилдим, куруқ арава. Ўт олишим кийинроқ бўляпти. Чамаси аккумуляторни янгиламасак бўлмайдиганга ўхшайди. “Хизмат машинаси бор-ку!” эмиш? Идора бор-ку деб уй қурмай қўёлмайман-ку! Ҳайриятки қурилиш бўйича муовиним сенга ўхшаган аммамнинг бузоғи эмас. Бўлмаса анави шаҳар четидаги ўн олти хонали кичкинагина участкамнинг қурилиши ҳам ўлда-жўлда

қолиб кетармиди. Яхшиям у хушёргина, оёқ-қўли чакқонгина чикди. Баҳонада ўзиникиниям битказяпти. Сен бўлсанг... Агар шунақа қилиб ўзингни билмай юраверадиған бўлсанг келишолмайдиганга ўхшаймиз. Хазинанинг калитларини жаранглатиб қўлингга тутқазиб қўйган бўлсам. “Туя кўрдингми, йўқ,” қилиб ташламайсанми! Бир гап бўлса орқангда мана биз турибмиз. Ё хазинани устига ётиб олган илонмисан-а? – дедим.

Бировнинг тавсияси билан танимаган одамни бундай масъулиятли ишга олган ўзимда айб. Синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деганларидек унга дабдурустан бир нарса деб бўлмайди. Айлантириб кўраман, шама қилиб қўяман. Англаса яхши, бўлмаса ўздан кўрсин.

“Баллонлар ҳам калнинг бошидай бўлиб кетди, ҳеч бўлмаса ўшаларни янгилаб туриш керак”, дедим. “Баллоннинг зўри фалон ерники”, дейди. Худди мен билмайдигандай. “Алмаштирсангиз янги тақаланган тойчоқдек, гижинглаб қолади”, эмиш... Гапга чопон кийдиришни биласан, лекин куруқ аравасан, хумпар.

Барибир, маъқуллашдан, маслаҳат беришдан нарига ўтмади. Ғирт анқов экан. Ҳеч иложи қолмади. Шартга янгилаб ташладим.

– Баллонними?..

– Йўғ-э, омбор мудирини...

– Ҳа-а, – дедим ҳолатни ва мақсадни сал англагандай. Тавба, тавба, юрак ҳам отнинг калласидек, экан-да. Менга шу гапларни бемалол айтаётганини қаранг-а?.. Тушликда жиндай отиб олганмикин...

Кейин, бир нима ёдига тушгандай, қатъийроқ таъкидлади:

– Лекин оғзингга маҳкам бўл... Манави идишни кўрсаяпсанми, – деди у столи четида турган маъданли сув шишасини қўлига олиб.

Менда тасдиқ ишорасини кўргач, давом этди:

– Оғзи маҳкам берк, биз уни пулга сотиб оламиз. Оғзи очилиб, ичи бўшагач эса, қадри қолмайди, улоқтирилади. Оғзингга маҳкам бўлсанг, ишлаб кетасан, акс ҳолда...

Шунда мен арзимас мансабнинг ҳам ташвиши оғирлигини, кичик амалдорлар катталари олдида мушукнинг қаршисидаги сичқондек ожиз ва кўрқоқ бўлиб туришларининг сабабини англагандай ўйланиб қолдим. Лекин энди орқага йўл йўқ. Пешонада борини кўраимиз.

Хўжайин менинг астойдил ишлаш, ишончни оқлаш ва ... Орамиздаги гаплар ҳақида ҳеч қачон ҳеч қаерда оғиз очмаслик ҳақида ваъдаларимни эшитгач, “Шундай бўлсин, ҳеч қачон унутма”, дея қўлимни сиқдилар.

* * *

Икки кун ўтгач ўзимизнинг муовин хузурига чорлади. Хўжалик ишлари бўйича муовинни, ишларимиз асосан шу киши билан боғлиқ бўлгани боис, “ўзимизнинг муовин” деб ўрганиб қолганмиз. Корхонада муовинлар ҳам кўп-да. Ишни яхши бошлаб олганимдан, ҳаракатларимдан, бош бармоқ яна юқорига нуқилди, каттаимиз ҳам хурсанд эканлигини таъкидлаб туриб, нозик топширик чиқиб қолганини гингшиди. Мен хайрон бўлиброқ боқдим.

– Келинойимизнинг тилла соатлари бузилиб қолибди. Шунга уйларига ўтиб, соатни олиб, эски шаҳардаги армани соатсозга обориб, устида қараб ўтириб, тузаттириб, қайтариб олиб бориб бериб, келиб натижасини ўзимга айтасиз. Ҳа, айтганча, итларининг занжири ҳам янгилайдиган бўп қолганмиш.

Темирчиликдан занжир ҳам олволарсиз.

– Майли-ю, унақа занжир-панжирни қанақасини олишни унчаям тушунмайман-да, – чайналдим мен.

Ўзимизнинг муовин дарров лов этиб ёнди.

– Э-э, мен тушунаманми!.. Сўрайсиз, ўрганасиз...

Сал тин олгач, қўшиб қўйди:

– Керак бўлса, мутахассислар билан маслаҳатлашинг. Ишқилиб яхшисини, итларига муносибини олинг.

– Итлари нечта?

– Итлари битта! – чимирилди ўзимизнинг муовин.

Ҳурмат юзасидан “лар” қўшаётганини дарров англадим, берган саволимдан уялиб қолдим.

Сўраб-суриштириб соатсознинг дўконини топдим. Уста соатнинг у ёқ, бу ёғини айлантириб кўрди, менга ғалати қараш қилди-да:

– Бўпти, ташлаб кетавер, – деди.

Мен ташлаб кетолмаслигимни, бир йўла тузаттириб, олиб кетишим зарурлигини айтдим. У ҳозир бошқа иш билан бандлигини, узок кутиб қолишимга тўғри келишини айтди. Мен розилик билдирдим. Илож қанча, кутаман. Бўйруқ шундай бўлган. Шундай қилиб деярли кун бўйи соатсознинг дўконига қўлбола курсида ўтирдим. Чиндан ҳам, соатсознинг ваъдалашиб қўйган бошқа мижозлари бор экан. У аввал ўшаларнинг ишини бажарди, келиб олиб кетишди. Сўнг навбат бизникига келди.

– Хотининг дидли аёлми, дейман-а?..

Индамадим. Лекин бу аблах хотинимни қаердан билади? Боёқиш икки болани ювиб-тараб, сигирни соғиб, таппини ёпиб, рўзғор юмушларидан боши чиқмай юрган бўлса... Кейин, соатга қараб, гап олиб қочаётганини англаб, индамай қўя қолдим. Соатни қўлига олиб у ёқ, бу ёғини кўздан кечираркан истеҳзолироқ қилиб сўради:

– Хотининг қаттиқ тайинлаган экан-да.

– Ҳа-а, энди, – деб қўяқолдим.

Бироз китир-китир қилиб олиб, яна гап ташлади.

– Қайнотадан ёлчиган кўринасан.

– Нега? – хайрон бўлдим.

Уста индамай юмушни давом эттирди-да, кейин бирдан бошини кўтариб, кўзойнагини қўлига олди.

– Ҳар қалай бу соатни хотинингга сен олиб бермагандирсан?...

– Ҳа-а, – дедим гап нимадалигини англаб.

– Шунақа... – деб қўйди соатсоз мени мот қилгандай жилмайиб. Кейин анча вақт индамай ишга шўнғиб кетди. Мен ҳам шу ерда ётган “Даракчи”ни варақлаб ўтирдим. Кўзим газетада-ю ҳаёлим ҳар қаёқларда.

Анча вақт ўтгач, жимиб кетганимга хайрон бўлди, шекилли, уста савол ташлади:

– Ухлаб, қолмадингми?

– Йўғ-э!

Уста анча вақт жимгина юмуши билан шуғулланди-ю, қизиқувчанлиги устун келди, шекили, яна сўради:

– Қайнотанг катта бойларданми?

– Йўқ. Нега?..

– Тўғрисини айтавер, бунақа соат кам одамда бор.

Индамай ўтиравердим. Кекса соатсоз ҳам эринмай гапни айлантиравергандан кейин охири ёрилишга мажбур бўлдим. Ана шунда уста кўзойнагини тақ этказиб иш столи устига ташлади-да, менга тикилиб қолди.

– Ишончли одам экансан. Бошлиғинг ўзи бердими кўлингга?

– Йўқ. Келинойи.

– Ие, унда икки карра ишончли одам экансан-ку. Уйига ҳам бориб турасанми?

– Ҳа энди, онда-сонда.

– Қойил. Катталарнинг бунақа ишончига кириш қийин.

Кулиб қарашидан жиддий айтяптими, масхаралаяптими тушунолмадим.

Ниҳоят соат тузалди. Хизмат ҳақи айтилди. Қиммат нарсанинг таъмири ҳам ўзига яраша бўларкан, ичимдан қиринди ўтиброқ тўладим.

Уста охирида пурмаъно маслаҳатини ҳам аямади:

– Хотинининг кўнглини олавер. Шунда бошлиғинг мушугингни пишт, товуғингни кишт, деёлмайди. Аксинча, унинг эркатойига айланасан.

Тавба, ишинг тушмаса билмас экансан. Ит бойлайдиган занжир ҳам арзон эмас экан. Бунинг устига ўзимизнинг муовини уқтирганидай “итларига муносибини” олиш керак. Сотиб олдим. Аммо чўнтақ қуриди. Бечора хотинимнинг туғилган кунига совға олиб беролмайдиган бўлдим. Илож қанча. Кўнгил олиш, ишончга кириш осон эмас.

– Вой, келдингизми, Чаққонбой, – деб очиқ чехра билан қарши олди келинойи.

Соатни олиб айлантириб кўрди, кулоғига тутутиб “чик-чик”ини эшитди, кейин хафсала билан оппоқкина лорсиллаган билагига тақиб, яна кўлини у ёқ, бу ёққа айлантириб кўрди-да, мамнунлигини яширмади.

– Зўр иш қипсиз. Баракалла. Акангиз Чаққонбой эсли хушли, дидли-фаросатли, бўладиган йигит, деган энди. Айтганича бор экансиз...

Занжир ҳам келинойига маъкул тушди. Аммо, уни итнинг бўйнидаги билан алмаштиришга журъат этолмаганимда роса яйраб кулдилар.

– Тишламайди, ювош дедим-ку. Ҳа, майли, ҳали окангизнинг ҳайдовчиси алмаштириб берар.

Қутулдим, шекилли, деб, энди кетишга чоғланаётганимда, келинойи имо қилиб тўхтатди.

– Чаққонбой, невараларининг тагликлари тугаб қолиб, бошим қотиб турувди-да. Анови муюлишдаги дўкондан олиб келиб берақоласизми?..

Бундан икки ой илгари бунақа хизматни биров айтса, ҳақорат деб билардим. Энди эса, анча этим ўлиб, мутеликка кўникиб, мартабали аёлнинг мулойим қилиб берилган топшириғини шараф деб билиб, икки оёғимни кўлимга олиб, дўконга чопдим.

* * *

Эртасига ахборот бериб қўйиш учун ўзимизнинг муовиннинг олдига кирсам, ўрнидан туриб кутиб олди.

– Катта сиздан хурсанд, – деди у салом-алиқдан сўнг. – Топшириқ ижросини қойиллатибсиз!

– Ҳа, энди, кўлдан келганча.

– Кўлингиздан кўп иш келади. Умидимиз катта сиздан.

Яқиндагина мени кўрганда пешонаси тиришиб, дўқиллаб топшириқ берадиган ўзимизнинг муовиннинг бунақа мулойимлашиб қолгани, албатта, ёқди. Кекса соатсознинг келинойининг кўнглини олсанг, ошиғинг олчи бўлади, дегани рост экан-да. Нафақат бошлиқ, ҳатто ўзимизнинг ўринбосар учун ҳам

“умидли одам” бўлиб турибман-а!..

– Катта яна бир гап айтдилар...

Бир сесканиб олдим.

– Буниси кечагидақа шошилиш эмас, аста-секин қилиб юраверасиз!

Бу энди нима дегани? Ҳеч нарсага тушунмай анграйиб туравердим.

– Катта айтдиларки, уйга машинасини юбориш ноқулай бўлаётганмиш.

Бунинг устига замон нозик. Бирортаси хизмат машинасидан шахсий мақсадларда фойдаланяпти, деб ёзворса бошимиз ғалвага қолиб ўтирмайлик, деяптилар. Келинойига ҳам маъқул кеп қопсиз. Энди, ука, от билан туя бўлармиди, шу каттанинг уйидаги калта-култа ишларга ҳам қарашиб турасиз-да. Шуларниям уддасидан чиқиб турсангиз, кам бўлмайсиз. Ҳа, ёқилғи масаласида ўзимиз қарашиб турамиз. Нима дедингиз?..

Нима ҳам дердим. Китобий қилиб айтганда “Бош устига” деб, қуллуқ қилдим.

– Яшанг, – деди ўзимизнинг муовин, – бу ҳам бир ишонч. Садоқат билан ишончни оқласангиз, ҳали ишларингиз юришиб кетади. Анови эскириброк қолган “Жигули”нгизни ўрнига гижинглаган “Нексия” минадиган кунлар келади. Фақат, каттанинг пешидан маҳкам тутсангиз бўлди, марра сизники.

Шу-шу келинойини бозор ўчаргами, гап-гаштакками, энди яшириб нима қилдик, “Сауна”гами боргилари келиб қолса телефоним жиринглайди. Дарров етиб бораман. Машинани артиб, тозалаб дарвозаларининг олдида кутаман. Баъзан узоқ кутганимдан зерикиб, бошимни руль чамбарагига қўйиб мудраб ҳам қоламан. Биламан, бу кутдириш тайёр бўлолмаганларидан эмас, машина кутиб турганини кўни-қўшни аёллар кўриб қўйишлари учун, холос.

Келинойи баъзан ўтиришлардан ширакайфроқ қайтаётганларида, хўжайиннинг айрим сирларини ҳам гапириб қўядилар. “Хўжайинингиз иш учун туғилганлар, иш учун яшаяптилар. Кундузи ҳам ишини ўйлайди, кечаси ҳам”, деб кулдилар бир куни.

Чиндан ҳам хўжайин ишига, жамоасига боғланиб қолган. Хизмат сафарлари-ю йиғилишлардан, тадбиру муҳокамалардан бўшамайди. Оиласи иккинчи даражали бўлиб қолгандай. Ҳамма нарса етарли, еганлари олдида, емаганлари ортида, яна нима керак, деб ўйларлар балким. Келинойининг ўксинишга мойил гапларидан, гоҳ-гоҳ чуқур хўрсинишларидан оилада бир кемтиклик бордек туюлаверади менга. Гоҳида ўзимни тутолмай кўзгудан боқаман. У ҳам қараб турган бўлади, кўзларимиз тўқнашади. Ёшига ярашмаган ноз-карашмали боқишини кўриб, шошиб кўзимни олиб қочаман-да, “Ўзинг инсоф бер, Яратган Эгам”, дейман, шайтонга “ҳай” бериб.

* * *

Бир гал дугонасининг туғилган кунига олиб бордим келинойини. Шаҳарнинг шундоққина четидаги “Арчазор” чойхонасида экан тадбири. Вой-бўй, арча ва оқ қайин дарахтлари бирам чиройли ўсибди. Йўлакчалар четидаги гуллар чиройидан кўзингиз қувнайди. Дарахтлар ораларига қўйилган чорпояларнинг саноғи йўқдай. Одам ҳам кўп. Сўриларни тўлдириб гурунглашиб ўтирганларнинг кўпчилиги аёллар. Эркаклар четрокдаги бир-икки сўрида ўтиришибди, холос. Мен келинойини дугоналари ўтирган сўригача кузатиб боргач, ортимга қайтдим.

Келинойи дугоналарини топиб олгунча разм солдим, чорпояларда оқ рўмоллари ўзига ярашган онахонлар ҳам, жиндай сархуш бўлиб олиб бир-бирларига кичик гап қилаётган хонимлар ҳам бор эди. Дунёнинг ранг-баранглиги шу ерда ҳам билинаркан-да.

Йўл бўйи ўйланиб келдим: илгари аёл кишининг чойхонага борганини эшитмасдик. Энди бўлса... Бирдан ҳамкасблардан бирининг тунов куни айтган гапи эсимга тушди.

– Кишлоғимиз четида яшайдиган бир полвон ака, “Кун жуда исиб кетди-ей, чидамасдан уйда ҳамма кийимларни ечиб ташлаяпман”, деб қолди. “Ие, полвон ака, уйингиздан тўрт қадам нарида катта канал оқади, сувнинг бўйига чиқиб, дарахтларнинг тагида ўтирмайсизми?” – дедим.

– Э-э, у ерда аёллар тўпланиб ўтиришади, чиққани тортинаман.

Қайтиш вақтини қўнғироқ қилиб айтаман деган эди. Илҳақ бўлиб бошқа иш килолмадим. Гира-шира оқшом тушиб қолганда қайтдик. Келинойи билан икки дугонаси ҳам машинага ўтирди. Ҳар хил ҳидлар димоғимга уриб, ойнани сал туширдим. Дугоналарнинг йўл бўйи чакаги тинмади, гап-сўзлардан кайфиятни кўтарувчи ичимликлардан ҳам олингани сезилиб турди. Зиёфат дастурхонининг муҳокамаси ҳам, ким нима кийиб, нима тақиб келганлигининг таҳлили ҳам анча чўзилди. Бир пайт улардан бири гап қотди:

– Ҳалидан бери фақат биз гапиряпмиз, сиз ҳам бир нима денг!

– Ҳа энди, мен нима ҳам дердим.

– Гапиринг! – деди бошқаси. – Бу опангиз эркак кишининг гапини эшитишни соғиниб қолган.

– Ўл-э! – деди-ю дугонасини чимдим олди, шекилли, унисининг “вой” деган гапи эшитилгач, иккаласининг кулгилари қулоқларни қоматга келтирди.

– Шунақа, – деди келинойи, – шунча гаплашиб ўтирдигу биз аёлларнинг гапимиз тугамайди.

– Фақат аёллар эмас, – дедим мен ҳам нимадир деб қўяй, деган ўй билан ва эсимга келган латифани бошладим: – Ўн беш йилга кесилган икки хотин битта камерага қўйилибди. Уларнинг муддати тугаб, хайрлашар чоғи, бири иккинчисига дермиш: “Бизникига боргин, бир хотиржам гаплашамиз!”

Яйраб кулишди.

– Ана кўрдингми, ўн тўрт йилда гаплари тугамаган экан-ку, бизнинг эзмалигимиз ҳеч нарса эмас экан.

Дугоналар маслаҳатлари билан менга яна бир юмуш юкланди. Келаси ҳафта охирида уч дугонани Тошбулоқдаги балиқхўрликка олиб бориб келадиган бўлдим.

Уларни уйларига ташлаб, охирги манзилга келганимизда келинойи бугунги хизматимдан мамнунлигини яширмади, “Баракалла!” деб туриб, секингина елкамга қоқиб ҳам қўйди.

* * *

Келинойининг хизматлари етиб турганда яна бир юмуш қўшилди. Хўжайиннинг эридан ажраган қизи Хушбаройни шаҳарнинг нариги четидаги тил ўрганиш марказига олиб бориб-келиш керак эмиш. Келинойини ишлари онда-сонда бўлса, буниси мунтазам, ҳафтасига уч кун. Рад этишнйам, муҳокама қилишнйам иложи йўқ. Чунки маошни олиб турибман. Ҳатто гоҳида мукофот билан ҳам сийлаб туришибди. Ёқилғи масаласида ҳам “амалий ёрдам” бўляпти. Ишхонадаги юмушларим ўлда-жўлда қолиб кетганда ҳам биров бир нима деяётгани йўқ.

Иккинчи тарафдан, нимагадир, кўнгил қурғур ҳам, Хушбаройни кўришга иштиёқманд бўлиб турибди. Онаси шу ёшида гўзаллик ва малоҳатини

йўқотмаган бўлса, қизи қандай экан? Хушимни оладиган махлиқо бўлса-я?..

Хушбаройнинг тил ўрганиш машғулоти душанба, чоршанба, жума кунлари экан. “Учрашув кунлари белгиланди”, дедим ўзимча.

Душанба куни, нимагадир, одатдагидан анча эрта турдим. Сокол-мўйловимни ҳафсала билан киртишладим. Ювиниб-тараниб, унча-мунча хушбўй нарсалардан ҳам сепиб, эгнимга ярашиқлироқ кийимларимни илдим. Учрашувга чиқаётган куёвдек, кўзгуга боқиб орзиқдим. Бошқа тарафдан эса, ичимда ғалати бир ҳис уйғониб, “Хизматкорлигингдан, аравакашлигингдан қолма!” деб турибди.

Таваккал қилиб йўлга чиқдим белгиланган вақтда дарвозалари олдида тўхтаб, сигнал бердим. Вожаб, қизи онасига ўхшаб куттирмади, тезгина чиқди ва машинам томон юриб келаётгандаёқ юрагим орзиқиб кетди. Ўйлаганимдан ҳам ўн чандон гўзал ва лобар хурилиқо кўз олдимда эди.

Тушиб орқа эшикни очдим.

– Ассалому алейкум.

Мулойим товуш яна-да довдиратиб қўйди. Алик олдимми, йўқми, билмайман. Эшикни оҳиста ёпиб, ўрнимга ўтирдим-да, машина ўтолдирдим.

Йўлда танишган бўлдик, мен ҳақимда аяси анча гаплар айтиб улгурган экан.

Шунчалик ёш, гўзал ва беғуборки, турмушга чиқиб ажрашган, деб ўйламайди биров. Одатда бой хонадонларнинг қизлари эркароқ, тантикроқ бўлишади. Кўринишидан, Хушбарой мутлақо унақа эмасга ўхшайди. Оғир-босиқ, камсукум, ўйчанроқ. Фақат жилмайиб гапирганда кўзлари порлаб, чехраси ёришиб кетади.

Масофа анчагина бўлса-да йўлда кўп нарса ҳақида гаплашганимиз йўқ. Чунки, суҳбатдошим саволларимга қисқача жавоб қилишдан нарига ўтмасди.

Шу куни уни ўқув марказидан уйига қайтариб олиб келиб ҳам қўйдим. Икки кундан кейин яна бугунги вақтда келишимни илтимос қилди.

– Чаққон окў, – деб мурожаат қилганда яйраб кетдим. Айтган вақтида албатта келишимни айтиб, мамнун хайрлашдим.

* * *

Бора-бора Хушбарой билан ўқув марказдан қайтишда гавжумроқ жойларда тўхтайдиган, қаҳва ичадиган, музқаймоқ ейдиган, хиёбон бўйлаб сайр қиладиган бўлдик. Бу сайру саёҳат, суҳбату мулоқотлар мени Хушбаройга отасининг гапи билан олиб бориб, олиб келиб юрадиган ҳайдовчидан кўра яқинроқ одамга айлантириб бораётганини ҳис қилардим.

Эрталаб кетаётганимизда ҳам Хушбарой инглиз тилида нималарнидир такрорлаб, ўрганганларини пухталаб борарди. Машғулотига ҳалақит бермаслик учун жим кетсам-да, хорижча сўзларни бурро-бурро айтаётган махлиқони кўриш истаги устунлик қилар ва кўзларим беихтиёр орқа томонни кўрсатадиган кўзгуга тушар ва вожабки, унда менга мулойим боқиб турган кўзларни кўриб дарров кўзимни олиб қочардим. Ичимда бир овоз, “Ўзингни бос, Чаққонбой, аравакашлигингдан, қолма!” деб мени огоҳлантириб турарди.

– Чаққонбой окў-ў, – деб мурожаат қилганда аравакашлигим эсимдан чиқиб, хаёлларим яна мени кўнгил кўчаларига етаклаб кетади. Гоҳида, “Сиз ҳам эшитиб кўринг-чи, Чаққон окў-ў!” деб инглизчалаб алламбалоларни сайраб кетиб, яна охирида, “Яхшими?” деб сўраб ҳам қўяди. “Яхши, яхши”, деб қўяман мен ҳам. “Нимасини яхши деяпсан? – дейди кўнглимдаги бошқа бир мунаққид. – Инглиз тилини билмасанг, нима деганини тушунмасанг. Эҳтимол у сени сўкаётгандир?”

Чиндан ҳам, нимаси яхши?.. Саволга жавоб тополмай, ўйланиб қоламан, ўзимнинг тизгинсиз ҳаёлларимдан қулгим қистаб, яна унинг беғубор чехрасига, хумор кўзларига, узун киприкларига, бир тутамгина қисми олдига тушиб турган тим қора сочларига боқиб, бир рубойи ёдимга тушиб кетади ва “Бошдан оёғи яхши”, деб қўяман.

* * *

Ўша куни эрта саҳарда вилоятимизнинг узокроқ туманига иш билан чиқиб кетгандим. Анча ушланиб қолдим. Шу ердаги мева-сабзавотчилик, боғдорчилик фермер хўжаликлари билан шартномалар туздим. Энди корхонамиз ошхонасини ҳам, ходимларимизни ҳам киш мавсуми учун арзон мева-сабзавотлар билан бемалол таъминлайдиган бўлдик. Қилган ишимдан кўнглим тўлиб, ўзимда йўқ хурсанд ҳолда бошқаларни ҳам, биринчи навбатда раҳбаримизни ҳам хурсанд қилиб қўйиб деб, кечга яқин ишхонага кириб келдим.

Бироқ ишхонамиз одатдагидан бошқачароқ, файзсизроқдай, одамлар ҳам хомушроқ, кайфиятсизроқдай кўринди кўзимга. Нима бўлдикин-а? Биринчи дуч келган одам режа бўлими бошлиғи бўлди.

– Тинчликми? – сўрадим ундан.

– Тинчлик эшитгандирсиз?..

– Нимани?..

– Каттаимизни олиб кетишди...

– Ие, қаёққа?!

– Шифохонага. Наҳотки сиз беҳабарсиз?

Узоқ тумандан қайтаётганимни айтдим.

– Ҳа, шундай денг. Юраги хуруж қилибди. Касаллиги анча жиддий дейишяпти. Шунга ҳаммамиз саросимадамиз. Биласиз, бошлиқлар ҳақида ходимлар орасида ҳар хил гаплар юради. Кимдир ёқтиради, кимдир гўрига ғишт қалайди. Аммо мана бундай паллада, ҳамма ачинапти. Ахир, бошимизни битта қилиб турган, отамиздай бўлиб қолган одам. Илоҳим шифосини берсин.

“Хушбаройнинг аҳволи нима кечдикин?” деган савол миямда ялт этди. “Келинойи-чи?.. Хабар олиш керак”.

Шошилиб ташқарига юргандим, “Сизни муовин сўраётганди”, деди кимдир. Ортга қайтдим ва ўзимизнинг муовин хонасига кирдим. У киши ҳам асабийлашгандай ўтирган экан.

– Қаерларда юрибсиз? – деди дағаллик билан.

Мен босиқлик билан қилиб келган ишларим ҳақида ҳисобот бериб, олдига шартномаларни қўйдим.

– Ҳа-а, яхши қилибсиз. Лекин бир оғиз айтиб қўйиб кетмайсизми?

– Мен ишим битадими, битмайдими, деб бировга индамай турай девдим-да.

– Сиз бир ишга уринсангиз, битмай қолармиди, – деб сал чехраси очилди муовиннинг. – Аҳволни эшитибсиз... Ўша пайтда, дарров сизни изладим-да. Ҳар қалай у кишининг хонадонларига яқин одамсиз.

– Ҳали ҳам бўлса етиб бораймикин?

– Албатта-да. Жонлантириш бўлимига-ку ҳеч кимни киритмаяпти. Ҳар қалай, келинойидан ҳол-аҳвол сўраб қўйсангиз, ёмон бўлмайди.

* * *

Шошиб йўлга чиқдим. Тўғри шифохонага бордим ва жонлантириш бўлими эшиги олдида уймаланаётган одамлар орасидан Хушбаройни ва келинойини кидирдим. Аланг-жаланг қилиб турганимда “Чаққон ака” деган таниш овоз қулоғимга чалинди ва ўша томонга ўтирилиб, дераза ёнида қўлини кўтариб турган Хушбаройни кўрдим. Келинойига стул қўйиб беришибди, Хушбарой дераза рахига суяниб турибди. Иккаларининг ҳам рангида ранг қолмабди, бир аҳволда.

– Тузукмилар? – дедим.

Келинойи бош силкиб қўйди, Хушбаройнинг кўзида ёш милтиллади.

– Аллоҳ шифо берсин, – дедим.

– Омин, – деди келинойи.

– Узокроққа кетгандим... Бу совуқ хабарни ишхонага келиб эшитдим.

– Ўзим ҳам ўйладим, бу ерда бўлсалар аллақачон етиб келардилар, деб.

Ичкаридан чиққан ҳамшира аёл келинойига бир қоғоз тутқазди.

– Ўзимизда борини қиялпмиз. Булар ҳозирча бизда йўқ экан. Олиб келсанглар қиламиз.

Мен дорилар ёзилган қоғозни олиб, “Тезда етказиб келаман”, деб ташқарига отилдим. Ортимдан Хушбарой эргашиди. “Қолаверинг, ўзим олиб келаман”, деганимга кулоқ солмади. Зинадан тушаётганимиздаёқ қўлтиғимдан олиб, бошини елкамга қўйиб, йиғлай бошлади. Кўнглим бузилиб кетди.

– Хафа бўлманг, ҳаммаси ўтиб кетади, – дедим.

– Ўтиб кетармикин? – деди бурнини тортиб, кўзёшларини артаркан.

– Албатта. Дадангиз иродали, бакувват одам. Худо хоҳласа дардни енгадилар.

– Айтганингиз келсин. Сиз шифокорлар билан гаплашинг, ёрдам қилишсин.

Биз ҳам қараб турмаймиз.

– Хўп...

– Биласиз оилада ягона қизман. Лекин, дадам ўтиб қолсалар суянадиган ҳеч кимимиз йўқ. Ҳамма нарсамиз етарли. Шунинг учун шифокорларга оиламиз номидан айтаверинг, нима харажат бўлса тайёрмиз. Дадамни оёққа турғазиб беришса бўлди.

– Айтаман, албатта.

* * *

Дори-дармонларни олиб келгач, шифокор ҳузурига кирмокчи бўлдим. Эшик олдидаги оқ халатли аёл рухсат сўраб чиқиш учун ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай эшик очилди ва ўша аёл боши билан “киринг” дегандай имо қилди.

Эллик ёшлардаги, тўладан келган, ўрта бўйли шифокор эшикдан киришим билан имо қилиб ўтиришга жой кўрсатди ва “эшитаман” дегандай юзимга тикилди.

Мен кимлигимни, кимнинг ортидан келганлигимни айтиб, хўжайиннинг аҳволи ҳақида сўрадим.

– Ҳозирча яхши, деёлмайман. Лекин умидимиз бор. Муолажаларни қиялпмиз.

– Қанақа хизмат бўлса...

– Унақа гапларни кераги йўқ, оғайни. Биз вазифамизни бажаряпмиз. Бемор соғайиб кетса – ана шу бизга совға, ана шу бизга мукофот.

Анчагина суҳбатлашиб қолдик. Гапларидан имон-этиқодли инсон, ўз ишини пухта биладиган мутахассис, бутун одам эканлиги билиниб турибди.

Унинг олдида ўзимни нақадар майда, саёз фикрловчи одам эканлигимни англаб, “пора” таклиф қилганим учун уялиб ҳам кетдим.

Қайтиб чиққач, Хушбаройнинг, келинойининг кўнглини кўтардим. Шифокорлар барча чораларни кўраётганликлари, Худо хоҳласа, хўжайин яқин кунларда оёққа туриб кетишларини айтдим. “Зарурат бўлса бемалол кўнғироқ қилишларинг мумкин”, дея улар билан хайрлашдим.

* * *

Йўл бўйи хўжайин ҳақида ўйлаб бордим. Ўзиям амалдорлик мақомини жуда келтирарди! Ишга келганида ёрдамчиси кутиб олиб, машина эшигини очади, хонасига боргунча кузатиб боради. Бу вақтда бошқа ҳеч бир ходим ўз хонасидан чиқмайди, бутун ҳудудда осойишталик ҳукм суради. Айримлар буни хўжайиннинг хў-ў катта идоралардан сурилиб бизнинг ташкилотга келгани билан изоҳлашади. Яна ким билади, дейсиз.

Телефонда гаплашиш бўйича ҳам ўзига хос тамойили бор. Деярли бировга кўнғироқ қилмайди. Мабодо, хотини билан гаплашгиси келиб қолса ҳам кўнғироқ тугмачасини босиб котибаси ёки ёрдамчисини чақириб, “Келинойингга айт, менга кўнғироқ қилсин”, деб тайинлайди. Ҳатто бир гал, вилоятнинг узок туманга боришганида, қўшни пайкалда кўриниб турган ўринбосари билан гаплашиш зарурати туғилганда, саксон километр наридаги ёрдамчисига кўнғироқ қилиб ўша муовинининг зудлик билан кўнғироқ қилиши зарурлигини етказиб қўйишни топширган. Агар гаплашадиган одамига ўзи кўнғироқ қилса, обрўси тушиб қоладигандай тутади ўзини. Телефон кўнғироғи жириглаганда ҳам дарров олмайди, ёрдамчиси олиб кимлигини, нима масалада гаплашмоқчилигини обдон суриштириб, унда ҳам одамига қараб гаплашади. Кўнғироқ юқоридан бўлса мулоимлик ва тавозе билан, кичикроқ одам бўлса менсимайроқ, терс гаплар билан жавоб беради.

Энди бу ҳам бир феъл-да. Аслида-ку, хўжайин ёмон одам эмас, содда, одамларга меҳрибон. Яна бир яхши жиҳати, йиғилишларни жини суймайди. Ишхонамизда деярли мажлис-пажлис бўлмайди. Онда-сонда бўлганида ҳам чўзилмайди, хўжайин аниқ топшириқларни бериб, гапни қисқа қилади. Юқори ташкилотлардаги йиғилишларга ҳам аксарият биринчи муовинни жўнатади.

Лекин ҳузурига кириш вилоят раҳбари ёки вазирнинг қабулига киришдай қийин ва мураккаб. Айрим ходимлар эмин-эркин кириб-чиқиб юрганим боис, менга ҳавас ҳам қилишади. Бунинг сабаби соатсоз ўргатганидай келинойининг кўнглига йўл топганлигимдан эканлигини ҳамма ҳам билмайди, албатта.

Беш қўл баробар эмас. Кимларгадир менинг бу юришим ёқмайди. Ҳатто ўзимга ҳам айтганлари бўлган. Шунда уларга, “Лўлининг эшагини суғориб, пулини ол”, деган мақолни эслатганман.

Гапнинг қизиғи шундан кейин чиқди. “Эшаклар ҳам йўқолиб кетди”, деб қолди биттаси. “Йўқолгани йўқ, одамга айланиб, тўдага аралашиб кетди”, дедим бошқаларга кўз қисиб. “Йўғ-э, эшак ҳам одамга айланарканми?” деб талмовсиради яна бири. “Нега айланмас экан. Бир вақтлар маймуннинг одамга айланишини ўқиганмиз-ку!.. Одамлар орасида юрганинга дурустроқ разм солгина, феъл-атворида таниб қоласан”, дедим. “Эшагини пулга суғортирадиган лўлини топиш ҳам осон эмасдир”, деб гапни олиб қочди бошқаси. “Истасанг топилади, – дедим бўш келмай ўшанда. – Алғов-далғов замонда лўлилар ҳам кўп, эшаклар ҳам”.

Бир замонлар иш қидириб унга-бунга сарғайиб юрган даврларимда ўзимда бунчалар қобилият борлигини сезмагандим. Мана энди кундан-кун жамоада ўрнимни топиб боряпман. Энди ишхонада менга яқинроқ бўлишга интиладиганлар ҳам, мендан эҳтиёт бўлиш керак деб ўйлайдиганлар бор.

* * *

Шаҳарга туташ қишлоқдаги уйимизга қайтганимда ярим кеча эди. Хотин эшикни очиб, “Келдингизми?” деди-ю жимгина кириб кетди. “Тинчликми? Қаерларда юрибсиз?” демайдими?.. Бефаросат. Ҳеч нарса билан иши йўқ. Ўласанми, қоласанми, унга барибир. Хотиним кўзимга хунук кўриниб кетди. Ортидан кирсам, пишиллаб ухлаб ётибди.

Уй рўзғор юмушлари, мол-ҳол ташвиши, болаларнинг ғалвасидан чарчаган-да, бечора, деб бир тепиб уйғотиш фикридан қайтдим. Дарров донг қотиб ухлаб қолгани камқонлигиданми, деб ҳам ўйладим. “Ўтган йилдан бери даволанишим керак”, дейди. “Шошмай тур, кейинроқ”, дейман. Дурустроқ дори-дармон ҳам олиб беролмайман.

Дори-дармонни-ку қўйиб турайлик, озиқ-овқатиям ҳаминкадар-да. Ўзимиз кўчада чойхонада, ошхонада ош еб, кун ўтказамиз, уйда эса бола бечораларга нонпалов билан ёвгон шўрва.

Ошхонага ўтиб қозоннинг қопқоғини очдим: ўйлаганимдек, нонпалов. Тухум солиб пиширибди. Яхшиям тўрт-бешта товуклар бор. Уйга гўшт олиб келмаганимга ҳам анча бўлганини эслаб хижолат бўлиб кетдим. Гўшти бўлмасаям жуда ширин экан – нонпалов. Хотинимнинг қўли ширин-да ўзи. Рўзғорнинг бор-йўғига чидаб, йўқдан бор қилиб ўтирадиган шунақа хотин пешонамга битганига шукр қилишим керак, дея ўйладим.

* * *

Кимдир йўқ бўлса ҳам ҳаёт тўхтаб қолмайди деганларидек, корхонамизда ҳам ишлар, катта бошлиқсиз ҳам, давом этиб турибди. Юқоридан сўраганда жавоб берадиган киши шу бўлгани учунми, биринчи муовин бошқарувни қўлга олди. Кейинроқ, хўжайиннинг узоқ вақт даволанишда бўлишини билишгач, уни бошлиқ вазифасини вақтинча бажарувчи қилиб тайинлашди. Ана шундан кейин у ҳаммани ўтқизиб-турғизишга ҳаракат қилди. Бу кимгадур ёқди, кимгадир ёқмади. Шунинг учун ҳам ходимлар орасида кўпчилик унинг отини ҳам, лавозимини ҳам айтмай, унча-мунча киноя билан “в.б.” деб атайдиган бўлди.

Мени ҳам ишдан бошқасига ярамайдиган одамдай турткилаб кўрди. Яхшиям мева-сабзавотларни захиралаш бўйича манфаатли шартномаларимни кўрсатишгач, “Яхши, удабурон йигитга ўхшайди, айтинглар, астойдил ишласин”, деганмиш. Бўлмаса икки кун илгари, Хушбаройнинг кўнғироғи билан иш вақтида кетиб қолиб, катта хўжайин учун дори-дармон излаганимизда, жаҳли чиқиб, “Ишласа ишласин, бўлмаса аризасини ёзсин”, деган экан.

* * *

Кўп ўтмай в.б.дан янги ташаббус чиқди. Маъмурий бино таъмирланадиган бўлди. Чиройли кўриниб турса, ташкилотимизнинг обрўси эмиш. Аслида-ку унчалик таъмирталаб ҳам эмасди. Начора, раҳбар шуни хоҳлагандан кейин...

Ёлланма усталар жалб қилинди. Қурилиш материалларини етказиб бериш менинг зиммамга юкланди. Ҳаражатлар ҳисоб-китоб қилиниб, керакли материаллар рўяхати қўлимга тутқазилди. Лекин биламан, усталарнинг феъли шу: бошланишида озгина материални айтишади. Иш бошлангач эса ҳали у, ҳали бу кам, деб унинг миқдорини орттириб бораверади.

Бунинг устига в.б.нинг уйида ҳам унча-мунча таъмирлаш ишлари бор экан. Усталарнинг бир қисми у ёқда ишни бошлашди. Роса уч ҳафта тинимсиз ишлашди. Икки томонни қурилиш ашёлари билан таъминлагунча тинкам қуриди.

Ожизона ақлим билан ҳам в.б. эрта-индин бошлиқлик лавозимига тасдиқдан ўтиб кетсам, ишхонам ҳам, уйим ҳам одамларнинг кўзига бинойидек кўринсин, деб тиришаётганини сезиб турибман. Менгина эмас, бошқалар ҳам. Ҳатто биттаси фасадни чиройли қилаётганимизни кузатиб туриб, жиндай киноя қилиб, “Қанақа байрамга тайёргарлик кўряпсизлар?” деб сўраб ҳам кетди.

Бизда эса бошқа ташвиш. Бунча ҳаражатларни қандай ёпамиз, дея бош ҳисобчи иккаламизнинг бошимиз қотган. Ўйлай-ўйлай бир нечта ўзимизга қарашли ходимга мукофот ёзиб, усталарнинг ҳақини амаллаб уздик. Аммо бозор ва дўконлардан олинган қурилиш ашёларининг ҳаражати бош ҳисобчи иккимизнинг бўйнимизда қолиб кетди. Ҳали унинг ечимини топишимиз керак.

* * *

Куз келди, барги хазонлар тўкила бошлади. Боғларда, пайкалларда пишиқчилик, бозорларда, хонадонларда тўкинчилик бошланди. Кечкурунлари еладиган изғиринли шамол ҳадемай киш келишидан дарак бера бошлади.

В.б.дан топшириқ бўлди. Шартномадаги мева-сабзавотларни фермер хўжаликларидан олиб келиш керак экан. В.б. ҳузурига чорлади.

Салом-алиқдан сўнг қўлимга икки-учта манзиллар ёзилган қоғозни тутқазди. Уларнинг ҳар қайсисига неча кутидан мева, неча қопдан сабзавот тушириш кўрсатиб қўйилганини уқтирди.

Мен бироз ўйланиб қолдим.

– “Юк хати” деган ҳужжат бўлади, – дедим секин, – уларнинг қай бирига қўл қўйдираман?

– Э, соддасиз-да. Уларга қўл қўй, деб бўладими... Ўзимга олиб келаверасиз, мана мен турибман.

– Бошлиқлар қўл қўйса бўлмайди, одатда омбор мудир кўярди. Эҳтимол, мен ошхона омборига топширсам, кейин у ёққа юборармиз. Шунда ҳаммаси қонуний бўлади.

– Ие, нима қонуний, нима қонуний эмаслигини сиз ўргатасизми, энди менга. Гапни кўпайтирманг. Айтган манзилларга айтилган миқдорда етказинг ва бу иккаламизнинг орамызда қолсин. Тушунарлими?..

– Хўп, – дедим секин.

– Бу бошқа гап, – деди в.б. сал паст тушганимдан хурсанд бўлиб. – Ўзим ҳам бирорта эпчил-чаққон йигит бўлса, деб юрувдим. Сизни тавсия қилишяпти. Биргаликда ҳали кўп ишлар қиламиз. Фақат оғзингизга маҳкам бўлсангиз-бўлди.

Начора, кўндим. Бошқа иложим ҳам йўқ. Айтганини қилмасам “тўним елкамда” бўлишини биламан. Кўриниб турибди, бу ҳам в.б.ликдан қутулиб, чинакам бошлиқ бўлиш учун ўлиб тириляпти. Агар бунга эришса, унда тақдирим шу тепакал нухсанинг қўлида бўлади.

Шу томонларини ўйлаб тилимни тийдим.

Ўша кунёқ мева-сабзавотлар чиройли қути ва янги қопларда айтилган манзилларга етказилди.

* * *

Натijasини етказиб қўяй деб кирганимда у мени ўрнидан туриб мамнун қарши олди.

– Яшаворинг, – деди у очик чехра билан қўл узатиб. – Мен сизга ишонгандим. Боппадингиз ўзиям.

Ахборот беришимга ҳожат қолмади. Олиб борган хонадонларимиз соҳибларидан миннатдорликлар етиб келибди, шекилли, мана энди в.б. бир қоп семириб ўтирибди.

– Исмингизни бежиз Чаққонвой қўйишмаган экан. Кутганимдан ҳам зиёд уддаладингиз топширикни. Дарвоқе, уйга ҳам ташладингизми?

– Сизларникигами?.. Ҳа.

– Бизникига ташлаганингизни биламан, ўзингизникига?

– Йўқ, – дедим.

– Нега?

– Ҳа, энди. Шарт эмас.

– Бунақаси кетмайди. Биз энди битта одаммиз. Бундан кейин ўзингизни ҳам унутманг. Ахир китобларда ҳам фуқароси ҳолидан хабар олмаган подшо, яхши подшо бўлмайди, дейилган.

“Подшоҳим” ҳузуридан мамнун “фуқаро” бўлиб чиқдим. Эртага яна икки-учта манзилга ва ўз уйимга мева-сабзавотлар тарқатадиган бўлдим. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин-да.

* * *

Эртасига ҳам айтилган манзиллар бўйлаб мева-сабзавотлар тарқатилди. Бироқ берилган манзиллардан бирида нокулай ҳолат юз берди. Қўнғироқ тугмасини босганимда эшикни очган спорт либосидаги қотмагина кўзлари тийрак аёл қаердан, нима олиб келганимизни айтганимдаёқ, “Биз пора олмаймиз”, деб эшикни тарақлатиб ёпди. Юзимга тарсаки туширгандай бўлди. Анча гангиб туриб қолдим.

Ишхонага келиб ҳолатни тушунтиргандим в. б. нинг ранги-кути ўчди. Кўрқув, асабийлик ва ғазабланиш қоришиб кетганди унинг вужудида.

– Анови нарсаларни нима қилай? – дедим бироз фурсат ўтгач.

– Билганингизни қилинг?

Тушундимки, унинг миясига ҳозир жўяли фикр келмайди.

Ўзим ўйлай-ўйлай буларни хўжайиннинг уйига олиб бориб бермоқчи бўлдим. Ахир бунга энг муносиб ҳақдор у киши-ку! Мени ишга олган, тарбиялаган у. Аслида фермер хўжаликларига ҳам дастлаб у кишининг маслаҳатлари билан борганман. Кеча қўнғироқлашганимда хабар топдим. Хўжайинни жонлантириш бўлимидан алоҳида хонага ўтказишибди, келиноий қараяпти экан. Хушбарой уйда эканлигини айтувди. Хойнахой, бугун ҳам уйдадир.

В.б. га назар солдим. Сал ўзини босиб олгандай туюлди.

– Агар сиз рухсат берсангиз...

– Хўш...

– Машинадаги мева-сабзавотларни даволанаётган раҳбаримизнинг хонадонларига элтиб берсам.

Ҳабиб СИДДИҚ

– Жуда тўғри ўйлабсиз. Тузук-қуруқ хабар ҳам ололмаёпмиз... Менинг номимдан олиб бориб беринг.

– Ҳўп бўлади, – дедим-у, гапларидан бу тулки бу ёқда ўрнини эгаллаш учун отни қамчилаб, мабодо режаси амалга ошмай, даволангач ўзи қайтиб келиб қолса, деб эҳтиётини қилиб қўймоқчилигини тушундим.

* * *

Қўнғирок қилиб, Хушбаройнинг уйида эканлигини билдим. Бораётганлигимни айтдим.

– Зўр-ку, нима овқат қилиб турай, – деди у мамнун.

– Овқатнинг ҳожати йўқ, тезда қайтаман.

– Йўқ, йўқ, қўйиб юбормайман.

Машина бошқариб кетаётиб телефонда суҳбатлашаётганимни кимдир сурагга олиб юборса, жаримага ҳам тушиб турмай, деб тезда ўчирдим.

Етиб бордим. Хушбарой чиқди. Меваларни солинган қутилар ва сабзавотли копларни айвонига олиб кириб жойладим. Хушбарой биринчи қутини олиб кирганимдаёқ, битта нақш олмани олиб артиб-артиб ғарч этиб тишлаб ея бошлади. У сочлари тартибсиз, соддагина уй кийимида ҳам жуда гўзал ва хушрўй эди. Унга боққанимда қўнғлим бетизгин ҳисларга берилиб бирор ножўя иш қилиб қўйишдан қўрқдим. Шу боис ҳам тезроқ кетиш ҳаракатига тушдим.

Бирок Хушбарой қатъий туриб олди. Шўрва солиб қўйибди. Ярим коса ичиб кетмасам бўлмасмиш. Ишга шошилаётганимни айтганимда жаҳли чиқиб кетди.

– Чакқон акў-ў! Нима иш деб сиз у ёқда, сиқилиб мен бу ёқда ўлиб кетишимиз керакми?..

“Чакқон акў-ў” деган лафзи қўнғлимни юмшатди ва таслим бўлдим.

Хушбарой шу куни анча ёзилди. Уни ўн етти ёшида турмушга беришган экан.

– Эр нима, оила нима билмасдим у пайтлари, – дейди маҳзун.

– Эрингиз-чи, у неча ёшда эди?

– Э-э, ўзим билан тенг. Аммамнинг бузоғи... Онамнинг Дубайга қатнайдиغان савдогар дугонасининг ўғли эди.

– Дадангиз қандай рози бўлдилар?

– Э-э, дадам ишдан бошқасини билмайди. Уйда ҳамма ишни онам ҳал қилади. Дадамнинг бошини айлантриб юборади, оғзиниям очирмайди.

– Шунақа бўлса ҳам, яшаб кетишингиз учун ҳаракат қилгандир.

– Қилишди. Лекин... Кейин билиб қолдик... Куёвбола гиёҳванд экан... Афсусланишди, оҳ-воҳ қилишди. Лекин, унда кеч бўлганди.

Тавба, шундай гўзал, беғубор, ақлли қизни ўйламай ёш турмушга бериб хазон қилишган экан-да. Бу кўр-ку таровати, ақл идроки билан ҳали ҳам бахтини топиб кетармикин-а?...

Боёқиш анча сиқилиб қолибди, бир суҳбатдош истаб мени судрабди-да. Меҳр кўзда, деганларича ҳам бор экан-да. Кунора кўришишлар, аввалига хўжайиннинг қизи деб яхши гапиришим, кейинроқ фикрларимиз-фикрларимизга, гапларимиз-гапларимизга мос тушгандай илиқ мулоқотлар қандайдир яқинликни, умидворликни пайдо қилиб қўйди, шекилли. Бугун энди унинг қўнғлига яраша гап топаолармикинман?..

Айтишича, уйда бир ўзи ўтиравериб, жуда сиқилиб кетибди. Гоҳида соатлаб интернетдаги бўлар-бўлмас фильмлар, томошаларни кўриш билан машғул бўларкан. Айримларини кўргач, уялиб ҳам кетармиш... Ойда бир бор

дугоналари билан ўтиришга борар, у ердан ҳам кўнгли хижил қайтар эмиш. Чунки, суҳбатларда дугоналари эрлари ҳақида, улар билан бўлган воқеалар, шўхликлари ва эркаликлари ҳақида сўзлашганда ичдан зил кетармиш. Ҳатто, айрим дугоналарининг эридан бошқа гаплашиб турадиган йигити ҳам бор эмиш. Шуларни эшитганда ўксинармиш.

Дастурхон тўла анвойи ноз-неъматлар. Бир пайт Хушбарой музлаткични очиб, бир нақшинкор шиша идишда ичимлик олди. Илгари очиб оз-моз ичилган шишадан қадахларни тўлдира бошлади. Мен рулдалигимни айтиб, уни ҳам ичмаслигини сўрадим. “Мен билан ҳеч ким диллашгиси келмайди”, деб хиққиллаб йиғлашга тушди. Э-э, уни юпатгунча ҳамма нарсага рози бўлдим: шошиб кетиб қолмасликка, бирга озгинагина ичишга, тўлиб турган кўнглидаги гапларни тинглашга...

– Дастурхондаги энг чиройли олмани танлаб беринг, – деди бир пайт Хушбарой.

– Нега?

– Кейин биласиз?

Мен бир томони қизил, икинчи томони сарғишроқ чиройли олмани олиб бердим.

– Сизга шу ёқдим?

– Ҳа.

– Дидингиз чакки эмас. Энди уни бир тишлаб беринг.

– Ие, нега?

– Тишлайверинг, кейин биласиз?

Мен каттагина тишлаб қайтардим.

– Энди мен тишласам, майлими?

– Ихтиёрингиз.

У яхшилаб тишлади-да, “Мазаси чаканамас”, деб қўйди. Кейин олмани менга узатди. Мен еяверинг, олмалар турибди-ку, дея қайтармоқчи бўлдим.

– Йўқ, яхши йигит, – деди бу гал эркаланиброк, – мен сизнинг лабингиз текан олманинг мазасини тотдим. Сиз менинг лабим теккан жойидаги мазасини тотиб кўришни наҳотки, хоҳламасангиз?!

Ноилож, олиб, тишлаб қайтардим, олма ўртамизда яна бир неча бор бориб келди. Онда-сонда жиндай-жиндайдан бўлса-да ҳалиги нақшинкор шишадаги ичимликдан ҳам ичиб турдик. Ичимлик таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Хушбарой энди олма тишлатишдан кўра “самаралирок” усулларга ўтиб кетди. Бир пайт узунчоқ пишлоқ бўлагининг ярмини лаблари орасига олиб, ярмини ташқарида қолдириб, менга лабларим билан олишга ишора қилди. Буни ҳам интернетдаги “томошалар”дан ўрганган бўлса керак, деб ўйладим. Амаллаб бошбармоқнинг бир бўғини узунлигича пишлоқни лабларим билан олдим. Бироқ у бу эркалигини иккинчи бор такорлаганда эса эҳтиросимни босолмай қолдим ва лабларимни лабларига босдим. Шундан сўнг вужудларимиз ақлга бўйсунмай, бутунлай ҳис-туйғулар измига ўтди.

Оқибатда эса кўнгилга жиндай хушлик ва катта ғашлик бағишлайдиган ҳолат бўлди. Ҳамма нарса бўлди: дилдан суҳбат ҳам, меҳмондорчилик ҳам, анвойи ноз-неъматлардан баҳрамандлик ҳам ва ўша ўзим кўркқан ножўя иш ҳам. Бир томондан яйраб, ғуборим тўкилгандайман. Иккинчи томондан эса туз тотган дастурхонимга оёғимни артгандайман. Мени ўз болаларидай кўришарди-ку. Энди хўжайин билан келиноининг юзига қандай қарайман?

Гарчи кўнглим чироқ ёкса ёришмас даражада тунд ва ғаш бўлса-да кутиларда мева, қопларда сабзавот олиб борсам, хотиним яйраб кетар ва мен ҳам бу ёкдаги гапларни унутарман, деб ўйлагандим. Аксига олиб, ҳе йўк, бе йўк, хотин ҳам қовоқ-тумшук қилиб қаршилади. Хотин кишининг кўнгли ер тагида илон кимирилса сезади, дейишарди. Чакки юришларимни сезиб қолдимикин-а? Қаёқдан ҳам биларди? Лекин билиб қолса кўчада қолишим аниқ. Хиёнатимни ҳеч қачон кечирмайди.

Мева-сабзавотларни кўриб ҳам кўнглим илимади.

– Бунақа ҳаром-ҳариш нарсаларни олиб келманг хонадонимизга.

Уҳ! Аниқ билиб қолибди. Қаердан билдийкин?

– Нимага унақа дейсан?..

– Бунча нарсани олгани пулингиз йўқлигини биламан-ку!..

“Ҳайрият-ей!” деб, енгил тин олдим.

– Тўғрими? – деди у яна таъкидлаб. – Қаердан олдингиз? Ўғирладингизми?

– Йўғ-э, нималар деяпсан?

– Тушунтиринг унда, ким сизга берди уни? Ниманинг эвазига? Оқни қора деганингиз учунми?

– Нега энди?

– Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади, дадаси. Қадам босишингиз сал ўзгариб қолганини сезиб юрибман.

– Тайёр нарсани олиб келсам, энди ноз қилаяпсанми?

– Йўк, ноз қилаётганим йўк. Бир-биридан ширин иккита гўдагимга шубҳали луқмани едиргим келмаяпти. Мени ота-онам ҳалол луқма билан боққан. Майли, қийналсам ҳам болаларимни пешона терим билан боқаман. – Ҳаром аралашган уйдан барака кетади, – деди бироздан кейин.

Нимага ишора қиляпти бу, деб ичимдан зил кетдим.

– Олма емаса ҳам, гўшт емаса ҳам одамнинг куни ўтади. Аммо олганнинг, еганининг жавоби бор. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам.

Илгари хотиннинг оғзини очирмай бақириб берардим, бугун нимагадир унинг олдида миқ этолмаяпман. Ўзиям авваллари бунақа эмасди, ювош-мўмин, муниса аёл эди. Ичи тўлиб юрган экан, шекилли-да. Ачитиб-ачитиб гапириб, асов отдай ирғишлайдиган одамни мулла минган эшакдай ювоштириб қўйди.

– Ўзингиз ҳам бизга ҳаром ёкмайди, дегандингиз-ку. Қачон айтганингиз эсингиздами?..

Ўйлаиб қолдим. Эсладим.

– Телевизор ёнгандами?..

– Ҳа, ҳа. Кимнидир норози қилиб бир нима олиб келган кунингиз чироқ ўчиб қолди. Ёруғи яхши тушади деб, шамни телевизорнинг устига қўйган эканмиз. Чироқ ана, мана ёниб қолади, деб ётиб кўзимиз илинибди. Шам йиқилиб, телевизорни ёндира бошлаганда, уйғониб кетиб, ўчириб қолганмиз. Яхшиямки, икки қарич наридаги дераза пардасига туташиб кетмабди... Унда уйимиз куярди. Ўшанда Худо сақлаган, дадаси. Шунда айтгандингиз ўша гапни.

Чиндан ҳам айтганман ўша гапни! Худо сақлагани учун минг бор шукроналар қилганман, нотўғри ишим учун тавбалар ҳам.

Ҳаётнинг алғов-далғовли йўлларида хом сут эмган банда яна ва яна турли кўчаларга бош сукавераркансан. Ўйин-кулги, маишат, бошлиқларнинг қош-қовоғига қараш, “лаббай, хўжайин”, деб куллуқ қилиш, жиддий бош қотириш

ўрнига енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриш билан умримизнинг ҳам анча қисмини яшаб қўйибмиз. Қилган ишларимизни, ўтган умримизни жиддийроқ таҳлил қилиш эсимизга ҳам келмайди.

Бугун эса менинг боши меҳнату заҳматдан чиқмаса ҳам нолиш нималигини билмай итоат ва ибодатда ўтаётган мунис, мулойим, содда хотиним кўзимни очаяпти. Бунинг сабаби нимада экан? Менинг кейинги пайтларда уйдан кўра кўчани кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолганим уни шу куйга солдимикин?.. Ёки Худо дилига солдимикин-а?..

– Янги келин-куёвлик давримизда раҳматли энам айтиб берган ривоят эсингиздами?.. Ҳалиги... Ариқдан оқиб келган олмани беҳос тишлаб қўйиб, кейин эгасини излаб бориб ҳақини тўлаган йигит ҳақидаги...

– Эсимда, – дедим секин.

– Ҳалолликда гап кўп, дадаси. Мени ўйламасангиз, анови иккита қорақўзларингизни ўйланг.

Шу пайт эшик очилиб, беш ёшлардаги қизалоғим, “Дада, дада!” деб мен томонга чопиб кела бошлади.

– Тўхта, – дедим шошиб, – қани, орқангга қайт, кириб дамингни ол. Эрталаб кўришамиз.

Қизчам, бурнини бир тортиб қўйиб, хонасига кириб кетди. Хотиним ҳайрон бўлиб қаради. Изоҳ бериб ўтирмадим. Хаёлларимнинг чеки йўқ эди. Ўзимнинг шу дамдаги аҳволимдан уялиб, ўз жигарбандимни кучоғимга олишдан ҳам кўрқдим-а?.. Ўйлай-ўйлай, туни билан тавба қилиб, жисман ва руҳан покланиб, эрта тонг иккала қорақўз болаларимни, онасига кўшиб бағримга босаман, деб ният қилиб, ётоқхонамга кириб кетдим.

* * *

Эртасига ишга жўнаётганимда хотиним кечаги мева-сабзавотларни машинамга юклаб берди. Жаҳлидан тушмаган кўринади, бир нима деёлмадим. Кеча шахмат тахтасида рақибини эзган гростмейстердай эзгилаб, оғзимни очолмайдиган қилиб қўйди-ку.

Энди буни қаерга олиб бораман?.. Шу дамда хаёлимга келган фикрдан ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим.

Машинани тўғри шаҳар четидаги мурувват уйига ҳайдадим. Мева-сабзавотларни ўша ерга тушириб бердим. Роса хурсанд бўлишди. “Қаердан, кимдан?” деб сўрашди. “Қорбободан”, дедим. “Қорбобо келишига ҳали анча бор”, дейишди. “Бу йил эртароқ келибди”, дедиму, бошқа савол-жавобга эътибор ҳам бермай, машинани физиллатиб чиқиб кетавердим.

* * *

Ишхонага келиб енгилроқ ишга ўтказишларини сўраб ариза ёздим. В.б. рози бўлмади. “Сизнинг ўрнингизни босадиган одам йўқ”, деб туриб олди. Мен ҳам бўш келмадим. Саломатлигимда муаммо борлигини, шифокор енгилроқ иш қилиб туришим зарурлигини тайинлаганини, бу вақтинча эканлигини айтдим.

– Вақтинча бўлса майли, – деди ниҳоят юмшаб. – Ходимлар бўлимида ишлаб турасиз. Ҳали куруқ қоғоз титиб ўтиришдан зерикиб, олдимга келасиз, ўшанда сиз билан кўп ишлар қиламиз.

Ҳар қалай унинг охирги пайтлардаги ўринли, ўринсиз топшириқларидан

зерикиб, нопок ишларга аралашиб қолишдан ўзимни олиб қочганимни сезмади, шекилли. Куруқ қоғоз титсам ҳам, ҳалол, пок ризқимни Худо беради, деб ўйлаб, анча енгил тортдим.

Бирок унинг кейинги гапи кўнглимни хира қилди.

– Энди сизга бошқа топшириқ бор.

– Қанақа топшириқ?

– Жамоада бўлаётган ҳар хил паст-баланд гаплардан мени хабардор қилиб турсангиз.

– Йўғ-э! Мен бунақа иш қилмайман.

– Нега энди? Ҳозир ҳамма ташкилотларда ҳам бор бунақа одамлар. Фақат ҳеч кимга сездирмайсиз-да.

Томоғимга бир нима тикилгандай бўлди. Мени ким деб ўйлаяпти бу нусха. Энди куним ҳамкасбларни сотиб тирикчилик қилишга қолдими? Йўқ, асло. Бу иш кўлимдан келмаслигини айтдим. В.б.нинг авзойи бузилди.

– Майли. Хохламасангиз, аризани ёзиб, бутунлай ишдан кетишингиз мумкин. Ишга қираман, деб юрганлар кўп.

Ўйланиб қолдим. Ишдан бўшаб қаерга ҳам бораман. Ке, шу одам билан мурося қилиб турай, деб, “Ҳаракат қилиб кўрай-чи”, деб қутулдим.

Ўз ишим билан машғул бўлиб юравердим. Аслида ўзи ҳам айтарли фисқу фужур гаплар йўқ ҳамкасблар орасида. Шундай бўлса ҳам в.б. гоҳ-гоҳ гапни айлантриб оғзимга тикилади. Охири бир куни берилган “топшириқ”ни ёдимга солди, кейин ишимдан қоникмаётгандай узиб оладиган гап билан турткилаб ҳам ўтди. Ҳап сеними, дедим мен ҳам гаплар жонимдан ўтгач ва вақтинчалик хўжайинга қуллуқ қилишдан тўйиб, таваккал қилиб ажабтовур қитмирона режалар туза бошладим. “Сенга маълумот керакми ўзи?.. Яхши, кўрасан ҳали”.

* * *

Орадан икки кун ўтказиб в.б. хонасида аллақандай ҳужжатларни кўриб ўтирганида, эшикни тақиллатиб бош суқдим ва сўрадим:

– Мумкинми?

– Келинг, – деди совуққина қилиб.

– Ассалому алайкум, Султон Сувонович!

– Ваалайкум ассалом. Келинг, ўтиринг. Хизмат?

– Ҳеч қанақа хизмат йўқ. Ўзим шундай...

– Сизга берган топшириғим нима бўляпти? – сўради синовчан боқиб.

– Бажарияпти, хўжайин, – дедим кўлим кўксимда, сал эгилиб.

Башараси ёришди.

– Бажарияптими? Қани унда ахборот беринг, – деб қоғозларини бир четга сурди-да астойдил оғзимга тикилди. Аввалдан мўлжаллаб қўйган гапларимни бошладим.

– Гап орамизда қолсину... – деб қўйдим у ёқ, бу ёққа аланглаб.

– Ҳа, гапиринг чайналмасдан, – деди ўдағайлаб. Сўнг “шошманг” дегандай ўнг кўлини кўтариб ишора қилди-да кўнғироқ тугмачасини босди. “Лаббай”, деб бош суққан котибасига муҳим иш билан бандлигини айтиб, хузурига ҳеч кимни киритмасликни тайинлади. Кейин менга “бошланг” дегандай ияк қоқди.

Муҳим сирни етказётгандай паст овозда дедим:

– Анави таъминотчингиз девонхонадаги аёл билан шивирлашиб гаплашаётганини кўриб қолдим.

– Нимани гаплашишади?

– Билмадим. Биров эшитмасин деб шивирлашишларига қараганда ниятлари яхшимас. Эшитиш учун яқинроқ боргандим, жимиб қолишди. Ҳали кузатишни давом эттириб барибир тагига етаман.

– Яхши. Яна нима гап?

– Тошбоев кеча ишга роса йигирма дақиқа кеч келди. Бунақада меҳнат интизоми ишдан чиқиб кетиши мумкин.

– Ҳм-мм, тўғри айтасиз. Маълумотларни тўплаб юраверинг, бир мажлис қилиб пўстагини қоқиб қўямиз.

– Анави режалаштириш бўлимидаги тепакал ходим бор-ку...

– Хўш-хўш...

– Кеча кун бўйи қовоғи солиб, тумтайиб юрди.

– Нега?

– Аниқ билмадим, Маош камлигидан норозимикин-а?.. Бунақалар шукр қилишмайди. Эҳтимол, сиздан норози бўлаётгандир.

– Қўйсангиз-чи. Яна-чи?

Ўзича буларни арзимас гаплардек қабул қилаётган бўлсаям, кўнглига ғул-ғула туша бошлаганлиги юз-кўзида акс эта бошлади. Каттароқ қарталарни ташлай бошладим.

– Бош ҳисобчингиз нукул бўлим бошлиқлари билан ҳиринглашиб туради.

– Йўғе, нега энди? – деди шунда пешонаси тиришиб.

– Ҳойнаҳой, кимнингдур устидан қулишяптиёв. Сизнинг устингиздан қулишмаяптимикин, деб мен ҳам ёнларига борувдим. Бир-бирларига қараб қўйиб, тарқалиб кетишди.

– Шунақами? Мен ҳали кўрсатиб қўяман уларга бировнинг устидан қулиш қанақа бўлишини. Қараб туришсин!

– Омбор мудир-чи, машинасига тўртта яп-янги баллон қўйибди.

– Э-э, ҳа нима қипти? Қандини урсин!

У ёқ, бу ёққа аланглаб олиб шивирладим.

– Ие, тўртта балон-а?! Ҳозирги кунда фалон пул туради. У аниқ омбордан ниманидир сотиб юборган. Эртами, индинми тафтиш бўлса, факат ўзи эмас, сизни ҳам тортиб кетмасин, дейман-да.

– Ҳа-а, яхши эслатдингиз, – деди меҳрибонлигимдан мамнун бўлиб. – Бу томонини ўйламаган эканман. Буни ҳам тагига етишимиз керак.

Энди “туз”ни ташлаш вақти келди, деб қўйдим ичимда.

– Ўринбосарингизниям қадам олиши чатокро-оқ, хўжайин.

– Нега?

Бир аланглаб олиб, пастроқ товушда давом этдим:

– Борингизда мулойим мушук бўлиб индамай юради, йўғингизда нукул ўзини кўрсатмоқчи бўлиб жон куйдиради. Ходимларниям тиндирмайди. Юқори идораларга ҳам кўнғироқ қилиб, нималарнидир гаплашади. Ўрингизни кўзлаётган бўлиши мумкин. Хушёр бўлинг, хўжайин, хушёр бўлинг.

– Вой бў-ўй, – деди шунда бошини ушлаб. – Ҳаммаси муаммо-я, бу одамларни?.. Бирорта холис, яхши одам борми ўзи буларни орасида-а?

– Э-э, нимасини айтасиз, – дедим ўзимни ялтоқланаётгандай кўрсатиб. – Ўзича, хўжайин, ўйлаб кўрсам, дунёда иккитагина яхши одам бор экан. Биттаси – сизсиз!

– Йўғ-э? – деди хайрон бўлиброк.

– Ишонаверинг, – дедим қатъий. Жиндай тин олгач, яна ялтоқланиб давом этдим. – Энди-чи, хўжайин, марҳамат қилиб, иккинчисини сиз айтворинг.

- Э, қўйинг. Иккинчисини ҳам ўзингиз айтиб қўяверинг.
– Менми?... Йўғ-е... Ўзим айтсам нокамтарлик бўлармикин?
В.б. ярқ этиб юзимга қаради.
– Яхшиям сиз бор экансиз, – деди сал юзи ёришиб.

Кейин ҳали биргаликда кўп ишлар қилишимиз, ҳеч кимга ишониб бўлмаслиги, ҳушёрликни оширишимиз зарурлиги ҳақида астойдил гапирди. Ҳар қанча гашим келса ҳам тишимни-тишимга қўйиб чидаб, бир томондан қилган китмирлигимдан бироз ҳижолат тортиб, олди-қочди гапларимга чипачин ишонган бечорага раҳмим келиб, ҳузуридан чиқдим.

Ишқилиб охири бахайр бўлсин.

* * *

Орадан ҳеч қанча ўтмай совуқ тушиб, қор ташлаб қўйди. Қиш бу йил эртарок бошланиб қолди. Фермер хўжаликларидан мева-сабзавотларни олиб келиш ҳам аро йўлда қолиб кетди. Кўпчилик ходимлар шартнома тузилганидан хабардор бўлгани учун касаба уюшма кўмитасидан, раҳбариятдан қишга озиқ-овқат захирасига ёрдам сўраб мурожаат қила бошлади. Ноилож қолган в.б. туманга одам юборди. Фермерлар маҳсулотларини совуткичларга жойлаганликларини, энди кейинроқ, қимматроқ нарҳда сотилишини, бир қисмини эса илгари олиб кетишганини айтишибди. Маҳсулотларнинг у ёқдан олиб кетилгани, бу ёққа келмаганини билган ходимлар ҳақларини талаб қилишганда в.б.нинг тавонига курт тушди. Ўзини қаерга қўйишни, нима деб жавоб беришни билмай қолди.

* * *

Ана шундай кунларда ишхонамизга янги раҳбар тасдиқланибди, деган гап чиқиб қолди. Раҳбаримиз соғайиб шифохонадан чиқибди, энди дам оламан, деб ариза ёзиб берганмиш. В.б.нинг кайфияти бутунлай тушиб кетди. Бунинг устига изсиз йўқолган мева-сабзавотлар сабаб уни қовлайдиганлар ҳам авж олишди. Қовлашлар жараёнида эса ҳисобхона ва омборда ҳам унча-мунча камомадлар чиқиб қолди. Янги бошлиқни таништириш, эскини кузатиш маросимига тайёргарлик икки-уч кун давом этди. Худудлар тартибга келтирилди, дарахтлар оқланди, ариқлар тозаланди. Тўртинчи куни эса ҳамма мажлислар залига тўпланди. Бошқармадан раҳбарлар, катта-кичик меҳмонлар ҳам келишди. Бошқарма бошлиғи янги раҳбарни таништиради, ишларига муваффақият тилади.

Корхонани узоқ йиллар бошқарган эски раҳбаримизга дўппи, чопон кийдирилиб, белбоғ боғланди. У кишини яна анча совға-саломлар ва гуллар билан сийлашди.

Шундан сўнг зал жим бўлиб қолди.

– Ўртоқлар, – деди бошқарма бошлиғи салмоқлаб. – Биз корхонангизда ҳамжихатлик тарафдоримиз. Шу боис шикоят хатларингизни ҳам эътиборсиз қолдирмадик. Бошлиқнинг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган шахсни айрим кирдикорлари очилиб қолди. Биз у кишини лавозимидан озод қилдик. Бу масалада ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳам шуғулланишяпти ва ўз ҳулосасини айтишади... Яна бир гапни ҳам айтмасам бўлмайди. Терговда сўроқ-савол қилинаётган биргина вақтинчалик бошлиқларингиз эмас. Шу корхонанинг айрим ходимларининг ҳам ишлари тафтиш қилиняпти. Улар ўзларича биз кичкина одам, буйруқ бажарганмиз, деб қутулиб қоламиз, дейишса

хато қилишади. Буйрукни бажарганда эс-хушлари каерда эди?..

Ишонсангизлар, бугун эрталаб газетада ўқиб қолдим: “Бир куни дафъатан бошим оғриб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, – деган экан бир одам. – Анчадан бери, фақат бошқалар берган топшириқларни бажариш билан овора бўлиб, бошим борлиги эсимдан ҳам чиқиб кетган экан”. Шунақа боши борлигини унутиб қўйган одамлар сизларнинг орангизда ҳам бор экан. Жавобини беришяпти. Энди замон бошқа, биродарлар. Ҳар бир ходим ўз ишига масъулият ва жавобгарлик билан ёндашиши керак.

Сўнгра яна уч-тўрт ходим сўзга чиқиб, нафақага кузатилаётган собиқ бошлиғимизга, янги тайинланган раҳбарга эзгу тилаklarини билдирдилар.

Юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Бошқарма бошлиғи яхшиям бош ҳисобчи билан мен ҳам терговга чақирилаётганлигимизни очиқ айтмади. Кичкинагина амал ва мартаба илинжида “катта арава”нинг ортидан юрган “кичик арава”дай мутелик ва майда ташвишлар билан ўтган кунларим, ўйлаб-ўйламай қилган ишларимнинг бир ишкали чиқиб қолмасмикин, деган ҳадик кўнглимнинг бир четида турарди. Ўша кун келди, шекилли. Бу кўнгилғашликлар шу билан якун топармикин-а? Ёки?..

Кўпдан бери деярли ишлатилмай “занглаб” кетаёзган миямда ана шундай ҳаёллар чувалашиб турган паллада хўжайин билан кўзимиз кўзимизга тушди. У имо қилиб ёнига чақирди. Дарров бордим, кучоқлаб табриклаган бўлдим. Совға-саломларини олиб чиқиб, машинага юкладик. Хўжайинни ҳам ўтқазиб, уйигача олиб бориб қўйдим. Уйларига етгач, хўжайин мени узоқ дуо қилди. Бироқ қилғилиқларимни ўйлаб, ишқилиб, бу дуолар бир кун қарғишга айланиб кетмасайди, деб кўнглимда ғашлик ортди.

Ҳеч нарсадан беҳабар келиноий ҳам хурсанд бўлдилар, дуога қўшилиб, мени алқаган бўлдилар. Бироқ нимагадир хонадонда Хушбарой кўринмади. Кўнгил қургур эса бир дамгина бўлса-да уни кўришга иштиёқманд. Кўзларим гоҳ эшикка, гоҳ деразага интиқ боқиб уни қидиради.

Хўжайин билан хайрлашиб, дарвоза томон юрганимда, кузатиб чиққан келинойидан аста Хушбаройни сўрадим.

– Э-э, сўраманг, – деди келиноий пастки лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилиб. – Дадасига қандай айтишни билмай ўтирибман.

Кўрқиб кетдим. Айтдимикин-а?!.

– Кечадан бери уйдан чиқмай, йиғлайди. Боёқиш анча сиқилиб қолди. Бир муносиб одам чиқса, узатсам, кўнглим жойига тушарди.

Ҳайрият, айтмаган, шекилли. Йўл бўйи ўйланиб келдим. Нима қилсам экан?.. Кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб қўяймикин?.. Уйларига келиб-кетганимни билибди, шекилли, мендан аввал ўзи кўнғироқ қилди.

Бироқ, айтган гапини эшитиб, ҳушим бошимдан учди: кўнгли беҳузур бўлиб, шўр бодринг егиси келаётган эмиш...



**Абдурахмон
ПИРИМҚУЛОВ**

Ҳам куласиз, ҳам куясиз

Ҳабиб Сиддиқнинг илк китоби чиққанига қарийб ўттиз йил бўлди. Бу даврда ёзувчининг қалами борган сари қайралди, поэтик ижоди сайқал топди. Унинг бир неча ҳажвиялари газета, журнал ва тўпламда мухлисларга етиб борди. Шунингдек, кулги устасининг бир неча ҳажвия-ҳангомалари “Телеминиатюралар театри”, “Табассум” радиожурнали ҳамда Андижон вилояти телевидениясида сахналаштирилди.

Ёзувчининг “Чироғи ёниқ хонадон” номли сайланмаси ҳамда “Ўрага сичқон тушди” номли китобининг муайян қисмини ҳажвиялар ташкил этади. Уларнинг умумий сони элликка боради. Ҳажвиялар сон жиҳатдан салмоқли бўлгани сингари сифат жиҳатдан ранг-баранг, серқирра. Уларни ўқиганда, ишдаги камчиликлар-мажлисбозлик, танбаллик, ғирромлик, тамагирлик, худбинлик, ходимлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар, оила, устоз-шогирдлик муносабатларининг кутилмаган тус олиши, ҳушомадгўйлик, лаганбардорлик, шунинг орқасидан мўмай даромад қилиш, шогирд ёки қўл остидаги ходимга “солиқ” солиш, қўшиб, ё айириб ёзиш, умумий ижтимоий ва маданий тараққиётимизга тўсиқ бўладиган салбий ҳолатлар турлича сатирик образ ва тимсоллар воситасида аёсиз фош этилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ҳажвчилик оддий жанр эмас, унинг қойилмақом ифода шаклини ҳар ким ҳам битавермайди. Ҳажвияни баъзи бир ёзувчилар бир зарб билан ёзиб ташлайдилар. Бироқ уни бир мутолаа билан “ҳазм” қилиш душвор. Назаримизда, бу типдаги асарларни тўла идрок этиш учун ўқувчига бироз тайёргарлик керакка ўхшайди. Шундай бўлмаса, ёзувчининг нияти етарлича аён бўлмаслиги мумкин. Негаки, ёзувчининг бош мақсади асар сиртида бўлмайди. Асосий ғоя яширин, таъбир жоиз топилса, ялтироқ қоғозга, эҳтимол, бир неча шундай қоғозга ўралган бўлади. Сиртдан қарасангиз, оддий воқеа латифанамо айтилган. Бир марта кулиб, кейин унутиш ҳам мумкин. Аммо зукко ўқувчи,

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ – филология фанлари номзоди. 1969 йилда тугилган. Тошкент вилоят давлат педагогика институтини тамомлаган. Унинг “Моҳият ва маҳорат”, “Изтироб инкишофи”, “Навоийни севган нозанин”, “Етти довон ҳайрати”, “Шеър ўқиб уққанларим” каби китоблари чоп этилган.

айниқса, мунаққид уни бефарқ ўқимайди. У “микроскоп” ёрдамида асарнинг ботинига, қаҳрамонларнинг ички психологик оламига, савиясига, нутқига, гап оҳангига, жинси, ёши, касб-корига, ҳатто, кийинишига ҳам эътибор беради. Чехов талаби эсингизда бўлса керак: “Саҳна ортида милтиқ бўлса, у қачондир отилиши керак”. Ҳажвияда ҳам шунга ўхшаган талаблар бор. Дейлик ёзувчи, саксон ё тўқсон ёшли чол-кампири ўртасидаги мунозарани фош этмоқчи. Уларга ёш ё ўрта ёшдаги кишиларнинг кийимини кийдирса ё уларга телефон ушлатиб, бир-биридан хабар қутишини ёзса, бу ҳаёт ҳақиқатига ҳам мос эмас. Ёзувчи бу йўлдан бормайди. Аввало қаҳрамонлар ҳаётини, уларнинг ички руҳий дунёсини, характерини пухта ўрганади. Ёзувчи учун нафақат қаҳрамоннинг ички олами, балки воқеанинг содир бўлиш ўрни – географик макон, ҳатто об-ҳаво ҳам муҳим ўрин тутати. Ёздаги воқеа қаҳрамонига қишги кийим кийдириб бўлмагани каби, ўзбек миллатига мансуб чол-кампири суҳбатини миллий заминдан узоқлаштириб бўлмайди. Демак, гапимиз ҳажвий асарнинг бош аломати – миллий характерларни миллий ўзанда ифодалаш салоҳиятига келиб тақалмоқда.

Асарда миллий руҳ, жозоба бўлмаса, ўқувчи эътиборини тортолмайди. Ҳабиб Сиддиқ ҳажвиялари дастлаб шу фазилати билан мухлислар эътиборини қозонади. Миллий руҳ эса ўз навбатида қаҳрамон нутқида ўз ифодасини топади. Нутқ – ҳажвий асарда бош мезон ҳисобланади. Биз айнан қаҳрамон муомала, мулоқоти орқали унинг кимлигини, касб-корини, мақсади нима эканини, муаллифнинг қандай бадиий ғоясини юзага чиқараётганини унинг гапи орқали илғашимиз мумкин. Тўғри, сатирик асарда фақат қаҳрамон нутқи билан чегараланмаймиз. Воқеа-ҳодисанинг кўз ўнгимизда муфассал ва мукаммал тасвирига эришмоқ учун гоҳо муаллиф нутқи билан ҳам юзлашишга тўғри келади. Бироқ унутмаслик лозимки, муаллиф нутқи қаҳрамон характерининг тўлақонли тасвири учун ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади, холос. Шу маънода ҳажвияда миллий тил – қаҳрамон нутқи масаласи асосий масала бўлиб, ёзувчи бунинг устида жиддий бош қотиради. Ўзининг жуда кўп мақсад-муддаоларини қаҳрамон ё персонаж зиммасига юклайди.

Ҳажвия жиддий, фош этувчи мураккаб жанр бўлгани учун уни енгил-елпи ўқиш етарли эмас. Ўқувчи уни ўқишдан мақсад уқиш заруратини ҳис қилиши лозим. Яъни, асарни биринчи ўқиганда, кулсин, иккинчи ё учинчи ўқиганда асл муддаони илғаб, қуйсин. Ёзувчи ҳаётини воқеа-ҳодисани кулги либосига ўрагани билан унинг асл мақсади бу эмас. Кулиш нарида турсин, ачиниш, эҳтимол йиғлаш лозим бўлган нарсалар – анқовлигимиз, гўллигимиз, паришонлигимиз, алдовга мойиллик, бўлса-да, ишни битириш, пора эвазига ишга жойлашиш, сўнг харажатни таъма эвазига тўлдириш, боғча ё мактабда йиғилиш қилиб, пул йиғмаслик, фақат бинони таъмирлашга ёрдам бериш лозимлиги. Эҳ-ҳе! Қайси соҳада қуср йўқ? Саволнинг ўзи қизик. Гўё бу “беайб парвардигор”, биз ҳам бандаимиз, озгина гуноҳга қўл урсак нима бўпти, деб ўзимизга таскин-тасалли бераяпмиз. Аслида ёзувчининг саволида пичинг, шикоят, уни тузатишга, ижтимоий касалликдан тезроқ даволанишимиз, тузалишимизга даъват оҳанги бор. Ҳикоя қаҳрамони эса чет эл, ё ўзга сайёрадан келган ясама образлар эмас. Улар – сиз, мен, у ёки сизнинг, менинг, унинг таниши ё қариндоши, зинҳор бегона эмас.

Ҳабиб Сиддиқ ҳажвияларининг ҳар бири ўзига хос ижтимоий юкни зиммасига олади. Ўқирман ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариши, қаҳрамон

ўзига ҳамкасб бўлса, айбини кўзгуда кўргандек ҳис қилиши, бу йўлнинг охири “вой” эканлигини англаб етмоғи лозим.

Ҳажвчининг маҳорати шундаки, у воқеанинг туб негизини бизга етказди. Воқеа давоми, қаҳрамон ё персонажларнинг кейинги тақдири, уларнинг сири фош бўлиб қўлга тушиши, жарима тўлаши ё қамалиши каби масалалар ўқирман идрокига боғлиқ. Ёзувчи хулосани айтмайди, аммо унга ишора қилади. Асардаги воқеа муаллиф томонидан тарғиб эмас, тақиқ этилади. Зотан, сатиранинг ҳам, юморнинг ҳам етакчи хусусияти шундан иборат.

Энди “Халқа”нинг қисқача мазмунига эътибор қилайлик: бир киши қизалоғини боғчага жойлаштириш учун олиб келади. Боғча мудираси эса одатдагидай “жой йўқ” деб тихирлик қилади. Ҳалиги одам илтимос қилиб, сўз орасида, “Хизмат бўлса айтаверинг, сизни хафа қилмаймиз”, деган иқрорни ҳам қистириб кетади. Сўнг боғча мудираси: “Менга ҳеч нарса керак эмас, нима бўлса, шу болалар учун. Боғчамиз биносини таъмирламоқчимиз, уч-тўрт хил бўёқ бўлса, яхши бўларди”, деб болани қабул қилишга “зўрға” рози бўлади. Ота чиқиб кетгач, мудира дўконга телефон қилади:

– Алло, Тоҳир ака, ўзизмисиз? Ҳозир биттасини жўнатдим. Ҳалигидан тўртта бериворасиз.

– Кечаям, иккитасини юборган экансиз, ўшаларга бервордим. Энди бизда мутлақо қолмади...

Шундан сўнг мудира дўкондорга машина юборишини, бўёқларни қайтариб юборишини, яна айлантиришни таклиф қилади. Дўкондор эса, “Бугун иложи йўқ, машина нариги боғчага кетувди”, деб жавоб беради.

Гап ота-оналаримизнинг моддий аҳволи билан сира ҳисоблашмай, улардан нимадир ундириш, шахсий жиғилдонни тўлдириш ҳақида борар экан, Ҳабиб Сиддиқнинг “Ота-оналар йиғилиши” номли ҳажвиясини ҳам эслаб ўтиш керак. Бир муаллима гапни пул йиғишга рухсат йўқлигидан бошлаб, бундай ишдан хазар қилиши билан якунлайди. Ота-оналарнинг ҳар бири, обуна, дарслик ва ободонлаштириш, хуллас боласи учун нимадир ҳадя этса кифоя экан. Ҳамма рози. Қарши, бетарафлар йўқ. Саховатни кўринг. Ўқитувчи мажлис сўнггида караса, бир бегона одам ҳам бор эмиш:

– Ҳўш, сиз қаердан?

– Газетадан.

– Э...э... Мақолага факт керак бўлса, ўзимга айтмайсизми, укажон... Аммо, биласизми, бу ердаги эшитганларингизни мақола қилмай қўяқолинг...

Демак, “уддабуронлик”, “тадбиркорлик” битта боғчада эмас, бир нечтасида мавжуд экан. Ўрганган кўнгил ўртанса кўярмиди... Дейлик, мудира опа (ё муаллима синглимиз) юқорида айтилган одатини ўтган йили бошлади. Тўрт ё беш йилда машина бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ўзига, болаларига, қариндошларига, ота-онасига ва албатта эрига (бундайлар эрини эътиборсиз қолдирмайди) ҳам қўша-қўша совғалар олишига етадиган маблағ йиғади. “Шундаймасми? Нимаси ёмон? Нимаси яхши?” дейди ёзувчимиз.

Боғчада бошланган “ўйин” мактабда, лицей, коллеж ва олий ўқув юртида ҳам давом этади. Ҳамма ерда вабо сингари тарқаган бу дарднинг давоси ёзувчининг сатирик тиғидир. Адиб ушбу асар билан битта мудирани ё бир ўқитувчини инсофга чақирса, уни эзгулик йўлига даъват этса, демак, жамиятнинг маълум бир нуқтасини ёмон иллатдан тозалашга ўз ҳиссасини қўшибди.

Ҳозир коррупция масаласи жуда долзарб. Шунинг учун ҳам ёзувчининг

бу турдаги асарларини бугунги сиёсий ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ дея оламиз. Айниқса олий ўқув юрти ҳамда қасамини унутган шифокорлар ҳатто ҳуқуқ органлари орасида ҳам бу каби нохуш ҳодисалар бот-бот кўзга ташланади.

“Бедаво дарднинг давоси” эзмароқ беморлар ҳаётидан олинган қизиқарли ҳажвия. Унга кўра, ёши улугроқ бир бемор профессорга, “Ростини айтинг, касалим оғирми, ўлиб кетавераманми, умримдан неча кун қолди?” деяверибди. Врач, “Ҳали кўп яшайсиз”, деса, яна ўша гап: “Тўғрисини айтинг, дардим бедавоми, тиббиёт ожизми?” деб шифокорнинг холи жонига қўймабди. Шунда профессор, уни кум билан даволаш мумкинлигини айтибди. Аввалига тиззагача, кейин белгача, ундан сўнг кекирдаккача кумга тушишни маслаҳат берибди. Бемор хурсанд бўлиб чиқиб кетгач, профессордан шогирдлари сўрабди:

– *Агар сир бўлмаса, домла, янги усул ҳақида...*

– *Қанақа янги усул?*

– *СПИДнинг давоси?*

– *Э...ҳа, ҳалигимиз? Бу дарднинг нимага олиб келишини биласиз-ку! Энди жа, тузалиб кетмасаям, ҳар қалай тунпроқнинг тагида ётишга аста-секин кўникиб туради-да...*

Гап эзмалар ҳақида кетмоқда. Арзимас нарсага соатлаб вақтингизни оладиган кимсалар йўқ дейсизми. Ҳажвияни ўқиганда кўз ўнгимизда эзма чоллар қиёфаси пайдо бўлади. Қанийди эзмалар фақат чоллар бўлса. Бу типдаги одамлар турли ёш ва турли жинс, турли миллат вакиллари орасида учраши мумкин. Ёзувчи сергапликни, вайсақи бекорчилар қилиғини фош этмоқда. Уларни фойдали иш билан шуғулланишга чорламоқда.

“Мустақил фикр”, “Пулдон”, “Хавфли одам”, “Оламушукнинг каттаси”, “Мутахассислиги бўйича” сингари ҳажвияларда ўзибўларчилик, бюрократизм, асл моҳиятни англамай тортишиш, ноҳақ бўшатишга уриниш, янги ходимдан хавфсираш, таъма, худбинлик ва бошқа шу каби турмушда кўп учрайдиган салбий ҳолатлар аёвсиз қораланади. “Мустақил фикр”да ходимларга ишда катта ютуқларга эришмоқ учун нималар лозимлигини ёзиш, кейин шуни тегишли комиссия келганда бурро-бурро қилиб санаб бериш топширилади. Бундан барча ходимлар, айниқса, бош қаҳрамон хурсанд: “Ана бизнинг фикримизни сўровчи ҳам бор экан”, деб шахсий фикрини ёзишга киришади. Ёзиб бўлгач, масъул кишиларга бир текширтиради. Охирида бошлиққа олиб кириш учун котибага учрайди. Унинг ҳам мустақил фикри, томоғи бор, албатта. Шу боис қаҳрамонимиз котибага бир дона шоколад ваъда қилса, котиба: “Шоколадни иккита қилаверинг, буни бошлиқ кўргандан кейин яна қайта ёзишга тўғри келади”, дейди. Кўринадики, мустақил фикрни аввал масъул кишилар: ўринбосарлар, бўлим бошлиқлари, етакчи мутахассислар, охирида эса ҳурматли бошлиқ кўрганларидан кейин мустақил фикрдан асар ҳам қолмайди. Бу бир ходим учун эмас, умуман меҳнат жамоаси учун қўлланган талаб. Ахир бу бориб турган хўрлик, тажовуз эмасми? Мустақил фикр айтиб боши балога қолганлар, ишдан кетиб сарсон бўлганлар озмунча эмас. Мустақил фикр кушандаси шўро даврида кучайган, бутун жамият худди шу балодан, фикрсизликдан азият чеккан. Хайрият, бу каби иллатлар мустақиллик туфайли барҳам топди. Бироқ буткул йўқолди, деёлмаймиз. Адибни ана шу ҳуқуқбузарлик, шахс эрки ва ҳуқуқининг поймол этилиши

жиддий ташвишга қўйган. Шу боис ушбу асар дунёга келган.

Ҳабиб аканинг ёшлар, айниқса, талабалар турмушидан олиб ёзган ҳажвиялари ҳам диққатни тортади. Уларда гоҳо ўқитувчилар, кўпинча эса талабалар кескин фош этилади. Баъзилари имтиҳондан ўтиш учун турли йўл изласа, баъзилари дарсга қатнашмаслик сабабини ўзининг “меҳрибон талаба”лигига олиб бориб тақайди. Бу ўринда ҳам ўша эслаганимиз қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолаверади. Бу жиҳатдан “Ижарага ота керакмасми?” ҳажвияси мазмуни билан танишиш жуда мароқли.

Бир аёл қайсидир олий ўқув юртининг ректори хузурига кириб, эри кўпдан бери ўсал ётганини, унга ёлғизгина ўғли қарашиб турганини, оилавий аҳволи ночорлигини сўзлаб, кўзёш тўкади. Ректорнинг кўнгли юмшаб, талабанинг ҳолидан беҳабарлиги учун факультет деканини қўйишди. Муштирапар она миннатдор бўлиб чиқиши билан, ректорнинг шогирдларидан бири кириб келади. Бошлиқ билан сўрашгач, талабага юзланиб: “Ие, жиян, сен ҳам шу ердამидинг?” дейди-ю “сир” очилиб қолади. Маълум бўлишича, йигит қайсидир қўшма корхона директорининг ўғли бўлиб, отаси кеча шартнома тузиш учун Японияга учиб кетган, кўзёш қилган аёл ҳам “ёлланган она” экан.

Бу ерда ёзувчи танқид тигини фақат талабага эмас, балки унинг пулига учиб, артистлик қиладиган аёлга ҳам қаратган деб ўйлаймиз. Қўшма корхона директори чет элларга чиқиб, битим тузади-ю, ўғлининг нима ишлар қилиб юрганидан беҳабар. Бу ерда иллатнинг тури кўп. Гап тўқликка шўхлик ҳақида кетмоқда. Менимча, бу иллатнинг томири оилага, аниқроғи, асарда иштирок этмайдиган талабанинг ўз онасига бориб тақалади. Отанинг иши кўп экан, онасининг кўзи қаерда? Нега у бу каби ўзбошимчаликдан беҳабар? Талаба ёлланган онага берадиган пулни онасидан олади-ку, тўғрими? Она ўғлига берган пулни нимага сарфлаши билан қизиқиши лозим эмасми? Хуллас, ҳажвияда коса остида бир неча нимкоса мавжуд. Уни илғаш, идрок этиш, хулоса чиқариш муҳтарам ота-оналар ва азиз ёшлар зиммасида.

Ҳабиб Сиддиқнинг “Биров ишонмайди” ҳажвиясида тайёр асарни кўчириб, чоп эттиролмай, дўстларига лағмон олиб берган, яъни “тушираман” деб ўзлари тушиб қолган ёшларнинг умумлашма образи тасвирланган. Шунингдек “Ташвиш” ҳажвиясида ҳам бир талабанинг фанлардан баҳо олиш учун бир неча таниш ва танишларнинг танишини ўртага суққани акс эттирилган. *“Суриштириб кўрсам, – дейди талаба, – фалсафадан кирадиган ўқитувчиси ҳақида, ўша домламиз ойимнинг тоғаларининг қудаларининг куёвларининг акалари экан...”* Хуллас, ҳажвияда шу каби узункулоқ маълумотлар сатирик оҳанг билан айтилади. Яъни, Ҳабибулла ака воқеани жўн, содда баён қилмайди. Унинг миллий руҳини, сатирик пафосини ва бошқа поэтик маромини пухта таъминлайди.

Ҳажвияларнинг тили, услуби миллий характер касб этади. Ўқиётганда, худди тунов кун кўришган танишингиз, қариндошингиз ё биродарингиз кўз олдингизда намоён бўлади. Қаҳрамонлар нутқида халқ жонли тилига хос мақол, матал ва иборалар ҳам ўз ўрнида топиб қўлланган. Яъни, ёзувчи исталган мақолни исталган қаҳрамон оғзидан чиқаравермайди. “Аммамнинг бузоғи”, “Синиқдан бошқаси юқади”, “Кўр-кўрни қоронғида топади”, “Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади”, “Хуножин кўзини сузмаса, бука ипини узмайди” ва бошқа шу каби мақоллар қаҳрамоннинг мақсадини юзага чиқаришда қўшимча восита бўлиб хизмат қилган.

Ҳабиб Сиддиқ қаҳрамонлари ўзга коинотдан келган эмас. Улар атрофимиздаги кишилар, замондошларимиз. Ёзувчининг асосий нияти ўзимизга унча билинмайдиган нуқсонларимизни бадиий бўёқларда кўрсатиш. Бошқача айтсак, бизга кўзгу тутиш. Кишилар хоҳласа, кўзгуни уриб синдирар, истаса чуқурроқ ўйга толар, тегишли хулоса чиқарар. Балки ёзувчининг беминнат фаолияти учун ундан миннатдор бўлар, қусурини тузатар. Юқорида айтганимиздек, бирор ёзувчи кимнидир хушламагани учун асар битмайди, жумладан, Ҳабиб Сиддиқ ҳам. Турмушимизда ёзувчи қаламга олган камчиликлар кўп бўлса, уни илғаш, бутун мураккаблиги ва чигалликлари билан идрок этиш, шахсий лабораториясида қайта ишлаб, китобхонга тортиқ этиш ҳажвчининг бош мақсадидир.

Шу ўринда Ҳабиб аканинг қатор ҳажвияларини ўқиган чоғимда ҳаёлимдан кечган баъзи нарсаларни ҳам айтиб ўтсам. Ёзувчининг шу типдаги деярли барча асарларини сахнага олиб чиқиш мумкин. Якка кизиқчилар ҳам ёки миниатюралар театри ҳам бу асарлардан фойдаланса бўлади. Ҳадеб сахнабоб асарларнинг камлигидан шикоят қилгунча, Ҳабиб Сиддиқ ва у киши каби сатира усталарининг асарларини мутолаа қилсалар, имоним комил, улар асосида бир неча сахна асари яратса бўлади. Айниқса, Мирзо Холмедов, Абдурахмон Сиддиқов, Абдулла Акбаров, Аваз Охун, “Ҳандалак”, “Қаҳ-қаҳа” ва “Шўрданак” каби гуруҳлар бу асарлардан хомашё сифатида фойдалансалар, уларнинг репертуарлари бойишига заррача шубҳа йўк.

"Ҳикоя" ҳақида замонавий реклама



Аброр ҒУЛОМОВ

Хуршид Дўстмуҳаммад ким, деб савол берилса, унинг узундан-узун лавозимлари саналади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Жаҳон тиллари университетининг моҳир домласи...

Телевидениеда ёшлар баҳсларининг одил ҳаками...

Маърифий-маънавий кўрсатувларнинг бош ижроچиси...

Яна санайверсак унинг адоғига етиб бўлмайди.

Кунлик ташвишлардан ортиб яна ёшликда берган кўнгил – бадий ижод билан машғул бўлиш сингари ёзувчилик азоби ҳам бор бу орада!

Ўтган йил устоз адибнинг “Янги аср авлоди” нашриётида сайланма сифатида тўрт жиллик мажмуаси чоп этилди: “Ҳикоя”, “Қисса”, “Роман” ва “Изҳор”.

Кимдир, қайсидир даврада буни алқагандек бўлиб, “Бундай мажмуа хатто Абдулла Қаҳҳордек забардаст адибда ҳам бўлмаган!” деганди.

Таникли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ҳамма асарлари билан танишиб чиқанман десам муболаға бўлади, аксарият ҳикояларини ўқиганман. Кичик тўплам ҳолида ва матбуотда алоҳида-алоҳида чоп этилган митти асарлари билан танишганман. Адиб жуда серқирра бадий жанрнинг барчасида ўзини моҳирона синаб кўрган. Мен бугун Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ҳикоя”си ҳақида сўз юритмоқчиман. Аслида, устознинг асарлари “реклама”га муҳтож эмас, аммо мен негадир уни тарғиб-ташвиқ қилгим келди.

Эллик учта ҳикоялар жамланган тўплам мутолааси давомида ёзувчининг ҳар сафар ҳар бир ҳикояга ўзгача, қалб нуруни тўкиб ёндашганининг гувоҳи бўласиз. Улардаги воқеалар, таърифлар, хатто калималар ҳам такрорланмайди.

Ҳикояга адибнинг ўзи, “Эрка, шу билан бир вақтда ғоят яшовчан насрий асар”, деб таъриф беради. Кетидан, “Майдони ҳар қандай ижодий жасорат учун ҳозир нозир жанр”, деб қаловини топиб олсанг, пашшадан фил ясайверишинг мумкин, демокчидек бўлади.

Аброр ҒУЛОМОВ – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Ўзбекистонда”, “Истанбул дафтари”, “Маънавият”да “Эътиқод”ни афзал билди китоблари чоп этилган.

Чехов ижод анъаналаридан фойдаланиб, ҳикоянависликда тақризчилар Хуршид Дўстмуҳаммадни Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор сингари реал ҳикоя жанрининг давомчиси деб билишади.

Сўзимни шу ерда мухтасар қилиб, “Эрка насрий асарлар”нинг таҳлилига-тадқиқига ўтамыз.

“Жажман” ҳикояси. Номининг ўзи ғалати. Ёки кимдир жажман деган ҳайвонни биладими? Кундалик ҳаётимизда учрамаган сўз. Уни бир ютимда ўқийсиз. Қуруқ мевалар сотадиган тимда содир этилган ҳодиса. Индаллосини айтадиган бўлинса, шубҳали ўғри ҳақида. Сичқонбашара “Ўлар ҳолатдаги ориқ, кўл-оёғи гугурт чўпидек қилтириқ” махлукни тутиб, тилка-пора қилиб ташлаймиз, деган тимчиларнинг ниятлари бирпасда пучга чиқади. Гап энди уни тутишда қолган. Уни асир олишнинг уддасидан чиқолмаган савдогарлар, тимчилар бечора жажманни ўлимга ҳукм қилишади.

Ора-сира “Ўсиқ қошлари паноҳидаги нурсиз кўзли” Зардушт бобонинг “Ё, алҳазар, Аҳурамазда!..”, “Огоҳ бўл, огоҳ, Аҳурамазда!” деган муножотлари ҳам асарнинг мазмунини бойитишга хизмат қилган...

Китоб табағи ҳажмидаги ўн бетдан ошиқ “Жажман”ни ўқишда китобхон зерикмайди. Воқеалар ривожини бир текисда чиройли оқишда давом этади. Қайтанга “жиноят”нинг охири нима билан тугаркин, деган сабрсиз ўйлар хаёлга келади.

Адибнинг деярли барча ҳикояларида воқеа таърифларининг энгил, эсда қоларли тасвирларни кузатиш мумкин. Самолёт салонидаги воқеа ҳам ўн бетда тасвирланади.

“Ҳавога кўтарилган самолёт ғилдиракларини дўқирлатиб йиғиштириб олгач”, “Бир пиёла чой ичгувчилик фурсат ўтдими-йўқми, кимдир Маъмировнинг ёнбошини кавлаштираётганини пайқади”. Кейин қараса “Соҳибжамол стюардесса қиз унинг икки биқинининг остига кўл суқиб, қайиш учларини тортиб чиқараётганини кўради”.

“Белаб қўйди-ю!” “Қиз мулоим табассум инъом этиб, нари кетди”.

Сув келтирган қизгина “Маъмировнинг қўлидан жонон қадахни олди-да, “қайтим”ига ширин табассум қолдириб ғойиб бўлди”.

“Қуюқ олтинранг сочи елкаси узра ёйилган “фаришга” энгашиб, унинг бир йўла иккала болдирини билакларида авайлаб кўтарганини, янаям авайлаб махсус таглик устига қўндираётганини кўрди”. “Онаси бешикка белаётиб унинг жажжи оёқчаларини авайлаб-ўргилиб, ёғлаб-сийпалаб чойшабга ўраган, боғлаган...”дек.

Жозиба “Самолёт шифтига қадалган “тахмон” эшигини кўтариб, унга томон икки кўллаб чўзилди”. “Қиз “тахмон”дан туширган иссиқ адёлни Чинорбекнинг кўксидан то чиззасигача ёйиб ёпаётиб бетини унинг димоғига шу қадар яқин келтирдик!..”

“Бешикка белангандек, талтайиб ётибди!” деб хабар берди дугонасига...

Саккиз бетлар чамасидаги “Қичқирик”да шу номли тарихий оқарсувдаги ҳодиса – ёш келинчакнинг бу сувга тушиб кетиб, ғарқ бўлиши баён қилинади. Ғаввосларнинг тугал хулосасига қарамай Султон муздек анҳорга тушиб дўсти-қўшнисининг аёлини ахтаришга киришади. “Қичқирик оқимининг шафқатсизликлари ҳаётнинг оддий, осуда ва бир маромдаги оқими оғушида жуда тез унутилади”.

“Султон оёқяланг оҳистагина сувга тушиб, бир-икки одим ташлаган, муздек сув тўпиғига уриб, бир текисда тўшалиб қолган бодрок тошчалар оёғининг остини қитиклаган дамларда буларнинг ҳеч бирини хаёлига келтирмади”.

“Қандайдир асов ёввойи куч худди оёқларидан бир ёққа, белидан иккинчи ёққа тортиб, анҳорнинг қаърига сўриб кетаётганини сезиб қолган”дек бўлади.

“...бирдан оқим, аниқроғи, оқимнинг туби ғалати тарзда тезлашганини, икки томон қирғоқ дов-дарахтлари қуюқлашганини, ўзи эса бир парча қоғоз парчасидек, гул япроғидек сассиз-несиз оқиб бораётганини пайқади”.

Унинг оёғи сувости ўтига ўралиб қолади. “Ҳарчанд тортмасин, тасма узилмади. Султон оёғидан осилиб, боши оқим томонга ўгирилиб қолганидан бурнига сув кириб кетаётганини, илиниб қолган оёғини тезроқ бўшатмаса... бутун гавдасини оқим измига берди”.

“Султон худди анҳор билан тил топишиб олгандек, у билан “битилган” сулҳга кўра ўзаро хиёнатга йўл қўймаслиги муқаррардек, яъни омонсиз оқим зинҳор йигитнинг ёш жонига қасд қилмайдигандек ғарқ бўлмаслигига аниқ ишонарди...”

“Зум ўтмай оёғининг кафти, бармоқлари атрофида яна балиқчалар ғужлашди, энди уларнинг орасида йирикроклари пайдо бўлган, улар худди Султоннинг оёғидан бошлаб паққос туширишга тажовуз қилган ваҳший сув жондорлари сингари тумшуғи билан урилаётган эди”.

“Анҳор уни тушунмади, айниқса унинг жунунваш ва туб оқимлари Султонни не қўйларга солмади – ўнг қўл томонда оқим сустроқ туюлса, чап томон оқими тубсиз ўпқонга ютиб юборгудек тортиқлайди”.

“Аъзойи баданидан сув эмас, тер қуя бошлади. Бошини икки-уч қайта сув юзасига чиқариб нафас ростлади”.

“Кўз қорачиғидек уй” рекламасини газетхон ҳукмига ҳавола этиб, “реклама”нинг биринчи пардасини ёпамиз.

Хонадон соҳиби ва соҳибаси сокинликни орзу қилиб яшашади. Ҳатто улар тунда ҳам ҳаловат йўқлигидан нолиб қўйишарди.

“...бадмаст нусха қаердан келиб қолди. У афтимга безрайиб нимадир сўради, сўрамади, пўнғиллади. “Ўдағайлаяптими?” Сўнг, ё алҳазар, алжиётган кимсанинг товуши чикмаётганини сезиб қолдим. Мошина шовқинсиз юрса, одамлар овоз чиқармай ўдағайласа... Маст одам ҳеч вақо тополмагач, тилини газак ўрнида ютиб юборган бўлса бордир, лекин лифт-чи? ... Ўн учинчи қаватга кўтарилгунга қадар “тарак-турук”, “қатир-кутур” ...Бу сафар ошиқ-мошиғи янги мойланган, келинчак тушган уй эшиги сингари овозсиз-несиз... Жим, жим, жим”.

“Сувга лиммо-лим тўла чойгум жим, хона жим, осмон жим, кўча-қўй жим, бу қандай бахт – инсон орзиқиб соғинадиган сокинлик”.

“Аррахонадан арра нағмаси баралла эшитила бошлади. Ходанинг серкўз жойига етдими, аррага зўр келди... Арра чиранди, зўрикди – нола чекиб юборди...”

“Арра кучланди, мармар тилкалангиси келмай зўр бериб қаршилиқ кўрсатади... Арра тобора шавқатсизланади... Қайтиб сокинлик бўлмайдигандек кулоқ қоматга келади”.

“Ғилдирак гувиллаб жойида айланди. Ҳайдовчи газни босди – юк машинаси оғир кўзғалиб, силтаниб, кўчани бошига кўтарганча ўкириб, ён-атрофга лой-сув сачратди...”

“Узокдан шовуллаб-қалдираб-шарқираб яқинлашаётган тўлқиннинг шиддати бутун дунёни ағдар-тўнтар қилиш даъвосида ҳеч бир тўсиқни писанд этмай айқириб келаверади. Лаҳза сайин ерга яқинлашаётган учоқлар “ЯК-40” эмас, лик тўлатиб юklar ортилган “Ил-85”лар экан – азбаройи дунёни қиёмат кўпди!...”

“Чойгум оёғи куйган товуклек “қо-қол”лади, ирғиб тушаётгандек кўринса-да, жойидан жилмади.

Сув бочкадан тошиб чиқа бошлади.

Кўча сувга тўлди. Оқим селга айланди. Қутурди, телба бир шиддат билан дарвозага урилди. Дарвоза тавақалари қарсиллади. Ошиқ-мошиқлар беўхшов ғичирлади. Жим!.. Жим... Сукунат. Шовқин ва осойишталик”.

...“Ҳикоя”нинг “Дилдаги хориж” қисмида бир қатор чет эл дунёсига саёҳат қилинади. “Реклама”нинг иккинчи бобида уларнинг туриш-турмуши ва жамият ҳаётидан қилинган бир неча ҳикоя билан танишамиз.

Достоевскийнинг ўзига қаллиқ танлаши мавзуи “Ёлғизим – Сиз” бутун бошли бир романга тенг ҳикояда кузатилади. “...Мўйсафиднамо Фёдор Михайлович билан йигирма ёшли бокира киз Анна Григорьевнанинг Петербургдаги мажаролари” мириқиб ўқилади. Айниқса, фарзандлик бўлиш сингари бўлғуси ота-оналар учун ҳаяжонли онлар миридан-сирига бутун ошкора баён қилиб берилган...

Россия ўрмонлари, шаҳарлари ишонарли тарзда тасвирланади...

“Муҳтарам, жаллод жаноблари”. Сарлавҳанинг ўзи ғалати. Нечук жаллод муҳтарам, нега у жаноб бўлиши керак саволларига тўла жавоб беришга ҳаракат қилинган. Муаллиф бу мўъжаз асарини битиш учун француз жамияти ҳаёти билан яқин таниш бўлишдан ташқари, унинг қонун-қоидалари, халқ вакиллари палатаси – парламент сир-синоатидан бохабар бўлмоғи талаб этилади.

“Бўйнига сиртмоқ солиб осиш... Тошбўрон қилиш... Тириклайин ўтга ташлаш... Тириклайин кўмиб юбориш... Тириклайин қайнаб турган қозонга ташлаш... Қутургудек оч итларга хомталаш қилиш... Болта ёки қилич билан шартта қалласини танасидан жудо қилиш... Отнинг думига боғлаб судраш... Оёқ-қўлларини тўрт отга боғлаб, отларни тўрт томонга югуртириб, танани бурдалаб ташлаш... Баланд миноралар, тоғ чўққиларидан пастга ташлаб юбориш... Сувга бўктириш... Заҳарли илон-чаёнларга чактириб ўлдириш...”

1789 йил. Франция Миллий кенгаши, яъни парламенти ўлимга маҳкум этилган маҳбусни “Тенглик, демократик, азоб бермаслик, ҳаётининг сўнгги лаҳзаларида нафас олиб турган маҳкумни кўз очиб юмгунча...” ҳукми ижро этишни муҳокама этади.

Баҳсларда қирол Людовик XVI нинг иштироки ва бошқа эпизодлар тўғрисида батафсил маълумот олиш билан бирга ўқувчи қонун тайёрлаш жараёнида тўла иштирок этади.

...“Жимжитхонага йўл” ёзилиш тарихини Хуршид аканинг ўзи эпилогда айтиб қўя қолган: “Италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг “Еттинчи қават” ҳикоясини ўқидиму, анча вақтгача унинг таъсирида юрдим. Ниҳоят, унинг фавқулодда ўзига хос ҳикояни эркин таржима қилиб, унга “назира” ўлароқ ҳикоя битдим”.

Устозим, шу сабабни очиш шартмиди, индамайгина асарчани эълон қилиб қўяверсангиз бўларди-ку, ким ҳам билиб ўтирибди, бу “ғоя”нинг қаердан келиб чиққанини. Эл севган адибда бунақа айёрлик, қувлик ҳечам кузатилмаган, у кишинини ёмон иллатлар билан ҳеч ким ва ҳеч қачон айблай олмайди!

Касалхона можароларининг бири Италияда ва бошқаси ёнгинамизда, биқинимизда содир бўлади. Чет элдаги бемор дастлаб шифохонанинг еттинчи қаватига жойлаштирилади, бизники эса пастки қаватга. Асар давомида италиялик хаста қаватма-қават пастлаб тушираверилади, бизнинг эса юкорилаверади. 46 бетлик ҳикоянинг тафсилотини айтиб ўтириш учун анча вақт сарфлашга тўғри келади. Адибнинг маҳорати воқеалар ҳикояси кинолентадаги кадрлар каби тез-тез алмашиб туради. Менинг назаримда, замонавий адабиётимизда камдан-кам

учрайдиган жанр-тафсилот асосида баён қилинган.

Хуршид аканинг дедиктив жанрдаги асарлари ҳам мароқ билан ўқилади. Воқеалар тафсилоти баёни кетма-кетлик қондасига риоя қилинмай берилади. Қайтага уни тезроқ ўқиб, тезроқ охирига етиб олишга интилади ўқувчи. “Ёқуб изкуварнинг ҳийласи”, “Ма, ош”, “Болохонадаги бобой” ва бошқалар. Бундай ёзиш машқини “Сирли олам”да ишлаган кезлари олган бўлишлари керак, деган тахминим бор.

“Ҳикоя”нинг “Кулиб яйрайлик, кулиб!” бобида бир қатор асарлар эълон қилинади. “Йўлакдаги одамлар”, “Чимбойлик қўшнилари”, “Московлик яхши одам”, “Hundai” ва қуён телпак” шулар жумласидандир. Булар ҳақда эса ички кузатувчанлик табиатидан ташқари ёзувчининг ҳазил-мutoйибага мойилликлари борлигидан, деб биламан.

“Соҳилдаги нашъу намо” ҳикоясининг рекламасини қилишга тоқатим ҳам, кучим ҳам етмади, аслида эса қўлим ҳам бормади. Оддийгина қилиб, ўқувчиларга уни топиб ўқишни тавсия қила оламан, холос! Тамом!

Навбатдаги “реклама” бобини “Маҳорат дарси”, деб аташни лозим топдим. Чунки адибнинг жумлалар тузиш ва тафсилотлар баёнининг ҳаётдан олинган оддий ўхшатишларга эътибор қаратмоқчиман.

“Ифбат”, “Кўз қорачиғидек уй”, “Қичқирӣқ”, “Шабада”, “Эрта баҳор” ва бошқа асарларда ярим бетдан ошиқ бир бетга яқин бир бетлик жумлалар учрайди. Уни ўқиш жараёнида ўқувчи зерикмайди, нафасни ҳам бир маромда олаверади. Шулардан икkitаси билан танишамиз.

“Шабада”даги никоҳ шодийёнаси “Худо хусндан қисган қиз ҳам келинлик либосида гул-гул очилиб кетишининг таърифу тафсиф бир жумлада (!) берилади.

“Гул эса латофати, латифлиги, таровати билан гўзал, азбаройи нозиклигидан авайлаб, эъзозлаб тутасан уни, димоғингга беозор урилган анбар-афшон исларга қоришиб кетасан, оҳистагина ўпиб оласан-қучасан, қучасан-ўпасан, икки қўллаб кўтариб олганингни ҳам билмай қоласан, ўйинқароқ болақайлардек гир-гир айланишга тушасан, қордек оқ ва узун либоснинг қават-қават, бурама-бурама этаклар, хипча ва таранг бел, яланг елкаларга лаҳза сайин чўққа айлана бораётган лабларингни боса-боса чарх уриб айланаверасан, гулнинг бир-биридан нозик новдалари бўйгинангга чирмашганини ҳам сезмайсан, табассум, жилмайишлар, эркаланиб кулишлар... лаблар, кўзлар, дудоқлар – бутун вужуд эркалиги, тантиқланиши...

Ҳурматли ўқувчи, узундан-узун жумлани ўқиб толиқиб қолмаганингизга аминман. Дурусти, маъқулми?

“Мастер класс”нинг давомига ўтамиз унда. Адиб асарларида бир воқеа, ҳаракат, амални таърифлар экан, уни бойитиш, ўқувчининг онгида мустаҳкам жой олиши учун бирнималарга ўхшатиб, тўлдириб қўяди. Уларнинг айримларидан иқтибос келтираман, уларни адиб қайси асарда қўллаганини эса ўқувчининг ўзи уларни ўқиб топиб олсин.

“Юзимни шамол тилиб ўта бошлади”, “бармоқларим сумалакдек қотди”, “худди дорга ёйилган наMAT чангини қоқаетгандек”, “оппоқ қор юзига қорамтир доғлар ёғилди”, “қамчининг чийиллаб ҳавони кесиши тезлашаверди”, “бойнинг жаҳли чапақай чиққанига яраша босиқлик билан бўлса-да, ўпкалади”, “хотинчалиш овозига зўраки салобатли тус беришга уруниб”, “тишига оғриқ тургандек, кўзини бир зум юмиб, очди-ю, икки бармоғи билан иягини чимдиб олди”, “синчков бўзрайди, юзи-ю лунжи таранглашиб қизарди”, “оромкурсининг қирғоғига кетини

илинтириб ўтирди", "мош-гуруч мўйлаби асабий титрар эди", "эркаланиб ширин жилмайди", "сонияда жуда кўп воқеалар ҳаёл ипидан чақмоқ янглиғ учиб ўтди", "эрининг юз бичимини кузатди", "трамвайнинг тумшуғи чириллаб бетини ялаб ўтди", "шеър сўзини ипакдан тўқийди", "лаблари асабий титраганини ҳатто куюк мўйлаби ҳам яширолмади", "мўйсафиднинг пешонасидаги ажиндек иланг-биланг саф чўзилиб, йўлга тушди", "чўққа ботириб олгандек кўлини силтаб тортди", "ҳалкумида зардоб қайнаётгандек афти бужмайди", "майда гулли жилдли кўрпа остидан сирғалиб чиқди", "мияга чўғ солингандек бозиллаб қизий бошлади", "кўкимтир ясама тишини ликиллашиб ҳиринглади", "илон чақиб олган одамдек сапчиб ўзини ўнг ёнга ташлади", "худди биров туртиб юборгандек чўчиб кетди", "тўё қизалоғи қизиган дазмолни ушлаётгандек қизалоғининг тепасига югуриб борди", "ўғринча кўз югуртираётди кўзи рўпарасида ўтирган басавлат кишининг кўзи билан тўкнашиб кетди", "ўғрилиқ устида кўлга тушган одамдек хуркиб, дув қизарди", "юзи катта қария курак тиши тушган қувачадек оғзини очиб "қаҳ-қаҳ"лаб кулди", "лаблари ширин хўрозқанд шимаётган боланинг лабидек қизариб кетганди", "бахт ҳам насиба, у кимларнидир зор қақшаб излаб юради, рўпарасидан, оёғининг остидан чиқиб кучоқ очиб кутади, кимларнидир эса калака қилгандек мудом четлаб ўтади", "у дам-бадам вужудидан кўтарилаётган ҳовурни совитолмаётган, совитиш қаёқда, ҳовур уни товага солиб қовура бошлаганди", "беҳосият жойга беҳосдан ўтириб олгандек дик этиб турди", "мияси яшин тезлигида ишлади, вазиятдан беталафот чиқишнинг чораси топди", "ўтакаси ёрилиб, назарида шу топда суюкли, ардоқли, гўзалдан-гўзал арзандасидан айрилиб қолаётгандек", "хаёлида ғужғон ўйнаётган қандайдир тахмин-гумонларини улоқтириб ташлади, шекилли, бирдан чехраси ёришди", "талвасага солаётган ёввойи қўрқувни ажабтовур ҳайратга айлантди", "Доданинг қони кўпчиди, жиғибийрони чиқди", "дадамни жунбушга келтирган ғазаб оловига сепилган мойдек таъсир қилди", "кўзлари нурсиз, ранглари девор, ўзлари суратдек, беҳол-бемажол туриб қолди", "ўн қаватли иморат бузилиб ағдарилаётгандек, кўлакка тушаётган чанг-тўзон мени ҳадемай шу зимистон йўлакка қўшиб кўмиб ташлаётгандек эди", "димоғдорлик билан айтган аччиқ-тирсик танбеҳини эслагани сайин ичига ўт тушгандек ловуллаб кетаяпти", "кибр тўла иддаоли эшитилди", "у туйқис ортига ўгирилди, ўгирилди-ю, остонада дард, ўтинч, умид, соғинч лиммо-лим кўзларини қиздан узолмади", "кун ёруғ, офтоб чиққан, лекин куёш нурсиз, файзсиз эди", "у худди кўпдан буён бир оёқда тургандек, мувозанатни йўқотиб ағдарилаётгандек ёнбошига қийшайди", "қовоғи солиқ, туни билан тиши лўқиллаб оғриган одамдек шашти паст эди", "унинг шолғомдек қизариб кетган юзидан, сархуш кўзларидан на жаҳл, на осойишталикни уқиб бўларди", "шляпали киши соатнинг капғиридек ўнга-сўлга, сўлга-ўнга ўтар, ўтаверарди", "боласи кўз ўнгида саккизчи қават деразасидан тушиб кетган онаизордек чинқириб юборди", "автобус қаттиқ силкинди, безгак тутган бемордек қалтирай бошлади"...

"Реклама" этилган "Ҳикоя" манзили таҳририятда бор, истаганлар мурожаат қилишлари мумкин.

Меҳр ҳам мўл, сеҳр ҳам мўл



**Менглибой
МУРОДОВ**

Тўртликлар

* * *

Оқил одам ичидаги нафс балосин
Йўлин топиб, енгиб яшар умри бўйи.
Бундайларга ҳар қадамда қанот бўлар
Умидларга тўлиб-тошган орзу-ўйи!..

* * *

Буюклар битган китоб,
Очар дуога кафтин.
Ва ҳамиша шай турар,
Элга бермоқ-чун тафтин.

* * *

Бу дунёда ҳар банданинг,
Яхшиси бор, ёмони бор.
Ҳар одамнинг ойга ўхшаш,
Кўзга тушмас томони бор.

Менглибой МУРОДОВ – 1942 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ)ни тамомлаган. “Меҳр”, “Хосиятли кун”, “Дийдор”, “Юрагимда борин айтдим”, “Кўнгилдаги қўшиқлар” шеъррий тўпламлари, “Туноҳ”, “Савоб” романлари ҳамда “Мен бир йўловчиман” сайланмаси чоп этилган.

* * *

Чўкқини мўлжаллаганнинг,
Тепага чиқмоғи осон.
Жаҳд айласа ҳар бир ишни,
Уддалай олгайдир инсон!

* * *

Меҳр қўйиб гул очишга,
Ихлос қўйса ғунчаки;
Демак, инсон бу дунёга,
Келган эмас шунчаки!..

* * *

У супрадай кетмонни ҳам,
Тешадек ўйнатади.
Шиддатланса баданида,
Чойни ҳам қайнатади!..

* * *

Эсли-хушли инсонларнинг ёшлигида
Энг аввало қалби билан юзи гулдир.
Кун келиб кексайганда уларнинг,
Ҳар билдирган донишона сўзи гулдир!..

* * *

Одамлар бор ичи тутун, сирти бут,
Дардлашмасанг англатмагай зорини.
Юрак ёниб кул бўлару оҳ демас,
Ҳар нарсадан баланд тутиб орини!..

* * *

Олмос каби минг бир тусда жилоланар,
Инжа сеҳрин очиб-очмай ҳар бир сўз ҳам.
Излаганга имконият ҳар ерда бор,
Бироқ уни кўролмагай барча кўз ҳам.

* * *

Аҳли дониш инсонлар ҳар кимсанинг
Яхши ёмон сир-асрорин билгуси.
Бошқаларнинг хатосин кечириш эса,
Камолотга эришганнинг белгиси!..

* * *

Шубҳа билан яшаганнинг,
Эшигидан кетмас киш.
Умид билан кўз очганнинг,
Бахт-иқболи урар ниш!..

* * *

Беписанд бўлма тилга,
Ақлнинг калити – тил.
Минг мўъжиза рўй берар,
Бирлашса тил билан дил!..

* * *

Эзгулик ва яхшиликнинг,
Умри узун бўлгуси.
Шу икки дўст бир кун келиб,
Бу дунёни олгуси!..

* * *

Меҳр ҳам мўл, сеҳр ҳам мўл,
Илму ҳикмат тоғида.
Чўнг фикрлар илдиз ёяр,
Тафаккур меҳробида!..

* * *

Жаҳл билан тепилган тош,
Оқибат – оёққа жабр.
Бе тийиқ жаҳлдорларга,
Оллоҳим берсин сабр!..

* * *

Вақтнинг кучи, қудрати,
Ҳайратомуз ва нодир.
У қадрин билганларни,
Бахтли қилишга қодир!..

* * *

Ҳолва ясаб бўлмагандек ҳаволардан,
Бўз кўйлакка дур тугма ҳам ярашмайди.
Жой-жойларда ғўддайишган нотавонлар,
Унча-мунча одам билан сўрашмайди.



**Адҳамбек
АЛИМБЕКОВ**

Ҳаёт сабоқлари

Ҳаёт мактабидан ибрат олган инсон умрини ҳикмат билан безай боради. Ҳаёт сабоқларидан хулосалар чиқариб, уни дилига туяркан ўрнак бўлиши учун бошқаларга ҳам илинади. Таниқли ижодкор Менглибой Муродовнинг “Умидли дунё” (“Олтин нашр” нашриёти. (2022) китоби ана шундай ўйлар ҳосиласидан дунёга келган. Тўпламга сўзбоши битган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид “Шеърнинг зўри тўрт сатр...” ёхуд умр ҳикматлари” номли сўзбошисида шундай ёзади: “Демак, тўртликлар китоби. Менга қолса ушбу тўпламга “Умр ҳикматлари” деб ном қўйган бўлардим. Моҳиятан ҳам шундай. Бир тўртликнинг ўзи билан саксон санаси муқояса қилинса – ҳар сатр шеърга умрнинг йигирма йили тўғри келаркан. Тўрт сатрда саксон йилнинг қўлам ва залвори мужассам жойлангандай”. Дарҳақиқат бу тўпламни шеърга тизилган ҳаёт сабоқлари дейишимиз мумкин.

Менглибой Муродов ёшлигидан бадий ижод билан жиддий шуғулланди. Улғая боргани сари жамиятдаги муаммолар, инсон амалий фаолияти ва қалб олами, инсон ва борлиқнинг ўзаро муносабатига оид қарашлар, масалалар ижодкор сифатида уни ҳамиша ўйлантириб турган мавзулар бўлди. Шу маънода, қатор шеърлар, насрий асарлар ёзилди, вақтли матбуотда эълон қилинди. Аммо китоб чоп этишга шошилмади. Менглибой Муродов асарларини мустақиллик йилларида китоб ҳолида нашр эттирди. Мухтасар айтадиган бўлсак, адиб истиклол йилларида баракали ижод қилди. Айниқса, ёзувчининг “Менинг бола қалбим” қиссаси, ижобий маънода, анчагина шов-шувларга сабаб бўлди.

Менглибой Муродов кўплаб китоблар муаллифи. “Меҳр” (1966), “Хосиятли кун” (2001), “Дийдор” (2002), “Юрагимда борин айтдим” (2005), “Кўнгилдаги

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ – филология фанлари номзоди, профессор. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят”, “Билиб айтилган сўз” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII–XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишқ асири бўлган жон” рисо-ласи нашр этилган.

кўшиқлар” шеърӣ тўпламлари ва “Туноҳ” романи (2008), “Менинг бола калбим” (2009) қиссаси, “Савоб” романи (2012), “Мен бир йўловчиман” (2017) сайланмаси, рус тилида “Моя недетская душа” (2017), “Садоқат” (2019) китоблари шуларжумласидандир.

Бугунги кунда ҳам Менглибой Муродов қизгин ижод оғушида. Унинг турлижанрларда долзарб мавзуларда ўзганиянгиасарлари республика матбуотида тез-тез кўриниб турибди.

Таниқли ижодкор, шеърлар романлар, драмалар муаллифи Менглибой ака мана энди ҳаётӣ ва ижодӣ тажрибаларини умумлаштирган ҳолда шеърға солиб тўртликлар тарзида китобхонларға тавсия қияптиким, бу тўртликларни ўқиган шеърхон ҳаёт тажрибаларидан хулоса чиқаришни, умуман ҳаётға теранроқ қарашни ҳис қилади.

“Юракдан чиққан фикрлар, юракларға етгайдир” ҳикматиға суяниб қалам тебратган шоир фикрларини лўнда, самимий изҳор қилади. Зўрлаб сўз айтишға ўзини мажбур қилмайди.

*Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси,
Ҳикматона бир китоб.
Кузат, ўрган, ҳис қил деб,
Китоб килмоқда хитоб!...*

Бу сатрлар муаллифнинг мақсадини ифодалаб турибди. Мақсад ҳаётни кузатувға ундов. Ҳаёт энг катта устоз эканлигини яна бир таъкидлаш. “Кимки ҳаётдан олмаса таълим, ўргатолмас ҳеч бир муаллим” ҳикматини яна бир бор уқтиришдир. Инсон энг мукамал мўъжиза бўлса-да, у амал билан камолға етади. Яъни меҳнатсиз камолот йўқ.

*Мингта қуруқ маслаҳат,
Етмас битта амалға.
Чунки инсон амал билан
Етгусидир камолға!*

Ҳар бир шоирнинг шеърӣ таъсир қуввати турлича бўлиши табиӣ, муҳими унинг моҳиятидаги самимийлик, кўнгида борини бошқалар билан баҳам кўра олиш қобилияти мавжудлигидандир. Шоирлик ҳақида, шоир қисмати ҳақида ҳар кимнинг ўз қарашни бор. Лекин буларнинг барчасини моҳиятида бир нарса – ўзини бошқаларға фидо қилиш ётади. Фидойиликни тор маънода тушуниш керак эмас. Кўнгил фидойилиги, туйғулар фидойилиги деган гаплар бежизға айтилмайди. Инсонда ўзгаларға яхшилик қилиш нияти, ўзидаги яхши нарсаларни бошқалар билан баҳам кўриш истаги бўлмаса, ундан ҳеч қачон том маънода фидойи чиқмайди. Самимий сўзлаган одам ҳамиша ютади. Унинг энг катта ютуғи самимиятиға яраша беғубор кўнгиллардан жой олишидир. Тўпламни ўқиган китобхон энг аввало, мана шу очиқ кўнгилликни ҳис қилади. Тўпламдаги тўртликлар мавзу жиҳатдан қамрови кенг. Ватан, оила, ота-она, фарзанд, ёшлик, кексалик, яхшилик, меҳр муҳаббат, илм, имон, виждон, адолат, табиат, вақт кўйингки 43 боб ва туюқларни қамраб олган экан,

бунинг ҳар бирида ҳикмат айтиш учун ижодкор қанчалар тажрибали бўлиши керак. Муҳим жиҳатлардан бири шоир буни енгил, халқ қўшиқларига монанд ўйноқилик билан айтади:

*Улуғ хислат—
Феъли кенглик.
Чин дўстликнинг
Жони – тенглик!*

Ёки:

*Нафс деган очофат -
Ичда ётган ялмоғиз.
Унинг ҳирси қўзганда,
Ақлдан озар оғиз!..*

Китобда “Уятдан қизарган юз, қора қалбдан яхшироқ”, “Комил инсон бутун умр бўлиб яшар талаба”, “Отга минганнинг бари бўлавермас чавандоз”, “Сарғайган ҳар япроқ беради сабоқ”, “Шубҳа билан яшаганнинг эшигидан кетмас қиш”, “Меҳрлилар қиш фаслин ҳам айлантирар баҳорга” каби бир ўқишда ёдда қоладиган сатрларни кўплаб учратасиз.

Саксон ёшини нишонлаётган устознинг табаррук ёшда ҳам ғайрати сусаймасдан ижод қилаётгани ҳавас қилгулик. Шу шижоат сизни ҳеч қачон тарк этмасин устоз дея шоирга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.



*Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни
ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди.
Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал
ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир.*

Арасту



Каромати ҳақ авлиёлар



Ҳамидуллоҳ
АМИНОВ

Қадимдан исломий давлат ҳукмдорлари ўз салтанати асосини мусулмон уламолари, авлиёлари, тариқат вакиллари, аҳли илмларига таяниб барпо қилганлар. Шу боис ҳар бир тарихий ҳукмдор ва давлат раҳбарининг ўз ихлос қилган авлиё, уламо ва дуоғўй эшонбоболари, маънавий мадакорлари ҳисобланмиш тариқат вакиллари, сўфий олимлари бўлган.

Бу авлиё ва раббоний уламолар ўзларининг дуои хайрлари, кароматлари, ҳукуматга хайрихоҳлигию давлат раҳбарларини қўллаб-қувватлашлари, моддий-маънавий ёрдам ва мададлари билан давлат буюклиги ва мустаҳкамлигига сабабчи бўлиб келганлар. Ташқи ва ички душманларга қарши курашларга ҳам энг аввал авлиё ва раббоний уламолар бош қўшганлар. Сўфийлар, дарвешлар, уламо-ю аҳли илм ҳамда уларнинг талаба ва муридлари Ватан ҳимоясида энг олдинги сафда турганлар.

Масалан, кубровия тариқати намояндаси Нажмиддин Кубро қуддиса сирруҳу мўғиллар босқини даврида нуроний қария, мункиллаган чол бўлишига қарамай, шахсан ўзи муридлари билан бирга жангга кирганлиги тарихий ҳақиқатдир. У зот кексалигига қарамай, ботиний куч-қудрати сабабли душман отлиғи қўлидаги байроғини чангаллаб юлиб олиб, пастга – ерга ташлаганлар. Душман у зотнинг ўша туғни юлқиб олган қўлларини чопиб ташлаб, муштумида тутган байроқни зўрға чиқариб олган экан. У даврда байроқнинг ерга тушиши мағлубият саналарди...

Шундай экан, Ватан қўриқчилари ва ҳимоячиларидан айримлари авлиёлар, тариқат вакиллари, эшонбоболар, уламолар, аҳли илмлар ҳам эканига шак-шубҳа йўқ! Улар ўзларининг танлари, жонлари, молларигина эмас, дуо ва кароматлари билан ҳам Ватанни қўриқлаб, ҳимоя қилиб келганлар. Ватанга ёғилиши мумкин бўлган бало-офатлар, душманлар хавфига қарши “балогардон” бўлганлар. Ва бу ҳақда юртимиз тарихида ҳам жуда кўп маълумотлар мавжуд. Биз уларнинг учтасига тўхталиб ўтаемиз.

Биринчи воқеа:

Мир Саййид Барака (ваф. 807 ҳ./1404 м.) қуддиса сирруҳу пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг авлодлари – саййидзода,

Ҳамидуллоҳ АМИНОВ – тарих фанлари номзоди. 1977 йилда туғилган. Имом ал-Бухорий номли Тошкент ислом институтини тамомлаган. Унинг 15 дан ортиқ китоблари, манбалар наири, таржима ва табдил асарлари мавжуд.

эшонзодалардан, Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, асли маккалик бўлган. У зот Термизга келиб, Соҳибқирон Амир Темур билан учрашади. Амир Темур Саййид Баракага Мадина шаҳри вақф маблағни ортиғи билан бергани учун (эслатиб ўтамиз: Ислом оламида Макка ва Мадина шаҳарлари муқаддас жойлар ҳисоблангани учун ислом давлатлари ҳукмдорлари ҳар йили бу шаҳарларга вақф маблағи, яъни белгиланган миқдордаги маблағни юбориб туришни ўз шарафли бурчи деб билганлар) Мир Саййид Барака Амир Темурга давлат мустақиллигининг рамзларидан бўлмиш ноғора ва байроқ тортиқ этганлар. Кейинчалик соҳибқироннинг Мозандарон ва Дашти Қипчоқ ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилиб, қўшин руҳини кўтариб юрганлар. Амир Темур у зотга Андхўй (Афғонистон) вилоятини бутунлай “иктоъ” қилиб берган.

Саййид Барака вафот этгач, Амир Темур унинг жасадини Андхўйда дафн этишни буюради. 1409 йил Шохрух Мирзо Мовароуннаҳр тахтини Халил Султондан тортиб олгач, Мир Саййид Барака хокини Андхўйдан Самарқандга келтириб, Амир Темур мақбарасига дафн эттиради. Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги “Тўри Амир” мақбарасидаги Соҳибқирон Амир Темурнинг мангу қўнимгоҳи Саййид Барака қабрининг оёқ томонида жойлашганининг ўзиёқ унинг ўз пирига нисбатан нақадар эҳтиром ва ихлосли бўлганини билдириб туради.

Соҳибқирон Амир Темур “Темур тузуклари”да ҳам ўз пири муршидининг: “Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом авлодидан бўлганларнинг мартабасини бошқалардан юқори кўтариб, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйгил. Уларга қанча кўп муҳаббат билдирсанг ҳам, уни исроф деб ўйлама, чунки, қайси иш Худо йўлида бўлса, унда исроф йўқдир”, деган мактуби мазмунини келтиради. “Темур тузуклари”да яна: “Машойихлар, сўфийлар, Худони таниган орифлар – уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар курдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, мўъжизаларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим” ва яна: “Саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим”, дейилади.

Ўз давлатини мустаҳкамлаш, чегара дахлсизлигини таъминлаш мақсадида жуда кўп юришларни амалга оширган Соҳибқирон Амир Темур давлатининг шимолий ҳудудлари Олтин Ўрда билан чегарадош бўлиб, у мелодий 1376 йилдан кейин, ҳозирда Россиянинг бир қисми, Украина, Қозоғистоннинг ғарбий ерларини эгаллаган. Амир Темур мазкур ҳудудларни болалик дўсти Тўхтамишхонга олиб беради. Аниқроғи, Тўхтамишхон Сирдарёда Днестргача, Сигноқ ва Ўтрордан Киевгача чўзилган улкан салтанат хонига айланади. Бирок, темурийлар сабабчи бўлган бу муваффақиятларидан ғурурланган хоин Тўхтамишхон Амир Темур салтанати ҳудудларини қўлга киритиш мақсадида Соҳибқирон ғарб сафаридалигидан (1381 й) фойдаланиб, Озарбайжон ҳамда Мовароуннаҳрга бостириб киради, Самарқанд ва Бухорони қамал қилади. Лекин бу шаҳарларни ололмайди. 1388 йил Соҳибқирон Амир Темур ўз қўшини билан Тўхтамишхонга қарши Шероздан йўлга чиққанда, Тўхтамишхон юзма-юз тўқнашишдан воз кечиб, Дашти Қипчоққа қайтиб кетади. У Қундузча ҳамда Терек дарёси бўйидаги жангларда мағлубиятга учрайди. Амир Темур Самарқанду Бухорони, Хоразмни қамал қилиб, ғорат қилган, Табризни талаган, Занжирсаройга ўт қўйган Тўхтамишхонга қарши, шунингдек мамлакати шимолий чегараларни мустаҳкамлаш мақсадида яна курашга киришади. Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги ҳал қилувчи жанглардан бири ҳозирги Идил дарёсининг ўнг соҳили,

Самара билан Чистополь ўртасида жойлашган қадимги Кундузча шаҳри яқинида бўлиб ўтган. Амир Темур “Темур тузуклари”да Тўхтамишхон аскарларига нисбатан “чумоли-ю чигирткадан ҳам кўп”, деб таъриф ҳам берган эди.

Шарафидин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида кўрсатилишича, бу воқеа хижрий 793 йили 15 ражадан олти кун ўтиб, (мелодий 1391 йил 18 июнь) содир бўлган.

Жангга киришдан олдин Соҳибқирон Амир Темур икки рақъат намоз ўқиб олади. Сўнг Саййид Барака қуддиса сиррухунинг олдида дуои хайр олишга келганида, у зот қўлларига бир ҳовуч тупроқ олиб: “Шоҳат ал-вужуҳ!” (“Юзлари хунук бўлиб, дабдала бўлсин, бузилиб вайрон бўлсин!”) деган баддуо қилиб, душман томонга сочиб юборадилар ва Амир Темурга қараб, “Қайси томондан ҳужум қилсанг ҳам ихтиёринг, ғалаба сенга ёр!” дея уни ғалаба билан муборакбод этади.

Башорат амалга ошиб, Тўхтамишхон мағлуб бўлиб, қочиб кетади. Голиблар эса жуда катта ўлжа ва ғаниматларни қўлга киритганлар. Уларнинг барчаси аскар ва навкарларга тенг бўлиб берилган. Тарихчилар ғулом ва канизаклардан иборат 5000 та ғаниматларнинг қолгани Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзига текканлигини ёзиб қолдирганлар. Мазкур ғалаба натижасида Мовароуннаҳр ва Туркистон аҳли Тўхтамишхоннинг кўпдан бери давом этиб келаётган таҳдидидан қутулади. Бу эса давлат таянчи Саййид Барака қуддиса сиррухунинг каромати ўлароқ ҳам амалга ошганидан тарих далолат бериб турибди.

Иккинчи воқеа:

Соҳибқирон Амир Темур қурган салтанат нақадар қудратли, маҳобатли ва буюк бўлганига қарамай, унинг вафотидан кейин темурий шаҳзодалар ўртасидаги ўзаро низолар тобора кучайишда давом этди. Темурий султон Абу Саиднинг учинчи ўғли, Ҳисор ва Чағаниён вилоятларининг ҳукмдори Султон Маҳмуд Самарқанд ҳукмдори бўлиб турган ўз акаси Султон Аҳмадга қарши жанг қилиш мақсадида Самарқандга бостириб келади.

Ислом тинчлик дини бўлгани учун уламо ва машойихлар ҳамиша ва ҳамма вақт тинчлик тарафдори бўлиб келишган. Шу сабабдан Султон Маҳмуднинг машъум ниятини англаган ўша давр машойихлари бунга қаршилик билдирадилар.

Ўша даврнинг энг буюк машойихи, тариқат намояндаси, нақшбандийликнинг йирик ҳалқаси Хожа Аҳрори Валий (806-895 х./1404-1490 м.) қуддиса сирруху эдилар. У зот мазкур ҳаракатни қоралаб, Султон Маҳмудга арзнома ёзиб, “Ҳақ рози бўладиган ишга қўл уринг, бир-бирингизга кўмаклашиб, барчангиз бир тану бир жон бўлиб, нуқсонли муаммоларни ҳал этинг. Субҳони ҳақнинг бундай бандаларига аталган камоли инояти бор. Урушни ният қилиш – ўз жонига қарши уруш қўзғамок ва жабр этмокдир!” дея мурожаат этган. Бироқ, Султон Маҳмудга бу мактублар ва ўғитлар қор қилмайди, азиз авлиёнинг панд-насихати ва илтимосларига қулоқ тутмайди. Мелодий 1490 йиллар бошида Самарқанд остонасигача қўшин тортиб келганда биз сизга сўзламокчи иккинчи воқеа рўй беради.

Урушга на қуввати ва на журъати бўлмаган Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Хожа Аҳрори Валий қуддиса сиррухунинг ҳузурига бош уриб келганда Ҳазрати Эшон унга: “Қочсангиз, Самарқанднинг ҳамма одамлари асир олинади. Қаддингизни тик ва қўнглингизни тўқ тутинг. Мен амрингизга мунтазирман. Агар душман мағлуб бўлмаса, мени жазоланг!” деганлар. Сўнг, Султон Аҳмадни мадраса ҳужраларидан бирига киритиб, ўзлари бўсағага ўтириб оладилар. Узоқ йўлда чарчамайдиган йўрға нортую келтиришларини, унга бир неча кунлик сув ва озуқа юклаб қўйишларини буюради. Туяни ҳужра олдида, Султон Аҳмаднинг рўпарасига чўктиришади. Ҳазрати Эшон қуддиса сирруху: “Агар душман

Самарқандни олиб, уруш бўлаётган дарвозадан кириб келса, сиз бу туяга миниб, хос ходимларингиз билан бошқа дарвозадан қочиб кетасиз”, дейдилар. Бу тадбир – Султон Аҳмад юрагидан жанг ваҳимасини қувиб чиқарган таскин эди!

Султон Маҳмуд лашкари Самарқанд қалъаси ташқарисида ҳужумга шайланарди. Бу пайтда Хожа Аҳрори Валий қуддиса сирруху ўзининг хос муридларини Самарқанд аскарлари билан бирга қарши ҳужумга – Ватан ҳимоясига йўналтирди. Уларга: “Душманнинг лашкари шарманда бўлиб қочмаса, ёнимга келманг. Душман лашкари мағлуб бўлмаса, сиз учун менинг даргоҳимга минбаъд йўл йўқ”, дея амр қиладилар. Муридлар Ватан ҳимоясига чоғланар эканлар, ҳамма жойда Хожа Аҳрори Валий қуддиса сирруху ҳазратларининг муборак вужудлари душман билан курашаётганини мушоҳада қиладилар. Душманнинг ҳар бир аскари ўз қаршисида Хожа Аҳрори Валий қуддиса сирруху ҳазратлари урушаётганини кўргандек бўладилар. Жанг энг авжига чиққанида эса қўққисдан даҳшатли тўзон – айлана шамол пайдо бўлиб, душман қароргоҳини қоплаб олади. Тўзон беҳад куюк ва кучли эди. Жангчиларнинг кўзини очирмай қўяди, отлиғу пиёда аралашиб, одам одамни танимай қолади. Шамол чодир ва жанг анжомларини учириб кетади. Султон Маҳмуд ўз амирлари ва саркардалари билан турган жой эса ногаҳон ёрилиб, уларнинг барчаси ва тўрт юзга яқин аскар шу жарлик қаърига кириб кетади. Бу кўрқинчли шовқин-сурондан жангчиларнинг отлари хуркиб, эгаларини олиб қочади. Сафларини қайта туза олмаган душман қўшини қаттиқ кўрқинчдан пала-партиш чекина бошлайди. Илоҳий кароматдан яралган тўзон душман қўшинини шаҳардан анча нарига қувиб солади. Самарқандликлар уларнинг кўпларини асир оладилар, қанчадан-қанча қурол-яроғ, душман ташлаб қочган жиҳозлар ва қимматли буюмлар ўлжага қолиб, уруш босқинчиларнинг тўла мағлубияти билан ниҳоясига етади.

Шундан кейингина Хожа Аҳрори Валий қуддиса сирруху Султон Аҳмадни мадраса хужрасидан ташқарига чиқариб, саройга кузатиб қўядилар ва ўз маҳаллаларига равона бўладилар.

Бундан олдин ҳам Хожа Аҳрори Валий қуддиса сиррухунинг бир каромати зоҳир бўлган эди. Маълумки, қадимги Кустантиния, яъни ҳозирги Истанбулнинг фатҳ қилинишида ҳам тариқат вакиллари, машойих ва сўфийларининг маънавий мадади кузатилган. Фотиҳ Султон Муҳаммаднинг ёнларида унинг пири-муршиди Оқ Шамсиддин қуддиса сирруху шахсан ўзи турганлар. Мелодий 1453 йили 29 майда Истанбул фатҳ қилинган кун Хожа Аҳрори Валий қуддиса сирруху ҳам совутлар кийиб, қўлига қалқон ва қиличлар тутган ҳолда ўз хонақоҳи олдидаги далага чиқиб, уёқдан-буёққа от чоптириб, ҳар тарафга қиличлар солиб, ўзларича ҳар хил жанг наъраларини тортиб, эртадан туш пайтигача “жанг” қилиб тинмаганлар. “Рашаҳот”да айтилишича, кейинчалик унинг сиймосини Истанбул фатҳида қатнашган жангчилар таниб, тарихий фатҳда бирга қатнашганларини ҳикоят қилганлари нақл қилинган...

Учинчи воқеа:

Сурхондарё заминида абадий қўним топган, нақшбандия тариқатининг улуғ вакили, олтин силсиласининг катта ҳалқаси Абдулбоқий Хожагий Имканагий (918–1008 х./1512–1600 м.) билан боғлиқ. Абдулбоқий Хожагий Имканагий нақшбандийликнинг Ҳиндистонда вужудга келган машҳур мужаддиия йўналишининг намояндаси Имом Раббоний қуддиса сиррухунинг пири муршиди Хожа Боқий Биллоҳ қуддиса сиррухунинг устози ҳисобланади.

Тарихий манбаларда Хожагий Имканагий қуддиса сиррухунинг зоҳир кароматларидан бири ҳақида ҳам ёзиб қолдирилган. Ўша даврларда

Мовароуннаҳрда шайбонийлар ва аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Мазкур қаромат ана шу юз йиллик шайбонийлар сулоласининг тугаши ҳамда тарих саҳнасига роппа-роса икки юз йил ҳукмронлик қиладиган аштархонийларнинг келишига сабаб бўлган.

Бу воқеа мелодий 1600 йилнинг баҳорида (мартнинг охиригача, апрелнинг илк кунлари) содир бўлган:

Пир Муҳаммадхон Иккинчи шайбоний султонларнинг энг охиригача бўлиб, Бухорода ҳукмронлик қилган. Унинг амакиваччаси Абдулмўъминхон эса Балхда хон бўлиб турган эди. Бу икки ҳукмдор биргалашиб, ўша пайтда Самарқандга ўзлари ҳоким қилиб тайинлаган, аштархонийларнинг илк ҳукмдори Боқий Муҳаммадхонни бўйсундириб, попугини янада пасайтириб қўйиш мақсадида барча аскарларини тўплаб келиб, Самарқандни қамал қиладилар. Шу вақтда улар қўшини сони 50 000 (эллик минг), самарқандликлар қўшинида эса уч-тўрт минг аскар бор эди. Айрим ривоятларда Самарқандга бостириб келганлар 200 минг нафар, Боқий Муҳаммадхоннинг аскарлари эса оддий ҳоким бўлиб тургани учун бор йўғи 400 (тўрт юз) нафар бўлган, деган маълумотлар ҳам мавжуд.

Воқеа Самарқанд шимолидаги, бир вақтлар Амир Темур Соҳибқирон қурдирган “Боғи Шимол” боғида содир бўлган. Самарқандни қамал қилган қўшин ҳукмдорлари мазкур боғга қароргоҳ тиккан, Самарқанд ҳокими Боқий Муҳаммадхон қалъага қамалиб қолган эди. Босиб келаётган ёв ҳақида узлуксиз ташвишли хабарлар келиб тургани учун шаҳар аҳли ўртасидаги саросима ҳар лаҳзада ортаётганди. Охириги дақиқаларда Боқий Муҳаммадхон шаҳарда бир гуруҳ дарвеш ва сўфийлар қуршовида намоён бўлади ва жанг айнан шу дақиқалардан бошланади:

Бухоро ва Балх қўшини сон жиҳатидан бир неча баробар устунлиги сабаб Самарқандни жангсиз қўлга киритишдан ҳам умидвор эдилар. Умуман, Пир Муҳаммадхон аштархонийларни батамом яқсон қилиб, тарихдан ўчириб ташлашни дилига тугиб келганди. Шу вақт Самарқанд дарвозаси очилиб, ундан аскарлар эмас, ёлғиз бир киши чиқиб келади. Бу инсон аскарга ўхшамас, мутлақо хотиржам, шошилмасдан душман қўшини томон яқинлашиб келаверади. Унинг “имиллаши”дан аскар ва лашкарбошиларда бетоқатлик пайдо бўлади. Пир Муҳаммадхоннинг ҳам тоқатида дарз кетади. Ниҳоят элчи қўшиннинг манглай қисмига етиб келганида, жангчилар ҳолида ўзгаришлар кўрина бошлади. Ҳануз бир тарзда ҳаракатланаётган кимсани тезлаштириш учун от қамчилаб пешвоз чиққан баъзи амирларнинг ҳам шахди ўша инсонга яқинлаша борган сари сўниб қолаверди. Элчи шу тариқа ўз оромида манзилга етиб келгунича рақиб қўшини ва Пир Муҳаммадхоннинг юрагини ёқимсиз гулгула қамраб олганди.

Хон элчини танигандай бўлди. Унинг қаршисида тўқсон ёшларни қоралаган озғин ва узун бўйли, қадди тик оқ соқолли кекса киши турарди. Ҳукмдорнинг эти уюшди.... Нуроний унинг қоронғи кўнгилини алғов-далғов қилди. Бу зоти шариф авлиёи барҳақ, нақшбандий тариқатининг улуғ шайхи, ўша пайтларда Мовароуннаҳр, Туркистон, Хуросон, Ҳиндистон ва Рум каби ўлкаларнинг бош муршиди Мавлоно Хожагий Имканагий қуддиси сирруху эдилар!

Мазкур элчи билан шайбонийлар давлатининг олий ҳукмдори Пир Муҳаммадхон ўртасида музокара бошланади. Аммо қариндошларни яраштириш, катта хунрезликнинг олдини олиш, юрт тинчлигини сақлаб қолиш учун элчи бўлиб келган ул нуроний зотнинг панд-ўғитлари ва маслаҳатлари қабул қилинмайди. Улар шунча узоқ йўл босиб, бунча қўшин билан бирга келиб, яна душманни омон қолдириб, жангсиз, ўлжасиз қайтишни истамадилар.

Музокарада сулҳга эриша олинмайди. Бири бош сўради, иккинчиси омонлик. Бирининг безовталиги, иккинчисининг хотиржамлиги ортиб бораверди. Барибир жанг бўладиган бўлди. Ҳатто у олий зот, тўқсон ёшли нуронийнинг: “Қариндошнинг қариндошини, мусулмоннинг бегуноҳларни ўлдириши, ҳукмдорнинг халқни азоб, машаққатга қўйиши Тангри таолога хуш келмайдиган энг хунук ишлардандир!” дея қилган насиҳатлари ва илтимослари ҳам қор қилмайди.

Элчинининг қайтишини интиқлик билан кутаётган Самарқанд аҳли унинг чехрасида қаҳр ва ғайратни кўрдилар. Ҳазрати Хожагий Имканагий қуддиси сирруху ҳокимнинг олдига келиб, “Эй, фарзанд! Аскаринг камлигидан андиша қилма! Аллоҳ таолонинг мана бу оятини эсга ол”, дея бу оятни ўқиб, тушунтирди:

Яъни: “Қанчадан-қанча кам сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳлар устидан ғалаба қозонган” (Бақара, 249).

“Тангрига таваккал қилиб, душман лашкарига зарба бер! Сенга Мовароуннаҳр мулки муборак бўлсин!” деб, бўлажак подшоҳни қутлайди. Ҳазрати Хожагий Имканагий қуддиси сирруху бўлажак хоннинг елкасига қўлини қўйиб, муборак салласини олиб, унинг белига боғлади. Уни душманга қарши чиқишга йўллаб, ўзи кўҳна масжидга кириб, муроқабага ўтирди.

Самарқанд дарвозасидан чиқиб келган оз сонли аскарлар камал қилиб турган душманнинг кўзига бир неча баробар кўп бўлиб кўринди. Бу жангда сўфийлардан иборат “маънавий фавж” рақибнинг шиддатини сўндириб, уни ҳаракатдан қолдирганди. Чиқиб келган оз сонли жангчилар тўппа-тўғри рақибнинг катта қўшинини ёриб ўтиб, марказга, яъни бош қароргоҳ жойлашган ўтовга ҳужум қилди. Шундоқ ҳам кўнглига ғулғула тушган аскарлардан қочгани-қочди, раҳнамолари ҳалокатга юз тутди, қолган кўпчилик шу жойнинг ўзида Бокий Муҳаммадхоннинг бош ҳукмронлигини тан олди.

Шу тариқа бир оддий сўфий, тариқат муршиди, тасаввуф шайхи, барҳақ авлиёнинг каромати ўлароқ икки юз йиллик аштархонийлар ҳокимияти тарих саҳнасига кириб келади.

Бу тарихий воқеанинг ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтганига шохидлик бериб турувчи маҳобатли иншоот, ҳозирда Қашқадарёнинг Китоб тумани Имкана қишлоғидаги “Хожаги Абдулбокий Имканагий хонақоҳи” ва унинг ёнидаги дахмани муршидининг муборак хотираси учун Бокий Муҳаммадхон қурдирган эди.

Хожагий Имканагий қуддиси сиррухудан муридлари: “Дарвешлар мажлисида Мавлавий Румийнинг маснавийлари ўқилса, не бўлур?” деб сўрашган. У зот: “Ҳадис ҳар кунги мажлисларимиз чироғидир. Набий алайҳиссаломнинг ҳадисларини сўйлагувчиларга Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб туришига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Ҳадисдан сўнггина удир”, деб жавоб берганлар. Хожагий Имканагий қуддиси сиррухунинг давраларида ҳамма вақт ҳадислар тўплами бўлмиш “Мишкот ал-масобех” китоби ўқилиши тарк этилмас одат бўлган...

Юқорида тилга олинган учта тарихий воқеалардан кўринадикки, уламоларни улуғлаш, авлиёларни эҳтиром қилиш, эшонбоболарни ўзининг маънавий мададкори қилиб олиш ҳукмдорларнинг асрий одат ва анъанавий қадриятларидан бўлган. Шу боис мусулмон оламида муршидлар, маънавий раҳнамолар, тақводор эшон боболар, раббоний уламолар, дуолари мустажоб бўладиган сўфийлар, нияти пок имом-домлалар ҳам ҳукумат асоси ҳисобланган. Чунки Аллоҳ таоло тасарруфи ва ёрдами билан бирга маънавий олам борлиги каби авлиёлар каромати ҳам ҳақдир!

“Рашаҳот” даги бадий санъатлар



Баҳриддин
УМУРЗОҚОВ

Мумтоз адабиётимиз асарлари, шу жумладан, тасаввуф ва Хожагон тариқати манбалари энг аввало соғлом ақидага таянган, асослангандир. Мақсад – ёшидан қатъи назар – инсонни, китобхонни, аввало, соғлом ишонч-этиқодга, сўнгра чиройли одоб-ахлоққа, нозик дид ва нафосат асосига пойдор бўлган тўғри фикр-мулоҳазага, соғлом тафаккурга, санъатга, яъни маънавий гўзалликка даъват қилиш, бунёдкорликка, умумбашарнинг манфаатига, ватан равнақиға, ишонч-этиқоди соғлом миллатимизга холис хизмат қилишга чорловдир.

Алий Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”)¹ асари тасаввуф тариқатлари ва сулукларига тегишли ўнлаб манбаларнинг асл мазмун-моҳиятини ўзида тўлиқ жамлаган ва лозим ўринларда эса уларни мукамал изоҳлаган нодир илмий-адабий ва тасаввуфий нодир асарлардан биридир.

Нафақат бизда, балки хорижда ҳам “Рашаҳот” асарининг бадиияти тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки асарнинг бадий мукамаллик даражаси, унда ижодкор томонидан қўлланган адабий илмлар, шеърий ва насрий санъатлар ўзига хос образли тасвирий ифодаларга ғоят бойлиги билан мумтоз адабиётимизнинг энг сара асарларидан бири сифатида ўз жанрида охириги беш юз йилликнинг нодир ижод намунаси эканига далолат қилади.

“Рашаҳот” асари шарқ мумтоз адабиёти бадий насрининг етук намунаси сифатида эътирофга лойик. Аммо ундаги шеърий жанрлар ва санъатлар алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Алий Сафий истеъдодли адиб ва шоир сифатида ўз асарининг шаклини ва мазмунини бойитишда шеърий жанрлар ва санъатлардан унумли фойдаланган.

“Рашаҳот” асарида жами 179 та шеър мавжуд. Шундан маснавий жанрига оид 6 байтдан иборат шеър “Муқаддима” қисмида ўрин олган. Мазкур 3 байт (6 мисра) шеър муаллиф қаламига мансуб бўлиб, у маснавий жанрида ёзилган.

¹Бундан кейин қисқа шаклда: “Рашаҳот”.

Баҳриддин УМУРЗОҚОВ – филология фанлари доктори (PhD). 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Олимнинг ўндан ортиқ илмий ва таржима асарлари чоп этилган.

“Мақола” қисмида эса турли жанрлардаги 106 та шеър мавжуд ва улар жами 212 байтни ташкил қилади. Ушбу шеърлардан 4 таси ғазал, 3 таси қасида, қолганлари қитъа ва рубоийлардан иборат.

“Мақсад-и аввал” деб номланган биринчи фасл (яъни, биринчи боб)да келтирилган шеърлар сони 7 та, байтлар сони 13 та бўлиб, улар жами 26 мисрани ташкил этган. Бу қисмда ўндан ортиқ шахс вафотига бағишлаб ёзилган рубоий-шеърлар мавжуд. Улар “таърих” деб номланган. Бу “таърих” шеърларининг охириги мисрасининг охириги жумласи ёки ибораси ва ёки охириги сўзи абжад ҳисобига айлантирилса (яъни, арабий ҳарф унинг муқобили бўлган, уни ифодалайдиган ҳос санок сонга айлантирилса), ҳосил бўлган санок сон ўша шахснинг вафот этган санасини ифодалайди.

Алий Сафий “Рашаҳот”да келтирган “таърихлар” бу жанрга тегишли ажойиб, ғоят чиройли таърих намуналаридир. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг вафот санасига Қуръони карим ояти билан “таърих” чиқарилганини кўрамиз:

Қитъа. *Жомий, ки буд булбул-и жаннат қарор йофт,
Фий равзатин мухалладатин арзуҳо ас-самоъ,
Килки қазо нўш-и равон бар дар биҳишт,
Тарихиҳу “...Ва ман дахалаҳу кона оминан!”*

Қитъа охиридаги жумла, яъни “...Ва ман дахалаҳу кона оминан!” (نم و انما ناك ملخ) ибораси Қуръони каримнинг “Оли Имрон” сурасининг 97-ояти каримасидан олинган бўлиб, оят маъноси: Кимки унинг ичига, яъни Каъба-и муаззама – Масжид-и Ҳаромнинг ичига кирди, демак, у ҳар қандай хавф-хатардан омонда (бўлди), демакдир.

Ушбу арабий ибора абжад ҳисоби билан ҳисобланса, 1492 бўлади. Бу сана, ҳақиқатан, Абдурахмон Жомийнинг вафот санасидир.

“Мақсад-и дуввум” деб номланган иккинчи бобда мавжуд шеърлар жами 47 та бўлиб, улар 94 байтдан иборат. Бу шеърлардан 6 таси фард (бир мисрадан иборат шеър) жанрига оид, қолганлар шеърлар қитъа ва рубоий жанрларида ёзилган шеърлардир. Бир мисра шеър билан бир катта қасида маъно-мазмунни ифодалаш мумкин. Алий Сафийнинг ёзишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор кўпинча фард айтиш билан бирон шахс ҳақида ва ёки у ёки бу воқеага ўз нуқтаи назарини, фикрини билдирар экан. Бу бир оғиз сўз билан ўз шахсий муносабатини, фикр-мулоҳазасини атрофидаги инсонларга билдириб қўйишдир. Масалан, атрофига одам тўплаб баланд овозда маъруза қилаётган бир кимсани кўриб, ул зот бундай деган: “Наъра камтар зан, ки наздик аст Ёр” (Мазмуни: Камроқ наъра торт, чунки Ёр яқинингдадир, яъни Аллоҳ таоло сендан узоқда эмас. У сенга маънан жуда ҳам яқиндир. Ҳатто У сенинг шоҳ томирингдан – жон томирингдан ҳам сенга яқинроқдир!).

Ва ниҳоят “Рашаҳот”нинг “Хотима” қисмида шеърлар жами 2 тани ташкил қилган. Улардан биринчиси бу Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг вафотига бағишлаб ёзган катта қасида-марсия (таъзиянома)сидир. Иккинчи шеър Алий Сафий қаламига мансуб “таърих” (рубоий) бўлиб, унда “Рашаҳот”нинг тамомланиши абжад билан ифодаланган.

Алий Сафий манокібнавис ва шоир сифатида “Рашаҳот” асарининг матнида мазмун билан бир қаторда бадииятга, хусусан поэтик мукамалликка ҳам алоҳида эътибор берган. Асарнинг узоқ муддатда ёзилгани, яъни ўн

етти йиллик бир муддатда тамомлангани ҳам бундай муваффақиятни таъминлашга хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. У насрда балоғат, фасоҳат усуллари ўз ўрнида ва меъёрида қўллай олган бўлса, назмда эса шеърнинг вазн, қофия, радиф каби унсурларини моҳирона қўллаш баробарида гўзал бадиий шакл ва санъатлардан ҳам унумли фойдаланганини кўрамиз:

*Омад “Рашаҳот”и мо касийру-л-баракот,
Чун об-и Хизр мунфажир аз об-и ҳайот.
Йобанд муҳосибон-и санжийда сифот,
Таърих-и тамомаи аз ҳуруф-и تاحشر (Рашаҳот).*

*(Баракаларга тўла бўлган бизнинг “Рашаҳот” асаримиз,
Ҳаёт булогидан отилиб чиққан Хизр суви эди.
Ёқимли сифатларга эга бўлган ҳисобдонлар,
Унинг ёзилиш тарихини تاحشر ҳарфларидан топурлар.)*

Ушбу мисралар унинг шоирона истеъдоди билан бирга абжад (арабий ҳарфлар билан сон-санокни ифодалаш илми) орқали тарих ёзишда ўзига хос қобилият соҳиби бўлганидан дарак бериб туради. Асар номи (تاحشر) ўша асарнинг ёзиб тугалланган санасини, яъни ҳижрий 909 санани билдириши, ҳақиқатан, ижодкор қобилиятининг ўзига хослигига далолат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биринчидан, Алий Сафий ўзининг отаси Ҳусайн Воиз Кошифий каби деярли барча асарларига абжад ҳисобида мақтов ва эътироф этишга арзийдиган “таърих”лар ёзган. Иккинчидан, балоғат ва фасоҳат илмларини чуқур эгаллаган бу ижодкор “таърих” жанрида шеър ёзишликда замондошлари ва ўзидан кейинги ижод аҳли орасида анча пешқадам бўлганлигини кўрсатади.

Фахруддин Алий Сафий ўз даврида замондошлари Мавлоно Жомий ва Алишер Навоийдек забардаст қалам аҳллари томонидан эътироф этилган истеъдодли шоирлардан бири эди. Бу сўзимизга “Мажолис ан-нафоис” (“Нафис мажлислар”) номли асарида уни эътироф этиб, мақтагани ва ғазалидан бир байт намуна келтиргани ёрқин далил бўлаолади: “Мавлоно Сафий – Мавлоно Ҳусайн Воиз (Кошифий)нинг ўғлидир. Ва ул бағоят дарвешваш ва фонийсифат, дардмандшева йигитдур... Таъ-и хубдур, ушбу матлаъ онингдур:

*Бо лаб-и лаъл ва хатт-и голийа кавн омадаёе,
Ажаб ораста аз хона берун омадаёе”.*

Алий Сафий бир умр ўз устозлари ишончларини оқлашга, ҳатто улар билан баравар, баракали ижод қилишга интилган. У ўз сўзларининг гўзал (ёқимли), осон тушуниладиган ва фойдали бўлишига ҳаракат қилган.

Лирик турлар ичида қасиданинг ўз ўрни бор. Маълумки, лирика инсоний хис-туйғуларнинг, ўй-фикрларнинг ниҳоятда ранг-баранг ифодалангангани билан ўзига хос мумтоз шеърӣ жанр ҳисобланади. Қасида лириканинг асосий жанрларидан биридир.

Қасида “насиб” ёки “ташбиб” деб аталувчи муқаддима қисми (кириш) билан бошланади, сўнг шоир тасвир ва таъриф манбаи ҳақида сўз юритади ва ниҳоят унинг назмий қасидаси дуо ва матлабини баён қилиш билан якун топади. Қасида камида 15 байт бўлиши, кўпи билан эса 50–60 байт бўлмоғи

лозим, бундан кўпроқ ҳажмда бўлиши эса нодирдир. Чунки узун қасида тингловчини ҳам, ўқувчини ҳам зериктиради. Шу боисдан шоир бу нозик хусусни ҳар доим ёдда тутати.

Араб қасидалари уч қисм: насиб (шоир ўз аҳволидан сўз юритади), васф (шоир, масалан, ўз туясини васф қилади, яъни мақтайди) ва ҳамд (қасиданинг асос қисми бўлиб, бу қисмда қасида кимга бағишланган бўлса, ўша шахснинг сифатлари, фазилатлари, шон-шуҳрати баён этилади.) Араб қасидаларидан энг яхшиларидан намуналар ас-Саолибийнинг “Йатимату-д-дахр” асарида келтирилган.

Шарқ мумтоз адабиётида худди девон каби фақат қасидалардан иборат, яъни ҳижо ҳарфлари тартибида жам қилинган форсий қасоид тўпламлари мавжуд. Масалан, Мирзо Бедил қасидалари. ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган аксарият “Куллийот-и Мирзо Бедил” ва “Девон-и Бедил” қўлёзмалари шоирнинг қасидалари билан бошланган ва улар ҳажман бир-биридан катта фарқ қилади.

Ўзбек мумтоз адабиётида қасида кам учрайди. Бунинг сабаби форс-тожик тилига қараганда, ўзбек тилида қасидалар кам ёзилганлигидир.

“Рашаҳот” асарида 4 қасида келтирилган бўлиб, бунда биз Алий Сафийнинг адабий илмлардан илм-и муҳоза²ра дан унумли фойланганини кўраимиз. Илм-и муҳозара – салафлари ижодий анъанасини давом эттирган ҳолда уларнинг асарларидан фойдаланиб, ўша асар жанрида ижод қилишдир.

Араб ва форс-тожик адабиётида қасида ёзган шоирлар девонларида қасида ғазалдан олдин қўйилган. XV аср ўзбек шоирлари Сайфи Саройи, Юсуф Амирий, Ҳофиз Хоразмий, Гадоий, Саккокий, Лутфийлар шу анъанани давом эттиришган. Алишер Навоий эса бундай қилмайди. У ўзбек тилидаги битта қасидасини “Бадойеъ ал-васат” девонида кичик жанрлар орасига қўйган. “Девон-и Фоний”да ҳам ўнта қасидани девон ўртасига жойлаштирган. Алий Сафий ҳам шу йўлни маъқул кўрган ва “Рашаҳот”да биз қасидалар асарнинг ўртасидан ва охиридан ўрин олганини кўраимиз.

“Рашаҳот”даги биринчи қасида бу Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бағишлаб ёзилган. У 19 байтдан иборат. “Рашаҳот”нинг 52 рашҳадан иборат бўлган “Ҳақойик-у дақойик ва ҳикоётлар зикри” фаслида 42 рашҳада мазкур қасида ўрин олган бўлиб, шоирнинг таъкидлашича, бу қасида унинг Хожа Аҳрор ҳузурига иккинчи бор етишгани шарафига ёзилган. Ушбу қасида Хожа Аҳрорнинг маноқиблари, яъни фазилатлари ҳақидадир:

Қасида. *Йор бардошт парда аз рухсор,
Айна тамшуна ёо ули-л-абсор?*

* * *

*Ҳама олий мийон-у з-он аъло,
Шоҳ-и аброр Хожа-и Аҳрор. (134)*

*Мазмуни: Ёр юзидан пардани кўтарди,
Қаерга бормоқдасиз, эй басират соҳиблари?*

²Илм-и муҳозара ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Рустамий А. Ҳазрати Навоийнинг маънавий олами. – Т., 2014. – Б. 32.

*Ҳаммаси олий зотлар-у уларнинг энг аълоси –
Поклик шоҳи бўлмиш Ҳожа Аҳрордир.
“Рашаҳот”да шеърӣ ва бадӣӣ санъатлар*

“Рашаҳот”дан ўрин олган манзумаларнинг деярли ҳаммаси форсий тилда битилган шеърлардир. Алий Сафӣӣ ўзининг барча назмӣ асарларини – қасидалар, достон, ғазаллар, рубоӣӣ ва қитъалар – барчасини форсий тилда битган. Қуйида “Рашаҳот” манзумаларида қўлланилган шеърӣ санъатлар ҳақида сўз юритамиз.

Қофия. “Рашаҳот”да байт, рубоӣӣ, қитъа, қасида каби жанрлардаги шеърларнинг келтирилгани унда энг аввало “қофия”нинг қўлланиши масаласига алоҳида тўхталиб ўтишимизни талаб қилади.

Маълумки, мисраларда ва байтларнинг охирида айнан такрорланувчи сўзларнинг ҳаммаси “радиф” (فردی дейилади³).

Асарда “аст”, “кунад”, “тан”, “буд”, “аст”, “дуруст”, “гўям”, “ту”, “кардам”, “кун”, “мекунад”, “ҳасти”, “бувад”, “нашавад” каби шеърларда радиф қўлланган. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, “Рашаҳот”да келтирилган шеърлар истеъдодли шоирнинг асл ижод намуналари бўлиб, уларни айнан ўзидек шеърӣ ва бадӣӣ санъатлари билан таржима қилиш имконсиздир. Шу боисдан “Рашаҳот”нинг ўзбекча таржимасида таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад томонидан шеърларнинг айнан аслияти келтирилган. Асарнинг арабча, яъни Муҳаммад Мурод Қозонӣ таржимасида аслият ўрнига арабча шеър шакли ихтиёр қилинганини кўрамиз. Асарнинг усмонли-турк тилидаги тилига таржимасида ҳам шеърларнинг мазкур тилга таржимаси берилган. Аммо ҳар икки таржимада ҳам шеърӣ санъатлар яхши ифодааланмай қолган. “Рашаҳот”нинг замонавий тожик тилига ўғирмаси нашрида ҳам шу ҳолни кўриш мумкин. “Рашаҳот”да келган шеърларнинг қофия ва радифлари маҳорат натижасидир. Бу шеърларда қофия назм талаб қилган хусус билан бирга нутққа ўзига хос бир латофат бағишлаганини кўрамиз ҳамда маънони кучайтириш ва таъкид маъноларини ҳам ифодалагандир.

Энди асардаги радифли шеърлардан мисоллар келтирамиз.

“Аст” радифига мисол:

*Ойина-и суврат аз сафар дур аст,
К-он пазиройи суврат аз нур аст (7)⁴.*

Мазкур байтда “дур” ва “нур” сўзлари қофия, “аст” эса радиф вазифасини бажариб келмокда. Бу байтда радиф ҳам қофия сингари таъкид ва кучайтириш маънолари учун хизмат қилган ва байтга ўзгача оҳангдорлик бағишламокда.

“Кунад” радифига мисол:

*Чун зикр ба дил расад дилат дард кунад,
Он зикр буд, ки мардро фард кунад.
Ҳар чанд, ки хосияти оташ дорад,
Лекин ду жаҳон бар дили ту сард кунад (20).*

³Қаранг: Ғиёсу-л-лугот. Жилди 1. Таҳияи матн бо нешғуфтор, мулҳақот, тавзеҳот ва феристи А. Нуров. Душанбе, нашриёти “АДИБ”, 1987. Б. 368.

⁴Асардаги еттинчи шеър.

Мазкур тўртлик – рубой “Ҳазрат Хожа Алий Ромитаний зикри баёни”да келтирилган бўлиб, унда “кунад” сўзи радиф, “дард” ва “фард”, “оташ” ва “сард” сўзлари эса қофия бўлган.

Қофиянинг мураккаб турига ҳам ажойиб намуналар келтирилган. Ана шундай рубойлардан бири бу “эй тан” радифли шеърдир:

*Хоҳи, ки ба Ҳаққ раси, бийо-ром, эй тан,
В-андар талаб-и дўст, бийо ром, эй тан.
Хоҳи мадад аз руҳ-и Азийзон йоби,
Пой аз сари худ соз, бийо Ромий-тан (21).*

Мазкур тўртликда “бийо-ром”, “бийо ром”, “бийо Ром...” сўзлари қофия, “эй тан” ва “тан” сўзлари эса худди юкоридаги каби радифдир.

Ушбу рубой Хожа Алий Ромитанийга нисбат берилган тўртликлардан бири. “Ҳазрат Азийзонга мансуб бўлган шеърлар жумласи-дин турур ва бир китъа ва тўрт рубоий-ким ойтиб турурлар”⁵ ибораси шунга далолат қилади.

“Гўям” радифига мисол:

*Чу гуломи офтобам ҳама зи офтоб гўям,
На шабам, на шабпарастам, ки ҳадиси хоб гўям (32).*

“Кард” радифига мисол:

*Васли эъдом агар тавони кард,
Кори мардон марди тони кард (39).*

“Ҳожиб”. Такрорланувчи сўз ёки сўзлар қофиянинг олдида бўлса, унга “ҳожиб” дейилади. Куйидаги мисолларда “ҳарф” сўзи ҳожиб вазифасида келган:

*“Ҳо” гайб ҳувиййат омад, эй ҳарф-шунос,
Ва анфос-и тўро бувад бар он ҳарф асос (4).*

“шунос”, “асос” сўзлари қофиядир.

Қофия ўз ичига равий, таъсис, дахил, ишбо, қайд, ридф, васл, хуруж, мазид, нойира каби элементларни олади. “Рашаҳот” асарида қофиянинг қуйидаги элементлари учрайди.

Равий қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

1. Қофиядошлик ўзак билан ўзак орасида бўлса, ўзак охирида. Мисоллардаги хирад – адад, ҳад – аҳад сўзларидаги “д” каби:

*Дар мазҳаб-и аҳл-и кашф-у арбоб-и хирад,
Сорист аҳад дар ҳама афрод-и адад.
Зеро, ки адад гарчи берун аст зи ҳад,
Ҳам сурат-у ғам моддаш ҳаст аҳад (11).*

⁵ Фаҳруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт” (Ҳаёт булоғи томчилари). Тар-жимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Нашрга тайёрлаганлар: М.Ҳасаний, Б.Умурзоқ. – Т., 2004. – Б.60.

Мазкур шеърда "арбоб-и хирад", "афрод-и адад" сўзлари жуфт қофия бўлиб, бунга тарсиъ санъати дейилади. Тарсиъ жуда қийин санъатлардан бири бўлгани учун ҳам ижодкор томонидан асарда унинг қўлланилиши кам учрайди.

2. Ўзак билан қўшимча орасида бўлганда ўзак билан қўшимча охирида. Мисоллардаги савол – қол сўзларидаги "л" каби:

*Эй, жамол-и ту жавоб-и ҳар савол,
Мушиқил аз ту ҳал шуда бе-қийл-у қол (53).*

3. Қўшимча билан қўшимча орасида бўлганда шу қўшимчалар охирида такрорланувчи янғроқ товушга равий дейилади⁶. Мисоллардаги дўст – пўст сўзларидаги "т" каби:

*Шодийи жовид кун аз дўст ту,
То наганжи ҳамчу гул дар пўст ту ⁷.*

Байт сўнггидаги "ту" сўзи эса такрорланиб келаётир, радифдир.

Қофия юқорида санаб ўтилган элементларининг иштирокига кўра бир неча турга бўлинади. "Қофия агар равий билан тугаб, унга васл, хуруж, мазид ва нойира қўшилмаган бўлса, муқайяд қофия дейилади"⁸.

Муқайяд қофиянинг етти тури бор бўлиб, Алий Сафий шулардан беш турини қўллаган:

Бу турларнинг биринчиси муқайяд-и мужаррад қофиядир. Унинг хусусияти "таъсис, дахил, ридф ва қайддан холи бўлган, яъни равийнинг ўзи билан чегараланган"⁹лигидир. Масалан:

*Дони, ки маро ёр чи ғуфтаст имрўз,
Жуз мо ба-касе дар манга дида ба-дўз (54).*

"Рашаҳот" асаридаги шеъринг матнларда оҳангдорлик бағишлаган санъатлардан яна бири иштиқоқдир. Иштиқоқ – бир ўзакдан ясалган сўзларни келтириш.

*Дилороме, ки дори дил дар ў банд,
Дигар чаим аз ҳама олам фирўбанд.*

(Таржимаси:

*Дилингни банд қилган дилороминг бўлса,
Кўзингни барча оламдин юмгил!")*

*Чунки гул бигзашту гулиан шуд хароб,
Бўйи гулро аз ки жуям? Аз гулоб?!)*

(Таржимаси:

⁶ Рустамов А. Навоийнинг бадийи маҳорати. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 74.

⁷ Рашаҳот. Т., 2004. Б.310.

⁸ Рустамов А. Навоийнинг бадийи маҳорати. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 81.

⁹ Ўша асар, ўша бет.

*Гул даври ўтиб, гулшан хароб бўлгандир,
Гул ҳидин кимдан қидирай? Гулобдан?!*

Бу байтларда шоир иштиқоқ, яъни ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидан моҳирона фойдаланган. Биринчи байтда “дл-” (دل) ўзагидан ясалган “дил” (دل) ва “дилором” (مارال دل) сўзлари, иккинчи байтда “гл” (لك) ўзагидан ясалган “Гул”, “гулшан”, “Гулоб” сўзлари иштиқоқ ҳосил қилган.

Мумтоз адабиётда шеърий санъатлар ичида, айниқса, лафзий санъатлар фикрни равон, оҳангдор ифодалашда, ўқувчи ва тингловчига эмоционал завқ беришда, маълумотнинг ёдда қолишини оsonлаштиришда аҳамияти катта.

Барча бадий асарлар қатори “Рашаҳот” асарининг ҳам бадий тақомилига бир қанча шеърий санъатларнинг қўлланиши ўз таъсирини кўрсатган.

“Рашаҳот”да насрда ёки назмда отларнинг уюшиб келишига асосланган таъдил санъат ҳам кенг қўлланган. Масалан:

*Равид, эй ошиқон-и Ҳаққ, ба-иқбол-и абад мулҳақ,
Равон бошид ҳамчун маҳ ба-суйи буржи масъудий,
Муборақ бодатон ин раҳ ба-тавфиқ-и амонуллоҳ,
Ба-ҳар шаҳр-у ба-ҳар жое, ба-ҳар даште, ки паймуди.*

(Таржимаси:

*Эй, Ҳаққ ошиқлари, абадий иқболга етишини учун боринг
(илдам юрингиз),
Ой каби бахт ила бурж сари равон бўлинг!
Қайси шаҳар, қайси жой, қайси даштга борсангиз,
Аллоҳнинг омонлик тавфиқи сизларга муборақ бўлсин!)*

Тўртинчи мисрадаги “шаҳр” (رەش), “жой-е” (ىاج), “дашт” (نابايب و تشد) отларнинг уюшиб келишига мисол бўлаолади.

Биринчи ва иккинчи мисраларда юқорида айтиб ўтилган “иштиқоқ”, яъни ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидан моҳирона фойдаланилган. Биринчи мисрада “рв-“ (ور) ўзагидан ясалган “равид!” (ديور) ва “равон” (نور) сўзлари иштиқоқ ҳосил қилган.

Сағбон кўчаси сирлари



Мухлиса РАҲМАТ

САҒБОНМИ, САҲҲОБОН?

Сағбон – Тошкентнинг энг қадимий кўчаларидан бири эканлигини кўпчилик билса керак. Бу номнинг маънисини биров – сакбон, яъни итбоқарлар кўчаси дейишса – айрим олимлар, “Йўк, суқбон, яъни бозор қоровуллари истиқомат қилгани учун бу номни олган”, деб изоҳлашади. Икки аср илгари яшаган муаррих Муҳаммад Солиҳ ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” деган асарида эса бу кўча номининг асл келиб чиқиши “сабаъниён” эканлигини ёзади, бу эса “Еттидан бирини олувчилар”, яъни судхўрлар деган маънони бераркан. Кўча Эски Жува бозорига туташ, пул алмаштириб берувчилар бу ерни ўзларига маскан қилиб олган бўлиши ҳам мумкин. Яна бу кўчанинг номини саҳҳобон – китоб тайёрловчилар ҳам деб изоҳлашади. Бу изоҳ эса кўчамизнинг номига жуда яқин. Хуллас бу номларнинг барчаси кўчамиз тарихининг жуда узоқ замонларга бориб тақалишини кўрсатиб турибди. Эски шаҳарнинг қоқ ўртасидан бошланиб Қорақамиш, кейин эса шаҳар ташқарисидаги Келесгача чўзилиб кетган бу кўча илгари тор, эгри-бугри эди, икки томонидаги уйлар баланд-паст, айримларида тунука ва бошқа қопламали, кўпчилиги эса шундайгина томсувоқли эди. Бизнинг уйимиз ҳам Сағбоннинг бошланишида, шундай кўча юзида эди, ҳовлимиз торгина эди. Мен ва ака-опаларим дунёга келган бу уйда бизнинг жами аجدодларимиз яшаб ўтишган экан. Мен ана шу туғилиб ўсган кўчам ҳақида, унинг тарихи, ўтмиши ва бугунги кунлари ҳақида, энг муҳими – унда яшовчи оқ кўнгил, меҳнаткаш, меҳмондўст одамлари ҳақида, улар каторида яшаб ўтган аجدодларимизу оиламиз, қўшнилариимиз ҳақида ҳикоя қилгим келди.

ЧИҒАТОЙ ДАРВОЗА... КИМНИКИ?

Кўшнимиз Шукур амаки жуда билимдон киши бўлиб, тарихни “Сув қилиб ичиб юборган” эдилар. Бир куни бизникига чиқиб дадам билан суҳбатлашиб ўтирар эканлар ундан:

Мухлиса РАҲМАТ – (1968–2019). Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Сағбон кўчаси сирлари” номли ҳикоялар тўплами нашр этилган.

– Чиғатой дарвозанинг тарихини биласанми? – деб сўраб қолдилар.
– Биламан, Чингизхоннинг ўғли Чиғатойнинг номига қўйилган-да, – деб жавоб қилдилар дадам.

– Йўқ, билмас экансан, эшит, – дедилар Шукур амаки ва бу дарвозанинг тарихини, унинг кимнинг номига қўйилганлигини айтиб бердилар.

Чингизхон Ўрта Осиёга бостириб келиб, бу ерни ўзининг ўғилларига бўлиб берган экан, Тошкент ва унинг шимолидан то Дашти қипчоқча унинг ўғли Чиғатойга теккан экан. Йиллар ўтиб бу катта ҳудудда яшовчи, ҳозирда ўзбек, қozoқ ва бошқа халқлар Чиғатой улуси деб ном олган экан. Бир пайтлар Тошкентнинг чегарасида қурилган ва ғарби-шимолга қаратилган бу дарвозасидан кетган йўл ўша улусга, яъни ўзимизнинг ўзбеку қozoқлар яшайдиган жойларга олиб боради.

– Босқинчи Чиғатой бу дарвозадан ҳеч қачон ўтмаган, у Тошкентда умуман бўлган эмас, – деб ўз ҳикоясини тугатди Шукур амаким. Мен ўша пайтда дадамнинг ёнида ўтириб бу ҳикояни обдан эшитиб, қалбимга жо қилиб олган эдим. Бизнинг кўчамизга яқин бўлган ва ҳали ҳам Чиғатой дарвозаси деб номланувчи жойдан ўтганимда ўша ҳикояни эслаб фахрланиб кўяман: Ҳа, бу дарвоза ўзимизнинг дарвоза, ўзбек халқининг дарвозаси!

ЯШАСИН ТУРКИСТОН!

Ана энди бизнинг Сағбон кўчамизга фақат Русия ва унинг мустамлакаси бўлган Туркистоннигина эмас, бутун дунёни титратиб юборган Октябрь инқилобининг садолари кириб келди. Олдин Оқ подшо ағдарилибди, деган хабар тарқалди. Одамлар бундан хурсанд бўлишларини ҳам билишмасди, хафа бўлишларини ҳам. Ахир кўпчилик йиллар давомида Оқ подшога ўрганиб қолишган, унинг Тошкентдаги губир (генерал-губернатор)и-ю бошқа турли мансабдорларига таъзим қилавериш бўкчайиб қолай деган эдилар-да... Энди Оқ подшосиз қандай бўлар экан? Аммо кўпни кўрган, ўқимишли, тараққийпарвар зиёлилар: “Хайрият, золим подшодан ва унинг хукмронлигидан қутулдик, энди миллий озодликка чиқиб, ўз мустақил давлатимизга эга бўламиз”, дейишиб халқни уйғота бошлаган эдилар. Аммо “Ўз ғамим етмасмиди, мулла Мирфозил туйнукдан тушди”, деганларидек Русияда болшевиклар бош кўтаришди, ҳаммаёқ тўс-тўпалон бўлиб кетди. Тошкентнинг Эски шаҳарида тараққийпарвар жадидлар томонидан халқ намоёишлари уюштирилди, одамлар оқ, яшил матоларга ёзилган “Яшасин Туркистон!”, “Яшасин озодлик!” деган шиорлар кўтаришиб Эски жува майдонига йиғилишди. Жадидлар раҳбари Мунаввар қори ва бошқалар

Мазкур ҳикоялар Мухлиса Раҳмат (Мухлиса Мирсаидова)нинг илк ижод меваси эди. Муаллиф “Ўйлаб топилмаган”, яъни кўрган-кечирганларидан ташкил топган бу ҳикояларида ўзи туғилган ва болалик, ёшлик даврлари ўтган маҳалласи ва қадимий Сағбон кўчасининг тарихи, унда ўтган азиз-алломалар, машҳур сиймолар ва шу билан бирликда унда яшаб келаётган оддий одамларнинг ҳаёти, қувонч ва ташвишлари ҳақида ёзган.

Рафиқам Мухлиса Раҳмат Афсус ижодининг илк мевасини кўролмасдан армонда кетди. Аммо мазкур мўъжазгина асари ундан ёдгорлик бўлибгина қолмасдан Мухлиса Раҳматнинг номини ҳам адабий ижод ихлосмандлари сафига қўшади, деб умид қиламан.

Эътиборингизга “Сағбон кўчаси сирлари”дан парчаларни ҳавола этамиз.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси,
филология фанлари доктори, профессор

минбарга чиқишиб халқни озодликка, мустақилликка даъват қилишди. Одамлар уларни жон қулоғи билан тинглашиб, қарсақлар билан қувватлаб туришди.

Аммо Анхорнинг нариги қирғоғидан бошланувчи Янги шаҳарда аҳвол бутунлай бошқача эди. Бу ерда мусамлакачи рус амалдорлари ва уларни қўллаб-қувватловчилар билан янги чиққан большевиклар ва уларнинг тарафдорлари бўлмиш ишчилар орасидаги тўқнашувлар бошланиб, улар ўртасидаги ўзаро жанглар авжига чиққан эди. Охир оқибат большевикларнинг қўли баланд келиб, Русиядаги каби Тошкентда ҳам ҳокимият уларнинг қўлига ўтди...

Эски шаҳардаги озодлик учун бўлган митингларда менинг Мираҳмад бобом ҳам иштирок этган эканлар. Аммо у кишининг қайноталари Ҳасан аттор бобомиз келиб: “Куёв, эҳтиёт бўлинг, бу большевойларга бас келиб бўлмайди, зинҳор-базинҳор қарши чиқа кўрманг, нақ отворади-я!..” деб огоҳлантириб кетган эканлар. Большевойлар гарчи бизнинг авлоддан ҳеч кимни отишмаса ҳам кўп ўтмасдан Ҳасан аттор бобомизнинг дўконларини, Мирсолиҳ бобомизнинг бор мол-мулкларини, боғ-роғларини тортиб олишган экан...

САҒБОНДАГИ САЗОЙИ ВА ФИДОЙИЛАР

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари. Сағбон кўчасида бораётган одамлар антиқа воқеага дуч келишган эди: Кўча ўртасидан эшакка тескари миндирилиб қўл-оёқлари боғланган, юз-кўзларига қора суртилган бир йигитни бир тўп одамлар қахр-ғазаб билан кузатиб боришар, гоҳ-гоҳ эса: “Ур кофирни! Аяма, ўлдир!” деган хитоблар ҳам эшитиларди. Бу ҳолни кўрган айрим кексароқ, салла-чопонли йўловчилар ҳалиги йигитга қараб ердан тошми-кесакми олиб отиб қўйишар, кўпчилик эса “Ҳой, нима бўпти ўзи?” “Урманлар бечорани...” деб йигитга ачинишиб қўйишарди. Аммо оломон ҳалиги йигитни шу тариқа хўрлаб ҳақорат қилганича қозихона томонга олиб кетишди. Қолганлар эса нима гаплигини суриштиришиб, масаланинг тагига етишга ҳаракат қилишарди. Маълум бўлишича эшакка тескари миндирилиб, сазойи қилинаётган йигит шу маҳаллалик Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли деган тараққийпарвар ёшлардан экан, Уфага бориб ўқиб келган экан, янги чиққан жарида – газеталарга мақола ёзиб турар экан. Унинг тараққийпарварлар раҳбари Абдулла Авлоний томонидан чиқарилган “Турон” номли газетада жоҳил уламоларни танқид қилиб ёзган бир мақоласи чиққан экан, бундан ғазабланган уламолар Мирмуҳсинни тошбўрон қилишга фатво талаб қилиб қозихонага олиб кетишаётган эканлар. Қози ҳам уламоларнинг талабларини қўллаб-қувватлаган эмиш... Кейин маълум бўлишича ёш тараққийпарварнинг яқинлари уни бир илож қилиб оломон қўлидан қутқариб қочириб юборишибди, шу туфайли у ўлмай қолибди.

Тўғри, тараққийпарвар Мирмуҳсин Шермуҳаммадов ўшанда бир тасодиф билан жоҳиллар қўлидан омон қололган эди. Аммо орадан ўн-ўн беш йил ўтиб большевикларнинг бошлаб юборган сиёсий қатоғонидан ҳеч ким омон қололмади: эски шаҳарлик жадидлар раҳбари Мунаввар қори, ёзувчи ва шоирлар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб билимдан, тараққийпарварлар, миллатимизнинг гуллари ҳалок бўлиб кетишди...

ШУРА АКА БИЛАН ШУРА ОПА

Кўчамизда бир нечта боши берк тор кўчалар (тупик)лар бўлиб, улардан бирида Шура ака ва унинг хотини Шура опа яшар эдилар. Улар уруш вақтида Тошкентга кўчиртириб келтирилган оилалардан эди. Биз бу эру хотиннинг исми бир хиллигидан ажабланардик, ахир унда бу исмлар Александру, Александрдан олинганини билмасдик-да... Шура ака елкасига ойна тузатиш кутисини кўйиб олиб кўчама-кўча кезиб “Ойна тузатаман!” деб бақириб юрарди. Бу гапини у жуда қизиқ қилиб “Ту-у-у-затаман”, тарзида айтиб юрар, буни эшитган кўчамиз болалари унинг орқасидан: “Оёғимни кетингга у-у-уза-таман”, деб масхара қилишар, аммо Шура ака бунга хафа бўлмасдан: “Ну, яман балалар...” деб қўяверарди. Шура опа эса уйда ўтириб қоғоз гуллар ясаб уларни чиройли бўяб бозорда сотарди.

Кунлардан бир кун Шура опа бизникига телефонда гаплашиб олиш учун чиқиб қолди. Онам шу куни нон ёпаётган эдилар, Шура опани тандирдан янги узилган иссиққина нон билан сийладилар. Шунда Шура опа нонни олиб кўзларига суртиб, йиғлаб юборди. Онам: “Вой, Шура опа, нимага йиғлайсиз?” – деди. Шунда Шура опа русча-ўзбекчани аралаштириб бир воқеани айтиб берди:

Улар Ленинградда яшаган эканлар, отаси кўча супурувчиси экан. У кўча супураётганда йўлда тушиб-нетиб қолган, ахлат қутиларига ташлаб кетилган қолган-қутган нонларни териб халтасига солиб уйига олиб келар экан. Онаси эса уни бу иши учун қойиб берар ва нонларни ташлаб юбормоқчи бўлар экан. Отаси эса: “Ахир, бу нон-ку, ташлама, бир кунимизга ярайди”, деб чордоғидаги эски бир сандикқа солиб йиғиб қўяр экан.

“Онам сингари биз ҳам отамнинг бу қилиқларидан уялиб, унга: “Ота, нега бунақа қиласиз, ахир уйимизда нонимиз бор-ку?” дердик. У эса: “Сенлар ниманиям билардинглар, бу нонлар бир куни келиб шунақангги асқатади-ки...” деб қўярдилар. Кўп ўтмай отам вафот этди, унинг чордоқдаги сандик тўла нонлари эсимиздан чиқиб ҳам кетди.

Бирдан уруш бошланиб, Ленинград қамалда қолди, очарчилик бошланди. Граммлаб ўлчаб берилган нонга одам тўймайди, нима қилиш керак? Бунинг устига совуқ жондан ўткизарди. Биз уйимиздаги бор ёғоч нарсаларимиз – стол-стулларни, жовонларимизни ҳам ёкиб бўлдик, ҳеч нарса қолмади. Онам чордоққа чиқиб ёкса бўладиган бирон нарса излаётганларида кўзлари ўша эски сандикқа тушибди, очиб қараса – ичи тўла қотган нон эмиш. Буни кўриб онам “Нон!...” дебди-ю, ҳушидан кетибди. Биз унинг овозини эшитиб чордоққа чиқсак онам бечора сандикни кучоқлаб ётган экан, нуқул бизга унинг ичини ишора қиларди. Сандикни очсак, хайҳот, унда нон! Каламушу сичқонлар ҳар томондан тешиб ноннинг анчасини кемириб қўйишган экан, аммо биз ўша қотган нонларни, сичқону каламушлардан қолган урвоғигача едик. Шундай қилиб кўча супурувчи отамнинг нонлари бизни ўлимдан сақлаб қолган...” деди.

Бу воқеани эшитиб онам ҳам Шура опага қўшилишиб йиғладилар, мен эса берида хангу манг бўлиб турардим...

МАРШАЛ РОКОССОВСКИЙНИНГ СОЧ-СОҚОЛИНИ ОЛГАН НОСИР САРТАРОШ

Сағбон кўчасига туташиб кетадиган Чорсу маҳаллалик Носир сартарош урушга чақирилганда “Керак бўлиб қолар”, деб устара-ю, бошқа

сартарошлик асбобларини тугун қилиб туйиб олиб кетган экан. Қарангки – керак бўлибди. Ўзи оддий аскар, ҳамма қатори юради, туради, “атака”га югуради, окопларда яшайди. Аммо қўли бўш қолди дегунча устараю “қирт-қирт” қўл машинкасини ишга солади – мижоз демаган тўлиб ётибди: оддий аскардан тортиб то командирларгача. Бир сафар уни аллақаяққа олиб кетишибди, “Қаерга?” деса – “Борганингда биласан”, дейишибди. Бир ертўлага киришибди, бу ер армия штаби экан. “Каттароқ командирнинг сочини оламан шекилли”, деб ўйлабди Носир сартарош. Қараса рўпарасида ким денг – ўша пайтда фронт қўмондони бўлган машҳур саркарда маршал Рокоссовский турганмиш. Носир сартарош ўзини йўқотиб қўймасдан унга салом берибди, кейин ертўланинг ўртасига қўйилган ёғоч курсига ўтқизиб соч-соқолини олиб қўйибди. Маршал ўзбек сартарошининг маҳоратию эпчиллигига қойил қолиб унинг елкасига “Молодец!” деб қоқиб қўйибди.

Носир сартарош урушдан соғ-омон қайтиб бутун умри давомида сартарошлик қилган экан. Ҳозирда унинг касбини фарзандлари давом эттиришаётган эканлар. Менинг турмуш ўртоғим – таниқли ёзувчи Мухтор Худойкулов ҳам сочини ўша Носир сартарошнинг фарзандларига олдираар эканлар ва суҳбат пайтида юқоридаги воқеани эшитиб келиб менга айтдилар.

ҚЎШНИМИЗ ВИЛЬЯМ АКА ВА УНИНГ ҚИЗИ ИЗОЛЬДА

Мунира опа деган бир қўшнимиз бўларди, нўғай миллатидан бўлгани учун ҳамма уни “Аний” дерди. Унинг бир ўғли бўлиб исми Вильям эди. Аний Иккинчи жаҳон уруши йиллари Тошкентга кўчириб олиб келинган оилалардан эди. Мен қизалоқ пайтимда онам билан уларникига кўп чиқардик. Аний онамни ўзига яқин олар, “Қизим ўрнида қизимсан”, деб ҳам қўярди. Маълум бўлишича унинг онам тенги қизи бўлган экан, аммо уруш пайтида қизи Қозон шаҳрида синглизининг қўлида қолиб кетган экан. Бизникида телефон бўлиб, Мунира опа чиқиб қизи билан гаплашиб турарди. Аммо бир куни у онамга: “Қизим “Мен сендан меҳр кўрганим йўқ, бошқа телефон қилма”, деди”, деб йиғлаб гапиргани эсимда.

Аний Вильям акани ўз миллатдошларидан бўлган бир қизга уйлантирди, улар қиз кўришгач исмини Изольда қўйишди. Мен Изольда билан қўғирчок ўйнардим, аммо Изольда ўзбекчани билмас у гоҳ рус тилида, гоҳ эса мен билмаган (немисча бўлса керак) нималардир деб қўярди. Унинг отаси – Вильям ака новчадан келган ўтқир бурунли йигит эди, сочларини бир томонга тараб юрарди. У шу туриши билан мен киноларда кўрган Гитлерга ўхшаб кетарди. Вильям ака шаҳардаги бир ресторанда овқат ташувчи бўлиб хизмат қиларди, буни онаси бизникига чиқиб телефонимизда у билан гаплашганидан билардик. Бир куни биз Изольда билан ўйнаб ўтирганимизда Вильям ака ишхонасидан биров қайф ҳолатда келди ва уйига кириб кетди. Бироздан сўнг эса у уйдан чиқиб бир қўлини баланд кўтарганча “Хайл Гитлер!” деб бақириб қолди. Мен бу ҳайқирикни эшитиб кўрқиб кетиб: “Вой, Гитлер келди!” деб бақириб юборибман. Ўғлининг бемаъни ҳазилидан жаҳли чиққан Аний уни уриша-уриша уйига тортиб олиб кириб кетди.

Ёшим каттароқ бўлганда бир куни Анийдан: “Нега ўғлингизга Вильяму, набирангизга Изольда деб исм қўйгансиз?” деб сўрадим. Аммо Аний: “Мен кўп китоб ўқийман, немис адабиёти жуда ёқади, шунинг учун уларнинг исмини шунақа қўйганман”, деб қўяқолди. Аммо асл ҳақиқатни кейинчалик Анийни ўз оғзидан эшитдим. Анийнинг эри ҳарбий бўлган экан, улар Қозон

шаҳрида танишиб турмуш куришган экан, Лейла деган қизлари бўлган экан. Кўп ўтмай унинг эрини махсус топшириқ билан Туркия давлатига хизмат сафарига жўнатишибди. Бир неча ойдан кейин у хотини билан қизини ўз ёнига чақиртириб олибди. Улар Истамбул шаҳрида туришар экан. 1937 йилдаги сиёсий қатоғонлар даврида унинг эри қандайдир айблар билан қамоққа олинибди ва унга қўшиб хотинини ҳам қамашибди, қизларини эса Қозондаги синглиси боқиб олибди. Анийнинг бечора эрини суд отувга ҳукм этибди, ўзини эса узоқ Сибирга олиб кетишибди. Бу орада Иккинчи жаҳон уруши бошланибди, Аний эса тутқунликда қолаверибди, уни қамоқхона ичидаги махфий бир заводда мажбуран ишлатишар экан. Қарангки, бу ерга урушда асир тушган немисларни ҳам олиб келишибди. Улар орасида Фридрих деган бир немис зобити ҳам бор экан, ишда баъзан Анийга ёрдам бериб тураркан. Заводда иш оғир, туриш-турмушда ҳаловат йўқ, жуда қийинчилик экан. Қамоқхона тартибига кўра аёллардан кимки ҳомиладор бўлса унга бироз енгиллик берилар, ҳатто озодликка чиқиши ҳам мумкин экан. Аний ўзича: “Балки шу йўл билан қамоқдан қутуларман” деб ўйлабди. Буни сезган Фридрих унга: “Сен жуда қийналиб кетибсан, қамоқдан озод бўлишингга ёрдам берақолай, мендан ҳомиладор бўлақол”, деб таклиф қилибди, Аний ноилоҳ рози бўлибди. Кўп ўтмай унинг ҳомиладорлиги кўзга ташланиб қолибди. “Буни эшитиб Фридрих хурсанд бўлди, – деб ўз ҳикоясини давом эттирди Аний. – Аммо ўзи оғир касал бўлиб қолди. Кўргани борсам – аҳволи оғир, кўзини зўрға очиб менга қаради ва “Муния (у мени шундай деб чақирарди), сен ўғил кўрсанг исмини Вильям, қиз бўлса Изольда қўй”, деди. Мен: “Хўп, сенинг айтганинг бўлади”, дедим. Кетаётсам у мени тўхтатди ва: “Билиб қўй, қорнингдаги боладан бошқа менинг дунёда зурёдим йўқ, уни эҳтиёт қил”, деди кўзи тўла ёш билан. “Хотиржам бўл, уни авайлаб-асрайман...” дедим мен. Кўп ўтмай Фридрих ўлди, мен эса қамоқдан озод бўлиб Тошкентга келиб қолдим ва ўғлим дунёга келди. Отасининг васиятига кўра унга шундай исм қўйдим, унинг қизини эса Изольда деб атадик...”

Ҳа, қўшнимиз Мунира опа кўпни кўрган, не-не балоларни бошидан кечирган жафокаш аёл эди. У шу ерда вафот этди, сағбонликлар унга кўплашиб жаноза ўқишиб қабристонга олиб бориб кўмишди. Вильям ака билан Изольда эса аллақаяқларга кўчиб кетишди...

“КЕЛИШИЛМАГАН ФЕЪЛ-АТВОР”

Бизга шундоқкина қўшни маҳаллада каттагина мансабдор бир киши яшарди, унинг икки қиз бир ўғли бўлиб, улар менга мактабдош эдилар. Кейин қизлари шифокор, ўғиллари Искандар ҳуқуқшуносликка ўқишди. У чиройли, қоматлари келишган йигит эди, маҳалламиздаги Гўзал исми жисмига ярашиғлик бир қиз билан севишиб юришарди. Искандар иккинчи курсда ўқиб турганда унга армия сафига чақирув қоғози келибди. Ўша кезлари Афғонистонда уруш борар, кўп йигитлар ўша ёққа жўнатиладди. Ёлғизгина ўғлидан ажралиб қолишдан кўрққан ота, уни Афғонистондан бир амаллаб олиб қолиб Москва шаҳрига ҳарбий хизматга юборишга эришибди. Лекин афсуски, бечора Искандарни бошқа бало кутиб турган экан, Украинадаги Чернобиль атом электростанцияси портлаганда уларни тўппа-тўғри ана шу ерга жўнатишибди, чунки у хизмат қилаётган бўлинма кимёвий ҳарбий қисм ҳисобланаркан. Тошкентда эса Гўзал Искандарни

кутар, кетма-кет келиб турган совчиларга рад жавобини берар эди. Икки йил ўтиб Искандар ҳам ҳарбий хизматдан қайтди. Ота-она ўғилларини зўр тўй-томошалар билан Гўзалга уйлашди. Маълумки, тўйдан кейин ҳар қандай келинчак очилиб кундан кунга чиройли бўлиб боради, лекин Гўзалнинг эса сира чехраси очилмасди, аксинча у жуда жиззаки ва асабий бўлиб қолганди. Шу зайлда орадан икки йил ўтди. Гўзал уйга борганда онаси доим ундан хомиладор бўлармикин, деб бирор янгилик кутарди. Чунки у билан тўйи баробар бўлганлар аллақачон болалик бўлишганди. Бир куни Гўзал уйига келганда онаси яхши гинеколог шифокор топиб, кўярда-кўймай уни олиб борибди. Шифокор Гўзални кўриқдан ўтказибди, кейин онасига қизининг ҳалиям бокира эканлигини айтибди. Бу хабардан онанинг фигони фалакка чиқибди. Искандар Чернобиль портлаши оқибатида нурланиб, эркалик мижози заифлашиб қолган экан. Бу балони на тузатиб бўларкан, на даволаб. Гўзалнинг ота-онаси қизларини кўп ўтмай ажратиб олиш тараддудига тушиб қолишди. Искандар ҳам ноилож бунга кўнибди. Улар ажрашиш учун судга боришганда судья уларга одатдаги: – “Нима сабабдан ажралишяпсизлар?” деган саволни берибди. Гўзал кўзлари ёшга тўлганича индамай тураверибди, Искандар эса ерга қараб: “Феъл-атворимиз тўғри келмади...” дебди.

Ажралишдан сўнг Гўзалнинг ота-оналари келиб унинг кўч-кўронини олиб кетишди. Бир неча кун ўтгач маҳалладагилар бу ҳовлига жанозага йиғилишди: Искандар оламдан ўтибди. Биров инфаркт бўлибди деса, бошқа “ўзини осибди”, дейди...

ТОР КЎЧАДАГИ КЕНГ КЎНГИЛ ҲОФИЗ

Сағбоннинг кетаверишидаги тор кўчалардан бирида машҳур ҳофиз Мамат ака – Муҳаммаджон Каримов яшар эди. Қадимий ашулалар, мақом устаси бўлган бу ҳурматли инсон кўпчиликка таниш ва машҳур санъаткорлардан саналарди. Турган гапки кўпчилик уни ўз тўй-хашамида кўришни орзу қилар, шунинг учун унинг эшигидан одам аримасди. Айтишларича Муҳаммаджон ака тўйга айтувчилардан кўп маблағ сўрамас, шунинг билан бирга ўзини, ҳунарини ерга ҳам уравермас экан.

Бир куни ҳофизнинг уйига бир маҳалладоши келиб тўйга айтибди ва иложи бўлса хизмат қилиб беришини сўрабди. “Аммо, ҳофиз ака, дастим калтароқ...” дебди у. “Хавотир олманг, тўйингизни яхшилаб ўтказиб бераман”, дебди Муҳаммаджон ака. Қўшни ҳурсанд бўлиб тўй кунини айтиб чиқиб кетибди. Аксига олиб шу куни шаҳардаги бир мансабдор одам тўй қиладиган бўлиб қолибди ва ҳофизга буни етказишибди. “Афсуски боролмайман, бошқа бир одамга ваъда бериб қўйганман”, дебди ҳофиз. “Ўша одам берадигандан икки баробар рози қиламан”, дебди амалдор. “Иложи йўқ”,– дебди ҳофиз. Гапи ўтмаганидан ғазабга минган амалдор: “Бу ҳофиз унвон-пунвон олишини ўйлаб қўйсин...” деб дағдаға ҳам қилиб кўрибди. Аммо ҳофиз орқага чекинмабди – ўша бечораҳол қўшнисининг тўйини зўр қилиб ўтказиб берибди.

Маҳалладошимиз – халқ севган санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон ака Каримов ажойиб қўшиқлари билан бир қаторда ўзининг олий инсоний фазилатларини ҳам хотираларда қолдириб кетди.

“ЧАЙҚОВЧИ”НИНГ ЎҒЛИ

Бизнинг оиламиз анча катта, икки ўғил, тўрт қиз эдик. Дадамлар бензин шахобчасида ишлар, оиламизни боқиш учун эртаю кеч ҳаракатда эдилар. Бир куни мен ундан:

– Дада, нега сиз олий маълумот олмагансиз, ё дадангиз институтда ўқитмаганларми? – деб сўраб қолдим.

Дадам менинг саволимни эшитиб бир зум жим қолдилар. Мен “Дадамни хафа қилиб қўйдим”, деб берган саволимга пушаймон бўлдим.

– Мен ҳам институтда ўқиганман, қизим, – деб жавоб қилдилар дадамлар. – Аммо...

Дадамлар у ёғини айтмасдан оғир тин олдилар. Кейин яна ўйланиб туриб: – Каттароқ бўлганингда билиб оларсан... – деб қўйдилар.

Кейинчалик ойимлардан эшитишимча дадамлар университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқир эканлар. Иккинчи курс босқичига ўтганларида эса уни институтдан ҳайдашибди. Сабаби – оталаритижоратчилик билан шуғулланиб бошқа шаҳарлардан моллар олиб келиб сотар эканлар-у, бир куни милиция уни моллари билан ушлаб олиб “чайқовчилик”да айблаб қамокқа ҳукм қилиб юборишибди. Дадамларни бўлса... “Чайқовчининг ўғли” деб институтдан ҳайдашибди. Дадамлар шунинг учун олий маълумот ололмаган эканлар.

Биз ўша пайтларда баъзи оилаларнинг фарзандлари оталари бирорта сиёсий айб билан қамалгудек бўлса “Халқ душманининг ўғли” деб тазийк остига олинганликларини эшитган эдик. Аммо менинг дадамлар эса “Чайқовчининг ўғли” сифатида шундай “жазо”ланган эканлар...

Nega dengiz suvi sho'r



**Xudoyberdi
KOMILOV**

Xotira

Pishib turar husayni,
Bir boshgina uzaymi?..
Buvijonim uqtirgan,
Nasihatni buzaymi?

– Birovning ko‘zi g‘oyib,
Taomini yeganlar,
Jahannamdadir joyi,
Kuyib yonar, – deganlar.

Aytganlari yodimda,
Majbur qildim o‘zimni.
Yemasam yemadim-da,
Shu chiroyli uzumni.

Garchand, yorug‘ olamda,
Yo‘qlar bugun o‘zlari,
Hamisha xotiramda
Buvijonim so‘zlari.

Xudoyberdi KOMILOV – 1956-yilda tug‘ilgan. Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti (hozirgi TDPU) o‘zbek va qozoq filologiyasi fakultetini tamomlagan. Uning “Kim qanday uxlaydi?”, “Sirli sovg‘alar”, “Mazali kitob”, “Kashfiyotchi chumoli”, “Topqir bolalar” singari bolalarga atab yozilgan she’riy to‘plamlari nashr etilgan.

Soat millari

O'tmishdan kelajakka,
Otilgan edik o'qdek.
Aylanib g'ildirakka,
Oxiri shuni uqdik:

Bizning yurishimizdan
Ibrat oling, odamlar.
Chiqolmasa bir izdan,
Olg'a bosmas qadamlar.

Qancha yugurmaylik biz,
Ishimiz chiqar yo'qqa.
Sababi: bog'langanmiz,
Tepaga, katta o'qqa.

Tortishuv

Men, Sunnatilla, Ashur,
Tortishib qoldik bugun:
"Nega dengiz suvi sho'r?"
Bahs topmadi yakun.

Ashur aytar: – Dengizda
Bo'ladi har nimalar.
Menimcha, cho'kib ketgan
Tuz ortilgan kemalar.

Sunnatilla ham gapni
Joy-joyiga qo'yadi:
– Cho'llardan namakobni
Yomg'ir suvga quyadi.

Mening fikrimcha esa,
Dengizda bor tuz koni.
Ochilar shamol essa,
Yo otilsa vulqoni.

Xullas, gapni bir pasda
Taxmin bilan o'raymiz.
Yaxshisi, erta darsda
Muallimdan so'raymiz.

Bo'ri qo'rqdi qo'zidan

Lof ekan demang so'zim,
So'ylab beray bo'yamay:

Kecha bo‘rini qo‘zi
Do‘pposladi ayamay.

Baho bermang hech kimga
Qarab uning otiga,
Jaranglagan ismiga,
Yoki ulug‘ zotiga.

So‘rab-so‘roqlab o‘zim,
Yetdim gapning tagiga:
Qatnashar ekan qo‘zi
Boks to‘garagiga,

* * *

O‘lat endi quvvatda,
Kezar butun davlatda.
Fuqaro, bek, vaziri –
Hamma uning asiri.

Bas kelgali vaboga
Na hakim, na hokim bor.
Endi buni podshoga,
Aytadigan, hoy kim bor?!

Barining yig'indisi, bilsang ona Vatandır



To'lqin SIDDIQ

“Matematika”

Bitta-bitta qo'shib chiq,
Men aytajak so'zlarni!
Ota, ona, qo'shnilar,
Aka, uka, do'stlarni.

Opa, singil, amaki,
Tog'a, xola, ammani.
Bir-bir qo'shib boraver
Bobo, buvi – hammani.

Maktab plyus mahalla,
Qirlar, soylar, buloqlar,
Yana qo'shuv bir gala
Sigir, echki, uloqlar.

Ularga qo'sh hovlini
Qozon, o'choq va tandir.
Barining yig'indisi,
Bilsang, ona Vatandır.

Ikki plyus bir

Dadam kapitandır, amakim mayor,
Yurt uchun doimo xizmatga tayyor.
Qalbmida orzular, istaklar bisyor,
Katta bo'lsam men ham harbiy bo'laman!

To'lqin SIDDIQ – 1980-yilda tug'ilgan. Samarqand davlat chet tillar institutini tamomlagan. "Elda aziz" deb nomlangan to'plami nashr etilgan.

Ikki plyus bir barobar uchdir,
Mardlar yig'indisi yengilmas kuchdir!
Vatan himoyasi muqaddas burchdir,
Katta bo'lsam men ham harbiy bo'laman!

Qorboboga xat

Dadam dedi: – Bolalar,
Bersam sizga maslahat!
Kim nimani istasa,
Qorboboga yozsin xat!

Oyim qilar qo'shimcha,
Qisqa-qisqa yo'talib:
– Sovg'a tashlab ketadi,
Siz turguncha, ertalab.

Xullas, uxlash oldidan,
Qorboboga yozdik xat.
Akam kitob so'rabdi,
Opam esa shokolad.

Men ham bir xat qoldirdim:
– Salom senga, Qorbobo!
Qurbing yetsa oyimning,
Dardlariga top davo!

Sport

Sport mevasi – sog'liq,
Sog'liq sportga bog'liq.
Sen u bilan mashg'ul bo'l,
Va jahonda mashhur bo'l.

Bor senda kuch va quvvat,
Yana-da bo'l baquvvat.
Sport bilan bo'lsang do'st,
Bo'lmas senda kamu ko'st.

Bayroq

Senda aks etmish osmon,
Tomirimda jo'shgan qon.
Soflik, tinchlikka timsol,
Ko'rkam zamin namoyon.

Quchog'ingda oy kular,
Porlar o'n ikki yulduz.
Hilpirab tur boshimda
Doim, kechayu kunduz.

"To'rt" baho

Qodir hamma fanlardan,
Olar edi doim "besh".
U vaqtini mazmunli
O'tkazardi erta-kech.

Nodir esa aksincha,
Zo'rg'a "uch"ga o'qirdi.
Dars qil desa akasi,
Bahonalar to'qirdi.

Bir kun qaytib maktabdan
Ukasiga Qodirbek
Dedi: – Bugun maktabda
Nechchi olding Nodirbek?

Nodir boshin ko'tarmay,
Sekingina "to'rt", dedi.
Qoyil qolib akasi:
– Ko'rsat qani, tur! – dedi.

Ukasining turishin,
Qodir hayron kuzatdi.
Nodir qo'li qaltirab,
Kundaligin uzatdi.

Qodir dedi Nodirga:
– Uka, sho'ring quribdi.
Sen olgan "to'rt" ikkiga
Teng bo'linib turibdi.

Адабий ҳаёт

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ижодкор ўқитувчиларнинг Республика анжумани бўлиб ўтди. Ўнга яқин ижодкор, фидойи ўқитувчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолиги гувоҳномаси топширилди.

* * *

4 октябрь. Таникли ёзувчи Хайриддин Султоннинг “Бобурийнома” маърифий романининг иккинчи нашри “Шарқ” нашриёт-матбаа компанияси томонидан чоп этилди.

* * *

Туркиянинг Бурса шаҳрида Турк тил қуруми, Турк давлатлари кенгаши, Туркия маданият ва туризм вазирлиги, Отатурк номидаги маданият, тарих ва тил юксак қуруми томонидан ўтказилган “Тилда, фикрда, ишда бирлик – туркий дунё адабиёт (роман) мукофотлари” танловида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султон “Билга хоқон” романи билан ғолиб бўлди.

* * *

6 октябрь. Боку шаҳрида 8-Халқаро китоблар форуми доирасида Ўзбекистон ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таникли шоира Хосият Рустамованинг озар тилида чоп этилган “Лайли дарахтлар”, “Исми Лала эди у кизнинг”, “44 кун” номли китоблари тақдироти ўтказилди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган “Аёлга эҳтиром” Республика ижодий танлови ғолиблари тақдирланди.

1-ўринга таникли шоира Хосият Бобомуродова, 2 та 2-ўринга шоира ва ёзувчи Муҳайё Мирсаидова, Рисолат Ҳайдарова, 3 та 3-ўринга Усербай Алеуов, Замира Рўзиева, Феруза Ориповалар муносиб кўрилди.

* * *

13–17 октябрь. Туркиянинг Бурса ва Кўнё шаҳарларида Туркчанинг халқаро шеър байрами бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик шоирлар – Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Зебо Мирзо ва Шухрат Ориф иштирок этди. Халқаро шеър байрами дастуридан туркча шеърятнинг 14 та буюк шоирлари қаторида ўзбек шоири Рауф Парфига бағишланган тадбир ҳам ўтказилди.

* * *

14 октябрь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Озарбайжон Миллий Мажлис Маданият қўмитасининг эксперти, шоир Акбар Қўшали ва Туркиядан келган бир гуруҳ ижодкорлар билан “Адабий дўстлик – абадий дўстлик” мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда Акбар Қўшалининг ўтган йили ўзбек тилида нашр этилган “Хаёлимни чакирдим” ва турк шоирлари ижодидан жамланган “Кўнгил саёҳати” китобларининг тақдироти ҳам ўтказилди.

* * *

“Маданиятлар чорраҳасида” – “An der Kreuzung der Kulturen” таржима танловида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва таржимон Николай Ильин Ўзбекистон халқ шоири Сирожддин Саййиднинг туркум шеърлари таржимаси учун махсус диплом билан тақдирланди.

* * *

18 октябрь. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Комил Синдоровнинг қаламига мансуб “Терговчи” сериясида чоп этилган 10 та китобдан иборат детектив романлари тақдироти ўтказилди.

* * *

21 октябрь. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги байрами нишонланди. Давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар, ташкилотлар, олий таълим даргоҳлари вакиллари, талабалар, кенг жамоатчилик Адиблар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойида жам бўлишди. Йиғилганлар Туркий шеърият мулкисининг султони пойига бирма-бир гулчамбарлар қўйишди. Адиблар хиёбонида ўрнатилган ижодкорларнинг ҳайкаллари пойида олий таълим муассасалари томонидан байрам тадбирлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

* * *

23–29 октябрь. Наманган вилоятида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!” шиори остида ўтказилган “Маданият қарвони” ҳамда “Маънавият фестивали”да 150 нафардан ортиқ илм-фан, адабиёт, санъат, маданият намояндаларидан иборат гуруҳ иштирок этди. Жойларда бўлиб ўтган учрашувларда Ёзувчилар уюшмасининг 20 нафарга яқин аъзоси қатнашди.

* * *

29 октябрь. “Адабиёт” нашриёти томонидан “Юз шеър” номли китоб икки мамлакат ёшларининг адабий ҳамкорлигида нашр этилди. Унда қозоқ адабиёти ёш ижодкорларининг сара шеърлари жамланган бўлиб, шеърлар ёш ўзбек ижодкорлари томонидан ўтирилган.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Маъруф ЖАЛИЛ. Бир манзилга элтар йўлларнинг бари.....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Эркинжон ТУРДИМОВ. “Икки дунёда ҳам битта Самарқанд”9

НАЗМ

Фармон ТОШЕВ. Яхшиларни қил ҳабибу, айла ёмондин халос.....14

Воҳид ЛУҚМОН. Тақдир қўлидаги мен бир шошқол тош.....31

Тошпўлат ЎРХУН. Айланади замин дард чекиб.....39

Жумагул СУВОНОВА. Дил қуёшга ошиқ, кундузга ошно.....43

Зухра БЕГИМ. Ҳазонрез боғларнинг тинди шивири.....48

Муҳиддин АБДУСАМАД. Орамиз икки кўз аролиғича.....74

НАСР

Собир ЎНАР. Икки ҳикоя. Ҳазан амакимни ўйласам.....19

Юк.....21

Хуршид НУРУЛЛАЕВ. Икки ҳикоя. Сариғ25

Ҳавас26

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ. Орзу-ҳавас. Қатра.....29

Шарифжон АҲМАД. Сарсон изларди ўзини-ўзи. Қисса.....95

Ҳабиб СИДДИҚ. Лаббай, хўжайин. Қисса.....105

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дилором САЛОҲИЙ. Бир мактуб тафсилоти.....53

Барно БҶРОНОВА. Бадий асарда эл тилининг кудрати.....62

ТАЛҚИН

Хуршид СЕРОБОВ. Саҳнада Навоий образи.57

ТАДҚИҚОТ

Шаҳноза НАЗАРОВА. Бармоқ вазнининг қайта жонланиши.....66

Ҳамидуллоҳ АМИНОВ. Каромати ҳақ авлиёлар.....146

Баҳриддин УМУРЗОҚОВ. "Рашаҳот"даги бадий санъатлар.....152

МУШОИРА

Ифтихор ХОНХЎЖАЕВ. Умрим дарддан тизилган шода.....79

Азамат ТАВБОЕВ. Тонгдаги ҳисларинг ёзилар тошга.....82

Орифжон КОМИЛ. Ой чиққанда салом йўллагин.....84

Мавлуда РЎЗИЕВА. Бўйлари бўй чўзган само Самарқанд.....88

Лола ЖЎРАЕВА. Соғинсангиз юрагимга кўчиб яшанг.....91

ҚУТЛУҒ САНА

Менглибой МУРОДОВ. Меҳр ҳам мўл, сеҳр ҳам мўл.....140

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Ҳаёт сабоқлари.....143

ТАҲЛИЛ

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ. Ҳам қуласиз, ҳам қуясиз.....128

АДАБИЁТ ВА ШАҲС

Аббор ҒУЛОМОВ. “Ҳикоя” ҳақида замонавий реклама.....134

МУТОЛАА

Мухлиса РАҲМАТ. Сағбон кўчаси сирлари160

BOLALAR DUNYOSI

Xudoyberdi KOMILOV. Nega dengiz suvi sho‘r.....168

To‘lqin SIDDIQ. Barining yig‘indisi, bilsang, ona Vatandir.....171

Адабий ҳаёт.....174

Шарқ юлдузи

2022

10-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фаркланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

71231-23-65, 71231-23-68 903721438

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@umail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

26.08.2022

Қоғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 7700 нусха.

Буюртма №20

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Ўрозбоев кўчаси, 35-уй
Журнал ойда бир марта чоп этилади

Мусаххихлар:

*Дилфуза Маҳмудова
Моҳира Хусанова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

Раҳматжон Бобожонов

Copyright © “Шарқ юлдузи”